



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИГА УЛКАН
ХИССА КЎШГАН МАРХУМ ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЬАТ
АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТҮФРИСИДА


Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиёс хисса кўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, ҳалқимиз матьнавиятини асрар-авайлашга баҳш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирған бебаҳо илмий-ижодий меросни инобатта олиб, қўйидаги марҳум олим, адаб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансан:

Шуҳрат (Фулом Алимов) – Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 август



шукрал
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2008

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
Ашурали ЖЎРАЕВ

Масъул муҳаррир:
Шомуҳиддин МАНСУРОВ

Муҳаррир: Турғун НАЗАРОВ



ISBN 978-9943-01-217-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008 й.

МУБОРАК ХОТИРА

Мен отамиз – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат домла ҳақида ҳали ҳеч кимга ёрилмаган, айтилмаган хотираларга, ажойиб кузатиш ва таассуротларга эгаман. Кўпчилик яхши билмайдиган ва ҳали-ҳануз тагига етолмаётган воқеаларнинг шохи迪 бўлганман. Буларни вақти келиб, батафсил қоғозга туширман ҳам, эълон қиласман ҳам. Ҳозирча эса, умрларининг сўнги ийларида баъзи воқеаларни эслагим, у кишининг айрим армон ва таскинларидан, энг оғир дамларда намоён бўлган ажойиб инсоний фазилатларидан сўзлатим келди.

Биласиз, отам умрларининг сўнгида оғир дардга чалиниб, ҳассага суюниб қолган эдилар. Тиллари яхши айланмас, гапиришга қийналар, фикрларини тушунтира олмаганларида мен у кишига кўпинча таржимонлик қиласар эдим.

Тўқсон биринчи ёхуд тўқсон иккинчи ийлар миёнаси эди. Телевизор орқали катта бир республика ийини олиб кўрсатила бошлади. Адам одатдагидек курсида ўзларини бироз олдинга ташлаб, икки кафтларию даҳанларини ҳассага тираганча телевизордан кўз узмай ўтирасар эдилар. Республика Президентининг сўзларини диққат билан тинглардилар. Кутимагандаги у кишининг кўзлари намланиб кела бошлади. Нима экан, деб қулоқ оссам, Президент ноҳақ, жабр чеккан Ўзбекистон зиёлилари ҳақида гапирмоқда. Мен ҳам аниқ эшийтдим. Ўша жабр кўрганлар қатори Ҳамид Сулаймон, Шухрат, Сайд Аҳмад, Шукруллолар номи тилга олиди.

Адам қаддиларини тиклаб, бир нималар демоқчи бўлдилар: «Биринчи бор айтиляпти!» – демоқчи

эканликларини тушундим. Бунақа катта йигинда, катта даврада ҳеч айтилмаган, тилга олинмаганды бу нарса. Шу вақтга қадар эътироф этилмаганди. Адамнинг кўзлари намлангани шундан эди!..

Энди билсам, адам жуда кучли ирода эгаси эканлар. Қамалиб кетаётib ҳам, Қозористон лагерларида ётиб ҳам, оқланиб келиб ҳам йигламаган одам, мана энди бутун республика миқёсидаги катта бир йигинда бу ноҳақлик, зулм эътироф этилаёттанидан... кўзлари жиндек намланиб келиб, менга бир нарсалар демоқчи бўлардилар. Шудамда ҳатто мен ўзимни тутолмай қолган, ичимдан бир нима тўлиб-тошиб кела бошлаган эди. Шоирнинг, адабнинг юрагини вайрон қилган ноҳақлик ўзноми билан аталмоқда эди. Зулмга лаънат ўқилмоқда эди. Миллат гулларини адо қилган адолатсизлик ўз баҳосини олмоқда эди. Бунақа вақтда, наинки зулм кўрган инсон, барча пок кишиларнинг кўзига ҳам ёш келгай.

Кези келди, айтиб ўттай. Адам, у киши билан бирга лагерга жўнатилган зиёлилар ўша ерда ҳам жим турмай, адолатсизликка қарши тик бориб, исён кўтаришган ва бутун қамоқни бир неча кун қўлда тутиб туришган экан. Шўро ҳукумати билан шунча вақт келишомай кейин исён бостирилган экан. Мен яқинда ана шу исёнга бағишланган ярим бадиий, ярим ҳужжатли фильмни кўрдим. Адам ўша воқеани бир эслаган эдилар.

Адамиз табиатан камтар, ўзларининг асарларини кўз-кўз қилишни унчалик ёқтирмайдиган одам эдилар. Адолатпарварлик, тўғрисўзликни улардан ўрганмоқ керак эди. Ҳавас қиласлик даражада тўғрисўз эдилар. Бу борада ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан чўчимас, ҳайиқмас эдилар. Бундай юксак инсоний фазилатлар шўро замонасида шараф келтирмаслигини билсаларда, адам ундан тойган эмаслар. Ҳалигача биз шу хислатлари билан фахрланамиз. «Бошга қилич келса-да, тўғрисини сўзла, тўғри сўзингда тур. Ёлғон Оллоҳга ҳам хуш келмайди», — дер эдилар у киши. Бутун ёз-

ган асарларига шу рух сингиб кетгани учун ҳам улар ҳалигача севиб ўқилмоқда, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Яна айтсан, у кишининг ғариблар бошини силовчи меҳрибон қўллари бор эди. Йилт эттан ёш истеъодни қидириб топиб, қўллаб юборишдан, сўз ёзиб бериб, нашриётларга йўллашдан, китоби, асарини чиқаришга жон куйдиришдан чарчамас эдилар. Ана шундай ноёб фазилатлар эгаси эдилар у киши.

Адам чин маънода миллий шоир эдилар. Бу нарса у кишининг табиатларида борлиги учун ҳам ёзганлари барчага тушунарли ва бир ўқишидаёқ ёқиб қолар эди. У киши аждодларимиз қадриятларига содик қолиб, оғир кунида бардошли бўлишга ундовчи, тотувликка чақи-рувчи асарлар битдилар. Эркин ҳаёт, иттифоқлик ва бирлик учун сўз ва қалам билан курашдилар. У киши миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб камол топган эдилар. Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий сингари зотлар тутган насиҳатгўйлик иўлини изчил давом эттиришни хуш кўрадилар. Шу туфайли ҳалқимиз қалбини ром эта оладиган асарлар битишга муваффақ бўлдилар.

Адамизнинг яна бир ажойиб фазилатлари шундаки, у киши нозик қалб эгаси, ижодкор бўлатуриб, ўзлари ўша жамият зулм машинасининг ичидан жабр тортиб чиқиб ҳам юракда гина сақлаб қолмадилар. Бирорвларга ўхшаб, бирорвлар устидан чақимчилик қилмадилар, сафдошларини сотмадилар, елқадошларига тухмат тошларини отмадилар. Бу ёғини Маҳшар кунига қолдириб, ўзлари инсондек яшай билдилар. У киши йигитлигининг энг масъул дамлари қамоқхоналарда кечди, лекин буни бирордан кўриб, бирорга истагани йўқ.

У кишининг ёзганлари минг мاشаққатлар билан ҳаёт юзини кўрди, қанча курашлар эвазига босилиб чиқди. Кўп йиллар эътироф этилмади. Лекин шунда ҳам адеб нолиш нималигини билмади, ёзаверди, Отамизнинг лойи бардош ва камтарлиқдан олинган экан,

маънавий гўзаллик қаршисида асрнинг оғриқлари, жабру жафоларини тан олмадилар. У кишининг руҳи эса ижоддан чарчамасди.

Ва ниҳоят, Шуҳрат домла ўзбек адабиётида роман ёзган адиблар сарасида биринчилар қаторида саналиш шарафига мұяссар бўлдилар. У кишидан «Шинеллийиллар», «Олтин зангламас», «Жанинат қидирганлар»-дек чиройли асарлар қолди.

Эл севган Шуҳрат домланинг қарийб олтмиш йил давомида дунё юзини кўрган маълум асарларини ҳам, адаб ёзув столида, шахсий архивида қолиб кетган но-маълум асарларини ҳам ўзбек миллий маънавиятидан ажратиб бўлмайди. Ўтган XX аср мобайнида ёзилган у ёки бу жанрдаги асарларнинг ҳалқ маданияти тарихидаги ўрни холис белгиланаар экан, Шуҳрат домла қалами остидан чиқсан асарлар ҳам ўз муносиб баҳосини олиши шубҳасиз. Ахлоқий поклик ва ботиний гўзаллик, аждодлар қадриятларига садоқат, оғир кунда бардошли, оиласда ва жамиятда муроса ва тотувлик учун муқаддас сўз ва қалам билан курашган адаб Кatta Адабиётта даҳлдор мавзуларга қўл урди ва уларнинг хуш талқинини яратди.

Отамиз ҳаёт бўлганларида шу баҳорда тўқсонга кирар эдилар. У киши ўрик гуллаганда туғилган эканлар. Ва шу билан бирга ўриклар қийғос гуллаган кезда, 19 апрелда қамоқдан озод бўлиб, уйга кириб келган эдилар. Шу боисдан, биз бу кунни отамизнинг қайта туғилган кунлари, деб биламиз.

Ҳаёт отамизни керагидан ортиқча синовлардан ўтказди. Эҳ-ҳе, бу оғир синовларнинг қай бирини айтай?! Масалан, ўтган асрнинг 30-йиллари охирида ёш шоирни «Усмон Носирнинг думи», деб жиддий таъқиб қилиниши... 40-йиллардаги иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, оғир ярадор бўлиб қайтиши... Асарларнинг чоп этилмаслиги... 50-йиллардаги даҳшатли сургун...

Кейинчалик яна асарларнинг ёруғлик кўрмай, тўхтатиб қўйилиши... Бу ҳам етмаганидек, бир «ижодкор»-

нинг ғаразли хати билан миллатчиликда айбланиши, машҳур устозининг васиятига содик қолганлиги учун яна таъқибга учраши... Ва ниҳоят 1982 йилнинг 6 октябринда оғир касалликка чалиниб, ўн бир йил шу дард билан яшаб ўтиши...

Агар ҳаёт бир одамни, бир ижодкорни синаса шунчалар синар...

Шунча азоб-уқубатлар етмагандек, оила бошига тушган кулфатлар ҳам отамизни четлаб ўтмади. У киши падари бузрукворини, оналарини ва уч сингилларини қора ер бағрига қўйиб, сўнг ўзлари бу бевафо дунё билан видолашдилар.

Биз, фарзандлар у кишининг бирор бир нарсадан полиганини ёки бирорни атайин ёмонлаганини эшитмаганмиз. Отамиз мард инсон, жасоратли қалам соҳиби эди.

Мен бу гапларни Шуҳрат домла отам бўлганлиги учун ёзмаяпман, балки ўтган асрнинг иккинчи ярмida шундай мураккаб ва оғир қисматларни бошдан кечирган жасоратли ижодкор ўтганлигини яна бир бор эсламоқчиман.

Отамизниг муборак номлари, айниқса, мустақиллик йилларида қайта-қайта эсга олинаётгани ва эъзозланнаётгани барча адабиёт муҳлислари каби биз – фарзандларни ҳам бениҳоя хушнуд этаёттир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1993 йилда отамиз Президентимизнинг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирландилар. Бундан отамиз раҳматлик бениҳоя хурсанд бўлганларини кўриб биз, фарзандлари ҳам севинганмиз.

Муҳтарам Президентимизнинг 2003 йил 26 августдаги Фармонига асосан Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса кўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбоблари қаторида Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Шуҳрат (Фулом Алимов) ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Бу Шуҳрат домла ижодининг умрбоқийлигидан дарақдир.

ШУХРАТ СИЙМОСИ

Биз тенгилар адабиёт даргохига кириб келаётган пайтларимизда азамат акаларимиздан иборат ёзувчилар авлоди айни кучга тўлган чоғлар эди. Устозларимиз Faфур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Шайхзодалардан кейин ижод яловини баланд кўтариб турган гайратли бу адилар эллик ёшнинг нари-берисида эдилар. Улар ҳар йили ўнлаб роман ва қиссалар, шеърий туркумлар ёзишдан чарчамас эдилар.

Ўша акаларимиз ҳозирги кунда саксонни қоралаб қолдилар. Афсуски, бу сафдаги қаламкашларнинг кўпчилиги тирикликни тарқ этиб кетишиди. Аскад Мухтор, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шухрат aka. Ҳозир биз катта ёзувчиларимиздан бири Шухрат акани хотирлаётгирмиз. Кўпчиликка мълум, Шухрат қатағон йилларнинг жабрини роса тортган эди. Урушни ҳам бошидан охиригача кўрган. Ҳаммаёқ омон-омон бўлгандан кейин ҳам Шухрат aka тинчлик кўрган эмас. Абдулла Қаҳҳор шаънига отилган маломатларнинг чанг-тўзонлари Шухратнинг оппоқ бошига ҳам ёғилиб турди.

Аттанг, бу меҳнаткаш адаб, бир тўғрисўз инсон бу дунёнинг яхшиликларидан бошқалар қатори баҳраманд бўла олмади. Умуман, тарихга назар ташлайдиган бўлсангиз, ҳамма томони бус-бутун сиймони учрата олмайсиз. Заррин косаларнинг ҳам чети

кемтик бўлиб тураверар экан. Бас, матьлум бўлдики, ўткинчи умрни ортда қоладиган ишу аъмол давом эттириши мумкин экан. Яъни, бирордан яхши, бирордан бундайроқ ном қолар экан. Шухрат ақадан, шубҳасиз, яхши ном қолди. Адид Шухратдан катта ижодий мерос қолди.

Шухрат ака табиатан ҳалол, пок инсон эди. У ёшларга хайриҳоҳлигини яшириб ўтирмас, қўлидан келганча ёрдам қиласарди. Дейлик, бирортанинг тўйи, маъракаси бўлса, ўзи бош-қош бўларди. Қозон-товорқдан тортиб ўчоқдаги ўтинигача суриштириб чиқарди. Тўй қилиб эл олдидан ўтишни хуш кўрарди. Энди ўйласам, хайру садақа ҳам ана шу тўйларга қўшилиб кетаверган экан.

Меҳнатдан қочмайдиган бу инсоннинг ташкилотчи сифатида ҳам Ёзувчилар улошмасига кўп хизмати сингтан. Катта ёшдаги адилар Шухрат ака фаолиятини яхши эслашади. Шухрат ака улошма раҳбариятида, Адабиёт жамғармасида, журнallарда қизғин иш олиб борди.

Менинг ўзим Шухрат аканинг оғалик меҳрини сира унутмайман. У киши бир маҳал: «Кел, иккаламиз бир суратга тушайлик», – дедилар. Тушдик ҳам. Шухрат ака кейинчалик кўп жилдлик асарларининг бир жилдига бирга тушган ўша суратимизни киритибдилар. Мен бу нарсадан бирмунча мутаассир бўлдим. Шухрат ака негадир ўзидан кейинги авлод вакиллари билан хўшлашаётганга ўхшарди. Адабимизни оғир хасталик кўп йиллар мобайнида қийнади. Унинг дил ҳасратларини, ҳолатларини Сайд Аҳмад ака кўп таъсирили қилиб ёзганлар.

Албатта, адабиётимиз тоғлари силсиласида бошини оппоқ қор чулғаган чўққи сингари Шухрат сиймоси ҳам доимо кўзга ташланиб тураверади.

Эркин ВОҲИДОВ

МЕРГАНЛИК МАКТАБИ

Бир сафар сабоги

1963 йил Хоразм учун омадли келган эди. Паҳтадан мисли кўрилмаган ҳосил кўтариб «Машъал» номини олган, мамлакатга донг тараттан эди. Декабрнинг қорли, аёзли кунларида вилоятнинг ҳосил байрамида қатнашиш учун Ёзувчилар уюшмаси топшириғига кўра (у вақтларда ёзувчиларга ҳам топшириқ бериларди) машхур шоир Шуҳрат, унга ҳамроҳ, ва ёрдамчи бўлиб камина Урганчга келдик. Ўшанда мен илк бор таниқли адига бўлган эл ҳурмати, муҳлислар меҳрини кўрган, ҳавас қилган эдим. Кўнглимда, киройи шоир бўлсанг Шуҳрат акадай шоир бўл, деган фикр кечган эди.

Хоразмда бир ҳафта қолиб кетдик. Тантаналар ўтгандан кейин ҳам муҳлислар Шуҳрат акани Тошкентга юборишмади. Ҳар куни зиёфат, шеърхонлик, тонготар ширин суҳбатлар...

Бизнинг бош мезбонимиз вилоят ёзувчилар уюшмаси раҳбари, овчи, ов мавзусида кўп ҳикоялар ёзган Раҳим Бекниёз бир кун эрталаб Шуҳрат акага қўшофиз милтиқ олиб келди. — Бугун овга чиқамиз, — деди у, — айни мавсумда келдингиз, ўрдак, қашқалдоқ, каклик ёрилиб кетган.

Эски «виллис»ни миниб йўлга чиқдик. Шуҳрат ака, Раҳим Бекниёз ов қиласидиган, Эркин Самандар билан мен йиғиб қопларга соладиган бўлдик.

Ўша кечаси қор жуда қалин ёққан экан. Тиззадан қор кечиб яrim кун ов қидирдик.

Ўрдак, қашқалдоқ у ёқда турсин, бедана ҳам кўринмади. Шуҳрат ака Раҳим Бекниёзга ҳазил қилди: — Ёғилиб кетди деганинг қор экан-да? Эркин Самандар устознинг ҳазилини давом эттириди: — Биздан нима отдинг, деб сўрасалар, қорда одим отдик, деймиз.

Шундай қилиб, бизлар учун тушлик тайёрланган қароргоҳга оч қорин ва бўш қоплар билан қайдик.

Хоразмликлар меҳмоннинг кўнглини олиш учун нималар қилмайдилар! Овимиз бароридан келмаганини эсдан чиқариш учун мезбонлар бир ажабтовор мерганлик мусобақасини ўйлаб топдилар. Овдан тежалган ўқларни ичкилиқдан бўшаган шишаларга отадиган бўлдик. Ўйин шарти шуки, ким ўн қадамдан шишани урса, тўла бир қадаҳ мукофот олади.

Биринчи бўлиб мерганлик маҳоратини қирқ йиллик овчи Раҳим Бекниёз кўрсатадиган бўлди. Узоқ вакт мўлжалга олди. Бир неча марта милтиқни тушириб, қўлларини осмонга кўтариб, эй худо, шарманда қилма, деб пичирлаб дуолар ўқиди. Ниҳоят тепкини босгандা варанглаган овоз тараадио, шиша ўрнидан қимирламади. Овчи афсус-надоматлар билан четга ўтди. Қарангки, жанг-жадаллар кўрган, «Шинелли йиллар» романининг муаллифига ҳам омад кулмади. Шуҳрат ака совукни айбдор қилиб қўл силтаб уйга кириб кетди. Навбат каминага келди. Умримда милтиқ тутмаган эдим. Кўзимни юмиб тепкини босдим. «Тепки» деб бекорга айтилмас экан, қўндокдан тепки еб қорга йиқилдим. Лекин омадни қарангки, шиша чилпарчин бўлди. Мезбонлар «ура» садолари билан мени табриклидилар. Қарсаклар остида қадаҳни бўшатдим. Ўша куни ғалаба менда кетди. Отган ўқларимнинг барчаси нишонга тегди. Нечанчи қадаҳ, мени қулатди, эс-

лолмайман. Эрталаб бошда оғриқ, лекин кўнгилда «ғолибик» қувончи билан уйғондим. Нонушта вақтида Шуҳрат ака менга айтган сўзлар ҳали ҳамон эсимдан чиқмайди: — Содда бўлмай қол. Ўн қадамдан сочма ўқ билан шишани уриш эмас, урмаслик учун ҳунар керак. Дўстларимиз бизни хурсанд қилиш учун ҳаракат қилишди. Омад келди, деб ий-қилгунча ичасанми?

Кечаги фурур, кўтаринкилиқдан асар ҳам қолмади. Ўзимнинг алданиб ҳаммага кулги бўлганим алам қилди. Руҳиятимдаги ўзгаришни сезган Шуҳрат ака бироз юмшади: — Булар-ку ўз дўстларимиз. Ҳали сени мақтайдиган, юзма-юз қуийб берадиган, дўст бўлиб душманинг ишини қиласдиган ошналаринг кўпаяди. Ўшанда ҳушёр бўл. Шуни билиб қўйки, шоирни адойи тамом қиласдиган нарса «балли-балли» билан қарсак бўлади.

Бу аччиқ сабоқ умрим йўлларида менга асқотди. Ижодкор деган номга муносиб ҳаёт кечирган, юриш-турища ҳам, одамгарчилиқда ҳам ҳаммамизга намуна бўлган устоз Шуҳратнинг ўғитларини миннатдорчилик билан эслайман. Бир сафар сабоги эса бир умр қалбимда қолди. Бу донишмандана сабоқни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

УЧ МУНГЛИ ҚЎШИҚ

Сўнгсиз имтиҳон

Ҳама обод бўлди,
Бўлмадим обод гастингдан...

МАШРАБ

Ҳаёт одамни умр бўйи синайди, дейишганида, унчалик эътибор қиласдим. Бу ҳам бир гап-да, деб қўя қолардим. Янглишган эканман.

Яшаб ўтган йилларимизнинг энг баҳтли дақиқаларини эслаймиз ва уни умр деб атаймиз. Аммо шу умр бўлса, айрилиқлар, маҳрумликлар, йўқотишлар билан ўтган изтиробли йилларимизни нима деб атаймиз?

Менимча, баҳтли дамларда инсон фаолияти бир қадар суст намоён бўлади. Айрилиқ, чекланиш, изтироб дамларида инсон битта мақсад билан яшайди. Тўсиқларни бузиб ўтиш, чекланишларга, тухматларга қарши кураш жараёнида тобланиб боради. Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади.

Ҳаёт ҳаммамиздан кўра Шуҳратни кўпроқ ва кескинроқ синади.

Ўттизинчи йилларда у ҳаётга ташна, бутун вужудини шеърият қамраб олган, олам кўзларига алвон рангларга чўлғаниб кўринган, дунё тиник, шаффоф нурлардан иборат бўлиб туюлган, эртанги куни энтикиб-энтикиб кутадиган хаёлпараст, ранглардан кўзи қамашадиган, оҳанглардан май ичгандек маст бўладиган, бир сўз билан айтганда, еркўкка сифмаган шоир бола эди.

Шуҳрат ўша йиллардаёқFaфур Гулому Усмон Носирларнинг назарига тушиб қолди. Бу устозлар

эртанги куннинг яхши бир шоири дунёга келаёттганидан қувонган эдилар.

Республика матбуоти унинг шеърларини тез-тез эълон қиласиган, адабий доираларда у тўғрида илиқ-иссиқ гаплар айтиладиган бўлди.

Ёш, умидли шоир қайнаб-тошиб ижод килаётган бир пайтда уруш бошланди. Шуҳрат жангга кетди. Унга шон-шуҳрат ваъда қилган қалами стол устида мунгайганча қолди.

Кавказ тоғларида шиддатли жанглар кетарди. Немис фашистлари Боку нефтини эгаллаш учун жон-жаҳдлари билан интилишарди. Шуҳрат ана шу энг даҳшатли жангларда қатнашди. Тоғ сўқмоқларида, довонларда ёвуз душман билан олишди.

Жанглар тинган, чўққилар тепасида ғаригина бўлиб яримта ой сузуб юрган сахарларда Шуҳрат кичкинагина дафтарчасини харсанг устига қўйиб, шеърлар битарди.

Мен у пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим бўлиб ишлардим. Шуҳратнинг жангдан юборган шеърлари менга келарди.

Шуҳрат оғир жангларда кўп қатнашди, шундай жангларнинг бирида яраланиб, бехуш госпиталга тушди. Узоқ даволаниб, охири қадрдон она шахри – Тошкентта қайтиб келди. Қадрдон қаламини яна кўлига олди. Ўзини ижодга урди. Душманга нафрат кўзгайдиган разабли сатрлар қофозга тўкила бошлади. Вафо, садоқат, муҳаббат ҳақидаги шеърлари газеталарда босила бошлади. Тошкент радиоси кунора унинг шеърларини эшиттиради. У Тошкентта кўчиб келган ҳарбий госпиталларга бориб ярадор жангчиларга, қишлоқларга бориб, фарзандларини соғинган чолларга, кампирларга, эрларидан хат кутиб интизор яшаётган келинчакларга уларни юпатадиган, кўнгилларини кўтарадиган шеърлар ўқиб берарди.

Худди ҳозиргидек эслайман. 1945 йили Ҳамид Фулом, Шуҳрат, Туроб Тўла, Мирмуҳсинлар билан Тошкент радиосидан республика аҳлини Ғалаба байрами билан табриклаган эдик.

Ўша куни Тошкент кўчалари одамга тўлиб кетганди. Одамлар бир-бирларини қутлашарди. Бирори кулган, бирори йиғлаган, бирори энг яқин кишисидан жудо бўлган – улар мунгайиб бир чеккада мотамсаро туришарди.

Шундай қилиб, Шуҳрат уруш йилларининг оғир синовидан сабот билан ўтди.

Тинч, ижодий йиллар бошланди. Шоир Шуҳрат қаламкаш дўстлари билан адабиётимиз ривожига яхши-яхши асарлари билан ҳисса қўша бошлади. Урушда кўрган-кечиргандаридан баҳс очувчи «Шинелли йиллар» романи устида жиддий ишлади. У ижодга шунчалик берилиб кетган эдики, ҳафталаб кўчага чиқмас, кечасию кундузи ухламай ёзарди. Баъзан учрашиб қолган пайтларимизда унинг хоргии, лекин қандайдир қувонч акс этиб турган юзларидан қилаётган ишидан ўзи ҳам мамнунлигини билиб турадик. Аммо унинг бу қувончи узоққа бормади. Ҳаёт уни яна бир синовдан ўтказмоқчи бўлди. Шуҳрат шахсга сифиниш оғатига учради. Ҳали сўнгти боблари битилмаган роман ёзув столи устида қолиб кетди. Бу унинг ҳаётидаги энг даҳшатли синов эди. Шуҳрат букилмади. Тиканли симлар орасида сабот билан, сабру қаноат билан яхши кунларни кутди. Битмай қолган «Шинелли йиллар»нинг сўнгти бобларини кўнглида ёзди. «Олтин зангламас» романининг воқеаларини бобма-боб дилида яратди.

Ниҳоят, у кутган кун келди. Беш йил сарсон-саргардонлик, хўрликлар тугади. Шуҳрат дилида икки романни пишишиб, она юргига қайтди. Чина-кам ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ижод кила-

ди. Шухрат ниҳоятда қийин дамларда ҳам қалами билан дардлаша олди. Чунки у яхши кунлар келишига ишонарди. Ана шу яхши кун учун ўзини тайёрлаш кераклигини биларди. Ана шундай қилмоқ учун одамнинг дилини буюк эътиқод, ҳақиқат тантанасига чексиз ишонч ёритиб туриши керак. Шухрат ана шундай эътиқод билан яшаганди.

Шухрат мана шу энг даҳшатли синовдан ҳам эгилмай, букилмай ўта олди.

«Шинелли йиллар» китобхон қўлига тегди. У кўп вақт ўтмай «Воениздат» нашриёти томонидан рус тилида 100.000 нусхада босиб чиқарилди. Оғир ва машаққатли меҳнат тантана қилди.

Мамлакат бўйлаб хукм сурган турғунлик балоси уни ҳам комига торти. Редакциялар, нашриётлар эшиги унга беркилди. Ҳаёт уни яна синовга чақириди. Барибир у ижод қилишдан тўхтамади. «Кавказ туркуми» шеърларини тутатди. «Олтин зангламас» га нуқта кўйди.

Қисқагина фурсат мобайнида Шухратнинг йўлидаги ғовлар олиб ташлангандек бўлди. Янги роман ўқувчи қўлига тегди. «Кавказ туркуми» Тошкент ва Москвада икки тилда нашр қилинди. Аммо... турғунлик фақат қишлоқ хўжалигига эмас, саноатга эмас, ҳатто маданий ҳаётимизга ҳам соя солган, тўсиқлар ташлаганди. Ана шу тўсиқقا биринчи бўлиб Шухрат дуч келди. Абдулла Қахҳорнинг жанозасидаги нутқи, «Гулистон» журналида босилган мақоласи учун таъқиб остига олинди.

Яна синов, яна имтихон...

Романлари босмахоналарда, шеърлари редакция папкаларида қолиб кетди. У tengilar олтмиш ёшлини нишонлаганларида хукумат мукофотларига, унвонларига сазовор бўлдилар. Аммо Шухратнинг юбилейи муздеккина бўлиб ўтди. Бундай муносабатларга ўрганиб қолганданми, ё иродаси кучли

жаканиданми, ҳарқалай ўзини тутди. Ичидағи аламларини сездирмади. Нолиб юрмади. Ўзини ижодга урди, қалами билан сирлашди.

Ёш эса кетяпти, умр ўтяпти. Бўлар-бўлмасга куйиб, умрни ўтказиб юбормаслик керак, — дея Шухрат янги — «Жаннат қидирғанлар» романини бошлади.

У Ёзувчилар уюшмаси назаридан четда, жимжит яшади. Лекин бир нафас бўлсин, ижод қилишдан тўхтамади.

Турғунлик йиллари ҳам гармседек ўтиб кетди. Шухрат учун завқ-шавқ билан ижод қиласиган пайт келди. Келди, аммо... Ҳаёт уни яна бир бор, аммо даҳшатли синовга торти. У хасталаниб тўшакка ийқилди. Инсоннинг тани темирдан эмас-ку, ахир! Ўттиз йилдан ортиқ чеккан изтироблари ўз ишини қилди. Камситишлар, унугашлар, назардан четга суришлар Шухратнинг соғлигини сўриб олди. У шу ахволда ҳам қўлидан қаламини қўймади.

Шухрат катта шоир, моҳир романнавис. У ҳар қандай шароитда ҳам ижод масъулиятини унутмайдиган ҳалол ёзувчидир.

Шухрат тўғрисида ўйлаганимда, ҳаёт инсонни умр бўйи синовдан ўтказади, деган гапга ишондим.

РЎШНОЛИК КЎРМАГАН ШОИР

Азизим, олтмиш йиллик қадрдоним, наҳотки, энди йўқсан? Наҳотки шу ёруғ жаҳонга ошиқ-сармаст кўзларинг бир умрга юмилди?

Ҳаёт ва ўлим оралиғидаги жуда ҳам қисқа масофани қанчалик машаққат билан босиб ўтганингни қандоқ қилиб унутай?! Ҳаёт бизни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлади. Жазира маҳалларда сарсон-саргардон кездик. Ер ости конларида тирноқ билан маъдан кўчириштэ мажбур қилиш-

ди. Туғилган остонамиздан олисларга ирғитиб ташлашди. Жондан севган қаламимизни қарсилатиб синдиришди. Лекин иродамизни синдирилмадилар. Кўксимиздан имонимизни, қон-қонимизга сингиб кетган Ўзбекистон меҳрини юлиб ололмадилар.

Сен ижод учун, адабиёт учун туғилган эдинг. Ҳеч нарса – айрилиқлар, азоб-уқубатлар шеърият деб аталмиш мўъжизакор кучнинг йўлига ғов сололмади. Бир дошишманд, қўшиқчининг оғзини бекитсанг, кўнгли билан айтади, деганди. Сенинг шеърларинг қорозга эмас, кўнглингта битиларди.

Дўсттинам, сен чумолидек меҳнаткаш ижодкор эдинг. Романларингни ҳар гал вараклаганимда, игна билан қудук қазиган қўлларингни фойибона силаб қўяман.

Инсоннинг икки умри бор: бири ҳаётлигида, бири оламдан ўтганида, дейдилар. Иккинчи умр асосий умр эмиш. Билмадим, бу гапни қайси бир дошишманд ўйлаб топдийкин? Бу гап биронта қорни тўқ, омади чопган одамдан чиқсан бўлса ажабмас. Ахир, инсон бу дунёга нима учун келади? Ёруғ жаҳоннинг жамолига тўйсам, роҳат-фароғатда яшасам, худо берган умримни одамдек яшаб ўтказсам, дейди.

Сен адабиётимиз учун тинмай меҳнат қўлдинг. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштиридинг. Аммо қадр топмадинг.

Узоқ йиллар интиқ кутган хуррият замони келган пайтда яна озроқ яшасанг нима қиласди? Мен ўзбекман, дейишга қўрқадиган, Ўзбекистон менинг Ватаним, дейишга журъат қилолмайдиган замонлар ўтиб кетганини оз бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўрганинг менга таскин беради. Тўлиб-тошиб ёзадиган пайт келгандга тилдан қолдинг, ҳеч бўлмаса шуича китоб битган бармоқларинг қалам тута қолса нима қиласди? Армону қувончларинг, ҳасрату надоматларинг ичингда қолиб кетди-ку!

Фашизмга қарши курашда кўксини ўққа туттан қаҳрамон жангчи эдинг. Тиканли симлар орасида лаҳтак қофозларга роман битган сабрли ёзувчи эдинг. Дўст ғамидан ғамгузор, қувончидан қувонган инсон эдинг.

Қани эди, бу гапларнинг биронтасини тирик пайтингда ўзингта айттан бўлсак, бунчалик алам қиласди.

Бир ўқинчга бир юпанч, дейдилар. Машақатли бўлса ҳам кечирган умринг бекорга ўтмади. Бутун ҳаётингни, уйқусиз тунларингни бағишлиаган адабиётимиз хазинасига жуда катта бойлик ташлаб кетдинг.

ТИЛДА ҚОЛГАН НУТҚ

Шуҳрат каттакон адабиётимизнинг заргар ижодкорларидаи эди.

Энди бу гапни айтишга тилим айланмайди. Ахир, олтмиш йил ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир мартадан кўришиб турган, қувончларингдан қувонган, ғам-апдуҳларингдан ўртанган энг яқин кишинг бир умр қайтиб келмас бўлиб йўқлик қаърига сингиб кетса, ўртанган, ўксиган кўнглингта қайдан таскин топасан?

Ич-ичимдан: «Э, худо, яхши одамларнинг умрини узоқроқ қилиб яратсанг бўлмасмиди?» – деган аламли бир нидо бўғзимга келиб урилади.

Инсон тирик экан, бу дунёга сира ўлмайдиган бўлиб келгандек, ҳаёт юкини орқалаб юраверади, юраверади.

Ҳаёт бировга узоқ йўлни яқин қилса, бировга яқин йўлни узоқ қиласди.

Шоир Шуҳрат учун яқин йўллар жуда узоқларга чўзилиб кетди. Дўстлари уч кунда босадиган йўлни уйилаб босиб ўтиши керак бўлиб қолди.

У ухлаб тушига кирмаган «гуноҳлари» учун 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Энди ижоди кучга тўлган, завқ-шавқ билан, илҳом билан ижод қилиб турган навқирон ёшида туғилган она юрти – Ўзбекистондан олисларга ҳайдаб кетилди. Урушда кўрган-кечиргандаридан баҳс қилувчи «Шинелли йиллар» романни поёнига етмай, нукта қўйилмай қолиб кетди.

Адабиётда эндинга ўз ўрнини топаётган, битта болага ота бўлган шоир хор-зорлиқда, азоб-уқубатлар ичидаги беш йил сарсон-саргардон бўлиб қайтиб келди.

Бу азоблар унинг иродасини буқолмади. Тушкунлик исканжасига қўлини тутиб бермаган Шухрат гина-кудуратларни унугтиб, яна ўзини ижодга урди. «Шинелли йиллар» қайлардадир йўқолиб кетган эди. У кўз нурини тўкиб романни қайтадан ёзиб чиқди. Ва, ниҳоят, роман ўқувчи қўлига тегди.

Аста-секин фарзандлари ҳам, китоблари ҳам кўпая борди. Романи босилиб чиқсанда, ўғли Фикрат тўққиз ёшга кирганди. «Олтин зангламас» дунё юзини кўрганда ўғли Хондамир, «Жаннат қидиргандар» босмага топширилганда ўғли Бобур дастёр бўлиб қолганди.

Унинг уч ўғли уч роман бўлиб дунёга келганди.

Унинг арзандагина қизи Зебо бир эмас, бир неча шеърий гулдаста бўлиб туғилди.

У ўз ҳаётидан рози эди. Китоблари севиб ўқилаётганидан қувонарди. Бу қувоич уни тинимсиз ижод қилишга ундарди. Аммо... қандайдир бир кўринмас куч уни дўстлари сафидан нари итариб турарди. Нега бунақа бўлаётганини у билмасди. Тенгкурлари тақдирланган пайтларда у дил-дилдан қувонарди. Аммо унинг ўзи... Инсон тани темирданмас, ахир: у ҳам вақти келиб емирилади. Бу хил муно-

сабатлар бир куни келиб ўз ишини қилиши мумкинлигини ким ўйлапти, дейсиз?

Ким билади, ёзадиганингни тезроқ ёзиб қол, армон бўлиб қолмасин, деб худо кўнглига согланми, Шухрат кечаю кундуз тинмай меҳнат қиласарди. Охири у тилдан қолди. Бармоқларининг қалам тутишга мажоли қолмади. Энди у на бир сўз айта олади, на дилидаги гапларини қофозга тушира олади.

Кўксига қайнаган илҳом тутғён урганча қолди. Ақлида ғалаён қилаётган фикрлар ғалаён қилганча қолди.

Шухрат ўн йил шу алфозда яшади. Шу ўн йил ичидаги унинг йил ора янги шеърий тўплами босилиб турди. У то дардга чалингунча бу шеърларни ёзиб кўйтган эди.

Шухрат умрининг охирги йилларида ёзни ёзувчиларининг Дўрмондаги ижод уйида ўтказарди. Бошқа пайтларда келолмасди. Неварадари таътилга чиққан пайтдагина келарди. Улар боболарини қўлтиғидан олиб, саир қилишга олиб чиқардилар.

Боғимда авжи луччак шафтолилар пишган пайтда Шухратни олиб киришарди. Бир вақтлар сўзга чечан, сухбати ширин Шухрат энди мўлтираб, жимтина ўтиради. Ичидаги тўпланиб қолган гапларини айттолмай, асабийлашарди.

Шу хил сўзсиз, бир-биримизга мўлтираб қараб ўтиришларимизнинг бирида Шухрат алам билан кўксига муштлай бошлади. Қўрқиб кетдим. Нега унақа қилаётганини билолмай, ҳайрон бўлиб қараб турардим, Ўрнимдан туриб елкаларидан қучоқлаб, юзларини силадим. Унинг кўзларидан юм-юм ёш оқарди. У ичим куйиб кетди-ку, бағрим ёниб кетди-ку, демоқчи бўлган эди.

Бир куни у пешона терини бармоғи билан сидириб кўрсатди. Бу – пешонам бунча шўр бўлмаса-я, дегани эди.

Шундан кейин у чўнтағидан фижимланган бир қоғоз олиб узатди. Узатган қоғозни тиззамга қўйиб, фижимини ёздим. Унда энди ёзувни ўрганаётган болаларнинг машқига ўхшаш қинғир-қийшиқ ёзувлар бор эди. Ҳарфларнинг бири бутун қоғозни энлаб кетган, баъзилари чумолидек майда, бири нималигини билиб бўлмайдиган ҳарфлар эди. Минг уринсам ҳам ўқиёлмадим. Неварасидан ўқиёласанми, деб сўрадим. Ўқиёламан, деди. У бошқа қоғозга «хат»ни кўчирган бўлди. Бола ҳам ҳали унчалик ёза билмас экан. У иккинчи синфда ўқир эди. Ёзувни бир амаллаб ўқидим:

«Мехнатни ўнг қўл қилади,
Тилла соатни чап қўл тақади...»

Бу икки сатр Шухратнинг таржимаи ҳоли эди. Бу икки сатр унинг орзу-армонлари эди. Бу икки сатр ўксик қалбнинг аламли нидоси эди... Шухрат кетди. Қайтиб келмас бўлиб кетди. У хайр деёлмади. Ҳатто қўл силтаб хайрлашолмади ҳам. У сўзсиз, жимгина оламдан ўтди.

Кўз ўнгимда у билан соатлаб бир-биримизга жовдираб қараб ўтирганларимиз қолди.

У дунёдан ном-нишонсиз кетмади. Ҳалқига уч роман, ўнлаб шеърий тўпламлар ташлаб кетди. Қалб ҳарорати, юрак қони билан битилган бу китоблар адабиёт хазинасидан муносиб жой олди.



ЎЗЛАРИ ҲАМ, СЎЗЛАРИ ҲАМ ДИЛБАР АДИБ

Эллигинчи йилларнинг ўрталари, шафқат нималигини билмаган Сталин вафотидан кейин оби-ҳаво сал юмшаган, ноҳақ қамалган зиёлилар энди-энди мудҳиш зинданлардан ўз юрти, ўз оиласига қайта бошлаган қутлуғ давр. Камина устоз Абдулла Қаҳҳор маслаҳати билан Ўрта Осиё Давлат (ҳозирги Миллий) Университетининг охирги курсини ташлаб, Ёзувчилар уюшмасига ишга кирганман. Кунлардан бирида атоқли адаб Абдулла ака хонасига чақириб:

— Эртага уюшмага Шухрат деган шоир келади. У икки катта папка кўтариб келади. Бу унинг қамоқла ёзган романи қўлёзмаси. Сен уларни олиб қолиб, хоҳла уйингда, хоҳла бу ерда диққат билан ўқиб чиқиб, менга фикрингни айтасан. Сени ишга олишда Отанг тўғрисида оғир бир гапни айтиб бергандинг.

Отамлар ўттизинчи йилларнинг бошида САҚУни битириб, 37-йили Чимкентда, райкомнинг биринчи котиби бўлиб ишлаганларида қамалиб, Сибирь ўрмонларида дараҳт кесиб юрган пайтда оғир дардга чалиниб, ўлиб кетганлар, дегандинг. Бу одам ҳам ана шундай кулфатларни бошидан кечирган инсон. Демоқчиманки, унинг қўлёзмасини қунт билан ўқиб чиқ. Агар асари пичоқса илинадиган бўлса, уни пашр қилишга ёрдам берайлик.

Эртасига Шухрат ака устоз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, айнан икки папкадан иборат катта қўлёз-

мани олиб келдилар. Муаллиф баланд бўйли, қорачдан келган хушқад, хушсурат инсон эдилар. Гапсўзлари ҳам хуш ёқадиган инсон эканлар.

Романлари нашр этилгандан кейин Шухрат ака ҳам Ёзувчилар уюшмасига ишга келдилар. Биз бир неча йил бир бино, бир хонада ишладик. Кейин у киши «Шарқ Юлдузи» журналига масъул котиб бўлиб ўтдилар ва у ерда ҳам адиллар ҳурматига сазовор бўлдилар. Бир-икки йилда бир нечта шеърий асаллари бирин-кетин чоп этилди. Шухрат аканинг китоблари пештахталарда қолиб кетганини кўрмаганман. Аксинча, у кишининг хоҳ назмда, хоҳ насрда ёзилган китоби чоп этилиши билан қўлмақўл ўқиларди. Қисқа вақт ичида Шухрат ака машҳур ижодкорга айланди.

Бу орада ҳукумат пойтахтнинг Чилонзор туманида қурилган янги уйлардан бирини ёзувчилар ихтиёрига берди. У ерда ҳам бирга яшаб, бирга ишлашдик. Чилонзорга кўчиб боргандар орасида марҳум Иззат Султон, Озод Шарафиддинов, Ваҳоб Рўзиматов, Самир Абдуқаҳдор ва бошқа ёзувчилар бор эди. Дам олиш кунлари биз Чилонзор чойхонасига чиқиб, то чарчагунча мириқиб гурунглашиб ўтирадик.

Кейинроқ Шухрат ака ҳам, Озод ҳам, камина ҳам участка олиб, уй қуриб, Бодомзор маҳалласига келиб қолдик. Ўша йиллари Шухрат ака «Жаннат қидирганлар» романини ёздилар. Романин каминага ҳам ўқишга бердилар. Муҳокама давомида сал қаттиқроқ гапириб юборган эканман, Шухрат ака:

— Бор, жўна! Танқидларинг асоссиз. Роман ҳақида фикр юритишга ёшлиқ қиласан! — деб койиб бердилар. Лекин бу билан орамиздан ола мушук ўтмади, борди-кедиларимиз тўхтаб қолмади. Ҳурматимиз узилмади.

Шухрат ака сўнгти йиллари, ҳатто касалга чалинган чоғларида ҳам қаламни қўлдан ташламадилар. Ўша йиллари у киши «Беш кунлик куёв» деган саҳна асари ёздилар. «Ёш гвардия» (ҳозирги А. Ҳидоятов номидаги) театрида қўйилган бу асар Шухрат ака ҳаёт вақтидагина эмас, ундан кейин ҳам кўп йиллар саҳнадан тушмади.

Шухрат ака адабиётта ҳам, театрга ҳам шухрат келтирган асаллар яратди.

Шухрат ака серфарзанд, тили ширин, қалби кенг ва доимо яхшиликлар қилиб юрадиган самимий инсон эдилар. Фарзандларининг ҳаммаси яхши инсон бўлиб етишдилар.

Мен нафақат тили, ёзган асаллари ҳам ширин бўлган бу бағри кенг, зеҳни ўткир, ўзи дилбар Инсонни ҳозиргача яхши туйфу, яхши сўз билан эслайман.



ШУҲРАТЛИ ШУҲРАТ АКА

1961 йилнинг кузаги, ноябрнинг охирлари бўлса керак, ўзбек халқининг ардоқли фарзандлари фаҳрли бир воқеа муносабати билан жам бўлгандар. Бу воқеа атоқли навоийшунос, ўзбек маданий қадриятларини тўплаш, тадқиқ этиш ва оммалаштирища фаровон хизмат қилган ҳормас-толмас, шижаатли ва фидойи адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймоннинг бекёс хизматлари эътироф этилиши – унинг докторлик диссертациясининг ҳимояси билан боғлиқ эди.

Йигинда академиклар Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Яхё Гуломов ва бошқа буюк олимлар қатори элда жуда машҳур шоир ва адаб Шухрат (Гуломжон Алимов) ҳам бор эдилар.

Уларни билганлар «Шухрат домла» дер, биз яқин кишилар «Шухрат ока» дер эдик. Шухрат оканинг қийин ҳаётларини ўйлаганимизда ул кишининг ироди ва матонатига қойил қолар эдик ва Айюб пайғамбар қисмати эсга тушар эди. Ул муҳтарам зотга уруш ва қатағон йиллари тортган азоб-уқубатлари етмагандек, умрларининг охирини ҳам инсульт касали қийноғида ўтказдилар. Улуғ Фирдавсийнинг:

Дона торитан чумолига берма озор,
Жон ширинцир, ўшанда ҳам ширин жон бор,—

деган гапга бутун умр амал қилган, бирор кимсага озор бериш у ёқда турсин, барчага фақат меҳрибонлик қилган кишига, чин инсонга бу дарднинг ёпишишиadolatsizlik кўринади менга. Билмадим, бу қатағон йиллари чеккан азоблари натижаси эдими ёки Худойи таоло Айюб пайғамбар сабр-бардшини синаб кўргандек, Шухрат домла чидамини ҳам синаб кўрдимикан? Унда Шухрат ока бу синовдан мислсиз чидам, матонат ва ҳалоллик билан ўтдилар, десак ҳеч муболага бўлмас.

Энди Ҳамид Сулаймон уйидаги йиғилишга қайтайлилар.

Юқорида зикр қилинганидек, бу йигинда Шухрат ока ҳам иштирок этган эдилар.

Йигин қатнашчилари бирин-кетин чиқиб, муҳтарам домла Ҳамид Сулаймонни табриклаб, унинг қилган ишларини таърифлаб, бу кун ўзбек маданиятининг улуғ тантанаси эканини таъкидлар эдилар. Дарҳақиқат, шундай куплардан бири эди-да.

Шухрат ока ҳам бир ажиб ҳолатни бошларидан кечирар, чеҳралари мунаввар, кўзлари ёник, хушчақчақ ва мамнун ўлтирас эдилар.

Суҳбатлашиб ўлтирас эканмиз, ҳар бир сўзларидан ниҳоятда юксак кайфият ифори уфуриб турар эди.

Тўрт-беш киши табрик сўзини айтишгандан кейин Шухрат ока ҳам ўринларидан туриб, ўзларига хос салобат билан сўз бошладилар:

— Мен Ҳамид Сулаймон оғайним билан, — дедилар оҳиста, — узоқ сафарда танишганман. «Дўстингни сафарда сина», деган гап бор. Мен бутун виждоним билан айтаманки, дўстим дўстлик ва одамийликнинг барча жиддий синовларидан менинг наздимда шараф билан ўтган. Зоро, у жуда оғир,adolatsizsafer синовлари эди. Унда бизларни ватанга хиёнатда айблаб, ўз туқсан халқимизга қарши қўйишмоқчи бўлган эдилар.

Мен ўзимга нисбатангина эмас, дўстимга нисбатан ҳам бу айбларнинг батамом қуруқ бўхтондан иборат эканини билар, бунга имоним комил эди.

Мана менинг эътиқодим тамом исботланди. Ҳақ жойига қарор топиб, қадрдан дўстим сафардан қайтиб келгач, маданиятимиз ва маърифатимиз учун қанчадан-қанча қадриятларимизни тиклаб берди. Халқимиз олдиаги бурчини адо этди.

Мен ҳам қайтиб келгач, халқим олдиаги бурчини оқлашга ҳаракат қилиб меҳнат қилдим. Мана шу меҳнатим самараларидан бир қисмини қадрли дўстимга тортиқ қилмоқчиман...

Шуҳрат ока ёnlарида курси устида турган бир бойлам китобларни олиб, Ҳамид Сулаймонга армугон этдилар.

Улар орасида «Шинелли йиллар» романи, «Мангулик», «Кавказ дафтари», «Сенинг севгинг» ва бошқа лирик шеърлар, балладалар тўпламлари ҳам бор эди.

Уларда шоир уруш хотиралари, сафар таассурутлари, ёр, диёр, ватан соғинчи каби муқаддас туйгуларни ниҳоят инсоний бадиий пардаларда таранум эттанлигини ўқиганлар яхши биладилар.

Мазкур воқеа бот-бот менинг эсимга тушиб турди. Қандай жирканч вақтларни бошимиздан ўтказган эканмиз, халқимизнинг икки буюк ўғлонига қуруқ тухмат уюштирилганлиги эсга тушган сари қалбим зирқираб кетади ва мустақилликка минг-минг шукурлар қиласман.

Шуҳрат окани мен шахсий равишда кейинроқ танидим. Бошқа ёзувчиларни ҳам шундай. Сабаби шундаким, мен ўрта мактабни битиргач, армияга чақирилган эдим. Армия хизматим тутамай уруш бошлианди ва мен саккиз-тўққиз йил армияда қолиб кетдим. 1947 йилдагина армиядан қайтиб, университетга ўқишга кирдим ва уни тутатдим. Шундан

сўнгтина адабиётшунос бўлиб республикамиз адабиёт оламига кирдим.

Урушдан олдинги ва уруш йилларида мен Шуҳрат ока шеърларини газета, журналларда кўрсам, ўқиб юрар ва шундай шоир борлигини билар эдим, холос. Ул кишининг меҳру садоқатдан баҳс этувчи кичик лирик шеърлари менга ёқар, урушда кўкрагимдан ўқ тегиб, оғир яраланиб қайтганимда ва муолажада бўлган пайтларимда ҳам ул шоирнинг севги, вафо, садоқат, сабру қанот ҳақидаги шеърларини севиб ўқир эдим.

Мана, мен ишга тушгач, бошқалар қатори ул киши билан ҳам танишдим.

Мен ул киши билан бир жойда ишламаган бўлсан ҳам, ёзувчилар улошмасидаги мажлисларда ёки нашриёт йўлакларида кўп учрашар, бальзан бир дам сухбатлашар эдик. Эсимда бор, Наврўз байрамини тиклаганимизда мени топиб табриклаган ва алоҳида шодлик изҳор қилган эдилар.

Бу шундай бўлган эди.

«Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида «одоб-ахлоқ» қўмитаси тузилган эди. Унга машҳур олимимиз академик Қори Ниёзий раҳбарлик қиласар эдилар. Мен ҳам аъзо эдим. Олтмишинчи йиллар боши. Бир куни Қори Ниёзий домла менга қараб:

— Наврўз байрами динийми? — дедилар.

— Йўқ, у диний маросимларга кирмайди, — дедим мен. — У мусулмончиликдан анча аввал таъсис этилган. Бу ҳақда Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳам маълумот бор.

— Ҳа, мен ҳам шундай деб биламан, у умуман дехқонлар, меҳнаткашлар байрами. Мана шу байрамни тикласак бўлмасмикин?

— Яхши бўлади, — дедим.

Кейинги йиғидишимизда домла менга:

— У кунги гапимиз бўйича мен тегишли идоралар билан гаплашдим. Рози бўлишди, — дедилар.

— Энди телевизорга бир чиқиш тайёрласак, ўзим олиб бораман, сиз Наврўз тарихини гапириб берасиз, Карим Маҳмудов Наврўз таомлари ҳақида. Мен эсам илгарилари қишлоқларда Наврўзни қай тартибда байрам қилишгани ҳақида гапираман, — дедилар.

Шундай бўлди. Февраль ойининг охирги кунлари телевизорда қирк, беш дақиқалик кўрсатув ташкил қилдик.

Шундан кейин Шухрат ока мени табриклаган ва:

— Жуда соз бўлди-да, буни бутун ҳалқимиз севинч билан қабул қиласди, — деган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳалқ катта қувонч билан қабул қиласди ва барча вилоят, қишлоқларда катта-катта сумалак қозонлари қайнатилиб, Наврўз кутиб олинадиган бўлди.

Шароф Рашидовдан кейин келган баъзи Республика раҳбарлари яна Наврўзга ҳужум уюштирилар.

Шухрат окага келсанак, мен шул воқеа муносабати билан ва кейинчалик, борди-кечдилик дўст бўлиш натижасида, ул кишининг ўзбек ҳалқининг урф-одатларига ва бошقا Қадриятларига қанчалик содик ва умуман ўзбекона танти ва диловар киши эканликларини тушунган эдим. Бу ўринда мен яна бир нарсани эслашим лозим.

Шароф Рашидовнинг таклифлари билан «Шарқ мумтоз адабиёти намуналари» силсиласида китоблар нашр этила бошланди. Бу иш менга топширилган эди. Биринчи тўрт китоб — Умар Хайём, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий, Маҳтумқули шеърларидан тўпламлар ўзбек ва рус тилларида 1976–1977 йилларда нашрдан чиқкан эди. Буни

кўрган Шухрат ока ҳам ажиб бир севинч билан мени табриклаган ва бу ишда оқ йўл тилаган эдилар.

Бу силсила ҳам ҳалқ орасида катта эътибор козонди ва жуда машҳур бўлиб кетди. Унда чиқкан ҳар бир китобни мен Шухрат окага ҳам тақдим қиласми эдим, ўша шоирлар ҳақида сұхбатлар эдик.

Эсимда бор, Умар Хайём рубоийлари, Саъдий Шерозий «Гулистон»и ҳақида гаплашганимизда кўпларини ёдан билишлари гувоҳи бўлдим.

Шухрат ока устозлари мактабининг содик шогирди сифатида мумтоз адабиётимизни теран фаҳм этар, кўп шоирлар асарларини ёд билан эди.

Адабиётимиз ва маданиятимизга сидқидилдан фидокорона хизмат қилган ва авлодлар учун эскирмас бадиий мерос қолдирган бул зот, заргарона ижод соҳиби бошига қандай иш тушмасин, ўзини ижодга уриб, меҳнатга берилиб, сабот ва эътиқод билан, сабру қаноат билан енгар эди.

Унинг романлари, очерклари, балладалари, лирик шеърлари ҳам кишини ҳаётга, эркка, ҳалолликка,adolатга, инсонга меҳрибонликка ундаиди ва чуқур фалсафий мушоҳадаларга чорлайди. Шухрат окани билган, унинг асарларини ўқиган ҳар бир инсон бунга имон келтиришига ишонаман.



АЙ, ШУХРАТ АКАМ-А...

Шұхрат аканинг номларини тилга олишим билан күз олдимда бақувват, барваста, оппоқ соchlари силлиқ тараплан, күкраги қалқондек мағрур ва ҳаракатчан инсон келади. «Инсон» дедим, үзимдан узоқлаттандай бўлдим, йўқ, инсоним келади.

Мен у киши билан жуда унақа Қалин, сирдош бўлмаганман, бундай бўлишга интилаганим ҳам йўқ. Бизнинг муомала – устоз-шогирд, ёши улуғ адаб билан ёш қаламкашнинг ўргасидаги холис муносабатлар даражасида эди. Илло у киши ўзларини шундок тутар, мен ҳам ишқаланиб боравермас ва ўзимни жилла тортмас ҳам эдим. Қолаверса, ичимда...

Ичимдаги ҳадемай сиртимга чиқади: ана шу жараённи кўрсатувчи бир неча мулоқотлар ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

I

Усмон Германияда хизмат қиласди. Бир куни Эркин кўнғироқ қилиб: «Шукур ака, Усмон отпускага келди. Соат олтиларда уйингизнинг пастидаги «Лаззат» кафесига борамиз...» – деди. Мен айтилган вақтда иссиқ кийиниб, пастга тушдим. Улар иккевлон келиб туришган экан. Усмоннинг эгнида малла, пахмоқ пўстин. Жуни ўнг қилиб тикилган бундай пўстинни сира кўрмаган эдим. Бориб қучоқлашиб кўришдим.

- Айик бўп кетинг-а!
- У ёқда шундок ҳам бизни «русский медведь» дейишади, – деб кулди Усмон.

Кафега кириб ўтирдик. Ёш офицернинг костюми ҳам антиқа эди. Бунинг устига, дастурхонни тўлдириб ташлатди.

– Ҳа, Шухрат акам хурсанд бўлдилар, – деди Усмон. Кейин Эркинга қўлини чўзди. Эркин чўнтағидан узунасига буқланган «Меҳнат ва турмуш» журналини олиб берди. Усмон журналнинг тегишли саҳифасини очиб, олдимга суриб қўйди. – «Шарқ юлдузи» пўстинда қолди... – Кейин қўлининг орқаси билан журналга урди. – Эй, бу Шухрат ака қанақа одам-а! Йўқ, мен бунақа меҳрибон инсонни кўрганим йўқ. Ишонинглар. Бутун танишдим, холос! Бир соат бўлди. Журнал редакциясига излаб бордим. Учрашдик. Ярим соат гаплашдик. Мендан Германия ҳақида сўрадилар. «Шинеллийиллар»ни ёзаётган эканлар... Ҳалиги воқеани айтиб берганимда, мени ўпдилар. «Сени шундай тасаввур қиласдим», дедилар...

Журналнинг очиқ турган бетига тикилсан, Усмон Азимовнинг шеърлари: «Мен сени ҳеч кимга бермайман...», «Мени севинг ва мендан нафратланинг...»

«Оқ йўл!» Шухрат...

– О-о, табриклайман, Усмонжон... Бу – биринчи чиқишингиз-а матбуотда!

– Биринчи. Унгача шеър ёзишимни Эркин, сиз, Муҳаммаджон, Ҳалима, яна бир-икки киши билишарди...

– Шухрат ака-чи?

– Юборувдим-да шу шеърларни. Таваккал «Шарқ, юлдузи»га. Шухрат ака у ерда ишлар эканлар, кўлларига тушитти. Мана, «Оқ йўл» билан чиқариптилар. Нимага? – Усмон – қайсар, баъзан

шафқатсиз бўлиб кетади. Аммо унинг таъсиrlаниши ҳам осон. Шунда қарасам, кўзи филт ёшга тўлган. – Нимага? – деб панжаларини очиб кўрсатди. – Мен нима каромат кўрсатдим у кишига? Нега мунча одамгарчилик, меҳрибонлик? А, Шукур ака? Буни Қандай тушунса бўлади?.. Ёки катта шоирларнинг ҳаммаси ҳам шундайми?

– Йўқ, – дедим. – Мен насрда фақат Абдулла Қахҳорнинг шунақалигини билардим.

– А, у киши сизга хат ёзган-а?

– Қизиқ. Абдулла ака Шуҳрат акани яхши кўрарди, назаримда. Олтмиш йилликларида Шуҳрат ака баковуллик қиласан... – Кейин, Шуҳрат ака билан ўша даврада иккинчи марта мундай бемалол танишганимни айтиб бердим.

Абдулла аканинг Дўрмондаги боғи. Музика, ўйинкулги. Бирор кириб, бирор чиқяпти. Уй олдидаги атрофи очиқ айвонда казо-казолар ўтиришишти. Раҳматли Шароф ақаям бор. У киши кетгач, Шукур Бурҳонлар келиб қолишиди. Тепада жой бўлмаганидан пастдаги санобарлар тагига тортишиди. Абдулла ака мамнун, пастга эниб, Шуҳрат аканинг ёнига бориб ўтириди. Бирпасдан кейин биз тарафга йўл олдилар. Биз – бир гуруҳ улфатлар бир саф бўлиб ўтиргандик: Турғун Азизов, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, мен... Устоз келиб дастурхонга дастлаб тикилдилар-да:

– Шишаларнинг ранги ўчиб кетипти-ку? – дедилар. Кейин елкалари оша қараб, чақирдилар: – Шуҳрат! Шуҳрат, қайдасан? – Шуҳрат ака айвон биқинидаги гаражда – таванхонада эканлар. Лорсиллаб-гурсиллаб етиб келдилар. – Фақат вино қопти, – деди Абдулла ака. – Буларни олдиргину – конъяқ қўйдиргин... Буларни биласанми? Шулардан фойда бор... – Биламан. Мана бу шляпасини ечмай ўтирган – Шукур, – деб санай кет-

дилар Шуҳрат ака ҳар биттамизга кўз қисиб. Кейин буюрдилар: – Қани бўлмасам, юр орқамдан, Шукур!

Орқаларидан бордим. Учта конъяқ, бир лаган газак бердилар.

Кейин:

– Андижонга кетмоқчисизларми? – деб сўрадилар.

– Ҳа, – дедим. – Тўлан Қўзибоев уйланаётган экан. Умарбеков билан бирга ишлайди...

– Яхши ўтказиб келинглар... Шошма, йўл узоқ, Кетаётганларингда, менга учрагин. Кўп нарса ортиб қолади ҳали. Йўлда еб-ичиб кетасизлар...

– Раҳмат, Шуҳрат ака.

– Мен сенинг асарларингни ўқиб тураман. Ҳеч кимга ўхшамайсан. Шу томонинг менга ёқади. Лекин сюжетни қизиқроқ қилиш учун француздарни кўпроқ ўқиш керак.

– Хўп, Шуҳрат ака.

2

Мен ушбу воқеани айтиб берганимдан кейин Усмон пешонасини икки бармоғида қисиб:

– Қаранг, йўлга деб... йўл ғаминиям еб... Йўқ, у одамга мен қойил бўлдим, – деди. – Қайтиб кетгунингча уйга бор, дедилар. Албатта бораман... Эй, келинглар, ўша одам учун ичайлик! Мен юртни соғиниб келган эдим. Умуман, Берлинда мувакқат эканмиз, керилишлар ҳам жонга теккан эди... Бир гал бир кампирни ўрнидан турғизганимда ийрлаб юборди. Кўприқда ўтириб қолган экан. «Қўлингни бер» дейман, бермайди. Худди қўлини берса, мен уни сувга отиб юборадигандекман. Охири тортиб турғаздим-да, кетдим. Ҳей, ундей жойга бориб қарасам, яна ўтириб опти...

— Қани, Шұхрат акам омон бұлсın.. Эй, у одам чиндан ҳам қызық, Үзининг яхшилигини оддий бир ҳаракатдай билади. Худди шундай қилиши керакдай... Холбуки мени, мени... шоир сифатида маълум қилди! Бунинг масъулиятини бўйнига олди. Тағин «сени шундай деб тасаввур қилардим», дейди. Демак, мени тасаввур ҳам қилипти, ўйлапти.

3

Мени тағин бир нарса ҳайрон қолдирдигина эмас, кўнглимни вайрон қилади.

Элликка кириб қолдим. Ўшанда халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати деган унвонлар олдим. Сир эмас, анчайин қаламкашлар ҳам бундай тугал саналарда Ёзувчилар уюшмасига кириб, юқоридаги маҳкамаларга мактуб битиб, ўзларининг йилликларини нишонлашни сўрашар, табиийки, шу асно бир кўриниб қолишини, балки бирон нишонга эга бўлишни исташар эди. Қолаверса, «юбияр»ни туғилгану туғилмаган вилоятларига олиб бориш, китобхонлар билан учраштириш, сўнг сарполар кийдириш — булар расм эди.

Бироқ камина бу борада батамом тескари фикрда эдим. Ҳамон бу фикрим ўзгаргани йўқ, гарчи...

Ўшанда Дўрмонда эдим. Ёмғир ёғиб турганди. 24 март. Мени йўқлаб Усмон, Эркин, хотиним, қизим боришлиди. У ерда ижод қилаётгандардан уч-тўрт киши қўшилишлиди. Низом Комилов, Машраб, Николай Гацунаев...

15-хонани (люкс хонани) икки соатга ижарага олиб ўтиридик. Кейин меҳмонлар кетишлиди. Бор гап шу. 50 ёшимни нишонлаб бўлган эдим.

Ўша кезларда Ёзувчилар боғига қўшни бир боғ Адабий жамғармамиз томонидан сотиб олинган ва ерсиз адилларга бўлиб берилганди. Менгаям 5,5

сотих ер текканди. Баҳорнинг ўтишини кутдим. Ерни тартибга келтирмасдан бурун бирон нарса қилиш — фойдасиз бўларди. Ёзгача деиг, пули бор ҳамкасларимиз иморат қуришга киришиб кетишиди. Бизнинг боғ — иккинчи дача машиналар юрадиган йўлга айланди. Айниқса, кранлиси юрса, ерни чўқтириб юбораркан. Хуллас, ёзга чиқавериб, ернинг атрофини четан девор билан ўрашга тутиндим.

Бир куни ҳаво дим, иссиқ эди. Мен кичкина ўғлим Жаҳонгир билан катта йўл ёқаларидан судраб келганимиз ҳар хил шохларни ерга қадаб, тагини шиббалаб, четан қураётган эдик. Каттакон дарвозадан яп-янги мовий «Волга» кириб келди. Тўхтаб сигнал берганди, мен бошимни кўтариб қарадим. Қандайдир таниш киши кўрингандек бўлди. Тахминан эшикча ўрнатаман деган жойдан нарёққа чиқсан, Шұхрат ака мошинадан тушяпти.

— Салом, Шукур ака! — деб бақирди рулда ўтирган Бобур. Кейин ниманидир қўлтиқлаб уям ерга тушди.

Шұхрат акага яқинлашувимоқ бағрини очди. Кулиб, чаккамдан ўпиб:

— Кўлга кир. Эллик ёшга бир неча марта кириб чиқ, — дедиларда, ўғилларининг қўлидаги тутунни олиб очдилар. Банорас тўн чиқди, белбоғ чиқди, дўппи чиқди. Мен титраб кетиб, қотиб қолдим. У киши ҳеч иккиланмасдан чопонни елкамга ёптилар. Шляпамни олиб, дўппини кийдирдилар. Белбоғни боғлаб:

— Ана энди ўзбек ёзувчиси бўлдинг, — дедилар. Кейин қўлларини фотиҳага очдилар. — Обрўли адаб бўл, Шукуржон. Ҳеч кимга номардлик қилма. Унайлардан қоч... Билгингки, сен ўзбек ёзувчисисан. Шу ўзбек адабиётининг ўсиши учун хизмат қил. Шунга маҳкумлигингни тан ол, болам...

Мен йиғлаб юбордим.

- Нега энди?
- Нима, нима — «нега?»
- Бу... мени сийлаш...

— Бир-биirimizни сийлашимиз керак. Шундай күнларда йўқламасак, қачон йўқлаймиз, Шукур?.. Сен ёзувчисан, вассалом. Ўткир ёзувчи бўл. Саксонга кирганингда ҳам ўрган, ўқи, кузат... Гапларимга худо шоҳид. Оллоҳу акбар!

Учовлон фотиха ўқидик. Кейин Шуҳрат ака жер-киброқ сўради:

— Нега бирорга билдиримадинг? Ман ҳам яқинда эшигдим, Усмондан...

— Энди, нима кераги бор... Ўзимни кўрсатиб, нима топаман, Шуҳрат ака? Ёзганим — амал...

— Бир француз ёзувчининг гапини эслатди бу гапинг, — деб жилмайди Шуҳрат ака.

— Ҳа, — дедим. — Флобердаям шундай нарса-ни ўқувдим... Айтиб берайми? Хўп... Флобер элликка кирипти... Юринг, сояга ўтайлик. Шуҳрат ака...

— Ҳечқиси йўқ. Ўзинг кўчат ўтқаз, боғ қил... Кейин сояда ўтирамиз. Эссиж, дарахтлар дабдала бўпти... Хўш, Флобер нима деган экан?

— Элликка кирганини ўша куни эслаган экан. Мопассанга хат ёзибди. «Дорогой Ги, приезжай по-жалуйста. Мильй москвич оставил у меня русскую водку. Випъем. Сегодня мне исполняется пятьдесят...»

— О, Бобур, эшигдингми? Худди шундай деган... «Мильй москвич» Тургенев бўлса керак?

— Ҳа, — дедим. — Ҳолбуки у ўшанда олам танийдиган ёзувчи бўлган. «Бовария хоним»ни ёзган...

Шуҳрат ака, улар тамани билишмас экан. Айникса, хукуматдан. Уларда Ёзувчилар уюшмасиям бўлмаган экан... Қолаверса, Флобернинг ўзи шунака

— холис, мағрур бир инсон ўтган экан. Лекин, ке-цирасиз, Шуҳрат ака, мен уларга тақлид қилганим йўқ, Ўзим, ўзим уяламан: элликка кирдим, нишонласам, деб юргандан кўра, ўзимни бўғиб...

— Бас, бас! — Шуҳрат ака бир зум сукутга то-либ турдилар-да, лаблари алланечук учиб, мени яна кучдилар. — Омон бўл. Лекин бундай яхлит сана-ларни яширма. Унда яна сени излаб келишимга тўғри келади...

Шуҳрат ака яна мошинга ўтиридилар. Бобуржон ҳайдаб кетди. Мен сарпони ечиб, қўлтиқлаб, пай-хон бўлган дарахтзорга кирдим. Ўслим донг қотиб туради. «Ким у, ада?» деб сўради. «Қўявер», де-дим. Кейин шошиб, у инсоннинг кимлигини тушунтира кетдим.

— Жа, қизиқ-е, — деди уям. — Ғалати эканлар... Сиз у кишига бирон нарса кийдирувмидингиз?

— Бачканা бўлма!

Кейин буқчайган шафтоли томирига ўтиридим. Ҳеч ўрнимдан тургим келмас эди. Кун иссиқ, чи-гирткалар чириллайди. Лекин мен буни сезмас, чуни-ки бошқа бир фароғат оғушида эдим: бу фароғат масканини таърифлаб бўлмайди. У соя-салқин боғ ҳам эмас. Ана шундай боғдан ҳам салқироқ, ҳар тиёҳи, ҳар кўчати тилли-забонли, осмони ҳам, тупроғи ҳам меҳрга йўғрилган бир ажиб-афсонавий маскан эдики, шундай ҳолатга ҳам тушиш мумкинлигини биринчи марта хис этишим эди.

Мехр, қадр, сенга шараф-шон бўлсин! Сизлар чиқиб келган қалб эгаси то абад барҳаёт бўлсин!

Шундай деяпман-у, Шуҳрат ака ётиб қолганла-рида, кўргани боролмадим. «Эрта бораман, индин бораман», деб Сурхондарёга бориб қолдим. Хул-

лас, у киши шифохонадан чиқиб, Ёзувчилар боғида ҳордиқ оляптилар, деган гапни эшитдим-у, кўнглим тинчили. Кейин ўзим ҳам уч-тўрт кун ишлагани да-чага бордим.

Ҳали навбатчи билан гаплашиб, қалит олишга ултурмаган ҳам эдим, узун йўлакдан бир жужук етагида чиқиб келаётган Шухрат домлани кўрдим. У киши майда-майда қадам босар, шунда ҳам шиппаклари гиламдан деярли узилмас, эгниларида енги калта оқ, кўйлак.

Юрагим вайрон бўлди: қани у барваста қомат, қалқондек кўкрак, серҳаракат вужуд? Эй, тангirim, инсон... ҳатто Шухрат ақадек киши ҳам шундай но-чор аҳволга тушар эканми? Хўрлигим келиб, аммо дамимни ичимга ютиб, у кишига йўналдим. Шухрат aka дарҳол тўхтаб, ўнг қўлини чўзиб турди.

Кўришдик. Дудуқланиб:

— Яхшимисан... Болаларинг... Мен яхшиман, ях-шиман. Ҳечқиси йўқ, — дедилар.

Бу қисқа саволлару «ҳечқиси йўқ» калимасида ҳамма нарса бор эди.

Ташқарига чиқдим. Ёроҷ ўриндиқقا ўтиридик. Фотиҳа ўқиган бўлдик. Кейин Шухрат aka менга бир муддат тикилиб турди-да:

— Юртингга кетувдингми? — деб сўрадилар.

— Ҳа.

— Яхши қиссан. Бориб туриш керак... Туғилган жойдан ажралмаслик керак... Усмон қаерда?

— Билмайман.

— У катта шоир бўлади... Бўлиб бўлди... Мен адашмаганман... Мана шундек аҳволга тушишиммиям билардим... Ўтмиш азоблари изсиз кетмайди.

Шухрат аканинг эллигинчи йил бошларида «халқ душмани» деб қамаб юборилгани ва бир неча йил қамоқларда ўтириб келганларини билардим. Аммо ярасини янгламаслик учунми, бошқа бир андиша

туфайлими, бунинг тафсилотларини сўрамасдим: бошдаям айтдим шекилли, Шухрат aka билан сирдош бўлмаганман, шунчаки холис устоз-шогирд мақомида эдик. Кейин...

— Мана, оёқ, — дедилар тиззаларини уқалаб, — яхши ишламай қодди. Қамоқда ўн соатлаб тикка турғазарди... Ўн соатлаб. Оёғим халта бўлиб қоларди.

Шунда шоир Мирза Кенжабек тушиб келиб, кўришди. Кейин менга айтди:

— Шукур aka, мен Шухрат aka ҳақида бир рисола ёзсан. Айниқса қамоқдаги ҳаётлари... Мени билардилар-у, яхшилаб таништиранглар. Усмон ақагаям айтувдим...

Шухрат aka бармоқларини қимиirlатиб қўйдилар.

— Гаплашамиз, гаплашамиз ҳали... Сен ҳам яхши шоирсан. Биламан, биламан...

— Менга ишонсангиз...

— Мен ҳамманга ишонаман...

5

Икки кундан кейин Усмон келди.

— Шукур aka, келинингиз Раъноям шу ерда. Шухрат акани кўргани келувдим. Еттинчи хонадамиз. Тушинг, — деди. — Мирза қайси хонадайкин? Унга иш бор...

Бирпасдан кейин айтган хонага кирсам, чапдаги хужрада келиним каттакон карсондаги паловни кағфирлаб олиб, паҳта гулли лаганга solaётir. Мирзабек йирик-йирик помидорлардан танлаб олиб, аччиқ-чучук қилаяпти.

Хорма-бор бўл қилиб, тўғридаги хонага кирдим. Устоз билан шогирд, яъни Шухрат aka билан Усмон кичкина столчанинг икки ёнида, бир-бирига қараб ўтириб, гурунг қилаяпти.

Вей, қандай чиройли бўлар экан бундай ўтириш! Усмон айтганидек, «тупканинг тубидан келган» бир ёш шоир билан «Парижда» яшаб турган каттакон шоирнинг бундай қамти ўтириши! Бир-бирига са-мимияти, меҳрибончилиги, ҳатто бирининг – ки-чигининг каттасига ҳайрат билан қарашию катта-сининг кичигига шунчаки бир оғадек муомалада бўлиши!

Шудир-ов устоз-шогирд деганлари! Ўйлаб кўрсанг, устоз ўз фарзандларидан сир тутган айrim ҳақиқатларини ҳам шогирдига айтар экан. Ва шо-гирд ҳам устоздан ҳеч бир сирини пинҳон тутмас экан!

Бу – ғалати, ҳайратомуз алоқа!

– Ке, Шукур. Бу, бу – жойга ўт, – деди Шухрат ака диванинг деразага қараган томонини кўрсатиб. Мен диванинг эшик томонига ўтира қолдим. Дастирхонга фотиҳа ўқиган бўлдик. Дарвоқе, дастирхон ҳам яхшигина тузалган эди. – Ҳа, мана келди, – деди кейин Шухрат ака Усмонни кўрса-тиб.

– Бунинг tengкурлариям яхши. Хуршид, Шавкат, М-Муҳаммаджон...

– Ҳа, шундай, Шухрат ака, – дедим мен.

– Сен ичарсан?

– Бугун ишламайман...

– Ану... тортмани оч. Бор. Конъяк. Сизларга олиб қўйганман. Уйда ҳамма нарса бўлиши керак. Кўча-да сарфламанглар, барака кетади...

Шунда Усмон ҳам кулимсираб туриб, портфе-лидан бир шиша оқ олди.

– Шукур ака бузгунчи, бизни ичишга ўргатди-лар... Ҳе, бу кишига ўхшайман, деб кўп талантлар-нинг бели синиб кетди...

– Ёлғон айтяпти, Шухрат ака, – дедим мен. – Мана, ўзи соғ юрипти-ку, белиям бақувват...

– Ҳ-ҳазиллашади, – деб кулди Шухрат ака. – С-сени қилиғингният қилиб беради. Артис бўп ке-тади... Яхши. Шундай бўлинглар. Кўнгилга олманглар... Мирзажон, кел. Ке, ўтири. Сениям нафасинг яхши. Биз сен билан кўп суҳбат қиласиз. А-айтиб бераман... Э, паловку...

Усмон ароқни очиб, менгаям кўйди: конъяк ич-маслигимни билади. Кейин Шухрат акага илиқ бир меҳр билан боқиб:

– Бир нарса дейсизми? Номига қуйиб қўй, – деди.

– Ҳа, ҳа. Мени... атаган гапим бор. Қуй. Э-эр-как ичади буни. С-с... Қ-қизим, ўтиринг. М-мени гапимни эшишиб олинг сиз ҳам. Ман а-айтаман...

– М-менинг ҳамишаги обрўйим шу бўлган... Турмада онт ичганиман. Омон чиқиб борсам, ёшларни биздай бўлмасликка ўргатиш им керак... Мен, мана шунга ҳаракат қилиб келдим. Бугунгача...

Шухрат ака жимиб қолди. Ошга тикилган кўзла-ри таомни кўрмаётгандек эди. Биз «гапларини бўлмаслик» учун жим турардик. Лекин кўзларимиз бир-бирига бир неча бор қадалиб олди. Мен Усмоннинг нигоҳидан ва хиёл бош чайқашидан: «Ана гап қаёқда экан. Бизнинг тарбиямиз – бу инсон-нинг дарди экан», деган маънони уқдим. Ва ўзим ҳам шу фикрга келганини билдиридим.

– Биздан олдинги авлод ҳам шундай бўлган-да, – деб давом этди Шухрат ака. – Сотқинлар ўз-ўзларидан чиқсан. – Кейин кўзлари иттифоқо ярақлаб бизга бир-бир тикилди. – Улар ҳам, биз

Ҳам аслида У-унга а-аппазицияда бўлганимиз... Ҳа, улар ҳам, биз ҳам озодликни, суворен бўлишини орзу килганимиз. Ҳа. Ичимиздан чиқсан сотқинлар кўпай-тандан кейин... У-у атай излай бошлади: орамизга одам кўйди. Озодлик мустақилликни – ў-ўша замон деб билганларни олиб тикидилар. А-ана

шуларни мажбурлаб кўл қўйдирди... Бизниам мажбурлади, ҳа. Л-лекин биз... уф-ф... Т-тушундингларми? Шундай қилиб, ёнғин тушди, хўл-қуруқ баравар ёнди... Чин шоир ҳамма вақт ҳалқ тарафида бўлади, қалбига қулоқ солади. Шунинг учун, билиб бўлмайди, бир кун келиб... Уф-ф. Ҳозир тугайдиганим. Ишқилиб сизлар инок бўлинглар, аҳиллик керак... Бир-бирингта меҳрли-оқибатли бўлларинг... Ман шунда г-гўримда тинч ётаман. А-арвоҳим шод бўлади. Бизнинг озми-кўпми саборимиз ў-ўтди... Гапни бўлмаларинг... Ман ҳаммангни яхши кўраман... ёмон кўриш лозим бўлганларни ҳам ёмон кўрмайман. Бу яхши бўлади, натижаси яхши... Сизлар ҳам ўзларингдан ёшларга насиҳат қилинглар... Куруқ насиҳатдан иш билан, қўлдан келган ёрдам билан қилинган насиҳат с-самарали бўлади.... Сизларга умр, соғлиқ тилаб дуо қиласман. С-сўрайман Ўзидан, менинг авлодимни паноҳингда асра...

Биз ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Шу ҳаракатимиздаям, кўз қарашларимиз, нафас олишимиздаям ажиб бир тантанаворлик жиҳдийлик бор эдики, шу алфозда тили каловланиб қолган барваста устозга онт ичаётган эдик: илло шу лаҳзада бу порлоқ жилмайишли, кўкраги қалқондек қабариқ, учраган ёш ижодкор борки, бошини силаб, аммо яхшилигини жилла билдиrmайдиган бағри кенг инсонни – ижодкорни – устозни кўриб турардик.

Шухрат ака худди шу қиёфада қолдилар...

6

Кунларнинг бирида эшитдимки, Шухрат ака бу оламдан кўз юмиптилар.

Үйларига етиб бордик. Оломон! Фарзандлари, қавм-қариндошлар кўк чопонда, тақдирга тан беруб мутелик билан туришибди. Шивирлашиб гаплашишади.

Бир замон ҳовлидан хотин-халажнинг йигиси, уввос тортаётгани эшитилиб, одамлар ёрилди. Ўртада қолган бўш ерга ичкаридан олиб чиқилган тобут кўйилди.

Ҳамма жим. Кўзлар тобутда. Шухрат ака кетялтилар. Бошқа оламга...

Сайд Аҳмад ака таъсирли бир овозда йиғламсираб сўз айтди:

– Шухрат... шухрат чўққисига чиққан чоғда ҳам бирордан бир нима тана қилмади. На орден, медал, на амал курсиси... Йўқ, у адабиёт учун, ҳалқимиз учун беминнат, тамасиз хизматлари учун кўп азоб чекди... Шухрат мард инсон эди... Шухрат ёшларга чин мураббий, меҳрибон эди... қаердаки бир адабнинг бошига иш тушса, Шухрат ёрдамга борар, унинг ўзи ҳам Шухратни излаб келарди. Шухрат адабиётни ҳам, ижодкорларни ҳам бағрига олгандай бўлар... ўзининг хусусий мулкидай туяр, ардоқлар эди... Ёшлар уни отадек кўришар, у бир меҳрибон қиблагоҳдек уларни бошини силар, кўмаги ва насиҳатини аямас эди...

Сайд Аҳмад аканинг сўзларини эътибор билан тинглаб амин бўлдимки, Шухрат акани – сафдош дўстларини, қамоқдош ҳамкасларини яхши билар эканлар.

Сайд Аҳмад ака сўзлари охирида шундай дедилар: – Шухрат, азизим, қабрингда тинч ёт. Биздан, адабиётингдан, шогирдларингдан хотиржам бўл...

Ўша куни уйга қайтиб келганимдан кейин диванда ётиб, Шухрат ака билан учрашган чоғларим, у кишининг хусусан Усмон билан мулоқотлари, ўзимга қилган яхшиликлари ва бир гал йиғлаганлари, хуллас, хотирамда борини бир-бир эслаб кўз олдимдан ўтказдим-у, қандоқ меҳрибон инсондан жудо бўлганимни, ҳа, шахсан ўзим ҳам жудо бўлга-

нимни, шу онда ўзимни ғоят ғариб сезаётганимни хис қилем.

Кейин Сайд Аҳмад аканинг сўнгти – видолашув нутқини эслаб, агар мана шу ўйларга бормаган бўлсам, Аллоҳ олдида гуноҳкорман:

« – Сайд Аҳмад ака, борган жойингда тинч ёт, дедилар... Аттанд, бир кун келиб, орқангдан биз ҳам борамиз, демадилар. Балки ичларида айтгандир... Мен, мана сиртимда айтаман: Шухрат ака, вақти соати келганда, мен ҳам орқангиздан етиб бораман. Ахир, руҳлар тирик! Менинг ҳам руҳим Сизнинг руҳингизни топади, албатта. Айтишларича, ёмон руҳлар ҳам бўларкан у оламда... Ўшандаям, Шухрат ака, Сизнинг руҳингиздан паноҳ топсан керак: паноҳ топса керак менинг руҳим ҳам...

Сиз – барҳаётсиз!»



ҲАҚГҮЙ АДИБ ВА ИНСОН

Моғлар узоқлардан ҳайбатли кўринади ва яқинига борсангиз, уларнинг қорли чўққилари кўкларга туташиб кетгандай туюлади.

Ҳар бир одамнинг бир ўзак хислати бўлади. Бошқа барча хислатларни шу ўзак хислат бошқарди ва ўз ортидан эргаштиради.

Шоир, адид, драматург Шухрат (Ғулом Алимов)-нинг ҳам шундай ўзак хислати бўлган.

Унинг ҳақгўйлиги одамийлиги ва адиллик фалиятининг ўзак-негизи эди.

Шухрат ака ҳақгўй эди.

У ҳақиқат учун маҳкам турарди.

У ўз ҳаётини романларга, ўз қалбининг ноёб кўтаринки кечинмаларини шеърга, достонга, балладага айлантиради.

Зотан, унинг ҳаёти худди романга – йирик, кенг планли, бағирдор, тайёр романга ўхшарди.

Эсимда: «Шинелли йиллар», «Олтин занглаамас» ларни илк бора ўқиганда, бу икки ўзига хос бағри кенг асарнинг Элмурод ва Содиқ исмли бош қаҳрамонлари баайни Шухрат аканинг ўзи эканлигини кўриб, туйиб, ҳайратга тушганман.

Ёзувчи иложи йўқ: маълум маънода ва маълум даражада, мезерда бичиб тўқийди, жиндак ёзаётгандарига ёлрон ҳам қўшади, қаҳрамонлари ва улар бошига тушган воқеалар, кўргиликларни бўрттиради, идеаллаштиради, бир сўз билан айтганда, ҳар

томонлама бойитади. Салмоқли, яхлит адабий ҳодисага айлантиради.

Албатта, Шухрат ўзбек адабиёти қаҳрамонлари галересида жуда ёрқин ўрин тутган ўз қаҳрамонларига ўзидан нималарнидири кўшгандир, умумлаштиргандир (танқидчи, адабиётшунослар тили билан айтганда) – агар шундай бўлса, бу адабий меҳнатда, бадиий ҳунарда жуда табиий ҳол, – лекин «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» ва салсунгрок «Жаннат қидирғанлар»ни ўқиганда мен буни бир ўқувчи сифатида сезмаган, пайқамаган, қаери тўқима, қаери реал деб ўйлаб ўтирганман. Менга романларнинг ҳаётнинг ўзи қандай бўлса шундайлиги – бари рост, бари реал бўлиб кўринган. Шухрат романларини эстетик идрокимга шундай қабул қиласман.

Ёзувчи бамисоли ҳеч нарсани бўрттирган, ҳеч нарсани боридан кўра чиройлироқ, ёмбироқ, қабариқроқ қиласман деб бош қотирмаган, балки борини борича ёзган.

Ноёб ва адабий ижода беҳад қимматли ҳаётийликка, ҳаётий қабариқликка эришган. Буни қарангни, шу билан бирга Шухрат романлари айни чорда, яна адабиётчилар тили билан айтадиган бўлсак, ҳаётдан нусха кўчириш ҳам эмасди. Бирон бир тасвира натурализм кўринмас ва ғашга тегмасди. Ва унинг тасвири «фотография» усулидан, фотография ростгўйлиги ва аниқлигидан ҳам жуда йироқ эди.

Шухрат романларида ҳаётга бу қадар яқинлик, бу қадар ҳаётийликнинг сири нимада эди?

Бу сирнинг қалитини мен адабнинг ўзида, унинг ёрқин, азамат, девкор феъл-авторида, ҳаётга, одамларга, ўз ёзувчилик ва инсонлик қисматига бўлган ёндашувларида, қоядай мустаҳкам маърифатли принципларида – ҳеч йўлдан тоймас, оғмас, бўялмас, ўзгармас олижаноб адолатида кўраман.

Шуларнинг яқинлигида у Беҳбудий, Фитрат, Кодирий, Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Убайдуллахўжа, Усмон Носирларга келбати тортарди.

70-йиллар тугаётган бир паллада Шухрат уйига чақириди. Ойдин билан бирга бордик. Олча пишган пайт эди. Мехмондўст Турсуной опа бир чинни товокда тоза пишган «шпонка» олча териб оддимизга дастурхонга қўйди. Улар Ойдин билан ичкарида дардлашишаркан, биз Шухрат ака иккимиз ёз оқшомининг салқинида ором олиб, бир товоқ, бўртиб таранг тортиб пишган «шпонка»ни паққос туширганмиз. Олчанинг хушёр тортирувчи туруш ва жуда ёқимли таъми кўксимизни тўлдиради.

Сир йўқ: мен жадидларга, уларнинг ишлари, асарларига мубтало эдим. Асалари ҳам, ишлари ҳам юрагимга саримойдай ёқарди. Суҳбатда маълум бўлдики, Шухрат ака мендан кўра юз карра, балки минг карра ортиқ жадидлар мубталоси экан. Улар ижодини хўб ўқиган, улар ҳаёти қирралари, фәжиалари, ажиб қаҳрамонликларидан боҳбар экан.

Ўшанда улкан, чуқур, сероб, сертўлқин дарё бўйида икки соат бирга ўтиргандай, дарё шукухи, файзи, улуғворлигидан бир умрга етгулик баҳра олгандай бўлганман.

Уйга қайтаркан, бутун ўй-хаёлимни Шухрат ака билан бўлган суҳбатнинг нашидаси чулғаган эди.

Ўйлардим: нега Шухрат ака шундай балоғат палласида жадидлар ҳақида роман ёзмайди? Нега бу ноёб қаҳрамонликларни акс эттирмайди? Ахир бу ҳалқимиз учун бошқа ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ва бошқа ҳеч нарса билан ўрни тўлмайдиган ибрат, кураш, ироди мактаби бўлиши мумкин эди-ку? Аммо ажаб! Бу бўшлиқнинг ўрни ҳалқимиз учун ҳануз тўлмаган! Ҳануз бу улуғвор чўққилар адабиётимиз томонидан забт этилмаган, ҳамон

бу улкан ижтимоий қимматга эга иш адилар бўйнида қарз бўлиб турмоқда! Агар Шуҳрат жадидлар ҳақида бир эмас, ҳатто бир неча роман ёзишга ўтиrsa, бунга қурби-қудрати етар ва булар ўзбек халқининг улуғ ва ўлмас, қуrimas романлари – ҳаёт ва гўзаллик булоқлари бўлурди! – ўша кеч сухбатимиз таъсирида шундай ўйлардим ва хаёлим гўё ўша ёзилмаган романларнинг саҳифаларини бирма-бир варакларди. Зотан, Шуҳрат акани жадидлардай улуғ миллатпарвар ва ижтимоий муборизлар ҳақида асарлар ёзишга баайни етилган, юксак инсоний, зиёли, балоғатга эришган адаб, деб танирдим.

Кўп йиллардан буён ҳаётда роман-адилар бўлади деб юраман. Беҳбудий шундай роман-одам эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза... шундай роман-одамлар эди. Назаримда, бизнинг катта замондошимиз шоир ва адаб Шуҳрат ҳам худди шундай ва мана шулардай роман-одам ва романадиб эди. Ҳали ҳамон шу фикрдаман, шу ўйдаман.

Роман-одам фикримча, йирик, салобатли, ўзоялари, ўз ҳаётий принциплари, ўз ижодий, инсоний фалсафасига эга шахсадир. У воқеалар атрофидамас, воқеалар унинг атрофида, унинг орбитасида гулдурос солиб айланади. Зотан, роман-одам катта ҳаёт фазоси – орбитаси бор одамдир. Бу орбитада даврнинг жуда кўп ранг-баранг воқеликлари, инсон тақдирлари, бири-биридан улуғ серзарда, зиддиятли воқеалар чарх уради ва замон кишиларини ўз айланиш доирасига оҳанрабодай тортади.

Шуҳрат акани замондошлари ва тенгдошлари шундай улуғ орбитага эга инсон, адаб деб билишар, қадрлашарди. Унинг барча тенгдошлари, сафдошлари: Сайд Аҳмад, Шукрулло, Ёнғин Мирзо, Восит Саъдулло, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Неъмат

Тошпўлат, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Раҳим... уни ғоятда эъзозлашарди, қайда бўлмасин, буюк ҳурмат-эҳтиром билан Шуҳрат ҳақида сўзлашарди.

Шуҳрат ака ҳам ўзи биларди, куч-кудрати нималарга етиши, нималарга қодирлигини англар, хисқиларди. Бир куни у айтган экан: «Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман!» Бу ўта мардона гап! Ҳақгўй инсоннинг улуғ машаққатлар, уринишларда топган жон гапи! Шуҳрат ака: Содик бу – мен, Элмурод бу – мен! – деб балки айтмагандир. Лекин барча фозил замондошлари сезар здиларки: ҳа, Содик бу – Шуҳрат, Элмурод бу – Шуҳрат!

Ўтмиш ҳукуматдорларининг барча тўп-замбараклари, ажал қуроллари, буни қарангки, айни ҳақгўйларга қарши қаратилган эди. Ҳақгўйга ўзини меҳнаткашпарвар қилиб кўрсатишни севадиган давлат тузумида ҳам кун йўқ эди!

Шуҳрат шеърият, насрой сўзларида, ҳаёт ичида ҳақгўй эди – урушнинг бутун даҳшатларини кўрди. Сталин лагерлари азобларини бошидан кечирди, нисбатан тинч, яхши замонлар келганда ҳам бу ҳақгўйни катта ҳаётдан четлатишга, иложи борича уни чеклаш, овозини ўчиришга, асарларини бўғишига, эътиборсизлик, қадрсизлик чакалакзорларига улоқтириб ташлашга кўп уринидилар. Мегиндан бино бўлган Шуҳрат эса ўз жадид устозлари каби титрамади, адолатсизликлар олдида бош эгмади, алп қоматини ҳамиша тик тутди. Адаб ўткир Ҳошимов Шуҳратнинг бу хусусиятини хўб ёрқин қилиб айтган: «Шоир, адаб, драматург Шуҳрат замон азобларидан йиқилиб, тўшакка ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайдиган асарлар ёзди».

1998 йилда Шуҳратнинг «Машраб» романининг илк фрагментлари ва замондошларининг у ҳақдаги хотиралари бир китоб ҳолида нашр қилинди. Бу китобда Шуҳратни яхши билган бир қатор адилар, унинг иқтидорли шогирдлари, замондошларининг жуда қимматли гувоҳликлари, мълумотлари, қалдан қуюлиб чиқсан изҳорлари жамланган. Бу каби хотиралар айни чоғда адилар ва ўқувчиларнинг Шуҳратга бўлган улкан муҳаббати эҳтиромининг овозидир. Шуидай муҳаббатта сазовор бўлиш инсонга мангу шараф, одамийлик шуҳратининг чинакамлигидир.



ЎЧМАС ХОТИРА

Ўттизинчи йилларнинг ўрталари. Мен Тошкент педагогика институтига кирадиган бўлдим. Ўқувга кириш учун ариза берганлар орасида қатор ҳам-қасбларим бор эди. Булар – мен билан «Ленин учқуни» газета таҳририятида ишлайдиган Зафар Диёр, матбуотга ўз шеърлари, хабарлари билан қатнашиб турувчи ёш қаламкашлар эди. Шулардан биттаси кейинчалик Шуҳрат тахаллуси билан адабиётимизда ном қозонган Фуломжон Алимов эди. Мен бу бениҳоя очиқ, кувнок, дали-гули йигитчани газетамизнинг фаол ёш муаллифи сифатида олдинроқдан танирдим. Институтта имтиҳон топширишимиз чоғида унинг яна бир яхши хислатини билиб олдим. У, ўзининг ҳожатбарорлигини кўрсатди. Бўлгуси талабаларнинг айримларини қийинчиликдан қутқарди. Бир шеригимиз тўрт фандан имтиҳон топшириб бўлгач, бешинчи имтиҳон – кимёга келганда юраги бетламай турарди. Шуҳрат мактабни аъло битириб, кимёни ҳам яхши биларкан. «Сен қўрқмай имтиҳонга киравер, оғайни. Мен қўллаб юбораман», – деб далда берди. Шеригимиз эса қўрқа-писа дарсхонага кирди. Имтиҳон билетини олиб дераза ёнига ўтирганда, Шуҳрат дераза орқасидан имо-ишора билан билетдаги саволга жавоб айтиб юборди. Яна шу йўл орқали математикадан қийналиб турган бошқа ҳамроҳимизнинг ҳам мушкулини осон қилганди.

Тил-адабиёт факультетининг биз кириб ўқий бошлаган гурухи, юқорида айтганимдай, ижодчи ёшлар сероблиги билан ажралиб турарди. Омадимиз юришиб, домлалардан ҳам ёлчигандик. Максад Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Ҳомил Ёқуб, Ҳоди Зарифлар дарс беришарди. Машғулотлар ниҳоятда жонли, рухли, мазмунли ўтарди. Гуруҳимизда ижодий муҳит ҳукм сурарди. Бунда Шухрат алоҳида ўрин тутар, унинг овози барадла янграб турарди. Машғулотларга фаол қатнашиши, дарсларга пишиқ-пухта тайёрланиб келиши, китоблар мутолаасига берилганлиги, устма-уст далил саволлари билан баъзан ўқитувчиларни шошириб қўйиши, зарур бўлганда шерикларидан ёрдамини аямаслиги уни аудитория хурматига сазовор қилганди. Яна кўпчилик диққатини тортган нарса – Шухратнинг ижодий фаоллиги эди. Гуруҳимиздаги ҳамкаслари Зафар Диёр, Восит Саъдулла, Неъмат Тошпўлат, Ёнгин Мирзолар билан ижодий мусобақада бўларди. Дасрдан ташқари соатларда мушоираларда янги шеърларини ўқиб, дўстлар маслаҳатини оларди. Баъзан эса ёшлар ўртасига кириб, мушоиранинг файзига файз қўшарди.

Уша йиллари республикамиздаги ўкувчи ёшлар ва талабалар ўртасида Усмон Носир номи машҳур бўлганди. Чўлпон,Faфур Гулом, Гайратий каби устозлар сафида ёш Усмоннинг оташин шеърлари кенг ёйилган, оғиздан-оғизга ўтиб, йиғинларда, тўй-ҳашамларда ва бошқа катта-кичик давраларда ўқиларди. Бизнинг гурух талабалари ҳам шоирнинг «Лирикам», «Юрак» каби шеърларини ёддан ўқишида қизғин ўзишувга киришишганди. Шухрат билан Неъмат Тошпўлатнинг шеърларни маромига етказиб ўқиш билан ҳаммани қойил қолдириб, ўзишувда ўтиб чиқишгани эсимда.

Шухрат адабий сұхбатларда нафаси ўткир шоир бўлган Усмон Носирнинг жўшқин, эҳтиросли ижодини тўлиб-тошиб тилга олар, ўшандай шоир билан танишиб олганидан фахрланарди. Шоирнинг сұхбатларидан олган таассуротларини мириқиб сўзларди. Усмоннинг Чўлпон билан яқинлигини, улуғ устози сифатида Чўлпондан маҳорат сирларини ўргангандигини эшлиши талабалар қизиқишини орттиради! Уларда Усмонни кўриш, унинг сұхбатини олишга иштиёқ туғилди. Шухратдан: «Усмон Носирни институтимизга таклиф қиласанг, яхши бўларди-да», – деб илтимос қилишади. Усмонга бу таклифни етказган экан. Усмон иши кўплигиданми ёки бошқа нарсанинг истиҳоласи биланми, тортиниб туради. Шухрат эса бўш келмасдан: «Сизни талабаларгина эмас, домлаларимиз ҳам кўргилари келтириб», – деб Шайхзода, Ҳамид Сулаймонларномини келтиради. Шундан сўнг Усмон рози бўлиб, институтта ташриф буюради. Шу кун институт учун байрам бўлган, залга одам сифмай кетганди. Қорақалан келган, кўзлари ўткир, жуссаси ихчам, кўриниши содда бу йигитнинг саҳнада пайдо бўлиши гулдирос қарсакларга сабаб бўлганди. Шунда Усмоннинг қўл кўтариб, жилмайган ҳолда айтган биринчи гапи: «Чапаксиз ўтсин, барака топкурлар!» – деган илтимоси бўлди. У ўқиган ҳар бир шеърни залдагилар жон қулоги билан, чуқур ҳаяжон ичидаги тинглашарди. Усмон ўз шеърлари қаторида ардокли устози Чўлпоннинг ҳам шеърларидан ўқиди. Чўлпон ҳақида меҳр тўла юрак сўзларини изҳор этди.

1937 йил бошларида ўтган бу учрашув талабалар қалбида унүтилмас хотира қолдирганди. Буни севинч ва гууррга тўлган ҳолда тез-тез ёдга тушириб туришарди. Аммо бу севинч узоққа бормади. Уша вактлар адабиётимиз дарғалари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар бошига ёғилган фитна,

бўхтон тошлари Усмон Носирни ҳам четлаб ўтмади. Унинг ёшлиқ чориданоқ ижодда катта шухрат тонганини кўролмаган ҳасадгўй ғанимлар унга ҳам «халқ душмани» тамғасини ёпиширишган, уни ҳам устозлари кетидан қатағонга дучор этишганди. Табиики, бундай ноҳақликлар, фожиаларга Шухрат бефарқ қараёлмасди. Унинг аҳвол руҳияси, кайфиятига ёмон таъсир этганди. Озмунча пинҳоний изтироблар чекмаганди у. Усмон Носир қамоққа олингач, уни яқиндан билган ва у билан бирга бўлганлар таъқиб остига тушганлари маълум. Бу ҳақда кейинроқ Шухратнинг ўзи: «Усмон билан кўп вақт бирга бўлганим, шеърларини ёд олганим, бир неча бор уйимизга боргани, қолаверса, китобларига мени «Ўзбек адабиётининг умиди» деб ёзиб бергани бошимга битган бало бўлиши мумкин эди. Шу боис, юракни ҳовучлаб юрар эдим...», — деганди. Дарҳақиқат, ўша кезда Усмон Носирга қарши ёзилган мақолада Шухратни унинг думи деб айблашган, ижодига шубҳа билан қарай бошлашганди. Шу орада уруш бошланиб қолди-ю, Шухрат фронтга кетиб кутулди. Урушдан қайтгач, адабий ижодга жиддий берилди. Матбуотга ранг-баранг мавзуларда ёзилган шеърлари билан қатнаша бошлади. Радио тўлқинларида унинг янгроқ овози тез-тез янграб турди. Лекин ёмон кўз билан тикилган кучлар кутқуси билан, эзлигинчи йиллар бошида кутилмаганда у ҳибста тушиб қолди. Номини «миллатчи», «пантуркист», «халқ душмани» деган бўхтонларга чалпишиди. Бир неча йил қамоқ азобларини тортиб чиқди.

Мана шундай ноҳақликлар, қийноқлардан сўнг ҳам Шухрат тушкунликка тушмасдан, ўзи танлаган ижодий меҳнат йўлида катта самараларни қўлга киритиш учун метиндай сабр-бардошли, қатъиятли, маҳкам ирова кучига эга бўлиши керак эди. Шухрат ўзида мана шундай сифатлар мужассам

эканлигини яққол кўрсатди. Бу сифатларни у астойдил ихлос қўйган устозларидан, албатта Усмон Носирдан ҳам юқтирганлиги аёндир. Биз, дўстлари, чинданам Шухратнинг чидамли, бардошлилиги, меҳнатдаги жонсараклиги, кўзлаган мақсад сари боришдаги событқадамлиги, фидойилигига тан берардик. Бўлмаса у навқирон умрининг қанча сара йилларини ноҳақ қатағонларга бой бергани ҳолда, яна адабиётга қанчаям салмоқли ҳисса қўшган бўлармиди!

Ҳа, тушкунлик, нолиш нималигини билмаган, табиатан оптимист бўлган дўстимиз ижодга ва жамоат ишларига бор кучи, ғайрати билан шўнғиб кетганди. Етук адиллар сафига чиқиб олган Шухрат ўз ижодий тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашишда обдан сахийлик, тантилик намунасини кўрсатарди. Ёзувчилар уюшмасида, нашриёт ва журналларда ишлаган кезларида ёш ёзувчиларнинг қўлёзмаларини ўқиб, самимий маслаҳатлар кўрсатища эринмасди, етук асарларни чоп этишда қўлидан келган кўмагини аямасди. Унинг феълида тўғрисўзлик билан куюнчаклик кўшилиб кетганди. Ёшлар билан апок-чапоқ бўлиб, тез тил топишиб кетгувчи эди. Бир ёш ёзувчининг туппа-тузук қўлёзмаси салбий тақризга учраб нашриётдан қайтганда Шухрат бунга далил аралашган, қўлёзма босиб чиқаришга лойиқлигини очиқ исботлагани эсимда. Бошқа бошловчи муаллифнинг ҳикоялар тўплами мухокама қилинганда эса Шухрат бир ҳикоя устидага тўхталиб қолди. Бунда бир йигит билан қизнинг қўчада қучоқлашиб ўпишиб кетаёттани тасвирланган экан. «Булар кимлар, укажон?» — деб савол берди Шухрат. «Булар севишганлар», — деган жавобни олди муаллифдан. «Уларнинг миллати нима?» — деди Шухрат. «Миллати ўзбеклар», — деди муаллиф. Шунда Шухрат сал қизишиганини сездир-

масдан деди: «Агар ўзбек бўлсаям, аммо ўз милли шаънига доғ туширадиган ўзбеклар экан. Иннайкейин, ҳақиқий севишганлар ўзларини бунаңги шарманда қилмасалар керак-а, укажон?» Ўзи-ўзидан ёш муаллиф изза тортиб, нафаси ичига тушиб кетганди. Шухрат буни сезди ва ёшлида одамдан бунга ўхшаш хатолар ўтиши, буни тузатиш мумкинлиги, тўпламдаги ҳикоялар орасида дурустлари борлигини айтиб, ёш муаллифнинг кўнглини кўтариб қўйганди. Шухратнинг беғараз кўрсатган ижодий кўмагидан баҳраманд бўлиб, миннатдорчилик билан эслаб юрадиганлар ижодкорлар орасида анчагина бор.

Мен бир болалар ёзувчиси сифатида Шухратнинг кичкинтойлар адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссасини айтмай ўтолмайман. У катталар адабиётида кўплаб шеър, достонлар, «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирғанлар» каби йирик романлар яратиш билан қаттиқ, банд бўлганига қарамай, болаларга ҳам асарлар ёзишга вакт топарди. «Болаларга ёзиш нечорлиқ қийинлигини биламан-у, лекин ёзиб турмасам хумори тутади», – деб қўярди фахр билан. Бу эса унинг болажонлиги, чин педагогилиги, одамохунлигини кўрсатиб туради. Болаларга ёзганда у худди қувноқ кичкинтойлар даврасига кириб қолгандай, улар билан чуғур-чуғур тиллашгандай, уларнинг шўх-шодон ўйин-кулгиларию қилиқларига қўшилиб кетгандай сезарди ўзини. Ҳикояларида ўзи қатнашиб келган даҳшатли урушнинг фожиаю оғатларини ошкор этиб, болаларда урушга қаттиқ нафрат уйғотувчи воқеаларни келтирас, ҳалқлар ўртасидаги дўстликнинг кучини очиб берувчи, атроф табиатта меҳр уйғотувчи мавзуларга кўпроқ диққатни тортарди. Шеърлари ҳам гўзал, шўхчан, хилма-хил бўлиб, ўғил-қизлар онги-қалбитга маънавият уруғларини

мўл-кўл сочар, ота-оналарни, ватанини жондан севишга ундарди, мусулмончилик одоб-ахлоқидан сабоқ берарди. Кичикларбоп сара асар ёзишнинг нақадар масъулиятли эканини теран англаган шоирнинг бир яхши одати шу эдикни, болаларга асар битса, уни дарров ҳамкасбларига келтириб кўрсатар, фикрларини олиб қиёмига етказарди. Шухрат болалар ёзувчиларига қўшилиб мактабларга бориш, ёш китобхонларга шеърлар ўқиб беришни яхши кўрарди.

Шухратнинг адабий хотирамизга сингиб қолган ибратли хислатларидан яна бири дўстларга чин садоқатию устозларга чексиз таъзим бажо келтириши эди. Ўзи табаррук ёшга етиб, кўпгина шогирдлар қуршовида юрган бўлса-да, ўзига ҳётда, ижодда ҳақ йўлни кўрсатган устозларидан салгина бўлса-да, ажралмади. Унинг Абдулла Қаҳҳорга бўлган ихлосу иззати бунга яққол далилдир. Устозга соғ-саломат вақтида қандай меҳрибонлик кўрсатгай бўлса, хасталик тўшагига ёпишиб қолганида ҳам ёнидан бир қадам жилмади. Устозга охирги руҳий мададни кўрсатишга астойдил ҳаракат қилди.

Шухрат ҳалол кечирган умри ва яратган асарлари билан ўчмас хотира қолдирган адибdir.



ИЖОДКОР МАТОНАТИ

Баъзан айрим ижодкорлар ҳақида бирор истас билдириш зарур бўлса, ўйлаб-ўйлаб бир нима дейишга қийналиб қоласан. Зўрма-зўраки айтилган гап ижодкорга ҳам, китобхонга ҳам фойда келтирмайди. Айрим ёзувчилар ҳақида эса худди сенинг энг яқин дардкашингдек, у ҳақда дилингдаги гапларингни айта қолсам, деб шошиласан. Шундай адиллардан бири – севикли дўстим, улкан романнавис, ажойиб драматург, жўшқин шоир, ўзининг ахлоқий поклиги билан ҳамиша намуна бўла олган, ҳар қанча таҳсинга лойик Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Шухратдир.

Шухратнинг прозамиздаги салмоқли ўрни, драматургиямизга қўшган ҳиссаси, шеъриятимизнинг кекса авлоди вакили сифатида қилган хизматлари, бу ҳақда айтилиши лозим бўлган гаплар кишилар кўнглида неча йиллар давомида турли сабаблар билан йиғилиб келган эди. Шу вақтгача унинг ижоди ўзининг тўла баҳосини ололмаган эди. Кишилар руҳиятини поклаш учун кураш бораёттан бир даврда Шухратдек ижодкор ҳаётини кенгроқ таҳлил қилиш, унинг асарларини ҳалқа етказиш амалий аҳамиятта эга. Ахир, Шухрат ҳаётда ҳам, ижодда ҳам чеккан мاشаққатларни бошқа бирорта ўзбек ёзувчиси кўрмаган. Унинг энг юксак инсоний фазилати шундаки, ижодкор ҳар қандай маломат, ҳўрлик, бўхтоналар чангалида, ҳа, худди шундай

қаддини ҳам қилмади. Дардкаш излаб, ҳар кўринганга тақдиридан нолимади. Метин ирода, ўз инсонийлигини йўқотмай ижод қилди.

Ҳақиқат ва ҳалолликнинг бир кунмас бир кун голиб чиқиши ва қаҳрамонликнинг машаққатлари тўғрисида кўпроқ китобларда ўқиймиз, кино ва театр саҳналарида кўрамиз. Ёзувчи Шухрат эса ҳалоллик, ўзининг ҳақлигига ишонч, инсоний фуур каби ажойиб фазилатли кишиларнинг орамиздаги тирик намунаси эди.

Шухрат 1950-йилларда ноҳақдан 25 йил муддатта озодлиқдан маҳрум этилди. Бир неча йил умрини лагерларда ўтказди. Ҳақ жойига қарор топиб қайтиб келгач, шахсга сифиниш даврининг фожиалирини акс эттирувчи «Олтин зангламас» романини ёзишга киришди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор романлари даражасидаги асар деб баҳолангандан бу романнинг ҳам, минг афсуски, китобхон қўлига тегиши осон бўлмади. Нашр этилгунча минг чириқдан ўтди. Чунки у ҳаётий, ҳаққоний, катта журъат билан ёзилган асар эди. Ўша йиллар адабиётда ҳаётнинг ижобий томонларигина мадҳ этилаёттан бир муҳитда бундай роман яратишга ҳамма ҳам журъат этавермасди. Шухрат эса журъат топган эди.

Шухрат асар ёзиб, ижод қилиб роҳат топмади, аксинча, кўпроқ мешаққат торти. Унинг «Олтин зангламас» романигина эмас, Ватанга садоқат мавзуда битилган «Жаннат қидирганилар» асари ҳам китобхонларга етгунга қадар, айрим шахсларнинг бўхтонларига учради.

Адаб ижода ҳам, ҳаётда ҳам ўзига содик қолди. Унинг ибратли фазилати шундаки, тама билан ижод қилмади. Мукофот, унвоилар кетидан қувмади. У амал-марта баси, раҳбарларнинг муносабатига қараб дўст танламади. Вижданни буорган ишни қилиб, ўзини Эркин тутди. Шундан ором олди.

Абдулла Каҳдор кекса ёзувчилар орасида ҳаётдаги нуқсонларни кўриб индамасдан туролмайдиган, ҳамма ҳам айтишга журъат қилолмайдиган ноҳақликларни очиқ айта оладиган ёзувчи бўлгани учун «тили аччик» деган ном олган эди. Унга айрим раҳбарларнинг муносабати яхши бўлмаган.

Аммо Шухрат шуларни била туриб, Абдулла Каҳдорга ўзини яқин тутади.

Табиийки, бу нарса Шухратнинг фойдасига бўлмайди, ўзига жабр қиласди.

Абдулла Каҳдор Москва касалхоналаридан бирда оғир хасталиқдан вафот этган дамларда ҳам адига муносабатни била туриб, Шухрат унинг ёнида бўлади. Машаққатлар билан адига жасадини Тошкентга олиб келишда ҳам жон куйдиради. Дағн маросимидағи расм-русумларни, хуфия жанозасини ўтказишда ҳам ўзи бош-қош бўлади. Ўлди, энди менга нима фойдаси тегарди, демади. Шухрат ана шундай одам эди.

У эътиқоди мустаҳкам, риёдан ор қиласиган, эътиқоди йўлида ҳар қандай машаққатни тортишга тайёр ижодкор эди. Бирор ишга бирорвнинг зўрлаши билан эмас, ўз хоҳишим, ўз ақлим билан қўл урдимми, демак, энди унинг роҳатини ҳам ўзим кўришим, азобини ҳам ўзим тортишим керак, деб биладиган ва бундан афсус қиласиган, муҳаббатини ҳам, нафратини ҳам ўзгартирмайдиган событ иродали инсон эди. Баъзи бирорлар сингари эътиқодини сотмасди.

Абдулла Каҳдорга яқин бўлиш азобини фақат Шухрат эмас, ҳатто унинг вафотидан кейинги маросимларида адабиётдаги хизматлари, ёшларга ғамхўрлиги ҳақида сўзлаганлар ҳам торта бошладилар...

Шухрат Каҳдорнинг адабиётдаги хизматларини унутмади, унга садоқатини, устозининг меҳрибон-

ликларини ва оиласига бўлган меҳр-оқибатини ўзгартирмади.

Шухрат мақтовга берилмайдиган, ҳаммадан мақтov кутмайдиган, ўзи ҳам бошқаларни ўринисиз мақташни хушламайдиган, ўзига ишонадиган ажойиб кини эди.

Ижодкорлар орасида мукофот олиш, унвонга эришиш учун кимларнидир мақтаб, кимларгадир хушомад қилувчилар ҳам оз бўлса-да топилади. Аммо Шухрат умр бўйи ҳалол меҳнати билан фахрланди-ю, ялиниб-ялтоқданишни билмай ўтди.

Тенгдошлари 50 ёшида Ҳамза мукофоти «Халқ шоири» унвонини олганларида, у етмиш ёшига қадар булардан ҳам бенасиб ўтди. Ҳатто дўстлари каби мукофотга сазовор бўлиш имкони тасодифан туғилганида ҳам у фойдаланиб қолишни билмади.

У дўстларга садоқати, вафодорлик олдида ҳамма нарсадан воз кечса кечардики, аммо риёга бормасди. Бу унинг қайсарлиги эмас, унинг ўжарлиги эмас, риёни, хиёнатни шармандалик деб билишидан эди. Бир воқеа сира-сира хотирамдан учмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбарларидан бири марҳамат қилиб, Шароф Рашидов билан Шухрат ўртасидаги муносабатни илиқлаштириш мақсадида бўлса керак, Рашидовнинг фронт ҳаётидан ёзилган асарини Шухратга: «Сиз ҳам уруш кўрган жангчи-ёзувчисиз, ўқиб чиқиб, фикрингизни билдирангиз, яхши бўларди», деб таклиф қилган. Аммо Шухрат қандайдир баҳоналар билан бунга истак билдирамаган. Мен буни кейинчалик эшишиб, Шухрат мендан бир неча ёш катта бўлса ҳам, ёшлиқдан дўст бўлиб сенлашиб гаплашадиган, ҳар қандай гапни айтишга бир-биримизга ҳаддимиз сифадиган бўлгани учун: – Имконни бой берибсан, яраш пайти келган экан, ҳар қандай ишингни таш-

лаб бўлса ҳам ўқиб қўя қолмасмидинг? – дегандим, бу гапларим унга ёқмади!

Мен ачиниб:

– Одамлар талашиб, менга ўқишига берсалар, бир кунда ухламасдан ўқиб чиқардим, деб орзу қилганиарида... Сен! Қийноқдан, ахир, кутулар эдингку, – десам, у юрагини очиб:

– Дўстим, ўқишига эринмасдим. Аммо оқибатни ўйладим. Шароф Рашидов кичкина одаммас, катта раҳбар, аммо асарларини, ўзинг биласан, жуда талентли деб бўлмайди. Бордию ўқиб чиқсан, унда менга ёқмади деб тўғрисини айтаманми? Шундай қиссан яхши кўринаманми? Муносабатимиз яхшиланиши ўрнига аввалгидан бешбаттар ёмонлашмайдими? Мабодо мендан нима кетди деб, яхши десам, у кишига ҳам, ўзимга ҳам жабр қилган бўламан. Ўқимаганимнинг сабаби шу!

– Ифвогарлар, ўқимади дея, шундан ҳам фойдалансалар-чи?

– Пешонамдан кўраман.

– Пешонангдан ўргилай!..

Унинг бу жавобидан катта эканлигига қарамай, ўз тенгдошларидан камситтириб, тортган азобларидан энди қутулиш фурсати келганда, бой берганини ўйлаб хурсанд бўлмаган бўлсан ҳам, аммо, ўзига ишончи, ҳалоллиги, событ фикрли одамлигига тан бериб, бағримга босгудек бўлдим. У пок, ўзига жуда ишонган одам эди. Адабиётдаги ўрнини билар эди.

Ҳақиқатни айтганда, унинг «Олтин зангламас» романни Ўзбекистондаги қайси ёзувчининг асаридан кам эди? Шеърлари, достонлари-чи! Унинг айримлардек, қатор-қатор унвонлари, орденлари бўлмаса ҳам, у ўз ижодий меҳнати билан ором олар эди. Ҳалқнинг берган баҳоси билан фахрланарди.

Хўкумат олдида бошқалардек қадр топмагани сабабларидан яна бири, у йиғинларда, тўю маъракаларда сўзлагудек, бўлса, совет ҳалқи, ҳалқимиз дейишдан кўра, миллатимиз, миллат деган сўзларни кўп ишлатар эди. Бу ҳам ҳукуматдаги айрим кишиларни чўчитиб, унга нисбатан шубҳа уйротар эди. Чунки шахсга сифиниш даврининг иллатлари ҳар қадамда ўзини намоён қилиб туради. Буюк Ойбекнинг бошига тушган кун ҳам, дард ҳам эркинлик даврида Шухратнинг бошида такрорланди. У соғлигини йўқотди, лекин қум билан булоқни кўмиб бўлмаганидек, ёзувчи қалбидаги жўшқинлик, ихлос янги-янги асарлар бўлиб қофозга тушаберди.

Шухрат ўз ишининг, сўзининг ҳақлигига ишонган сиймо. Ўзига ишонган одамга эса бошқалар ҳам ишонади. Мен ҳам Шухраттага ҳамиша ишониб келганиман, энг сирли дардларимни унга айтганман. Бизлар шу қадар яқин дўст бўлганмизки, яқинда газеталардан бири бирга тушган расмимизни сўраганида, тополмадим. Одатда унда-мунда кўришадиган кишилар кел, бир эсадалик учун расмга тушайлик, дейдилар. Биз эса ҳамиша бирга бўлганмиз, ҳар доим шундай қолади, деб ўйлаганмиз. Афсус...



МАЊНАВИЙ ЖАСОРАТ

Бир пайтлар Тошкентда ҳозирги Матбуот Уйининг ўрнида Бирлашган нашриёт бўларди. Шу жойда 1950 йилда «Студентлар» деган ҳикоям босилиб чиқдан эди. Бир кун Бирлашган нашриётда Шухрат акага дуч келиб қолдим. У киши – ватан уруши жанггоҳларидан соchlари бевақт оқариб қайтган салобатли шоир. Мен – ёш талаба – одоб билан қўл қовуштириб кўришдим. Авваллари «Шарқ юлдузи»га ҳикоя кўтариб борганимда, Шухрат акага мени таниб қолган эканлар.

– «Студентлар» ингизни ўқидим, – дедилар. – Биринчи қадамни дуруст қўйибсиз. Журналда тақриз ҳам чиқибди. Таңқидчи «маҳорат етишмайди» дебди. Буни кўнгилга қаттиқ олманг. Сиёсий айб кўймаганидан хурсанд бўлаверинг. Сиздан ёзувчи чиқади. Дадил бўлинг!

Шухрат акага бу сўзларни оёқда тикка турган кўйича қандайdir ички бир оловнинг таптидан кўзлари ялтираб айтдилар. Сўнг хайрлашиб, нашриётдан чиқиб кетдилар. Мен жуда таъсиrlандим, раҳмат айтганимча қолдим. У кишининг гап оҳанглари хатарли сафарга кетаётган одамнинг ўз иниси билан хайрлашаётганда тайинлаб айттан дил сўзларига ўхшаганидан хиёл таажжубланиб қўйдим.

Кейин билсан, ўша кезларда Шухрат аканинг яхши кўрган домласи Мақсуд Шайхзода қамалган

екан. Унга оғир сиёсий айблар қўйилаётгани матбуотда эълон қилинди. Шухрат акага мана шу адолатсизликдан оташин бўлиб юрган пайтларида мен учраб қолган эканман.

Эллигинчи йилларда яна хуруж қилган бу машъум қатағон ижодкор зиёлиларга қарши қаратилган, айниқса, қалам аҳли орасида қама-қамалардан қўрқиб-пусиб юрганлар кўпайган эди. Шу шароитда Шухрат акага кўкрагини баланд кўтариб юргани, бир ёш ёзувчининг илк китобчасини ўқиб фикр айттани, яна «дадил бўлинг!» деб далда бергани урушда минглаб хавф-хатарни кўриб чиниккан шоирнинг мањнавий жасоратидан ва адабиётимизнинг келажаги учун жон куйдирганидан да-лолат берарди.

Аммо мустабид тузум жасоратли ижодкорларга кун бермас эди. Ўша йили кеч кузда Шухрат акага ҳам қамалганини эшлиб, дилим хуфтон бўлди. Нега бундай бўляпти? Сабаби аниқ айтилмайди. Хадиксираш кучаяди. Номаълум хавф-хатардан одамни ваҳим босади.

Мен бу оғир туйгуларни «Уч илдиз»да ўз тенгдошларимнинг ўша давр қатағонларидан руҳан эзилгандари орқали тасвирлашга интилганман. Роман ёзилаётган пайтларда Шайхзода домла ва Шухрат акалар қамоқдан қутулиб келишди. Мен улар билан кўришганимда бир нарса ёдимда қолди: иккенинг ҳам кафтлари жисмоний меҳнатни кўп қилган одамларнинг кафтидек қаттиқ ва залворли туюлди. Кейин бу туйфу ҳам романда Раҳим Умарович деган домланинг қамоқдан чиқиб келгандан кейин ўз талabalari билан кўришганда кафтлари Маҳкамга тошдек қаттиқ сезилгани орқали берилди.

Булар-ку, қамоқ лагерларида ҳам энг оғир меҳнатларни қилиб, нонларини ҳалоллаб еган мард одамлар. Аммо уларни тұхмат билан қаматтан Ҳаки-

мов, Эшонбоев тоифасидаги номарлар-чи? Мен уларнинг ҳам ҳаётда прототиплари борлигини билардим. Улар шамол қаёқдан эssa ўша томонга паррагини тўғрилаб кун кўрадиган, гаразли мақсадлар йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган виж-донсиз шахслар эди. «Уч илдиз»да биз мансуб бўлган ёш авлоднинг бутун меҳри Ойбек ака, Шайхзода домла, Шуҳрат ака каби ноҳақ жабр кўрганларга бағишланган, нафратимиз эса уларга тухмат тошини отган ўша манфаатпаст иғвогарларга қарши қаратилган эди.

1957 йилнинг кузида Ўзбекистон ёзувчилар уюш-масида бу роман қўлёзмаси муҳокамага қўйилганда Шуҳрат ака ҳам уни ўқиган, «иғвогарларни боплапсиз, танидим!» дегандилар.

Лекин биз мустабид тузум қатағонларининг фагат бир четини ташқарисидан кўрган бўлсанк, Шуҳрат ака уни барча даҳшатларини ўз бошидан кечирган эди. Бу ҳақда таржимаи ҳолда ўзлари шундай дейдилар: «Мен «Олтин зангламас»да тасвирланган ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бир нарса яратмасам кўнглим жойига тушмас эди. Буни виждоним тақозо этарди».

Маълумки, собиқ шўро тузуми ўзининг энг даҳшатли жиноятларини фош этадиган қатағонлар ҳақида ҳаққоний асар ёзган ҳар бир адига адват кўзи билан қарап, уни турли-туман йўллар билан обрўсизлантириб, четта сурин ташлашга интиларди. Шуҳрат ака буни А. Твардовскийдек машҳур шоирнинг «Хотира ҳаққи» номли зўр достони босилмай ётганида, «Архипелаг ГУЛАГ»ни ёзган А. Солженициннинг зўравонлик билан ажнабий юртларга чиқарив юборилганида кўриб турарди.

Алоҳида жасорат ва фидойилик талаб қиласидан бу қалтис мавзуга киришишдан олдин Шуҳрат ака ўзининг улкан маънавий бисотини – Иккинчи

Жаҳон уруши даврида тўрт йил мардона жанг қилиб кўрган-кечирганларини катта асар саҳифаларида тасвиirlаб ижодий тажриба ортириди, куч йиғди. Унинг уруш даврида ёзган шеърларида шундай сатрлар бор:

Озмунча жанглар қилмадим мен,
Озмунча қонлар кечмадим.
Неча бора ўқ есам ҳам,
«Бас, етар жанг», демадим!
Энг оғир дамларда ҳам
Баҳт-саодат юлдузидан
Ҳеч умидимни узмадим!

Бу сатрлар орқали иродаси мустаҳкам, саббардоши чексиз, келажақдан умидини узмай доим олға талпинган жасур ўзбек йигити кўз ўнгимизда гавдаланади. «Шинелли йиллар» романида Шуҳрат ака бу йигитга Элмурод леб исм қўяди. Тўрт йиллик қирғин-барот урушнинг бошидан охиригача фидойиларча жанг қиласан бу йигитни ўзбекона меҳр ва миллий ифтихор туйғуси билан тасвирлайди. Ахир, одамзод тарихида содир бўлган урушларнинг энг улкани ва даҳшатлисида минг ўлимларга бўй бермай, бутун-бутун мамлакатларни босқинчилардан озод қилиш ва жаҳон миқёсида байрам қилинадиган оламшумул ғалабага ўзбекнинг обрўсини оширадиган даражада ҳисса қўшиш – умр бўйи фахрланса арзийдиган ҳодиса эмасми?

Элмурод қиёфасида биз Шуҳрат аканинг ўзини кўргандай бўламиз. Чунки роман муаллифи ҳам урушни 1941 йилнинг ёзида оғир чекинишлардан бошлаб, 1945 йилнинг баҳорида ғалаба билан туттган, олдинги сафда батальон командири бўлиб, фашист аждаҳолари билан юзма-юз олишган. Тўрт йил давомида неча бор оғир ярадор бўлган, даволаниб, яна сафга қайтган ва яна жанг қилиб, ниҳо-

ят, Польшадан ғалаба билан қайтган. Бу – чинакам қаҳрамонлик эди. «Шинелли йиллар» романы ана шу қаҳрамонона рух билан сүфорилғанлиги учун китобхонлар уни қўлдан қўймай ўқиди. Роман рус ва бошқа тилларга таржима бўлиб, сал кам милион нусхада чоп этилди.

1958 йилда Москва ёнидаги Переделкино ижод уйида Шуҳрат aka билан бир ойча қўшни хоналарда яшаб, қалам тебратганимиз ёдимда бор. Дам олиш соатларида Қарағайзор йўлкаларда бирга айланардик. Қатағон йиллар тўғрисида гап очилса, Шуҳрат аканинг юзи оташин ва шиддатли тус оларди:

– Мен учун тўрт йиллик урушдан ҳам тўрт ярим йиллик қамоқ оғир бўлди. Урушда, ҳар қалай, қўлда қуролим бор эди. Лагерда бизни талончи, киссабурлар билан бирга қамаб қўйди. Ўғрининг қўлида пичоги бор. Биз – қуролсиз. Уйдан майизми, патирми, соғинган бирон тансиқ нарсангиз келса, даррор талончи ўғрилар пайдо бўлади. Бир кун учтаси пичоқ кўрсатиб, уйдан келган посилкамни тортиб олмоқчи бўлишиди. Қани энди фронтдаги қуроллардан бўлса! Йўқ! Нарироқда узун бир хода турган экан. Югуриб бориб, ўшани икки кўллаб кўтардим. «Очкўз ўғрилар, мен фронтда қанча фашистни ер тишлатганиман, энди сен газандаларга кунингни кўрсатаман!» – деб ходани жон-жаҳдим билан сермадим. Пичоқ ўқталганлардан бирининг елкасига хода тегиб, ағанатиб юборди. Қолган иккита-си жуфтакни ростлаб қолди... Шунаقا жондан кечиб таваккал қиласангиз кун кўролмайсиз. Бўш келсангиз синдиришади... Терговчилари ҳам, назоратчилари ҳам одамни синдириб, эгиб-букиб олишнинг пайдидан бўлишиди. Синдириб букиб олганларидан кейин ёвуз ишларни қилдиришади. Қиласан жиноятингизни «қилдим», деб ёздириб, қўл қўйдиришади.

Шу шароитда иродаси синмасдан имони бугун инсон бўлиб қолиш қанчалик қийин ва машақкатли бўлганини Шуҳрат аканинг қуидаги тўртлиги орқали ҳис қилиш мумкин:

Шунча кўп қокилдим умримда, дўстим,
Оҳ, фурра бўлмаган еrim қолмади.
Шунда ҳам юрагим заҳа бўлмади,
Куймади имоним, дастим синмади.

«Олтин зангламас» романига ана шундай ирода-си мустаҳкам, юраги заҳа емаган ва имони пок ўзбек зиёлиси бош қаҳрамон қилиб олинади.

«Шинелли йиллар»даги каби, бу романда ҳам му-аллиф ўзи бошдан кечирган ўта мураккаб ва мушкул ҳаётий воқеаларни ичдан тасвиrlайди.

«Олтин зангламас» ёзилган олтмишинчи йилларда «цензура» деб аталадиган тақиқ ва тазииклар ҳали жуда кучли эди. Шуҳрат aka шу тақиқ ва тазииклар орасидан йўл солиб ўтди, ҳалол бир зиёлиши ноҳақ ҳибс қилган ва унга куракда турмайдиган ёлғон айбларни таққан риёкор золимларни фош этадиган катта романни ўзбек адабиётида биринчи бўлиб яратди.

Албатта, кейинги ўн йилларнинг ошкоралик даврида бу мавзунинг бутун кўлами ва барча қиррала-ри адабиётда атрофлича акс этди. Аммо олтмишинчи-етмишинчи йилларда «Олтин зангламас»дай роман билан майдонга чиқиш учун катта ижодий жасорат керак эди. Ёзувчининг дилида борини ошкора ифодалашга ўша замона йўл бермаганини Шуҳрат aka яна бир тўртлиқда келиштириб ёзганлар:

Мен олам китобин бир-бир вараклаб
Кўп нарса тушундим, кўп нарса билдим.
Замиш-у, замону оқимга қараб
Ўнтадан биттасин ошкора қилдим!

Бироқ мустабид тузум мухлислари адиб аяб айтган шу ҳақиқатнинг «ўнгадан биттасини» ҳам кўтариомас, Шухрат акага яна тухмат қилувчилартоппилса, уларни энг баланд даргоҳлардан туриб қўллаб-кувватлашга интиларди.

Адолатсизликни қарангки, Россия, Украина, Польша ва бошқа юртларни фашистлардан озод қилиш учун узоқ йиллар жанг қилган, неча ўлимлардан қолган, урушдан кейин эса «Кавказ дафтари», «Дунай соҳиллари» шеърий туркумлари, ажоийиб балладалари билан турли эл-юртларга биродарона меҳр уйғотган ёзувчини дабдурустдан миллатчиликда айблайдиган қоғоз Москвадан, «Правда» газетасидан келганига ва Ўзбекистон Марказкомида маҳсус кўриб чиқилганига мен ўзим гувоҳ бўлганман.

31 декабрда – ҳамма янги йилни кутиш тараддуидиа юрган бир пайтда, тўсатдан бизни Марказкомнинг фан ва маданият бўлимига чақириб қолишиди. Борсам, Яшин домла, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Матёқуб Кўшжонов, – жами ўндан ортиқ таниқли ёзувчи ва адабиётшунослар ийғилишибди. Адашмасам, 1981 йилнинг охири эди. У пайтда Ш. Рашидов ҳаёт эдилар. Фан ва маданият бўлимида «Правда» газетасининг мухбири ҳам ўтирибди. Бўлим бошлиғи беш-ён бетлик машинкада кўчирилган мақолани кўлига олиб гап бошлади:

– Ёзувчи Шухратнинг «Жаннат қидиргандар» романи ҳақида... Ўзимизнинг ўзбек қаламкашларидан бири «Правда»га ёзибди. «Шухратнинг мазкур романи миллатчилик руҳида ёзилган» деб айб қўйибди.

Йигилганлар бир-биrimizga хиёл таажжуб билан қараб қўйдик. Паст товушда кимdir:

– Тавба! – деб қўйди.

– Шароф Рашидович сизларнинг бу роман тўгрисидаги фикрларингизни билмоқчилар, – деди

булим бошлиғи. – Адабий жамоатчиликнинг фикрини билиб, кейин «Правда»га жавоб юборишимиз керак.

Сўнгти гапдан мен ўзимча бир қадар енгил тортидим. «Шароф Рашидович адабий жамоатчиликнинг фикрига қараб жавоб қилмоқчи бўлсалар, демак, адолатли йўл тутмоқчи эканлар», – деган ўй дилимга илиқ туюлди.

«Жаннат қидиргандар»ни ҳаммамиз ўқиган эдик. Бу романда ҳеч қандай миллатчилик йўқ, унда мол-дунёнинг кетидан қувиб, ватанга хиёнат қилиш энг оғир фожиаларга сабаб бўлиши тасвирланган, демак, ватанпарварлик туйғуси улуғланган эди.

Ҳаммамиз шу мазмунда гапирдик. Шухрат аканинг урушда жасорат кўрсатганини, ижодида ҳалқлар дўстлиги мавзуси мухим ўрин эгаллашини, унинг романларида бошқа ҳалқларга қарши қаратилган бирор гап йўқлигини ҳар биримиз билганимизча айтдик. Сўзларимиз баёнини «Правда»нинг мухбiri ёзиб олди. Назаримда, у ҳам байрам арафасида бегуноҳ ёзувчига отилган шу тухмат тошидан тезроқ қутулишни истарди.

Хуллас, йигилганлар бир оғиздан Шухрат акани ёқладик. Шароф Рашидович бу нозик масалада адабий жамоатчиликнинг фикрига таянганидан, илгари ноҳақ жабр кўрган адабни навбатдаги тухматдан ҳимоя қилишнинг оқилона йўлини топганидан мамнун бўлдик. Лекин бошқа бир нарсадан кўнгил хира тортарди. Ўз ҳалқини севган, адолат учун курашган ёзувчига қандайдир ғаразгўйлар «миллатчи» деб ёлғон айб тақаса, нега уларнинг тухматига Москва бу қадар катта аҳамият беради? «Правда» чинакам адолат тарафдори бўлса, ҳалол адабни ёқлаб, тухматини фош қилиши керак Эмасмиди?

Шуҳрат акани мана шу саволлар қанчалик эзганини, руҳига азоб берганини тасаввур этиш мумкин.

Мен ўша куни «Олтин зангламас» романидаги тұхматкаш Мирсалимни ва унинг хўжайини бўлган терговчи Чухановни яна бир эсладим. Ёзувчи романда уларнинг бутун кирдикорларини фош қилган эди. Энди улар гўё роман саҳифаларидан чиқиб келиб, Шуҳрат акага яна тұхмат тошини отётгандай туюларди. Чунки саксонинчи йилларда ҳам шўро тузуми Мирсалим ва Чухановга ўхшаган нопок кимсаларнинг хизматларидан ҳазар қилмай, ҳамон уларга таяниб иш олиб борар эди.

Орадан кўп ўтмай Гдлян ва Ивановлар Ўзбекистонда амалга оширган ёвузликлар аҳвол шундайлигини бутун дунёга намойиш қилди.

Эллигинчи йилларда бошланган ва саксонинчи йилларда ҳам кети узилмаган тұхмат зарбалари Шуҳрат aka жанг майдонларида орттирган яра асортларига қўшилиб, адабнинг соғлигини зимдан емирган экан...

Шуҳрат aka орамиздан бевақт кетдилар. Лекин бу нодир сиймонинг ватан ҳимоясида ва ижод соҳасида кўрсатган жасоратлари умрбод дилимиз тўрида яшашга муносидир.



НОМИ ЎЧМАЙДИ

Мен Шуҳрат билан урушдан кейин ёзувчиларнинг Тошкент шаҳар Биринчи Май кўчасидаги маҳкамасида учрашгандим. Германиядан эндиғина қайтиб келгандим, Шуҳрат эса, мендан аввалроқ қайтиб келиб Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг «Шарқ юлдузи» журналида ишлаётган экан. Иккаламиз ҳам бир-бировимизнинг асарларимизни ўқиб, ройибдан таниш эдик. Мен аскарлиқда юрган чоқларимда унинг оҳанграбо, дилрабо шеърларини кўлинча «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси саҳифаларида ўқиб турадим.

Биринчи учрашувимиз икки қуролдош қадрдон қаламкашларнинг учрашувидай илиқ бўлди. Нимагадир гапимиз фронт ҳаёти ҳақида бошланиб кетди. Фронт ҳаёти тўғрисидаги гапимиз уруш қаҳрамонлари тўғрисида ёзилган ва ёзилажак асарлар мавзусига уланиб кетди. Шуҳрат ҳам, мен ҳам бир жабҳада — уруш ва тинчлик мавзусида ижод қилаётган эканмиз.

Шуҳратнинг ўшлиги қатағонлик йилларда, нотинч ўтганини билардим. Мен ҳарбий хизматда юрган вақтларда бир неча илғор фикрли зиёлиларимиз қатори зукко шоиримиз Шуҳрат ҳам тутқун бўлганди. Унинг ҳақида газеталарда тұхматлар ёзилиб турди, ёзувчилар қаторидан ўчиришди, ҳатто «Сибир қилиб юборилди» деган гапларни эшишиб

ачиндим. Чунки унинг айби йўқ экан, келиб чиқиши савдогар, уйидаги турмуши ўзбекона, ёзган шеърлари миллий руҳда, ўқийдиган китоблари орасида Қодирий, Чўлпон асарлари бор эмиш. Ана шулар уни айбсиз айбор қилган эди!

Шуҳрат бўхтонларга ҳам, беш йиллик қамоқ азотига ҳам мардона чидаб, қаддини букмай, ижодини тўхтатмай, ҳаёт билан ҳамнафас эканини кўриб, ўшанда унга бўлган муҳаббатим ошганди. Ўшандан кейин Шуҳрат билан ҳамкорлик қила бошладик.

Ёзувчилар уюшмасининг Биринчи Май кўчасидаги биноси айвонида менинг «Чин муҳаббат» романнимнинг қўлёзмаси муҳокама қилинди. Унда Шароф Рашидов раислик қилди, Ойбек, Шуҳрат, Пarda Турсун, Маъруф Ҳаким, Туйфунлар сўзга чиқдилар. Ойбек aka билан Шуҳрат жуда яхши фикрлар айтдилар. Ойбек aka устоз сифатида маъқул гап айтган бўлса, Шуҳрат ҳарбий ҳаётнинг яхши билағони сифатида яхши гаплар айтди.

Замонанинг зайди билан «Гулистон» журналининг қайтадан тикланишида мен муҳаррир бўлиб қолдим-да, унда иштирок этишга Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда Шуҳратни таклиф қилдим. Улар жон деб ижодий ҳамкорлик қилдилар. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Коммунизм билан юзма-юз» асарлари қанчалик машҳур бўлиб журналхон эътиборини қозонган бўлса, Шуҳратнинг Абдулла Қаҳҳор ўлими тўғрисида ёзган одаси шунча шов-шувга сазовор бўлди. Аммо бу шов-шув шоир Шуҳратни оқибатда хаста қилиб қўйди. Шуҳрат тенгдошларига нисбатан ноҳақ, камситилди.

Шоирнинг 50 йиллик юбилеи ана шундай шароитта тўғри келди. «Юбилей комиссиясини мана, мен бошқараман», дедим-да, шоирни водий шаҳар, қишлоқларига бошлаб бордим. Учрашувлар юқори савияда ўтди. Марказий матбуот орқа-олдига қараб

бўлса-да, шоир ҳақида мақолалар чиқарди, аммо водий газеталари зукко шоирни бўй-басти билан курсатиб, мақолалар босди.

Бутун умрини заҳматда, ижодий меҳнатда ўтказган ва меҳнатсиз туролмайдиган ижодкор Шуҳрат, касалхоналарда бетоб ётган пайтларида ҳам қўлидан қаламини туширмади. Ҳасталик туфайли тили зўрга айланадиган пайтларда ҳам лирик шеърларини куйлаб, янги-янги асарлар ёзди. Шоирнинг бевақт ўлимидан сал аввал Ҳамид Гулом билан уни кўргани борганимизда бемор адиб кўрпода ҳам ёзид ёттанини кўрдим. Шуҳрат умрининг охирида янги роман ёзаётганини билдириди.

Унинг гўзал сиймоси ҳамон кўзим олдида!

Зукко шоир Шуҳрат дўстларига садоқатли, оиласига содик, фарзандларига ниҳоятда меҳрибонлиги билан бошқалардан ажralиб турарди. Ҳатто сочининг оқини олиб қолиб, қорасини фарзандларига берарди. Биз буни ҳар ишда, ҳар қадамда сезиб турардик. Оиласи ҳам уни ўн ҳисса меҳр-муҳаббат билан эъзозлаганининг гувоҳиман. Узоқ йиллар бетоб бўлиб ётган Шуҳратни ҳалоласи Турсуной янги куёвлардай оппоқ қилиб эъзозлаганидан ҳамма мамнун эди. Фарзандлари эса падари бузрукворини ҳеч нарсадан камситмай бошларига кўтариб ардоқлаганларидан ота рози кетганининг ҳам гувоҳимиз. Барака топишсин!

Шуҳрат орамиздан бевақт кетди, ёш, авжи ижодий кучга тўлган чоғида кетди. Унинг кўпгина ижодий режалари, умид-армонлари рўёбга чиқмай ичидага кетди. Афсус. Аммо ўзидан яхши ном қолдириди. Унинг номи ўчмайди, фарзандлари идрокида, асарлари сахифаларида, китобхонлари дилида ҳамиша яшайди. У жўшқин, лирик ижоди билан орамизда юрибди!

ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ

Алоҳ раҳматига олсин, Шухрат – Фуломжон Алимов билан бизнинг ёшимиз баравар десам бўлади.

Шухрат билан кўп соҳада бир-бirimizga ўхшаш жойларимиз бор. Лоақал урушни олиб кўрайлик: унинг биринчи кунидан бошлаб охиригача икковимиз ҳам фронтда бўлганмиз. Ҳаттоқи раҳматли вафот этиши одидан ҳам шифохонада бирга даволангандик. Мен Москвада ишлаган пайтларимда, 1957 йилда Шухрат ва Абдулла Каҳҳор бизнинг уйда бўлишар ва биз учовлон Ватан, Ўзбекистон, адабиёт ҳақида сұхбатлашардик. Сурияга элчи бўлиб кетиб, араб дунёсида 9 йил юртимдан узокда яшаганимда ҳар йили Тошкентта дам олиш ёки бошқа сабаблар билан келардим. Биз Шухрат билан албатта кўришардик, ўзининг, бошқа адиларнинг китобларини олиб қайтардим.

Бизлар фахрланишимиз мумкинки, ўзбек адилари қобилиятли ижоди билан она Ватанимиз Ўзбекистоннинг адабиёти, маданияти, ҳамма соҳалари тараққий топишида чин юракдан қалам тебратган, меҳнат қилишган. Шундай ватанпарварларнинг биринчилари қаторида Фуломжон Шухрат туради. Унинг «Шинелли йиллар» романини ҳамма ўқиган. Мен ўзим урушнинг нималигини, фронт ҳаётини, ўлим билан юзма-юз туриш қандай таъсир этиши-

ни яхши биламан. Ана шу кунлардан роман ёзиб, етти ёшдан етмиш ёшгача ўқувчига манзур қила билди. Ҳатто бошқа миллатлар ҳам бу романни ўқиб, адилга хурмати ошди.

Шухрат иродали, кучли, эътиқоди мустаҳкам инсонлардан эди. Қирқинчи йилларнинг охирида йитирматача Ўзбекистоннинг кўзга кўринган адилари қамоққа олини, маҳфий суд қилиниб, узоқ муддатларга сургунга жўнатилган эди. Даҳшатли томони, хукм ҳам, сургун жойи ҳам маҳфий бўлган эди, ҳеч кимга айтилмаган эди. Ишларни ўрганиш вақтида шу нарсага амин бўлдимки, адилар қандай турмада, камерада, сургунда азоб-уқубат чекмасин, биронта одам устидан бирон оғиз гап гапирмаган, ифво қилмаган. Шухрат билан бир пиёла чой устида соатлаб сұхбатлашганмиз бу ҳақда. Одамзоднинг иродаси кучли бўлса, инсоний бурчини бажаришга ҳамма вақт шай турар экан-да! Усмон Носирнинг ҳам бошига шундай кунлар тушган, афусуки, у Сибирда вафот этганди.

1956 йилнинг ўрталарида Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съездини ўтказдик. Унга турмадан озод бўлиб келганларнинг ҳаммасини делегат қилиб сайладик. Мен маъруза қилганимдан кейин Мақсуд Шайхзода илҳом билан гапирди. Уқубат кўрган адиларимизнинг яна бир умумий хусусиятлари шу эдик, уларнинг ҳаммаси ҳам бир неча қун уйда бўлиб, яна меҳнатга отланиши, ижодга шўнғишиди. Уларнинг ўша йиллардаги ижоди Ватанимиз адабиёти тараққиётiga катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Шухрат дўстликка бутунлай содик инсон эди, аўстларга муҳаббатли эди. Унинг дўстлари кўп эди. Ҳаммасининг хурматига сазовор эди.

Абдулла Каҳҳор билан Шухрат ўртасида мустаҳкам алоқа бор эди. Энг истеъододли, маҳсулдор адил саналган Абдулла Каҳҳор тил устаси сифа-

тида машхур эди. Қаҳҳор билан Шуҳратнинг дўстлиги чин дўстлик эди. Бир-бирига ҳавас қилгудек яқин эди. Икковининг ижод ҳақидаги, адабиёт ҳақидаги сұхбатларидан кўп марта баҳраманд бўлғаниман. Уларнинг асқииси, шўхлигига ҳавасим келарди.

1992 йилда шифохонага даволаниш учун ётдим. Мажруҳ бўлган оёғимни жарроҳлар қайта қўришиди. Раҳматли Шуҳрат ҳам реанимацияда экан. Бироз соғайгач, мен ҳам, у ҳам араваларда юра бошлидик. Икковимиз имкон қадар бирга бўлдик.

Шуҳратнинг юраги илҳомга, янги-янги мавзуларга тўла эди. Қанча-қанча ёзилажак асарлари режаси бор эди. Соғайсам, ёзаман, деб ният қиласиди. Минг афсус, шундайин улуг зот, эътиқоди чексиз, иродали инсон дунёдан кўз юмди. Ҳамма-ҳамма ниятлари ўзи билан бирга кетди... Хурсандлигим шундаки, унинг ишларини фарзандлари давом эттирмоқда. Ҳар гал эслаганимда: «Дўстим Шуҳрат, жойинг жаннатда бўлсин», — дейман.



«Отамиз шу кунларни кўрганларида, умр қўшилармиши», — дейди оцибнинг фарзанди Фикрат Алимов кртбошимиздан «Буюк хизматлари учун» орденини қабул қилиб оларкан.



Марҳум отамиз Шуҳрат домла эл-юрт деб хизмат қилдилар, юрт ташвиши, орзу-умидлар билан яшадилар. Шу орзу-умидлар уларнинг бадиий асарларида ўз аксини топган. Аммо соғиқ мустабид тузум даврида отамиз бошига не-не кулфатлар гашди, лекин улар бу кулфатларга тик туриб, беллари букиласдан, бошлари эгилмасдан дош бериб келдилар. Отамиз бизга болам, ҳали ҳақиқат олдинда,adolat ҳали рӯёбга чиқди, оиз кўрмасак ҳам, сизлар кўрасизлар, деб кўп ганирадилар. Республикамиз мустақил бўлганидан кейин уларнинг барча орзу-умидлари рӯёбга чиқди. Отамиз шу кунларни кўрганларида, умр қўшилармиди...

Хурматли, азиз Ислом Абдуғаниевич, бугун қўлинигиздан юксак давлат мукофотини олар эканман, кўзлари кувончга тўланган, юзларига табассум юргурган отамининг чехралари кўз оламига келди. Кўзимга ёш келди-ю, ўзимни базўр босдим. Отамизнинг меҳнатларини шу қадар қадрлаб, эслаб, юксак мукофотни берганингиз учун Сизга ташаккурлар билдирамиз.



Шуҳрат ва муҳтарам волидалари Ҳолбиби ая.



Адабнинг сингиллари: Иқболхон ая.



Аминжон ога — адабнинг
надарибузрукпари.



Адабнинг волидалари
Ҳолбиби ая.



Кутбихон ая.



Раҳбархон ая.



Адиб рафиқаси Турсуной ая ва қизи Зебохон билан.



Кибриё Қаҳҳорова, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Шуҳрат.



Умид ғұнчалари.



«Дастхат ёзіб берсангиз!»



Шұхрат Faafur Fулом, Иzzат Султон ва бошқа ижодкорлар даврасыда



Дүстлар гурунги.



Оила даврасида.



Шұхрат ва Комил Яшин ёш ижөлдөрлар билан.



Шұхрат ва Олесь Гончар.



Шұхрат атқоли түркмен адеби Берди Кербобоев билан.



Акмаал Пўлат, Мўмин Қаноат, Мирза Иброҳимов ва Шуҳрат.





«Шарқ юлдози» журнали таҳририятида.



Миртемир ва Иброҳим Йосунов билан сұхбат.



Рахмат Файзий, Сайд Ахмад, Шухрат ва Аскад Мұхтор.



Шухрат ва Тураб Тұла Қызын сұхбат.



Устоз ва шогирд. Шуҳрат ва Абдулла Орипов.



Суҳбат гашти. Фанихўжа Аъзамхўжасев ва Шуҳрат.

ШУҲРАТНИНГ ШУҲРАТИ

Кўпинча шоирлар ўзларига тахаллус танлашади. Яхши ният билан, албатта. Кўпларига ярашгандан ярашади, узукка кўз солгандай. Гоҳо ижодига мос ва хос бўлиб қоладики, муҳлислар ҳам ихлос кўйишади.

Бўлажак шоир Фуломжон ака ҳам яхши ният билан Шуҳрат деб тахаллус танлагани бежиз эмасди. Қаранг, ўша ўттизинчи йиллардаёқ яхши тахаллуснинг шарофати билан шуҳрат қозона бошлагани эсимда. Аслида, ҳазрат Навоий ҳам яхши исмнинг фазилатларига кўп эътибор берганлар, шубоисдан бўлса керак, наво фарзанди бўлиб қолганлар нафосат оламида.

Шуҳрат ака наинки ўзига яхши тахаллус танлаган, ўз фарзандларини ҳам Фикрат, Хондамир, Бобур, Зебо каби муборак номлар билан шарафланларида хикмат борга ўхшайди.

Шуҳрат номини шеърда ўқий бошлаганлар ўша пайтдан бери ўз фарзандларига олий ният билан Шуҳрат исмини қўя бошлаганларини сезиб келаман.

Мен Шуҳрат ака билан қирқинчи йилларнинг урталарида, болалар газетасида ишлаган кезларимда танишганман. Ундан оддин эса, уруш тугаши олдидан, институтда ҳарбий формадаги келишган йигитни Шуҳрат, деб кўрсатишган эди дўстларим.

Болалар газетасига тез-тез келиб турадилар, ҳар сафар келганларида янги-янги балладалар кел-

тиардилар. Баъзи пайтларда ўз машқларимни кўрсатардим ийманиброқ. Яхши маслаҳатлар бериш билан чекланиб қолмай, айрим жойларини зумда тузатиб қўярдилар.

Кейинчалик, Ёзувчилар уюшмасида, Абдулла Қаҳҳор уюшма раиси бўлганида Шуҳрат aka ҳам адабий маслаҳатчи эди, мен ҳам болалар адабиёти бўйича маслаҳатчи эдим, кейинчалик билсан, бу вазифага мени Шуҳрат aka тавсия қилган эканлар.

Ўшанда Шуҳрат aka олдига жуда кўп умили ёшлар келарди, уларнинг ҳеч биридан ўз маслаҳатини аямасди. Айниқса, шоир Хайридин Салоҳга ихлос қўйгандилар, натижада яхши шоир бўлиб етишганда увол кетди раҳматли, халқ ибораси билан айтганда, етай деганда «йиқилди»...

Шуҳрат акадаги мадад истаганларни қўллаб-куватлаш фазилатларидан камина ҳам баҳраманд бўлгандим. Кўп йиллар «Шарқ юлдузи» журналида котиб бўлдилар. Мен олтмишинчи йиллар бошида болалар учун «Қовоқвой билан Чаноқвой» шеърий пьесани ёзгандим. Уни болалар театри сахнасида кўриб, журналга олиб келишимни тайинладилар, олиб бордим, одатда адабий ходим таҳrir қилиб, сўнг котибга топширилади. Қарасам, ҳалиги ходим пьесамни роса «бўябти». Мен рози бўлмай, қайтиб олиб кетмоқчилигимни эшитиб, ҳалиги ходимга ётиғи билан тушунтирилар ва охир-оқибатда асар Шуҳрат aka кўмагида нашр этилди.

Кўпинча ижодий сафарларда бирга бўлардик. Одамнинг поклиги, меҳрибонлиги сафарда билинади, дейишади. Шуҳрат aka учрашувларда бошқаларни ўзидан юксак қўйишга одатлангандики, бу олийжаноблик кам учрайди.

Бир йили Намангандага Чорток шифохонасида шеърият кечаси бўлганди. Учрашув бошқарувчиси ҳар биримизни навбат билан таништира бошлади.

Шуҳрат акани таништириш асосида ажойиб тўлкин гуруллаш, одамлар орасида «Шуҳрат шуми?!» деган овозлар пайдо бўлди, улар мўъжиза кўришгандай бўлишди ўшанда. Бу ҳолат шоир Шуҳратни чинакам эъзозлаш эди. У шеър ўқиди, одамлар жон қулоғи-ла тинглашди, одамлар тинглаб, англаб, маза қилишди, шоир шеър ўқиб... Шеърлари тингловчиларнинг дардини оларди гўё, завқ улашарди уларга.

Шоир Шуҳрат, устоз Миртемир таъбири билан айтганда, ижодий ҳаракатдаги шоирлардан бири эди. Унинг қиёфаси ҳам шоирона; ҳар шеърида янги гап айтардики, ҳавас қилгулик эди. Лирик шеърлар устаси, айниқса, қисқа шеърларни қуийб қўярди. Ҳар шеърида қиссадан ҳисса – якун бўларди, албатта. Юракка тегадиган бир гап учун ёзарди, эшитганлар «яшавор» дерди. Бу даврлар Шуҳратнинг «Кавказ дафтари» шеърий туркуми машҳур ва манзур бўлганди китобхонлару ижод ахлига. Пушкин ва Лермонтовлар ҳам Кавказни ёзишганди ўз давларида. Бизнинг даврга келиб Шуҳрат aka ҳам Кавказ ҳалқининг ўқтамлигини, ўзига хослигини, бетакрор табиатини ўзбек ўқувчиларига на мойиш этаолган шоирларимиздан бири бўлди.

Ул зот доимо самимий маслаҳатгўй бўлганлиги – фазилатига жило берарди. Қайси бир йили денг, севимли лирик хонанда Фахридин Умаровнинг уч шоир – Шуҳрат, Ёнғин Мирзо ва камина шеърлари асосида концерти бўлганди. Ўшанда шеър ўқиларди, сўнг қўшиқ куйланарди. Навбат Шуҳрат акага келганда, – роса шеър ўқитишди, қўшиқдан ҳам кўпроқ манзур бўлганди шоир шеърлари! Ҳасос шоиримиз Ёнғин Мирзо ўзининг талай разалларидан ўқиди, одамлар қўшиқقا ҳам, шеърга ҳам тўйғандай бўлишди. Ўшанда қайним Бахтиёрхон ҳам бор экан, – одамлар чарчаган, энди Пўлатхўжа

акам нима қилар эканлар? — деб ўйлабди. Чиндан ҳам мен оғир ҳолатда әдим-да. Шунда Шұхрат ақа менга: — Пұлатхұжа, сен энди қызықроқ, кулгили ва танқидий шеърларингдан ўқигин, — дедилар. Маслағатларини бажо қылғандым, тингловчиларда янгидан жонланиш пайдо бўлди-да, оғир аҳвоздан енгилгина қутулиб кетдим.

Шұхрат ақа бошқалар ютуғига ҳавас билан қаради. Яна яхши фазилатларидан бири шулким, ҳамкаслари асарларини қолдирмай ўқириди, яхшиларини табрикларди.

Тақдир тақозоси билан, каминага ҳам «халқ ёзувчи» унвони берилгани ҳақидағи фармонни эши-тиб, ўша куни тонгда чопон күттарған ҳолда ташриф буюрсалар бўладими? Бетобликларига қарамай келгандарига ҳайратда қолдим. Ўшанда болаларча қувониб табриклаганлари ҳозиргидек кўз ўнгимда.

— Пұлатхұжа, бу сенинг ижодда тан олинганинг, — деб севингандан севинган эдилар.

Атоқлы адид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шұхрат ақа ўз ижоди, одамийлиги, самимийлиги билан шұхрат қозонган Шұхрат эдилар!



ҮТДАН ҲАМ, СУВДАН ҲАМ...

Эмлигинчи йилларнинг бошлари. Марказқўмнинг масъул ходимиман. Эндиғина университетни тутатган әдим ўшанда. Ҳали тажрибам йўқ. Дастрлабки кунлари иш сокинлик билан бошланадек кўринди менга. Кўп ўтмасдан, бу ер — қўзга кўринган одамларнинг тақдирни ҳал бўладиган жой эканини сеза бошладим. Менинг ишим илмий ва маърифий муассасалар билан боғлиқ эди. Бошқа бўлимлардаги ходимлар билан аста-секин таниша бордим. Улардан биринчиси — масъул ходима, ёзувчи Ойдин Собирова бўлди. Иккинчиси — шоир Туроб Тўла эди. Тез орада бир-бирларимизга ўрганиб, bemalol фикр алмашадиган бўлиб қолдик. Бир гал Ойдин опа олдига кирганимда, стол устида турган китобларга кўзим тушди. Ойдин она билан гаплашаётib, беихтиёр уларни кўздан кечирдим. Шайхзода, Шұхрат, Шукруллоларнинг китоблари бор эди. Ойдин опа ҳол-аҳвол сўрашарди-ю, кўзини мендан олмасди. «Чакки қўйибман-да, китобларни бу ҳолда», — деган маъно бор эди унинг қиёфасида. Мен Ойдин опанинг ҳолатини тушундим. Китоблардан нигоҳимни узиб, сухбат мавзуини бошқа томонга бурдим. «Бу маконда ҳар нарса, ҳатто ҳар бир қоғознинг қаерда туришида маъно бор!» — ўйладим ўзимча ва тез гапимни тутатиб, хонадан чиқиб кетдим.

Бир неча кундан кейин қоши-кўзи номутаносиб жойлашган котиб хузурида бўлдим. Унинг чақири-

ви муносабати билан, албатта! Қарангки, Ойдин опа столида турган китоблар унинг столида ҳам тахланиб турибди. Уларнинг ёнига Ойбекнинг «Навоий» романи ҳам кўшилган эди.

Котиб менинг кўз қарашимни пайқади шекилли:

— Сиз адабиётчисиз-а? — деди ўрнидан хиёл қўзғалиб. Негадир у қошларини чимириб, менга тикиди. Кейин дарров тоширикка ўтди:

— Сиз олий ўқув юртларида ижтимоий фанларнинг ўқитилиш сифатига жавобгарсиз. Қайси домла қандай нафас олади, бу саволга тайёр бўлишингиз керак! — У қайтиб китобларга назар ташламасин дегандек:

— Боринг, ишингизни қилаверинг, эртадан бошлаб назоратни кучайтиринг, — деб буюорди.

Эшик томон йўналар эканман, котиб мени тўхтатди-да:

— Зойконинг олдига кирасиз, у сизга вазифани батафсил тушунириди, — деб қўшиб қўиди.

Зойко у пайтларда Марказкўмда маҳфий ишлар билан шуғулланадиган маҳсус бўлимнинг бошлиги эди.

Зойконинг олдига кирдим. У мени қуттанини англадим. Олий ўқув юртларида ижтимоий фанлардан дарс берадиган домлаларнинг рўйхатини қўлимга бериб, буйруқ оҳангиди:

— Зудлик билан мана буларнинг лекцияларини стенограмма қилдирасиз, — деди. Мен бир-икки ой шу иш билан банд бўлдим.

Маҳфий равишда лекциялар стенограмма қилинар, матнлар Зойконинг қўлига обкелиб топшириларди. Бу ҳол менга ўта сирли тадбир бўлиб кўринди.

Иш кўпайган сари қизиқ ҳолатларни кўрадиган бўлдим. Атрофдагилар — котибдан тортиб оддий ходимларгача асабийлашган ҳолатда эди. Тез-тез

ҳар хил йўсиндаги маълумотномалар талаб қилинади. Ходимлар ҳам бир хонадан иккинчи хонага ўтадиган бўлса, «биров кўриб қолмасин» дегандек қадамларини тезлаштирадигандек, бир-бирлари билал паст товушда, шивирлашиб гаплашадигандек кўрина бошлади менга.

Кунларнинг бирида шундай воқеа рўй берди: тинимсиз иш. «У ҳақда маълумот ол», «бу ҳақда маълумот етказ», «фалончини топ», «фалончини чақир»... Кечга томон ҳамманинг асаби таранг тортилди. Иш тун соат иккиларда тугади. Бир маҳаллада яшайдиган шеригим билан кўчада, эшик олдида навбатчи машинани кутиб турибмиз. Ичкаридан ўша қоши-кўзи номутаносиб жойлашган котиб сўлғин ҳолда чиқиб келди. Биз билан хайрлашишга ё мадори етмади, ё хоҳламади. Эшик олдида уни кутиб турган машина томон ўгирилиб ҳам қарамади-да, тезликда кўчанинг чап томонидаги йўлкага бурилди. Назаримда, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, кўринса ҳам балки парво қилмасди. У йўлкада, машина эса паст тезликда у билан изма-из катта кўча бўйлаб бораради. Қоровул бошлифи бу ҳолатдан хабардор бўлган шекилли, дарров иккита милиционерни котиб орқасидан жўнатди. Котиб олдинда, икки милиционер орқада йўлка бўйлаб, узоқлашдилар.

Биз, икки шерик бир-биримизга қарадик ва қарашларимиз маъносини сўзсиз тушунардик. Бизни олиб кетадиган навбатчи машина келгунча иккинчи котиб ҳам ичкаридан чиқди. У серрайган, ҳеч кимни, ҳеч нарсани пайқамаётган одам ҳолатида эди. Атрофга назар ташламас, қалтис йўлда кетаётган сингари фақат оёғи остига қарар, гўё шундан бошқа ҳеч нарса унинг кўзига кўринмас эди. Шу пайт уни қутаётган машинанинг ҳайдовчи-си зийраклик қилди шекилли, дарров машина эши-

гини очиб, уни ўтиришга таклиф этди. Машина ўрнидан тез жилди-да, кўчага сингди. Энди тепада биринчи котибининг ўзи қолди, холос. Шу орада бизга ҳам навбатчи машина келиб қолди, жўнадик. Машинанинг оддинги ўтиргичида гаражда миниб олган, биздан даражаси юқорироқ бир ходим бор эди. Унинг фамилияси – Сталь. Марказқўмдан атиги икки юз метр келадиган масофа – Хоразм кўчасида истиқомат қиласиди у. Эшиги оддига борганда, одатдагидек, машинадан тушди-да, «туратуринглар» деди ва йигирма қадамлик ўз эшигигача чопиб борди. Эшигига калит солиб, «кетаберинг» маъносида бир кўлини кўтариб қўйди. Машина силжиди. Биз шеригим билан узоқ жойда турадик. Бироқ то тураг жойимизга етиб боргунча жим эдик. На ундан садо чиқди, на мендан. Бир-биримиз билан сўзсиз, лаҳзалик назар ташлашлар билан фикр олишардик.

Кунлар шундоқ ўтаверди. Бир неча ойдан кейин йиғилиш бўлди. Унинг чақирилиши ҳам сирли ва пинҳоний эди. Уни Марказқўм пленуми деб атардилар ўша пайтлари. Расмий равишда биз бу мажлисга қатнашишга ҳуқуқсиз эдик. Бироқ керак бўлиб қолармиз, маъносида шу атрофда ўралашиб юрадик. Кириб-чиқишга ҳуқуқли ходимлар эшикни очиб-ёлганда, нотиқларнинг гаплари узуқ-юлуқ қулоққа чалинарди. Нотиқлар тилидан баъзи олимлар ва ёзувчиларнинг номларини эшишиб қолардим. Булар ичida мазкур мақоланинг қаҳрамони – Шуҳрат ҳам бор эди.

Пленум тугади. Эрта-индинигаёқ унда кўтарилиган гаплар катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу гапларнинг бир қисми матбуот саҳифаларида эълон ҳам қилинди. Зиёлилар орасида «фалончини олиб кетганмиш», «фалончи қамоқقا олинибди» деган гаплар тарқалди. Шуҳрат ҳам шу сафда эди.

Пленумдан оддинги Марказқўм муҳитида кўзга ташланган асабият, баъзи ходимлар ҳадиксишларининг сабаби маълум бўлди. Ўша пайтларда мен кузатган бу ҳолатлар республикани ларзага соладиган катта тўфоннинг белгилари экан...

Шоир Шуҳратнинг ижодини маълум даражада билсан ҳам, у билан шахсан таниш эмас эдим. Эллигинчи йилларнинг охирларида, «Шарқ юлдузи» журналининг муҳарририятида танишдим. У кўринишда хушбичим, бўйдор, оқпарат, нигоҳи ўткир одам эди. Биринчи учрашувдаёқ ўзига тортадиган хислат бор эди унда. Муҳарририятта бориб қолганимда, у билан учрашмасдан, озгина суҳбат қурмасдан кета олмайдиган бўлдим. Суҳбат мавзусининг ҳам доираси кенг бўларди. Оддий ҳаёт ташвишларидан тортиб, катта ижод муаммоларигача! Ҳақиқат учун ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмайдиган одам бўлиб кўринарди у менга бу суҳбатларда. Ўзига ишонадиган, ўз кучини, қобилиятини билиб иш тутадиган, майда иғволарга учабермайдиган одам эканини англашим.

Эллигинчи-олтмишинчи йилларда бадиий ижод, адабий жараён ҳақида қатор мақолалар эълон қилдим. Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» романи босилиб чиқкан эди ўша пайтлари. Москвадан келиб юз-хотир қилмасдан барчага баробар муносабат билдиришни мен ўз бурчим ҳисоблардим. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» хусусида ҳам бадиият талабидан келиб чиқиб, танқидий фикрларни дадил билдирганим бор. Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар билан қай даражада яқин бўлмай, улар менга бирон марта эътиroz билдиришмаган, нороziлик изҳор қилмаганлар. Баъзи истеъоди заиф ёзувчилар хусусида арзимаган танқидий муносабат билдириган чоғларимда дўқ-пўписалар эшигтан

пайтларим кўп бўлган. Шуҳрат ҳам Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар сингари менинг танқидий фикримга нисбатан бирор марта норозилик билдирган эмас. Бардошли, ўз кучига ишонган, қадр-қимматини билган истеъоддларга хос хислатdir бу!

Бугун ҳарбий мавзуда яратилган асарлар сафига бир назар ташласак, Шуҳратнинг «Шинелли йиллар»ни яратиб адабиётимиз тараққиётига катта ҳисса қўшганини англаймиз. Гап шундаки, тўрт йил давом этган иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқи бир миллионга яқин жангчини қурбон берган. Ҳалқимиз уруш орқасида туриб, моддий ва маънавий жиҳатдан кўп азият тортган. Шу маънода тўрт йил давомидаги оғир воқеалар ҳанузгача адабиётимизда етарли даражада ўз аксини топа олгани йўқ. Бу ишда биринчи жиҳдий қадамни Шуҳрат қўйганлигини бугун алоҳида таъкидлаш зарур!

Танқидий фикр билдириш, бардош ўз йўлига. Пайти келганда Шуҳрат сафдошларига фидойилик кўрсата оладиган инсон эди.

Минг тўққиз юз етмиш биринчи йил. Мен докторлик диссертациямни ҳимоя қилаяпман. Мавзум — «Абдулла Қаҳҳор ижоди». Зал одам билан тўла. Марҳум Абдулла Қаҳҳор билан республикализм раҳбари Шароф Рашидов ораларида совуқлик аломатлари тугамаган пайт эди. Бу икки улуғ шахслар орасидаги асоссиз зиддиятдан манфаатдор одамлар бор эди бу вақтларда ҳам. Аслида, бу икки шахс бир-бирини эъзозлаган пайтлари ҳам бўлган. Диссертациянинг авторефератида Шароф Рашидовга нисбатан озгина танқидий фикр ҳам айтилган эди. «Диссертациянинг қисмати нима бўларкин?» Шу масала кўпчиликни қизиқтиради. Ҳатто Комил Яшин ҳимоя ташвишлари билан банд юрганимда рефератимда Рашидовга муносабат билдирилган ўша жумлани кўрсатиб, «сизга керакмиди

шу гап, усиз доктор бўлолмасмидингиз? Баъзи одамлар рефератингизни кўтариб, Марказқўм атрофида юришибди, каттага қабул сўраб», дегани ҳамон эсимда. Залнинг тўлалигини ҳам шу хавотирга боғлиқ, деб тушундим ўшанда.

Оппонентлар сўзларини тутатиши. Раис норасмий оппонентлардан муносабат кутиб, залга мурожаат қилди. Бир зум жимлик чўқди, «ҳеч ким қувватламаса-я?» деган ташвишли фикр хаёлимдан ўтди. Жимлик узоқ давом этмади. Раис Шуҳратга сўз берди. Мен беихтиёр залга назар ташладим. Шуҳрат секин ўрнидан турди-да, минбарга чиқди.

У аввал Абдулла Қаҳҳор ижоди, кейин диссертация ҳақида қисқа нутқ сўзлади. Унинг фикрлари аник, далилли ва қатъий эди! «Менимча», «ўйлашшимча», «назаримда» деган шубҳага ўрин берадиган сўзларни ҳам ишлатмади. Зал жим бўлиб, унинг нутқини эшитди. У минбардан тушгач, ўзаро шивир-шивирлар қулоққа чалинди. Ким қандай фикрда эди, Худо билади.

Вақтлар ўтди. Кейинчалик ўшандаги хавотирлар ортиқча ваҳима экани маълум бўлди. Раҳбарият муносабати менга нисбатан ҳам, Шуҳратта нисбатан ҳам ўзгармади. Аксинча, орадан бир оз вақт ўтгач, Шароф Рашидов менга ўзининг ижобий муносабатда эканлигани билдириди. Мен бу ҳақда ўзимнинг бошқа асарларимда батрафсилоқ тўхталганиман.

Шуҳрат ҳақиқат учун ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмайдиган ижодкорлардан эди. Олтмишинчи йилларда «Олтин занглашас» номли романини ёзиб тутатди. Тутатди-ю, тегишли идораларнинг домига тушди. Кирмаган эшиги, учрашмаган одами ҳам қолмади...

Роман катта шов-шувларга сабаб бўлди. «Наҳотки, бу сирли муаммони очиқдан-очиқ баён қилиш

мумкин бўлса», деб ўйладилар баъзилар. Шухрат қисмати қай йўсинда борар экан, деювчилар ҳам бўлди. Бугун шу нарса аниқ бўляптики, «Олтин зангламас» романининг яратилиши фақат Шухратнинг эмас, балки китобхон, адабиёт, қолаверса, умумижодкорлар ютуғи экан!

Ҳа, Шухратга ўт ҳам, сув ҳам писанд эмас эди! Навбатдаги воқеа Абдулла Қаҳҳор қисмати билан боғлиқ бўлди.

Абдулла Қаҳҳор беморлиқдан нажот истаб, Москвага борди. Ҳаётдан кўз юмиб, у ёқдан келтирилди. Ўзбек зиёлилари учун мотам кунлари эди ўшанда. Шухрат Қаҳҳор қисматига тегишли кўп ташвишларни ўз зиммасига олди. Адид вафотидан кейин «Устознинг охирги куни» деган мақола эълон қилди. Бу мақола ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлди. Гап шунда эдики, Абдулла Қаҳҳор оғир касал ҳолда баъзи мансабдорларнинг найранглари туфайли кўп азият чеккан экан. Шухрат ўша вазиятларни тап тортмасдан, батафсил ошкор қилди. Бу ошкоралик ҳаммага ҳам ёқавермади.

Жасорат сифатида бу мақола «Олтин зангламас» нинг бамисоли давоми эди!

«Олтин зангламас» романи, «Устознинг охирги куни» мақоласи адидни китобхон олдида, қолаверса ҳалқ олдида яна бир даража қандай кўтарган, унинг номини машҳур қилган бўлса, уни ёқтирмайдиган мансабдор тўраларнинг ғашини шундай уйғотди. Шу бойисдан, йиллар давомида обрўли рўйхатлардан Шухратнинг номи ўчирилди, узоқ йиллар у мукофотлару рағбатлардан маҳрум бўлди.

Шухрат замонавий маданий ақидалар билан бир каторда, миллий расм-русумларни, ҳалқнинг маънавий эҳтиёжини қондирадиган урф-одатларни яхши биладиган, умуман, одамлар орасидаги муносабатни жойига қўябладиган инсон эди...

ФИДОЙИ

Шухрат аканинг ғазалларини жуда ҳам яхши кўраман. Эсимда, телевизор энди расм бўлаётган пайтлар эди. Бир оқшом Шухрат, Туроб Тўла ва бошқа шоирлар шеърхонлик қилишди. Раҳматли аёлим:

— Яхши шоир экан Шухрат. Шеърларини қаранг, худди жилғага ўхшайди. Бирон жойида қоқилмай эшитасиз? — дедилар.

Излаб, кўргина шеърий китобларини топдим. Билдимки, Шухрат насрда қанчалик ёрқин бўлса, назмда ҳам шунчалар дилдор экан.

«Сенинг севгинг» номли китобига кирган «Сени севдим», «Қалбимни қайтар» шеърлари менга ниҳоятда ёқди, ниҳоятда мусиқабоп экан. Иккала қўшиқ одамларнинг севимли ашуаларига айланиб кетди. Концерт берадиган бўлсан, то шу қўшиқларни айтмагунимча қўйишмасди.

Бир куни Жалолхон Махсумовнинг – атоқли рентгенолог шифокор у киши – уйида бўлдик. Шухрат ака рафиқалари билан келдилар. Бир рус профессори ҳам бор экан. Дўхтур янги айвон курган эканлар, ўша айвонда ўтиридик. Мен «Сени севдим» қўшиғини ижро этдим. Қувончимдан ўзимда йўқ эдим: қўшиқ барчага бирдек таъсир эттан эди! Ҳатто рус профессори:

— Ё овозингиз ниҳоятда ўткир, ёки янги айвонда жуда жаранглаб чиқди. Бунаقا овозни эшитмаган эдим, барака топинг! — деди.

— Яхши қўшиқ бўлибди, — деди Турсуной янга. Шуҳрат ака ўрнидан туриб менинг ёнимга келди. Бағриларига босиб:

— Яшанг, бошим осмонга етди, — дедилар.

Шу-шу икковимизнинг ижодий, инсоний муҳабатимиз бошланди.

Шуҳрат аканинг уйларида, тўйларида жуда кўп марта бўлганман. Шу мўътабар хонадонда нонтуз еганман. Шеърларни сиёҳи қуримай эшитганман.

Шуҳрат ака ниҳоятда эътиборли инсон эдилар. Бир йигин қиласидан бўлиб қолдим. Домлани ҳам айтдим. Шуҳрат ака миннатдор бўлдилар.

— Фахриддинжон, мен сафарга отланиб турибман, агар кетмасам, хонадонингизга энг биринчи бўлиб кириб бораман, — дедилар.

Шуҳрат акам сафарга кетдилар. Келомадилар. Лекин тўй куни почтачи телеграмма олиб келдилар. Ўша борган ерларидан жўнатибдилар. Келомаганларига узр сўраб, табриклаб, сўнгида «Сизни севган шоирингиз Шуҳрат!» деб имзо чекибдилар. Ана эътибор, ана муҳаббат! Ўша куни юрагим тўлибтошиб юрдим.

Инсон боши — сойнинг тоши, дейдилар. Не-не кунларни кўрмадик. Шуҳрат ака ҳам ана шундай кунлардан «бебаҳра» қолмадилар.

Шуҳрат ака беназир ижодкор эдилар. Мен у кишининг рубоийларини Бобурга таққослайман. Ўша тиниқликни, ўша ўт-оловни Шуҳрат аканинг рубоийларида кўраман. Шоирликларини, шеърлари таҳдилини — адабиётчиларга қўяйлик, ўзим гувоҳ, бўлган воқеалардан сўзлайнин.

Шуҳрат акам оналарининг 80 йиллигини ўтказдилар. Ўшанда чамаси олтмишинчи йилларнинг охирда мен ҳақимда гап-сўзлар тарқалиб, мени бир четга суриб қўйишганди. Ўша тантанада кўп со-

зандаю хонандалар йифилганди. Даврани яна бир катта шоиримиз Туроб Тўла бошқарди. Туроб ака қўшиқ навбатини биринчи бўлиб менга бердилар. Мен туриб ҳурмат сақлаган ҳолда:

— Тўйда меҳмонлар бор, биринчи бўлиб ўшалар бошлаб беришса, кейин мен хизматда бўлсан, — дедим.

Фаттоҳхон ака даврага тушдилар. Тўйда ўша пайтдаги раҳбарлардан бири ҳам бор эди. Фаттоҳхон ака ўша кишининг сўзлари билан қўшиқ айтдилар.

Навбати билан мен ҳам она ҳақида бир жуфт қўшиқ айтдим. Жамоанинг талаби билан яна бир жуфт, кейин яна бир жуфт ижро этдим. Қўшиқлар сўнгида раҳбар мени ёнига чақириди.

— Сени жуда ҳурмат қиласан, — деди у киши, — сендаги истеъодни, муҳаббатни, санъатни жуда қадрлайман, — деб беш-олти оғиз гапириди.

Шуҳрат ака эшитиб турган эканлар, қадаҳни кўтариб, яқин келдилар:

— Сўзларингиз ростми?

— Рост, мен икки хил гапирамайман, — деди раҳбар.

— Биз, сиз бу ҳофизни қисиб қўйгансиз, деб эшитдик-ку, — дедилар Шуҳрат ака.

— Менда ҳеч гап йўқ, — деди раҳбар қизишиб, — мен бу йигитни яхши кўраман. Доимо бағримда олиб юришга тайёрман.

Шуҳрат аканинг мардлиги, одамийлигига шу куни яна бир бор тан берганман. Эл ичида менинг номимни оқлаб олишта, обрўйимни кўтаришга интилишларини қаранг!

Шуҳрат ака ҳаётда ана шундай шижаот кўрсатди. Бирор гул кўтариб бориб, сизга чоҳ қазиб келса, Шуҳрат ака жуда кўпларни яхши сўзи билан, шеъри билан тўғри йўлга солиб юборган.

Шұхрат аканинг бир шеърлари бор:

Мен ўтиб кетаман, сен кейин қолиб,
Ҳакимда рост сўзни айтиб юр, шеърим.
Дўстимнинг бағрига бошингни олиб,
Рақибга тош қаҳрим отиб тур, шеърим.

«Мен Фахриддинни шунинг учун яхши кўраманки, у шоирнинг қалбини тушуниб қўшиқ қилиб айтадиган ҳофиз. Фазалнинг зеру забарини бузмайдиган ҳофиз», – деган эди шоири дилбандимиз. Менинг бахтим шундаки, Шұхрат акадек фидойи инсонга замондош, ҳамнафас бўлдим. Менинг бахтим шундаки, Шұхрат аканинг шеъри кириб борган хонадонга, овозим ҳам кириб боради. Шеърга, қўшиққа содик Шұхрат аканинг руҳига ҳамиша таъзимдамиз.



Ўтқир ҲОШИМОВ

ҲАЛОЛЛИК

Шұхрат домла шеър ва достонлари, драма ва романлари билан адабиётимизда ўзига хос овозга, ўзига хос тасвирга эга бўлган, маданиятимиз равнақига улкан улуш қўшган ижодкордир.

Талабалик чоғларимизда адабнинг романларини иштиёқ билан ўқирдик, ўзимизча мулоҳаза қиласдик.

Адашмасам, «Шинелли йиллар» романни университетда муҳокама қилинаётганида мұнаққид домлалардан бири асардаги бир лавҳага эътиroz билдири. Душман ҳужум қилган пайтда асар қаҳрамони, яъни жасур совет жангчиси хандаққа беркиниб олади. Қиёмат-қойим. Бомбалар ёрилган, миналар портлаган, қулоқ том биттан... Даҳшат! Шунда асар қаҳрамони окоп бурчагида ётган бақага кўзи тушади. Бақанинг парвойи палак. Кўзини мўлтиратиб, бемалол ўтирибди. Роман персонажининг ўша бақага ҳаваси келади. Мұнаққид, наҳотки одамнинг аллақандай қурбақага ҳаваси келса, деди. Шұхрат ака, ўша вазиятта ўзингиз тушсангиз, уруш қанақа бўлишини билардингиз, деб жавоб қилди...

Бир қараашда оддий бу савол-жавоб эсимдә қолгани бежиз эмас. Ўша пайтда ёзилган уруш ҳақидаги асарлар нуқул «қаҳрамонлик»дан иборат бўларди. Шонли совет жангчиси ҳеч пимадан кўркмайди, ўқи

тутамайди, нуқул душманни қираверади... Шұхрат ака эса ўз асарида ўша замон қолипига сиғмайдын ҳолатни акс эттирган. Уруш деган палакат ифлос нарса эканини, урушда инсоннинг қадри бир маҳлүқчалиқ ҳам эмаслигини тасвирлаган. Балки муаллиф бу манзарани романга атайлаб эмас, интуитив равищда кириттандыр. Чунки, Шұхрат аканинг ўзи уруш даҳшатларини күрган. Кавказ фронтида қон кечган. Балки, худи шу ҳолат унинг ўз бошидан үттандыр. Буни ўлим билан юзма-юз келген одамгина ҳис этади... Эхтимол адид уруш ҳақидаги ҳавойи тасвирлар ёлғонлигини билгани учун ҳам айни шу тасвирни китобига кириттандыр...

Шұхрат аканинг романлари халқ орасыда кенг тарқалганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бир йили олис қишлоққа бордик. Қўлимни ювиб чиқсан, хонадон соҳиби сочиқ тутди. Сочиқ қиррасига ипак билан «Олтин зангламас» деб ёзиб кўйилибди... Уйга кирсан, токчада Шұхрат аканинг «Олтин зангламас» китоби турибди. Демак, китоб шу хонадон аъзоларида чуқур таассурот қолдирған...

Шұхрат ака кўп йиллар «Шарқ Юлдузи» журналида масъул котиб бўлиб ишлади. (Афсуски, мен у киши билан бирга ишлай олган эмасман. Бироқ ўз машқларимни энг мўътабар журналга олиб борганимда Шұхрат ака билан кўп кўришганман. Сухбатида бўлганман). Домла қаддини гоз тутиб юрадиган, салобатли, соchlари оппоқ, юзи нурли одам эди. Ҳар гапини кесиб-кесиб, қатъият билан айттар, баъзан ноҳақликни кўrsa, тутақиб кетар, ҳеч кимни аямасдан, ўзбекча айтганда, «тўнни ечиб ташлаб», жангта кириб кетар эди. Бунинг ҳам ўз сабаби бор. Шұхрат ака урушда қон кечди, инсон боласи чидаши қийин бўлган азобларни кўрди, Совет юрти учун жонини фидо қилди ва эвазига... эл-

лигинчи йилларда «сиёсий душман» сифатида Стalin ГУЛАГига тиқилди! Инсон учун, айниқса, қалби нозик ижодкор учун бундан ортиқ адолатсизлик бўлиши мумкинми?

Адид шунда ҳам дод демади. Ёлрон-яшиқ шиорлар эмас, инсон қисматини ҳалол тасвирловчи асарлар ёзиш кераклигини ҳис этди ва шундай китоблар ёзди... Катта-кичик йиғинларда майда гаплар ўртага солинса, бор овоз билан ҳақиқатни ҳимоя килишга уринди...

Домланинг яна бир фазилати бор эди. Ўзгаларнинг ютуғидан чин дилдан қувона олар эди...

Эсимда, «Дунёнинг ишлари» китоби чиққан кезлар эди. Шұхрат акадан хат келди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Домла азза-базза хат ёзиб ўтириши шартми, мени ҳузурига чақириб ёки телефон қилиб гапини айтса ҳам бўларди-ку, деб ўйладим. Қарасам, хат олисдаги бир ижод уйидан келган экан. Домла дам олиб ётган жойида китобни ўқибди. Асар маъқул бўпти... Хатдаги айрим гаплар менга қанот бергандек бўлди. «Укам, деб ёзибди домла, оналар ҳақида ёзиш осон ва... жуда қийин! Бу эски ва абадий мавзу! Сен шу мавзунинг янги қиррасини топибсан. Оддий ўзбек аёlinи дунё миқёсига олиб чиқибсан! Кўз тегмасин! Оналар руҳи сенга маддкор бўлсин!» Бундан чиқди, Шұхрат ака Тошкентта келишгга сабри чидамай, ўша ёқдан хат ёзган, қувончимга шерик бўлган... Ростини айтсан, бундай бағрикенглик ҳаммагаям насиб этилган эмас...

Домланинг яна бир «соф Тошкентча» одати бор эди. Яхши кўрган шогирдларини «сан» деб гапирарди. Башарти менга «сиз» деб мурожаат қилса, бирон сабаб билан у кишини ранжитиб қўймадим-микан, деб, ташвишга тушшиб қолардим. (Оқсоқоллар орасыда ўзини яқин олганидан ёки, шунчаки

ёши улуғлигини писандა қилиш учун «сен»лайдиганлар, ҳатто дуч келиб қолганида «яхши юрибсанми, боплабсан, зўр асар ёзибсан», деб елкамга қоқадиган, икки қадам нарига бориб, гийбат қила-диганлари ҳам учраб туради. Устозларимдан икки кишининг «сан» деб мурожаат қилиши менга ғоят табиий туюлади. Бири Шуҳрат домла, бири – Саид Аҳмад эди.)

Бир сўз билан айтганда, Шуҳрат домла ҳалол одам эди. Ижодда ҳам, ҳаётда ҳам! Адабиётимизнинг чинорларидан бири Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги нафасида айнан Шуҳрат акага васият қилгани бежиз эмас. У пайтлар мураккаб замон эди. Шуҳрат домла ўз устози Абдулла Қаҳҳорнинг сўнгги сўзларини қандай эшиттан бўлса, айнан шу тарзда матбуотда эълон қилди ва эвазига анча маломатларга қолди... Начора, истеъдодли одам Шахс бўлади. Шахс эса қаторга туриб, «бир шеренга»да юролмайди!

Шоир, адиб, драматург Шуҳрат замон азобларидан йиқилиб, тўшакка ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайдиган асарлар ёзди. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз номини қолдирди... Бу ном узоқ йиллар яшайди, деб умид қиласман...



ШУҲРАТ АКАНИНГ ЖИЯНИ

Адабиётта жуда масъулият билан қараганим туфайлими, ёки бошқа бир сабабданми, хуллас, ёзганларимдан бирор-бир сатрни талабалик йилларимда чоп этирмаганман. Чоп эттириш нари турсин, ҳатто муҳарририятларнинг эшигидан ҳам ҳатлаб ўтмаганман. Адабиёт дунёси мен учун шундай бир сирли, юксак хилқат бўлиб кўринганки, унга дабдурустдан кириб бориш учун ўзимда куч тополмаганман.

Бу орада талабалик якун топиб, армияга ҳам кетиб қолдим...

Армияда бирор йил хизмат қилиб таътилга келсан, курсдош дўстларим мен эшигини очиб киролмаганим муҳарририятларда аллақачон ишга кириб, ўша замон таъбири билан айттанди, жавлон уриб юришибди. Бош дўстим Эркин Аъзам радионинг Адабиёт редакциясида хизмат қилаётган экан. Биринки кун Эркинбойнинг муҳарририятта келиб-кетиб турадиган казо-казо адиблар ҳақидағи сұхбатларини оғзим очилиб, тинглаб юрдим. Айниқса, шеърларимни эфирга берганларини (албатта, Эркиннинг ташаббуси билан!) эшитиб, жуда қувондим ва радиоқуттиларга қўзим тушганда, меҳр билан қараб қўядиган бўлдим. Нихоят...

... Мана, нихоят Эркинбойнинг идораси коридорида турибман. Эркинбой дўстликда қаҳрамонлик

намуналарини кўрсатиб роса мақтаган, шекилли, барча мен билан яқин танишлардай кулиб кўришмокда. О, қандай одамлар! Бири биридан номи улуг! Шеърларини ёд биладиганим Омон Мухтор, Шукур Холмирзаев, «нозик шоир» деб таништирган Турсун Иброҳимов, ўзбек фантастикасига асос соламан деб, белини қирқ жойидан боғлаган Тоҳир Малик... Ҳаммаси менга яхши муомила қиласди. Ўзига тенг кўриб гаплашади. Мен беҳад хурсандман. Эркин тавсияси билан, кўпчилик бир-икки шеърими ни ўқиган экан. Мақташди. Бошим осмонда.

Эркин Аъзамнинг қизиқ феъли бор. Ўзига хуш келган одамни ёнидан қўймай олиб юради. Ўша пайтлар Эркинбойнинг дўстлиқда ошиб-тошиб кетган пайтлари эмасми, етаклаб ишхонасига олиб бортани олиб борган. Кимнинг қўли ишдан бўшаса, вақтини ўтказиш учун бўлса керак, мен билан сухбат қиласди.

Бир кун мұҳарририятда аллақандай ортиқчароқ жонланишини сездим. Шеърият билан шуғуллана-диган Абдулҳай Носиров шошиб у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Шуҳрат ака келяптилар, — деб тушунтириди Омон ака.

Мен бундай катта ёзувчини мұҳарририятга шундайгина бемалол кириб қелишини тасаввур қилолмай, бироз каловланиб қолдим. Китобларини суйиб ўқиганим Шуҳрат ака! Ичимга ҳаяжон кирганини ҳис қилдим.

Омон Мухторнинг бирорга яхшилик қилгиси келиб турадиган одати бор экан. (Бу одати ҳали ҳануз қолмаган).

— Дўстим, шеърларингизни Шуҳрат акага кўрсатсан-чи, — деб қолди у киши.

Баттар ҳаяжонланиб кетдим. Эркинга қара-дим.

— Яхши бўлади, — деди Эркин менинг ўрнимга масалани осонгина ечиб.

Қачонлардир юзма-юз келишдан чўчиб ва шу сабабдан билиб-бilmай, учрашмоқни орқага чўзиб юрганим Катта адабиёт имтиҳони жуда яқин келганини бирдан ҳис қилдим. Мана, ҳозир Шуҳрат ака қиёфасида Адабиёт кириб келади-да, тақдиримни бир пасда ҳал қиласди...

— Шуҳрат ака ажойиб одам, — ахволимни сешибми Омон ака далда бера бошлади. — Ёшларни яхши кўради. Дидалари бор. Кимга «оқ йўл» тилаган бўлса, адабиётда ўз ўрнини топиб кетган. Сизнинг шеърларингизни ҳам бир ўқиб кўрсинлар. Ажаб эмаски...

Гап Шуҳрат аканинг кўнгли кенглиги, ёшларга меҳрибонлиги, яхши-ёмон кунларда бирорга мададкорлиги каби фазилатларга кўчди. Негадир ҳаяжонланиб, қувониб адабининг «яхшилигини» менга тушунтира кетишиди. Шуҳрат ака фалончининг тўйига бош бўлган, фалончига совчилик қилган, пистончининг шеърларини бостирган, яна бирорнинг юбилей базмини бошқарган... Одамлар негадир ҳаётларидағи энг масъул дамларини Шуҳрат акага топширишгандай туюлди менга...

Адабиёт давраси жуда қаттиққўл бўлади. Ҳеч кимни аямайди. Ҳеч кимга шафқат қilmайди. Унга бирорни зўрлаб ёмон кўрдириш мумкин эмас. Ўзи ҳам бирорга ёлғондан мұхаббат изҳор этмайди.

Ҳеч қачон, ҳеч нарсани унутмайди.

Айниқса, ёш ёзувчилар юзга чопарроқ бўлади.

Радио Адабиёт мұҳарририяти коридорини тўлдириб турган ёш ёзувчиларнинг Шуҳрат акани бу мақомда тан олишлари жуда фавқулодда ҳодиса эканлигини мен кейин ҳис қилдим.

Камдан кам ёзувчини эъзозлайдиган Шукур Холмирзаев Шухрат аканинг юқорида айтилган фазалатлари ҳақида гап кетганда:

— Шухрат ака оқсоқол одам, — дерди хурмат билан. — Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллик тўйларига ҳам бош-қош бўлганлар...

Абдулла Қаҳҳорнинг ишончига сазовор бўлиш ўша пайтдаги ёш адилар наздида алоҳида бир тозаликнинг: адабиёт ва эзгулик учун ўзгача жонкуярликнинг тимсоли эди. Назаримда, Шукур ака буни туширганидан ва бошқалар ҳам англаб етиши кераклигини жуда хоҳлаганидан юқоридаги гапни хотирамда қолиш даражасида таъкидлаган бўлсалар керак.

Ҳа, Шукур ака Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш ёшга тўлганлари муносабати билан берилган базмдан сўнг, Фарғона водийсига отланишганини ва тўйбоши Шухрат ака мўл-кўл закускага қўшиб, «йўлда зерикмай кетасизлар» деб бериб юборгани уч-тўрт шишани ҳам айтишни зинҳор-базинҳор унутмас эди.

... Бу орада Эркин ўзига хос ортиқча саришталик билан, ҳафсалани ўрнига қўйиб, шеърларимни янги картон папкага жойлади. Бундай муҳим ишни менга ишонмагани туфайли, папканинг бетига исму шарифимни ҳам ўз қўли билан ёзиб қўйди.

Шухрат акани кутиб олгани коридорга чиқдик.
— Ана, келдилар!..

Мен «ялт» этиб қарадим. Зинадан тайрату шижоатли юришда Шухрат ака чиқиб келяптилар. Юзу кўзлари тўла табассум. Бу табассумдан тегралари ёришиб келаётгандай. Бирдан у кишидан тараалган ёруғлик менга ҳам ўтганини сездим-да, лаҳзада енгил тордим.

— Радиочиларни соғинтириб қўймайин деб келяпман, — Шухрат ака ярашиқли шўх кулиб, ҳамма билан қуюқ кўриша бошлади.

Менга ҳам қўл чўздилар.

Омон ака пайсалга солмасдан, реклама-таништирув маросимини бошлаб юбордилар:

— Бу укамиз Эркинжоннинг дўсти...

Омон ака Германияда ҳарбий хизматни ўтаётганимни, офицер эканимни, шеърлар ёзишимни, Бойсунда туғилганимни... — яна бир қанча мақтовли ахборотларни айтиб, Шухрат ақага мени таништирдилар.

— Шукурнинг Бойсуниданми? — дедилар қувноқ кайфиятда у киши, — Бойсундан бўлса дуруст...

Мен ичимда Бойсунга раҳматлар айтиб турибман денг.

— Офицер!..

У киши негадир мени ўзларига яқин олиб, елкамга қўл ташлаганча, ним қучоқлаб қўйдилар. Мен дарҳол тушундим. Шухрат ака офицер бўлганлар. Уруш йилларида капитан унвонида жанг қилгандар. Демак, ўртамизда қандайдир бир тақдирдошлик бор...

У пайтлар ёзувчиларнинг урушда иштироки ҳақида гап кетганда, Шухрат ака алоҳида тилга олинар эди. Айтишларича, Шухрат ака душман билан юзма-юз жанг қилган камчил ёзувчилардан экан. Унвони ҳам ҳамманикidan баланд — капитан. Фронтда капитан унвонига эришиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳарбийлар дангал бўлади. Бир пасда одамнинг сарагини саракка, пучагини шучакка ажратиб қўйишади, назаримда, Шухрат аканинг сара одамлиги уруш пайтида ҳам билинган.

... Омон ака ўз ўрнида асосий мақсадга кўчди.

— Шу укамизнинг шеърларини радиодан бердик. Бизга маъқул бўлди, Шухрат ака... Сиз ҳам ўқиб берасизми, деб...

Шұхрат ақа бирдан жиғдій тортди.

— Шеърлар қани, — деди у киши, — шеърлар қани?..

Эркін дархол папкани у кишининг қўлига тутқазди.

Шұхрат ақа папканинг бетига кўз югуртириди.

Нафасим ичимга тушиб, қараб турибман. Негадир дунёга сукунат чўккандай. Ҳатто папка бетига ёзилган исмимда ҳам қандайдир даҳшатли хатолар бордай туюлди менга. Терлаб кетдим.

— Шеърлари яхши ... — деди Омон ақа менга қараб олиб.

— Яхши бўлса, баҳти-да, — деди ҳамон папқадан кўз узмасдан Шұхрат ақа. Сўнг менга кўз ташлади. У кишининг кўзларига энди аллатовур ғусса соя ташлаган эди.

— Усмон... — деди у киши ўйланиб, — Усмон Носир эсимга тушиб кетди... Олов йигит эди.

Суҳбат бошланиб кетди.

Шұхрат аканинг гурунглари!

У кишининг ўтмиш ҳақидаги ҳар бир гурунги жуда жонли, ҳаммани ўзига тортадиган қизиқарли бир ҳикоя эди. Кейинчалик устозимнинг бундай суҳбатларини кўп тинглар эканман, ўша пайтда Москва телевидениесидан адабиёт ҳақида суҳбатлар олиб борадиган Андрониковга қиёс қиласдим. Йўқ, Шұхрат ақа московлик адабиётчига ўхшаб, бирорларнинг гапиришига таклид қилас, бироқ бир замонлар кечган воқеаларни айрича бир завқ билан ҳикоя қилас эдиларки, эшигтан одам баани китоб ўқиётган каби лаззат олар эди.

У киши миллатчиликда айбланиб, қамалиб чиқкан бўлсалар ҳам, чўчишни билмасдилар. Ўша пайтда ҳамма ҳам кўпчиликнинг орасида, масалан, Чўлпон ҳақида баралла гапиравермасди. Аммо Шұхрат ақа ҳеч нарса билмагандай, зўриқмасдан,

атрофга алангламай, овозини пайсайтирмасдан — шоир ҳақида bemalol тўлиб-тошиб сўзларди...

Мана, ҳозир ҳам Усмон Носир ҳақида шавқ билан гапиран эканлар, у киши истеъодди одамларни ва чин адабиётни нақадар ёниб севишларини ҳис қилдим. Шұхрат аканинг бу фазилати баъзан бошига оғир савдолар соганини ҳам биламиз...

Шұхрат ақа суҳбатта якуп ясаб, шеърларим солинган папкани қўлтиқлаб олдилар.

— Уйга бориб ўқийман, офицер, — дедилар ва менинг ичимдан нималар ўтаётганини сезгандай кўшиб қўйдилар: — Отинг яхши экан! Усмонлар ёмон ёзмаса керак, а?

Шұхрат ақа биз билан хайрлашиб, безовталанганча соатига қараёттган Абдулҳай билан овоз ёзиш студиясига чиқиб кетдилар. Ҳамма негадир кўтарики руҳда «яхши иш бўлганини» менга уқтира бошлади. Мен ҳам ҳозир ҳаётимда бурилиш нуктаси бўлганини қандайдир бир тарзда ҳис қилиб турардим...

Орадан кўп ўтмай хизматни давом эттиргани жўнаб кетдим. Ўша ерда шеърларим Шұхрат ақага маъқул келганини эшигдим. Орадан олти ойча ўтиб, «Шарқ юлдузи» журналининг бир варафи солинган конверт олдим. Унда биттагина шеърим босилган, тепасида ҳатто суратим ҳам бор. «Мен сени ҳеч кимга бермайман» — бу шеър Шұхрат аканинг саъй-ҳаракати билан республика матбуотида чоп этилган биринчи шеъримдир. Ҳозир у қўшиқ қилиб ҳам айтилади...

Армиядан келгач, «Шарқ юлдузи»га кирдим. Журналдагилар Шұхрат ақа менга ким бўлишини суриштириб қолишли.

— Шұхрат акани жияни экансиз... — деди талмовсираб Шукур Курбон.

Эндиғина дорилғунунни тұгатиб. журналнинг шеърият бўлимида ишләётган бу тенгдошим билан бир пасда тил топишдик.

— Шеърларингизни Шухрат ака олиб келганди. Биз анча шеър тайёрлаган эдик. — Мұҳарририят сирларини оча бошларкан, Шукур бош мұҳаррир ўтирадиган хонага имо қилди: — Ўтказмади... Шухрат ака келиб, жанжал күтардилар! Шунақаям аччиғи чиқди!

Шухрат акага жиян эмаслигимни айтдим. Шукур жияни эмас одам учун Шухрат аканинг бу қадар жон куйдиришини анчагача тушунмай турди.

— Камтарлар қилманг, дўстим! Шундай одамнинг жияни бўлганингиз билан фахрланмайсизми?... Мана, бизнинг ҳеч кимимиз йўқ...

Шукурни ишонтиришим учун анча уринишга тўғри келди. Барibir у анча пайттacha, Шухрат аканинг жияни эмаслигимга ишонмай юрди.

Армиядан келиб Шухрат ака билан учрашганим ҳам эсимда.

У киши мени худди ўрилларидаи бағирларига босиб кўришди.

Шу ўринда кўришиш ҳақида икки оғиз гап.

Мен ўзимга одамларнинг муносабатлари дара-жасини кўринишларидан сезаман. Кўриша туриб, фаҳмлайман: Бу одам сени ҳурмат қиласи; буниси, ҳа, энди шунчаки елка уриштириди — у мени хасча ҳам кўрмайди; бу одам минг яширишга уринмасин, мени отгани ўқи йўқ; буниси яхши кўради, кўрганидан хурсанд; буниси — соғинган...

Шухрат ака мени чиндан бағрига босиб, меҳрлари тўкилиб кўришди.

Мен миннатдорчилик билдирам.

Шухрат ака мұҳаррирлардан ранжиб гапирдилар.

— Бўлимдагилар беш-үн шеърингни танлаб олишган эди, анаву, — у киши ўша пайтдаги бош мұҳаррирнинг номини тилга олдилар, — ўтказмади. Зўрга битта шеърингни олиб қолдик...

Сездим, менга айтишни лозим кўрмаганлари тортишувлар эсларига тушиб бўлса керак, у киши чиндан ҳам хафа бўлди. Эҳтимол, ҳар қандай истедодни ўта ёмон кўргувчи Бош мұҳаррирнинг ёзувчиларга, адабий жараёнга, қолаверса, бутун Адабиётта қилган ёзувларни Шухрат аканинг эсларига тушиб кетган бўлса ажаб эмас! Чунки ўша пайтда ёзувчиликни қойилмақом тарзда имитация қилган, аслида ёзишга умуман алоқаси йўқ бир гурух, кимсалар адабиёт майдонида жавлон урадилар. Кўш-кўш унвону нишонларни қўлга киргизган бу Хлестаковларнинг қўли шу қадар узун эдик, улар адабиётда истаган нарсаларни амалга оширишга кучлари етар эди. Уларнинг жипс давраси хоҳласа бир тийинга қиммат асарни мумтоз деб эълон қиласи, хоҳласа бадиий юксак китобни ер билан яксон қиласи эди.

Шухрат аканинг кўнгиллари ёришишини жуда истайман.

— Хайрият, битта бўлса ҳам шеъримни босишибди-ку, — дейман гапни ҳазилга буриб. — Суратимни ўзини беришса нима бўларди...

Шухрат ака яйраб кулади.

Энди қайси мұҳарририятта бормайин, мени Шухрат аканинг одами сифатида қарши оладиган бўлишди. Шеърларим эса, «Меҳнат ва турмуш» деган журналда Шухрат аканинг сўзбоши билан икки бет бўлиб эълон қилинди. У киши каминани ҳаддан ташқари мақтаб, келажагимга умид билдиран Эдилар. У пайт газета-журналларнинг сони кам, аммо адади жуда катта — юз минглаб нусхада чоп

этилар эди. Албатта, менинг шеъримга ҳам бирояримнинг кўзи тушди. Бирор мақтади, бирор камчиликларини айтди. Аммо менга бу ҳақда сўз очганларнинг ҳаммаси Шуҳрат акани дуо қилдилар. Шуҳрат акадай яхши инсонга дуч келганимдан ҳамма хурсанддай эди.

У кишининг меҳрибонликлари ва жонкуярликлари туфайли мени дафъатан адабиёт аҳли танийдиган бўлди.

Шуҳрат ака олтмишга тўлганларида на бир нишонга, на бир унвонга лозим топилди. У киши на мойишкорона, аллақандай беҳаё кўриб-кўрмасликда четлаб ўтилди.

Нега?

Чунки «катта»нинг ва хушомадгўй шотирларнинг назарида унинг гуноҳи катта эди.

Абдулла Қахҳорнинг олтмиш йиллик таваллудидаги машҳур нутқидан кейин, унинг теварагидағараз тумани қуюқлашди. Бунинг устига, бу кучли ва иродали одам умри поёнига стаёттанини ҳам сезиб турар эди. Адид ўзига эргашиб юрганларга синчиклаб қарай бошлади. Баъзи бир шогирдларига ундан энди олисроқ юришни маслаҳат берди. Бирорлар мўрт келади, синиб-нетиб қолса... Бу босик одам ёнидагиларнинг нимага қурби етишини рентген аппаратидай кўриб турар эди.

Бу орада Московдаги касалхонага бориб қолган адид, умридан саноқли дамлар қолганини ҳис этиб турар; энди Ўзбекистондан олисда қолиб кетадиган жасадига эгалик қилувчи, сўнгги васиятларини хиёнат этмай амалга оширадиган одамни топиши лозим эди. «Катта»нинг унга муносабати аниқ бўлган-

дан кейин, бундай одамни топишнинг ўзи ҳам маҳол. Ўлиб кетганидан сўнг, ортидан Қахҳорни кўмаман деб жабр кўрганидан нолиб юрса, жуда покулавий иш бўлади-да!

Шундай кенг ўзбекнинг дунёсида мард дегани баъзан анқонинг уруғи бўлиб қолади.

Аммо Абдулла Қахҳор ўйлаб-ўйлаб, бу мардни топди.

Бу мард – бирор учун жон куйдиришни қойилмақом қилиб бажарадиган Шуҳрат ака эди.

Шуҳрат ака зудлик билан чақирилди.

Қахҳор ўлим билан тирашиб, шогирди келишини кутди.

Шуҳрат ака келганидан сўнг, Қахҳор палатадан ҳаммани чиқариб юборди. Васиятларини айтди. Вафотидан сўнг, удда қилолмаган ишларининг ҳаммасини шогирдига топширди. Ўзини ҳам топширди. Розилашдилар...

Шуҳрат ака!

Ҳалол, бир сўз, садоқатли Шуҳрат ака! У устознинг айтганларини зиёда қилиб бажарди. «Менга тап-пап тегиб қолмасмикин?» – деб атрофга аланглаб қарагани йўқ, «Эртага нима бўлади?» – деб ҳам ўйламади. Устознинг васиятларини айтганидан ҳам зиёда қилиб ўринлатишга ҳаракат қилди. Ахир, марҳумнинг васияти турганда, ўзини ўйлаб ўтириш...

Албатта, Шуҳрат ака ўзини ўйлаб ўтирмади.

Сўнг устозининг Московдаги касалхонада кечирган сўнгти дамлари ҳақида мақола ҳам ёзи.

«Тепа»нинг кўнгли ундан тамом қолди.

Мустамлака Ўзбекистонда ёзилмаган яна бир қоида бор эди. Адилларнинг таваллуд тўйлари қаерда ўтказилишига жуда катта аҳамият берилар эди. Сен Шўрга жуда катта хизмат қилгансан, демак,

олтмиш йилигингни Навоий театрида ўтказасан! Сен ҳам анча ҳаракат қилдинг, хўш... Майли, «Ҳамза»да байрам қила қол! Сен ҳам ёмонмассан. тўйингни «Баҳорда» ўтказ!... Қолганлар? Ҳа, энди Ёзувчилар уюшмасининг мажлисонаси ҳам бўлаверади...

Бу обрўнинг мақоми – «тепа»нинг ҳар бир ишорасига қай даражада «лаббай» деб қўл қовуштириш билан чамбарчас боғлиқ эди.

Шуҳрат ака бенажот аҳволда қолди.

«Катта»нинг душмани – Абдулла Қаҳҳорнинг ўлик-тиригини эъзозлайдиган одам бу мақомлардан умуман ташқарида эди. Аммо ўтказмаслик ҳам нокулай, ҳар ҳолда ёзувчи. Одамлар орасида висир-висир бошланади...

Нима қилиш қерак?

Йўли топилди... «Муқими»га бора қолсин!.. Унга ўша жой ҳам бўлаверади! Аммо кўп елиб-югураверманглар!..

Кўп елиб-югурилмади. Ёзувчилар уюшмасининг узун қўли бирдан калта бўлиб қолди. «Тепа»нинг ҳурматига сазовор адилларнинг оғир юкини эшакдай инқилаб кўтарадиган ташкилот, кутилмагандан бели сингандай ётиб одди. Ҳатто таклифномаларни тарқатиш ҳам Шуҳрат аканинг ўзига қолди. Айтиб ўтганимиздай, на бир нишон, на унвон...

Шуҳрат ака атрофларида бу ишларга парво қилмагандай ўтиб кетдилар. Бирорга сир берганлари йўқ. Нолимадилар ҳам. Бошга тушганни мардонавор қабул қилдилар. Ахир, бундан ҳам ёмон кунлар бўлган... Юзларини кулгу тўлдириб, қаерда бўлсалар атрофларини ёриштириб юрдилар... Ҳамон ўша жўмардлик. Бирорга яхшилик қилишга интилиш...

Шукур Холмирзаевнинг бир тўхтамга келишда сал кечикадиган одатлари бор эди. Аммо бирор

қарорга келгандан кейин, Тўйчи Эрйигитовга ўхшаб кетар – йўлбарс изидан, йигит сўзидан қайтмайдиган мақомга кўтарилар эдилар.

Бир кун тушлиқда у киши билан учрашиб қолдим.

– Булунғурда тўй бор, – деб қолди Шукур ака.

– Икковимиз бориб келсак бўларди, отам... Аммо иш кўп! Борсак, қолиб кетамиз!.. Ишдан узилиб қоламан!..

Шукур ака «иш» деганда, ёзишни кўзда турар эди.

Мен у кишининг ичида кураш кетаётганини, ҳали «борайми-бормайми» деб иккиланиб турганини сездим. Ҳушёрлик намуналарини кўрсатиб, ёзувчи учун вақт ғаниматлигидан, Булунғурнинг олислигидан, бир бошланган иш узилиб қолса, шу билан қолиб кетишидан ва яна қанча кечиб бўлмайдиган важлардан гапира бошладим. Ахир, ака билан саёҳатта чиқишининг ўзига хос қийинчиликлари бошимдан ўттан...

Иш вақти поёнига етай деб қолган пайтда, ишхонадаги телефон жиринглаб қолди. Кўтардим, Шукур ака...

– Отажоним! Усмонжон!.. – деди Шукур ака ниҳоятда мени эркалаб, – Биласиз, сизни жуда яхши кўраман!.. Булунғурга бориб келмасак бўлмайди, отам!..

Мен Булунғурга боргунимизча, тўй ўтиб кетишини айтдим.

Озгина тортишдик. Шукур ака «такси олсак, кўз очиб-юмтунча боришимизни» айтди.

Мен бошимга яна бир «такдир синови» тушаётганини сезиб, ўрнимдан қўзғолдим.

Пушкин кўчасида жойлашган Ёзувчилар Уюшмасига бориб, «Шарқ юлдузи» муҳарририятига

күтарилидим. Шукур ака ишчан қиёфада кетишга отланиб турибди.

— Кетдик...

Коридорга чиқдик.

— Фақат, бир тийин ҳам пул йўқ, отам, — деди Шукур ака арзимас бир нарса ҳақида гапиргандай. — Ҳозир кассадан бориб оламиз...

Касса Навоий кўчасида... Ў-хў! Етгунимизча...

Шошилиб биринчи қаватга тушдик.

— Шукур!.. Носир!..

Қарасак, Шуҳрат ака коридорда турибдилар. У киши бизни эркалаброқ кўришдилар.

— Ҳа, бундай шошиб...

Аҳволни тушунтиридик. «Касса ёпилиб қолмасин» деб югургилаётганимизни айтдик.

Шуҳрат ака соатларига қарадилар.

— Улгуромайсизлар. Такси ушлагунларингча...

— Сўнг шиддат билан ташқарига юрдилар. — Машина бор... Қани, бўлинглар!..

Биз у кишига эргашдик.

Кўчада ҳақиқатдан ҳам машина турибди. Рулда Шуҳрат аканинг ўғиллари...

Соатта қарай-қарай «Навоий 30» га етиб келдик. Машинадан тушиб, касса томонга юрдик. Шукур ака илдамлиқда ҳам алоҳида маҳорат кўрсатиб, олдинда шипиллаб бораяпти. Аммо у киши етар-етмас, касса туйнуги «шақ» этиб бекилди... Хазиначи жувонга ёлворишга тушдик. Пул жуда зарурлигини, тўйга кетаётганимизни ва яна бир балоларни айтдик. Мен ҳатто Шукур аканинг аҳамиятини ҳам тушунтиришга ҳаракат қилдим. Йўғ, иш тутаган! Тамом! Сизларнинг шохларингиз борми? Вақтида келинглар...

Шохимиз йўқлигидан афсусу надоматлар чекиб, шалвираганча ташқарига чиқдик.

— Қани, полвонлар, нима бўлди?

Шуҳрат ака бир қарашдан нима бўлганини англаган — мудом нимагадир улгурмайдиган биз ношудларга қараб, кулиб турибдилар.

— Хўш, энди нима қиласизлар?

Мен Шукур акага қарайман. Иши юришмагандан Шуҳрат аканинг олдида қизариниб, хижолат табассумда турган бўлса ҳам, бир йўлини қилиб, барibir кетишни ўйлаётганини фаҳмлаб турибман. Энди тўйга етиб борадими, тўйдан кейинми, эртагами... — фарқи йўқ. Барibir боради. Бечора Булунгур! Шукур Холмирзаевдан қутулиб бўпсан!

Аммо Шукур ака сир бой бермайди.

— Билмасам...

— Кетишларинг жуда зарурми?

Шукур ака бормасак, осмон ўйилиб тушишини тушунтиради.

— Бепул қандай кетасизлар?

Кетамиз. Ҳали қандай кетишимизни билмаймиз... Аммо кетамиз. Бормасак бўлмайди! Йўлини топамиз!..

Воҳ!..

Шукур аканинг «йўл топиш» кўйида дунёни қай тарзда ағдар-тўнтар этишини тасаввур қилиб, бош чайқаб қўяман. Алвидо, тинч ҳаёт! Келаётган кеча, энди сен билан тонгни бедор кутиб оладиганга ўхшаймиз!

Шуҳрат ака ён чўнтакларига қўл тиқиб, дафтарча оладилар.

— Қани, баҳтларинг!..

Негадир қувониб, дафтарчани очадилар. Дафтарчанинг орасида юзталиклар... Ўша пайтда юзталик жуда катта пул.

— Олинглар...

Биз баҳтимизга ишонмай турибмиз.

Хижолат чеккандай табассуми бутун юзига тарагиб Шукур ака сўрайди:

— Кўпмасми?
— Олавер!.. Йўлга кетаяпсизлар! Юришларинг дадил бўлади. Танга санаб юрасандарми?..

Албатта, энди танга санамаймиз! Албатта, юришмиз дадил бўлади! О, шундай дадил бўладики! Дунёлар титрайди!

Биз раҳматлар айтиб, жўнашга ҳозирланамиз.
— Қандай кетасизлар?

Э, кетамиз!.. Ҳозир Самарқанд шоҳбекатига чиқамиз-да, извош машина олиб Булунғурга жўнаймиз! Бир пасда!..

— Мен сенларнинг бир пасларингни биламан,
— дейди хуррам кайфиятда Шухрат ака, — Кечқолиб кетасанлар.. Юринглар, ўзим кузатиб келаман...

Яна Шухрат аканинг машиналарига ўтирамиз. Самарқанд бекатига борамиз.

Извош машина билан савдолашмасдан (бойлар майдалашиб ўтирадими!) келишамиз.

Шухрат ака машиналарининг олдида бизга қараб турибдилар. У киши билан хайрлашамиз. Биздан хавотир олмай, кетаверишларини айтамиз.

— Йўқ, — дейди Шухрат ака. — Аввал жўнанглар, кейин кетаман.

Биз извош машинага ўтирамиз. Шухрат ака қўл кўтариб, биз билан хайрлашадилар. Биз ҳам у кишига қўл силкий-силкий жўнаб кетамиз.

Ҳозир шу сатрларни ёзаётиб, Шухрат аканинг ўша бекатда бизга қараб туришлари шундай кўз олдимга келди. Негадир у киши вафот этмагандай, ҳозир ҳам ўша бекатда турган каби туюлди менга. Бирдан ичимни соғинч ўртади. Кўзларимга ёш келди...

Шухрат ака!
Мехрибон, кўнгли очик, жасур Шухрат ака!

Сизни хотирлаш нега бунча оғир?

Бундан ўн йилча авваллар ҳам Шухрат ака ҳақида хотиралар ёзилиб, китоб ҳолига келтириш ҳақида ўйланган эди (Бу иш кейинчалик амалга ҳам ошди). Аммо ўшанда баъзи бир сабабларга кўра Шухрат ака ҳақида хотира ёзолмадим.

Энди ёзмаса бўлмайди.

Ҳеч кимни бу дунёга боғлаб қўймаган.

Умр бир жойга етаяпти.

Шухрат акадай жўмард одам ҳақидаги кўнглимдаги хотираларни бу дунёдан олиб кетсан, яхши иш бўлмайди.



ЁРУФ ИЗЛАР

Миртемир домла шогирдларини эркалаб «киприкларим» деб атарди. Халқимизнинг яна бир суюкли шоири устоз Шуҳрат ака, ёшлар менинг қанотим, шулар бор экан кўнглим тўқ, ташвишим йўқ, деб қўяр, биздек шогирдларини қучиб бағрига босарди. Шуҳрат аканинг меҳри дарё эди, яхшиларга ҳамиша дастурхони ҳам, кўнгли ҳам очиқ эди. Шунинг учун у кишининг теварагидан ёш адилар ари мас, худди отасига эркалик қилгандек яйраб Шуҳрат акага талпинарди.

Шуҳрат ака мукаммал инсон эди. Аввало у етук шоир, забардаст ёзувчи, моҳир таржимон ва зуко мухаррир-ношир эди. Табиат ҳам у кишини бекаму кўст қилиб яратган эди-да. Адл қомати, ўзига хўб ярашган кумушдек оппоқ сочи, юзидағи мулойим табассум, ҳамма билан бирдек очилиб-сочилиб муомала қилиши... Шуҳрат ака гапираётганда бирор у кишининг сўзини бўломасди. Чунки устознинг гапи шу қадар самимий, жўяли, сержило, энг муҳими, юракка жиз этиб тегадиган бўларди.

Юрганда оёғидан ўт чақнайди, деган гап гўё Шуҳрат ака учун айтилгандек эди. Устоз ерни тебрат-гудек бўлиб шахдам юрар, ғайрати ичига сифмас, қўлга олган ишини охирига етказмагунча тинчимас, ёши бир ерга бориб қолганда ҳам навқирон йигит-

лардек ҳаракатчан ва заҳматкаш эди. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидиргандар» каби романларини бир зарб, икки зарбда ёзиг тутатгани кўпларга маълум. Бу устоздаги улуғ бир руҳий қувват, жўшқин илҳом ва ўзига ишонч мева-си эди, десам хато қилмаган бўламан.

Шуҳрат аканинг номини шарафлаб, мартабасини баланд қилган нарса, аввало, у кишининг қўйма, дилга пайванд гўзал шеърлари ва халқона тилда ёзилган ўлмас романлариридир. Устознинг «Олтин зангламас» ва «Машраб» романларини қайта ўқиб чиқдим. «Машраб»даги жўшқинлик, шоирона бир ҳарорат, юракларга завқу шавқ элтувчи ташбеҳлар кишини ром этади. Асарнинг битмай қолганига афсусланасиз. Агар у ниҳоясига еттанида мухаббат ҳақида битилган янги, бекиёс бир қўшиқ бўлур эди. «Олтин зангламас»ни талабалик пайтимдан бери неча бор қўлга олган бўлсам, то интиҳосига етмагунча сабр қилолмаганман. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Сўнгти саҳифани ёпиб, ўйланиб қолдим. Шуҳрат ака Содик муаллим мисолида ўзининг бошидан ўтганларини ёзгандек эди гўё.

Шу ўринда бир хотира ёдимга тушди. Раҳматлик устоз Туроб Тўла раҳбарлигига ижодий сафарга бордик. Борган вилоятимиз иссиқ эди. Бунинг устига ёзниң чиласи. Дим ҳавода ухлаёлмай, кечаси алламаҳалгача мөхмонхона рўпарасидаги фаввора олдида сухбатлашиб ўтирамиз. Туроб акага эркалик қилмоқчи бўлиб, сўрадик:

— Устоз, агар Сиздан дўстларингизга икки оғиздан таъриф беринг, дейишса, нима дердингиз?

Туроб ака бир сония энгагини қашиб ўтириди-ю, дона-дона қилиб деди:

— Асқад — ақл рамзи, Сайд Аҳмад — мутоиба учун туғилган, Шуҳрат — сабру бардош соҳиби, собир инсон...

Собир, сабр-бардошли инсон... Ҳа, Шуҳрат аканинг қаттол урушдан қайтиб келиб, боз темир панжара ортида чеккан жабру-жафоларига унча-мунча инсон чидамаса керак. Зўриқдан хўрлик ёмон, дейдилар. Тухмату маломат туфайли қамалиб чиқиб ҳам, шаъни-шавкати ўрнига қайтмаса, ҳар Қадамда у камситилса, ҳалол меҳнати, ўткир истеъоди назарга илинмаса, касбдошларидан паст қўйилса... Бундан-да ортиқ хўрлик ва ҳақорат бўладими?

Шуҳрат ака буларнинг барига тишини тишига қўйиб чидади, бўхтон ва фитналар бир кунги адодат нури олдида фош бўлишига, ҳалқ учун қилган меҳнатлари инобатга олинишига астойдил ишонди. Жилла қурса, «балиқ билмаса, холиқ билар», деб умид қилди.

Абдулла Қаҳҳордек буюк бир инсонни, покдомон устозни деб Шуҳрат ака ана шундай нописандликларга гирифтор бўлган эди. Абдулла Қаҳҳор оғир хасталикка учраган пайтда Шуҳрат акани йўқлатди. Шуҳрат ака бир содик шогирд ва қатъиятли инсон сифатида устознинг васиятини тўлатўкис адо этди. Ана шу одамгарчилик Шуҳрат акага қимматга тушди. У соғлигини йўқотди, қўли қалам тутолмайдиган бўлди. Аммо чўкмади. Эгилмади ҳам, синмади ҳам. «Олтин зангламас» деган иборани бемалол Шуҳрат аканинг ўзига нисбатан қўллаш мумкин.

Устознинг адабиётимизда қолдирган ёруғ излари авлодлар қалбидан то абад ўчмагай.



САБОҚ

Шуҳрат акани биринчи марта ёзувчилар уюшмасида кўрган эдим. Рўзномаларга хат орқали шеърларимни юбориб турадим. Ҳар куни умид билан рўзнома сотиб олар, лекин шеърим кўринмасди. Онда-сонда адабиёт ва санъат бўлими мудиридан мужмал жавоб хати келарди.

Бир куни Ёзувчилар уюшмасига бориб, шеърларимни кўрсатишга жазм қилдим. Йигирма тўрт варакли дафтар тўла шеърларимни олиб, йўлга тушдим.

Излаб-излаб топдим. Хона эшиги очиқ экан. Рухсат сўраб, хонага кирдим. Тўрдаги стол ёнида нуроний чехрали киши нимадир ўқибми, ёзибми ўтирган экан.

— Келинг, келинг, — деб ўрнидан туриб илиқ кўришди. Овозидан раҳмдил, меҳрибон одамлиги билиниб туради. Сочлари кумушдан ҳам, пахтадан ҳам оқ. Тунда ёқсан қалин қор, эрталабки қуёш нурида қандай оқ ва тиник кўринади. Менга ўринидан жой кўрсатиб турган кишининг сочлари шундай тиник ва беғубор, биронта ҳам қораси йўқ эди. Бу машаққатли ҳаёт ва ижод изтироблари маҳсули бўлса керак, деган фикр кўнглимдан ўтди.

Шеър олиб келганимни, адабиётта қизиқишимни айтиб дафтаримни кўрсатдим. Домла оҳиста олиб, шеърларга кўз ташлаб, вараклаб чиқди-да:

— Ҳозир мажлисга киришим керак. Икки кундан кейин келинг, ўқиб қўяман. Бемалол гаплашамиз. Ёрдам берамиз, — дедилар.

Икки куннинг ўтиши жуда қийин бўлди. Кўнглимга ҳар хил гаплар қутқу солади. Шуҳрат аканинг шеър, ҳикояларини рўзнома, ойномаларда ўқиган, расмларини ҳам кўрган эдим. Шеърларими олиб қолган, овозида меҳрибонлик балқиб турган киши шоир Шуҳратлигини билардим. Фақат гоҳ ширин ўй-хаёллар қанотида парвоз қиласман. Шуҳрат aka: «Туппа-тузук шоир экансан-ку. Нега олдинроқ келмадинг? Ёшлиқ қилгансан-да! Тортингансан. Бекор қилгансан. Майли, зарари йўқ. Шеърларинг менга ёқди», деётгандай... гоҳ: «Шуям шеър бўлдими? Шеър нималигини биласанми, ўзинг? Эсиз шуни ўқишига қетган вақтим. Кўлингдан келмаса, нима қиласан бошимни қотириб», — деяётгандай туюларди. Икки ўт орасида ёниб, узоқ икки кунни қувончу умид, азобу пушаймон, аламу илинж билан ўтказдим.

Нихоят, юрак ҳовучлаб кириб бордим. Шуҳрат aka отимни айтиб кутиб одди. Юзма-юз ўтириб, раҳмадил, меҳрибон овозда гапира бошлади. Шоирлик ҳақида, сўз санъати ҳақида, нафосат, назокат, муомала маданияти, ҳалоллик ҳақида гапириб туриб:

— Faфур Гуломни кўп ўқиркансан, — деди. — Шеърларингда ҳаво кўп! Баландпарвоз сўзлар мазмун парокандалигини бекитолмайди. Битта шоирни ўқийверсанг, унинг йўлига тушиб қоласан. Кейин ундан чиқиш қийин бўлади. Кўп ўқиш керак. Яхши шоирларни ўқи. Лекин ўз гапингни айт. Ақлинг етган, ўзингта таниш, ўзинг билган нарсларни ёз. Ана шунда ўз йўлингни топасан.

«Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар», деган мақолни шу куни умримда биринчи марта Шуҳрат домладан эшитганман. Ҳар бир ҳаваскор

ёшга устоз ўтити, маслаҳати керак экан. Ўша дафтардаги бир-икки шеър рўзномаларда босилган эди. Кейинроқ ўқиб қўрсам, ҳақиқатан ҳавойи, санъатдан йироқ гаплар экан.

Шу суҳбатдан кейин шеър ҳақида жиддироқ ўйлайдиган бўлдим. Унга қадар мен суҳбатлашган кишилар: «Фалон мавзуда ёзсанг, ҳеч қачон шеъринг босилмайди, фалон мавзуда ёзсанг босиладио, лекин жуда кўп тўсиқقا учрайсан, партияни, Ленини, паҳтани мақтаб ёзсанг, чиқариш осон бўлади», — дейишарди. Кўпчилик шу фикрда эди. Шуний учун шеърнинг сўз санъати эканлигини эмас, қандай қилиб тезроқ бостиришни, рўзнома, ойнамаларда номи кўринишини ўйлашарди. Мени маълум мақсадга хизмат қилиш, тезроқ матбуотда кўринишга уринмаслик ҳақида огоҳлантиргани учун Шуҳрат домладан умрбод миннатдорман.

* * *

Шуҳрат аканинг қамалиб чиққанини кейинроқ эшитдим. Унга қадар ҳам ҳурматим чексиз эди. Элжурт, тил, миллат тақдирига бефак бўлмагани учун қамалиб чиққанини билгач, меҳрим яна ҳам ошди. Шуҳрат aka элу юрт озодлиги учун курашиб, миннатдорлик ўринга жабр кўрган қаҳрамон бўлиб кўринарди. «Халқ душмани» деб қамаб, отиб юборилган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари миллатсевар, фидойи қаҳрамон эди Шуҳрат aka ҳам. Уларни кўрмаганим, сўзларини эшитолмаганим учун тенгдошларим каби мен ҳам армон қиласдим. Шуҳрат aka қамоқда азоб чеккан, омон қолган қаҳрамонлардан эди. Лекин ўша даврлар ҳақида сўрашга юрагим дов бермасди. Кўнгил жароҳатларини янгилаб қўяманми, деб қўрқардим.

Бирор рўзнома ёки ойномада шеърим босилган куни Шуҳрат aka албатта ҳонамизга кириб келар.

узоқ сұхбатлашиб ўтирад, умр қадри, вакт ғаниматлиги ҳақида гапиради.

— Ҳозир ёзадиган пайт. Ёшлиқда ёзиб қолинглар. Ёш эллиқдан ошгандан кейин ёзиш қийинлашади. Ҳаёт қизиқ. Ёшлиқда танинг соғ, кучинг күп, лекин тажриба етмайди. Қариганда тажриба ортади, лекин куч етмайди. Шунинг учун ёшлиқда күпроқ ёзиш керак.

Бир куни (1980 йил кузи) Шұхрат ака хонамизга кириб келдилар. Нуроний чехраларида мамнунлик табассуми бор эди.

— Кеча телевизорда күрдим. Яхши шеърлар ёзибсан. Шеърларингни эшитиб, Чүлпонни эслаб ўтиредим.

Шұхрат ака беҳад самимий, бирөвнинг муваффақиятидан терисига сиғмай қувонадиган, бирөвга озор бермайдиган одам эди. Бошимга оғир кун тушиб, қийналиб юрган пайтларимда ҳам, гоҳ йўлда, гоҳ ишхонамда Шұхрат акани кўрар, самимий мумомласи, нуроний чехрасидан мадад олиб, кўнглим ўсар, руҳим енгиллашарди.

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр» дердилар.

Домла Машраб ҳақида роман ёзаётганларини айттардилар. Машрабнинг авлиё одамлиги, феъл-атвори, манбаларда ҳикоя қилинган воқеалар, мажозларни тўғри тушуниш, тўғри талқин қилиш, Машраб ҳақида асар ёзиш учун одам ҳалол бўлиши лозим, деб таъкидладилар. Асар домла тириклигига босилмади.

Шұхрат аканинг оғир дардга чалингларини эшитиб, афсус-надоматлар чекдик. Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилас жадид. Уюшма котиби Тоҳир Малик билан домланинг «Ғалаба» боғи яқинидаги ҳовлиларига бордик. Домла шифохонадан, узоқ даволаниб чиқкан жадидлар.

Ҳовлига стол-стуллар қўйилган. Домлани ўғиллари уйдан суюб олиб чиқди. Келинойи парвона бўлиб юрибдилар. Домлани кўриб ўпкам тўлиб, томогимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Кўзларимдан ёш оқа бошлади. Ўзимни тўхтатолмайман. Касал одам йиғлаётганимни кўриб, дарди оғирлашмасин, деб хижолат бўламан. Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, аҳвол сўрадим.

Яқиндагина соппа-соғ, ҳаммага яхшилик тилаб, яхшилик қилиб юрган одамнинг аҳволини ўйлаган сари яна кўзимга ёш қалқди.

Кейинги йил август ойида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида жадид. Шұхрат акани ҳам олиб чиқишиди. Барака топкур болалари меҳрибонлик қилиб, хабар олиб туришарди.

Кечки овқатдан кейин салқин хиёбонда сайр қилиб айланардик. Шұхрат ака ёғоч ўринидекда ўтирган экан. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Бирпас гаплашиб ўтирилди. Шунда домла:

— Маъруфжон, Сизни бир хафа қилган жадид. Шундан бери ўйлайман, — дедилар.

— Домла, мен сиздан хафа эмасман. Бунақа гапларни ўйламанг. Ўша ишим учун ҳалиям пушаймон қиласман. Ҳечам сизни ранжитмоқчи эмас жадид. Сиздан кечирим сўрайман, домла.

— Мен хафа эмасман. Сендан кечирим сўрайман, деб юрган жадид. Ранжитиб қўйган жадид.

Воқеа бундай жадид...

Шұхрат ака машҳур гуржи шоири Бараташвилининг шеърларини таржима қилас, тўплам нашриёт режасида бор жадид. Тўпламни таҳrir учун менга беришди.

Таржимани русча матн билан солишириб баязи сўз ва мисраларни ислоҳ қила бошладим. Тажрибали, катта шоир. Шунча романлар, достонлар, манзумалар ёзган, қатор шеърий китоблар муал-

лифи. Рус ва жаҳон адабиётидан кўплаб асарларни таржима қилиб, нашр эттирган, китобхонга манзур қилган ижодкор... Шундай одамнинг асарига ёш бир муҳаррир ўзича тузатиш киритавериши одобдан эмас. Маслаҳат қилмоқчи бўлиб домланинг уйларига қўнғироқ қилдим. У киши Москва томондаги ижод уйига кетган, ёз охирларида қайтарканлар. Китоб тез босмахонага туширилиши керак. Бошлиқларга айттан эдим, русча матнга мослаб таҳрир қиласверинг, дейишиди. Қўллэzmани қўлдан чиқариб, босмахонага топширдик. Терилиб келди.

Шуҳрат ака Москвадан қайтиб келганда, китоб босишига тайёр бўлган эди. Корректурани ўқидиларда, хафа бўлиб, таҳриримни «брак» қилдилар. Домла Бараташвили шеърларини бошқа таржимон таржимасидан ағдарган эканлар. Мен бошқа таржимон таржимаси билан солишириб таҳрир қилибман. Домланинг олдида ҳам, нашриёт олдида ҳам гуноҳкор бўлиб қолдим. «Таржима бундек бўлади» деб ўзимни кўрсатмоқчи бўлгандайман. Шуҳрат акага ҳурматим чексиз. Ўзбекча таржимани русча билан солиширган одам, Шуҳрат акага ҳам, менга (муҳаррирга) ҳам дашном беришмасин, деган маънода, мазмун аниқ бўлишига ҳаракат қилган эдим.

Домла шуни эслаб, Маъруф мендан хафа, деб кўнглимдан чиқармоқчи бўлибдилар. Мард одамлар беғараз бўлади. Домла мард одам эди!

Шунда мен: «Шуҳрат ака, ўттиз йил илгари 24 варакли дафтарда шеър кўтариб келган бола эсингиздами? Шеър нима учун ёзилади? Шоирнинг бурчи нима? – деб сўраган ва устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар, деб сабоқ берган эдингиз. Ўша бола менман. Ўша сабоқ ҳамон эсимда», – дегим келди. Лекин касал одамни толиқтирмай, деб кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилдим.

ЯХШИЛИК

Шоир Шуҳратнинг китоблари талабалик йилларимиз қўлимидан тушмас, унинг оташин меҳру муҳаббат, самимият тўла шеърлари адабий гурунглар, мушоиралар файзи бўлар эди. Айниқса, «Сенинг севгинг» тўпламидаги деярли барча шеърлар бизга ёд бўлиб кетганди. Улар сода, ўйноқи, халқ қўшиқларидаи равон эди, шу боис тезгина ёдлаб олардик. Шеър дафтарларимизга уларни кўчириб олардик, байрамларда, пахта даласидаги кечаларда, тунги гулханлар атрофида шавқ билан Миртемир ва Шуҳрат шеърларини ўқирдик. Бизнинг ёшлигимиздай жўшқин, орзуларга бой, ҳаяжонли мисрларни Шуҳрат фақат биз учун битгандай, бизнинг ўйларимизни қофозга туширгандай туюларди. Ақсан шеърлар сарлавҳаси остида бағишлов ёки қизларнинг исмлари бўларди. Бокудами, Дунай бўйларида, гўзал Қрим боғларида, шоир қайдада сайр қилса унинг ошиқ нигоҳлари Аёл гўзалигига, Олам маъбудасининг ҳусну малоҳатига тушар, Аёл сиймосида Ҳаёт ва Мангаликни, Гўзалик ва Нафосатни кўрган шоир мафтункор байтлар битганга ўхшарди. У пайтлар биз ойнаижажонни кам кўрардик. Шоиру ёзувчиларнинг овозларини радиодан тинглардик, холос. Ўзларини кўриш биз учун байрам, тенги йўқ қувонч бўларди. Миртемирнинг «Мен сени» шеърини ҳар куни ҳар дарсда ёд ай-

тардик. Фафур Ғулом, Шайхзода, Асқад Мухтор мисралари бизга эгизак юради. Шуҳратнинг шеърларини ўқиб навқирон, булоқдай қалби жўшиб турган ёш шоир деб ўйлардик.

Иттифоқо, Турон кутубхонасида шоир Шуҳрат билан учрашув бўлар экан, деган гап қулоғимизга чалинди.

Шеърнинг ҳақиқий мухлиси, шоирнинг ихломанди асли талабалар бўлади-да! Кутбихон, Мамлакат, Захро – бир йўл бўлиб учрашувга отландик. Мўъжазгина кутубхона лиқ тўла эди.

Бир гурух ёзувчилар савлат тўкиб кириб келишди. Ўртада оппоқ сочли, басавлат, кўркам, пешонаси кенг киши. Ёнларида Барот Бойқобилов, Ҳуснидин Шарипов, Юсуф Шомансур, Хайридин Салоҳлар. Биз уларни кўп кўргандик, семинарларда сұхбатларида бўлгандик. Лекин, Шуҳрат қани? Устоз домламиз Озод ака учрашувни очаётуб, Шуҳрат акани таништирилар: кумушдай оқ сочли басавлат киши ўша ёшлик куйчиси, жозибали лирик шеърлар муаллифи Шуҳрат эканлар... Бемаҳал қор ёқкан экан бу донишманд бошларга... «Шахсга сиғиниш» даври изтироблари, Сталин қатағони қорбўонлари бу соchlарга қор ёғдирган экан!

Бу аччиқ ҳақиқатни йиллар ўтгач, сўнгроқ эшитдик.

Оппоқ қорли тоғлар кўксидаги зумрад булоқлар кўз очади. Оқ қорли тоғлар этагида алвон лолазорлар, яшил майсалар туркираб, баҳор шалолалари куйлаб ётади. Шоирнинг мангу ёш қалби ҳам шундай сехрли қудратга эга экан: Инсон зотидан жабру жафолар кўрса-да, ҳаётта меҳри заррача сўнмаган, оловли йиллардан шинел билан ёнмай ўтган шоир Шуҳрат чинакам ҳаёт ошиги, яхшиликлар элчиси эди.

Ўша учрашувда мен ҳам сўзладим, ҳайратимни яширмай, жарангдор мисраларини ёд ўқиб бер-

дим. Маъқул келди, шекилли, нуроний чеҳралари га кулгу ёйилди, яшанг, қизим деб алқаб қўйдилар.

Дорилфунунни туттаттач, устоз Зулфияхоним ҳузурларига бордим. Иш излаёттанимни айтдим. Дарҳол «Шарқ юлдузи»га қўнғироқ қилдилар. Шуҳрат ака бу журналда масъул котиб эдилар.

– Сиз чиқиб туриңг, олдингизда мақтасам бўлмас, – дедилар устоз...

Хуллас, «Шарқ юлдузи»дай обрўли нашрга адабий ходим этиб қабул қилишди.

Шуҳрат ака жуда меҳнаткаш, меҳрибон, қаттиққўл эдилар. Ходимдан ўтган ҳар бир имло хато, матн тайёрлашдаги палла-партишлик учун оталарча койиб берардилар.

– Бир қўлингизда қалам, бирида ўчирғич бўлсин. Ҳарфларнинг «думи»ни узун қилиб сиёҳда ўчирманг, оқ, гуаш билан бўяб қўйинг, – дердилар.

Қўлёзмаларнинг тоза, сифатли бўлишига алоҳида эътибор берардилар. Таҳрирни қўлёзмага солиштириб ўқиб, яхши таҳрир учун мақтаб қўйсалар, ўрнига тушмаган сўз бўлса, муаллифнинг ўз матнини тиклаб қўярдилар. Фоятда интизомга риоя килардилар.

Ўша пайтда «Шарқ юлдузи»да Ҳамид Ғулом бош муҳаррир, Ваҳоб Рўзиматов ўринбосар бўлиб ишлардилар. Ҳуснидин Шарипов, Юсуф Шомансур, Турғун Пўлат, Носир Фозиловлар чинакам жонкуяр муҳаррирлар эди. Шуҳрат ака ёшларни ўз фарзандидай севар, уларни моддий жиҳатдан кўп қўллардилар. Қалам ҳақи қўйгандага ёшлар учун гонорарнинг пилигини кўтариброқ қўярдилар. Ёш боласи билан ижарада туради, рўзғорига барака бўлсин, дердилар. У кишининг остонасидан ёшларнинг қадами узилмасди. Ширин ташвишларини ҳам, мушкул савдоларини ҳам кўп ёшлар Шуҳрат билан баҳам кўрар, унинг кўмагида ҳал қиласардилар.

Оппоқ сочли бошини эгиб, шогирдларини не балолардан кутқариб қолганларини ҳеч таъна қилмасдилар.

Байрамларда харид қылсалар, ходимларининг болалари учун бир дона апельсинми, мандаринми, олмами қўлига тутқазиб юборар, маош охирида эса, мана, қалам ҳақи олувдим, кичкинагина бир нарса оларсан, деб пул тутқазиб кетардилар. Бу олийжаноб, бағри дарё Инсон қанча шогирдларининг қаддини тиклаб, уларни катта йўларга солиб юборган. Эвазига яхши инсон бўлишларини тилаган, холос.

«Жаннат қидирганилар» романининг корректураси жуда узоқ муддат таҳририятда туриб қолди, улкан ёзувчи ичидан зил кетиб, ичидан нураётган тоғдай сир бой бермас, маҳзун юрадилар. Орадан анча ўтиб, бир мунча таҳрирлар билан асар чоп этилди. Уруш оловларида тобланган, ўқлар ёмғиридан омон ўтиб келган забардаст Инсонни зимдан киши билмас қилинган ҳужумлар қаритгани рост эди. 1988 йили Муқимий театрида адабининг 70 йиллик юбилейлари бўлиб ўтди. Қанийди ўшанда бу беназир Инсоннинг, ҳақиқий меҳнаткаш, хаёл уфқи кенг шоирнинг кўкрагига «Халқ ёзувчиси»дек мунносиб нишон тақилсайди! Унинг «тугилган» тили ўшанда «ечилиб» кетармиди?

Шухратнинг дўстлари, шогирдлари, таниш-нотанишлар учун ҳамиша очиқ бўлган хонадони бекаси – Турсуной опа ўшанда Шухрат аканинг дил сўзларини ўқиб бераётган ўғлини тинглаб, унсиз йигларди.

Шоирнинг рафиқаси бўлиш осонми? Тоғдай барваста жуфтини «халқ душмани» атаб олиб кетганиларида у гўзал келинчак эди. Тўнғич Фикратжон кўлида эди. Сўнг... келиб, уйни тингув ҳам қилишиб. Шухратнинг ойиси – ҳақиқий Ўзбекойим, хуромон Аёл бешик тебратиб ўтиради. Болани бе-

шиқдан ечиб олдилар, суннат қилганмисиз, деб суроққа тутдилар. Улар учун бешик, суннат тўйла-ри ўтмисш сарқити эди...

Юртимизга Истиқлол келди. Истиқлол шабададарি Шухратнинг ҳам бағрига тегди, ҳуррият насимлари шоирга илҳом берди. Тилдан қолганда бу азим чинорнинг кўксига «Ўзбекистон халқ ёзувчи-си» нишони тақилди. Шухратнинг юраги қайнар булоқ эди; айтар сўзлари кўп эди. Шеърга сигманлари, шоир қайдлари бўлиб дунёга келарди. Романлар, пъесалар қофозга кўчарди...

Мажлисларга, давраларга гоҳ ўғиллари, гоҳ неваралари билан келиб, олдинги сафларда кўр тўкиб ўтирадилар донишманд Шухрат ака. Бу ажойиб Инсон, Шоир, Устоз ҳаётини таърифласак, ўзбекларнинг энг сара, энг азиз, севган сўзи тилимга келади: Шухратнинг турган-битгани ЯҲШИЛИК эди, Яҳшиликни эса халқ ҳам, ўзини билган ҳар қандай одам ҳам асло унутмайди.



БАҲОРНИНГ ОППОҚ ГУЛЛАРИ

Биз – ёшлар Шуҳрат аканинг эътибори тушган тенгдошлиаримизга ҳавас билан қарап эдик. Кўпчилик қаторида у билан ича бор қўл олишиб саломлашган эдим. Машқларимни кўрсатишни, маслаҳатларини олишни орзу қилсан-да, «Шарқ юлдузи» масъул котиби» деб ёзилган хонага кириб боришига ботинмас эдим. Журналнинг публицистика бўлими мудири, таниқли адаб ва таржимон Турғун Пўлат таклифи билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаётининг сўнгги кунларида Шоҳимардонда бирга бўлган Абдулла Хотамов ҳақида ёзилган «Оқ сув қўшири» очеркини бир ой илгари ташлаб кетган эдим. Шундан хабар олгани келдим. Турғун Пўлат салом-алиқдан кейин очерк маъқул келиб, тайёрланиб, котибиятга тушганини суюнчилади.

– Ҳозир Шуҳрат аканинг столи устида туриди, – деди у, – эҳтимол ўқиб, босмахонага топширгандир.

Шуҳрат аканинг номини эшитиб, юрагим дукилаб кетгандай бўлди. Ёзганим унинг қўлига тушишини билганимда бошқачароқ ёзармидим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, бўшащдим, бу ердан тезроқ жўнаб қолишни ўйладим. «Ҳозир келаман» ишорасини қилиб, хонадан чиқсан Турғун Пўлат тезгина қайтиб кириб:

– Юринг, – деди. – Шуҳрат ака сизни сўраяпти.

Ҳаяжонимни сездирмасликка уриниб, унинг орқасидан эргашдим. Шуҳрат ака ўринларидан туриб:

– Ие, мулла Йўлдош, яхши келдингизми? – деб яқин танишдай кутиб, қўл узатди. Адҳам Ҳамдам билан Чархий домланинг соғлиқларини суриштириди. Адҳам Ҳамдам билан болалиқдан ўртоқ эканликларини гапириб, қизиқ воқеаларни эслади. Кейин бирпас жим қолиб, менга яна қаради. – Ўтўланлар ичидаги ёлғиз пориллаб турган лола тасвири ва яна бир-икки топилмаларингиз очеркингизни суяб туриди. Баён жозибани йўқотади. Янги шоҳи кўйлакнинг у ер-бу ерига бўздан, бунинг устига эски бўздан ямоқ солинганини тасаввур қилиб кўринг. Шундай жойларини билдирамай-билдирамай қисқартиридик. Журналда босилар экан, деб ташлаб кўйманг. Жонли тасвирлаш мумкин бўлган қанча воқеалар бор экан. Озгина шошилмай, озгина эринмай қайта ишласангиз ҳужжатли қисса бўлади-кўяди.

Шуҳрат акага: «Рахмат, домла», – дейишдан бўлак сўз айтолмадим. Мен учун энг қувончлиси – устоз билан танишиб олганим бўлди. Кўп ўтмай, пахта йиғим-терими қизғин кунларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Уйғун бошлиқ Шуҳрат, Йўлдош Шамшаров, Зоҳиджон Обидов, Ҳусниддин Шарипов, Азиз Абдураззок, Толиб Йўлдошдан иборат шоир ва ёзувчилар гуруҳи Фарғонага келди. Уларга истеъоддли ҳажвчи Адҳам Ҳамдам билан мен ҳамроҳ бўлдик. Сафарнинг иккинчи куни Шароф Рашидовнинг Фарғонага ташриф буюрганини эшитдик.

– Далаларда юрганимизни Шарофжонга эшитдириб қўйиш керак, – деди Уйғун ака, – албатта, хурсанд бўлади.

– Пахтакорлар хурсанд. Ўзимиз мазза қилиб юрибмиз, – деди Шуҳрат ака. – Айтдирсак, менимча, миннатта ўхшаб қолади.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, — деди Уйғун ака, — қани, мулла Адҳам, бошланг.

Жўнашимиз олдидан Адҳам Ҳамдам борар манзилимизни аниқладими ё бошқа масала биланми — у ёқ, бу ёққа қўнғироқ қилди. Қуванинг Толмозорига кичик автобусда йўл олдик. Машина қишлоқда озгина тўхтаб, кейин адр тарафга юрди. Шинам шийпон ёнида тўхтадик. Адҳам ака яна: «Сизлар ўтириб туринглар», — деб машинадан тушиб, шийпондагилар билан гаплашиб, изига тез қайтди.

— Бизни бошқа ерда кутишяпти, — деди.

— Адҳам биздан ниманидир яширяпти, — деди Шуҳрат ака ёнида ўтирган Адҳам Ҳамдам тепасидан Уйғун акага қараб, — у бир шумликни ўйлаётти-да!

— Нега адашиб қолдингиз, — деди Уйғун ака Адҳам Ҳамдамга кулимсираб, томоғини чертиб, — ё кечака биздан кейин ҳам бўлдими?

Адҳам Ҳамдам гапни чалғитиб, қизиқ-қизиқ ҳангомаларни бошлаб юборди. Ўшанда Қува билан Тошлоқ тумани қўшилган йиллар эди. Анча йўл босиб, Заркентни қиялаб, Қумариққа, «Фарғона» колхозига кириб бордик. Машинамизни милиционер тўсди.

— Бу ёққа ўтиш мумкин эмас, — деди у. — Ҳозир юқоридаги шийпонга Шароф Рашидов келадилар.

— Булар Шароф Рашидов билан бирга келган шоирлар-ку, ана қаранг, Уйғун, Шуҳрат, танимайизми? — деди Адҳам Ҳамдам жиддий.

Милиционер индамай қолди.

— Оббо, Адҳам-еї, қўймайди. Бизни Шароф Рашидовга рўбарў қилиб, Яшин акадан раҳмат оладиган бўлди, — деди Шуҳрат ака, — лекин бу «қилвирлигинг» менга ёқмади. Ёзувчиларнинг Тошкентда навбат пойлаб, безор қилаётганлари етмай Фарғонада ҳам рўбарўсидан чиқиб турсак!

Автобусдан энди тушиб турганимизда, ҳукумат машиналари ҳам шийпонга етиб келди. Шароф Рашидов ҳаммага бир-бир қўл узатиб саломлаши. Қалам аҳлини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлганлиги шундоққина сезилиб турарди. Уйғун билан Шуҳратдан алоҳида ҳол-аҳвол сўради. Ўша куни учрашувлардан кейин Яккатут қишлоғининг катта боғидаги меҳмонхонада зиёфат берилиди. Уйғун сўз айтди. Шуҳрат муҳаббат шеърларини ўқиди. У ёш Ҳусниддин Шарипов ижодига тўхталиб, унинг иирик шоир эканини таъкидлади. Навбат келиб, Толиб Йўлдош тариқ донини «сўзлатиб», шеър ўқиди.

— Тариқнинг яхши емишлигини билар эдим, — деди Адҳам Ҳамдам, — аммо бунчалар ақлли гаплар айтишини билмас эканман.

Кулги кўтарилиди. Айниқса, колхоз раиси Йўлдошли Рустамов ва бошқа мезбонларро ҳашар қилиб кулишди. Ҳазил Толиб Йўлдошга оғир ботиб, ўсиқ қошларини чимирди.

— Адҳам ҳазиллашди, — деди Шуҳрат ака унинг кўнгли учун, — яхши масал ёзисиз.

Шундан билдимки, Шуҳрат ака ҳеч нимани эътиборсиз қолдирмайди, инсонни жуда авайлайди, меҳрини аямайди, кимнинг асари ёқса индамай туролмайди. Унинг Ҳусниддин Шарипов ҳақидаги фикри Уйғун акани ҳам ўйлантириб қўйганини сездим.

70-йилларнинг бошида устоз Носир Фозилов хонадонида, назаримда, айни ёз кунларида улуғ бир учрашувнинг шоҳиди бўлдим. Дастанхони ҳамиша тузовлиқ якандозлари ҳамиша тўшалган бу очик кўнгил, меҳмондўст хонадонга Собит Муқонов, буюк адабнинг умр йўлдоши Марям ойи билан бирга Асад Мухтор, Шуҳрат, Ваҳоб Рўзиматов, Ҳайдарали Ниёзов ва бошқалар ҳам кириб келишди. Суҳбат давомида Собит Муқонов қозокларнинг Қўқон хон

лигига боғлиқ тарихи ҳақида янги роман ёзиш ниятида эканини айтди. Ҳамма маъқуллади.

— Илдизимиз бир, тарихимиз бир, — деди Шуҳрат aka аллақандай ички эҳтирос билан. — Аммо ҳозир бир-биrimizdan узоклашиб бораётганга ўхшаймиз...

— Шуҳрат юрагимизнинг ич-ичида турган тундан гап очди, — деди Асқад Мухтор, — туркнинг ҳамма-ҳамма уруғлари бир-бирларини таржимонсиз тушунишган! Навоийни қозоқларга бирор таржима қилиб берганми?! Мухтор Авезов Қодирийни ўзбекчада ўқиган-ку?! Сиз ҳам, шундайми?!

— Тўғри-тўғри, — деб маъқуллади Собит Муқонов. — Тилимизни бир-биrimizнинг ҳисобимизга бойитишни унтиб қўйдик.

— Ойбек aka йўқ, Қаҳҳор йўқ, — деди Асқад Мухтор. — Собит оға, энди Сизга эргашамиз...

— Бир-биrimizdan йироқлашиб бораётганимизни келажак авлод кечирмайди, — деди ҳамон эҳтирос бағрида турган Шуҳрат aka, — бу маслаҳатни қолдирмасдан амалий ишга кечикмай киришиш зарур.

Ҳозир бундан йигирма етти йил илгари ўтган ана шу тарихий сұхбат ёдимга тушиб, Асқад aka билан Шуҳрат домланинг ич-ичини кемирган армонларни юрагим чиғириғидан қайта ўтказяпман, уларнинг айтган гапларидан айттолмай қолган дардли гаплари кўплигини ўйлаяпман!



СҮНМАС ЧИРОҚ

Шуҳрат aka адабиётимизнинг чинакам заҳматкашларидан бири эди. У меҳнат қилиб толмас, бу маънода биздек шогирдларга ўрнак эди. У, аввало, ажойиб лирик шоир сифатида ўқувчиларга севимили ва ардоқли эди. Шоирнинг довруқ таратган «Кавказ дафтари» туркуми, бошқа бир кўп шеърлари, балладалари шеъриятимизда воқеа бўлганлигини айтиб ўтаман. Шуҳрат шеъриятини ўқувчиларга ардоқли эттан нарса, фазилат, бу — улардаги теран самимиятдир. Самимият шоир шеърларидан уфуриб туради. Ҳақиқий шоирнинг ўз ўқувчисидан яширадиган сири бўлмайди, балки бор сири, дарди, нияти, мақсадини бемалол ўртоқлашади. Шуҳрат aka шеърияти шу маънода самимий шеъриятдир. Умуман, самимият Шуҳратнинг бутун ижодига хос фазилатдир. Адабнинг ўзига хос романлари эълон этилиши биланоқ, қўлма-қўл бўлиб кетар, мунозаралар, баҳсларга сабаб бўлар эди. Ёзувчининг асарлари — унинг фарзандлари, ҳар бирининг ўз қисмати бор. Бу аксиома, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Шуҳрат aka романлари ҳам — адаб «рўмон» деб, оғиз тўлдириб, суюб гапиришни яхши қўради — ҳар бири ўз тақдирига эга бўлди. «Шинелли йиллар» биринчи роман сифатида муаллифига катта шуҳрат келтирди. Роман ўзбек тилида эълон этилгач, рус тилига таржима қилинди ва

Москвада «Воениздат» нашриёти орқали бир неча марта нашр этилди, нусхаси ҳам, эслашимча, ҳар бири юз мингдан кам эмас эди. Умуман, «Шинелли йиллар» ўтган уруш йиллари ҳақидаги ўзбек адабиётида ёзилган энг етук романлардан бири ҳисобланади.

«Шинелли йиллар» билан боғлиқ бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Шуҳрат ака адабиёт учун меҳнатни кўп қилган, лекин замон марҳаматини, сийловини кам кўрган адилардан эди. Ҳар хил мукофотлардан бебахра қолди, гарчи унинг асалари шунга арзирди. «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси» унвонини ҳам ҳаммадан кейин олди, кеч бўлса ҳам бу яхши бўлди, албатта. Буларнинг сабаби бор эди: Шуҳрат ака тўғри сўз, тили аччик, ялтоқданишни зинҳор ёқтирумайдиган, ҳамиша ҳақиқат томонида турадиган инсон ва адаб эди. Турли пайтларда ҳар хил адабий камситишларни бошдан кечираради. Менимча, етмишинчи йилларнинг охири бўлса керак, Шуҳрат акага нисбатан ана шундай камситишлар бўла бошлади, ҳеч қаерда унинг асалари ни босмай қўйдилар, чиқиб турган китoblari ҳам тўхтаб қолди. Сабабини билмоқчи бўлиб редакцияларга борса, газета расмий материаллар билан банд бўлиб қоляпти, дейишар, нашриётда бўлса, қорозтанқислигини рўкач қилишарди. Ҳолбуки, ўзгаларнинг китoblari тўхтагани йўқ, чиқиб турибди... Шуҳрат ака ўша вақтдаги Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовга, қабул қилишини сўраб мурожаат этади. Бирордан кейин адаб Шароф Рашидов ҳузурида бўлади. Учрашувда, Шуҳрат аканинг кейин айтиб беришиларича, шундай сухбат бўлиб ўтади:

— Шароф ака, — дейди ҳол-аҳвол сўралганидан кейин Шуҳрат ака. — Сизга бир нарсани маълум қилмоқчи эдим... Нима учундир менинг асаларимни босмай қўйиши...

— Нимага босиши мас экан? — ҳайрон бўлади Шароф ака. Шу заҳоти телефонда мафкура котибдан сўрайди. — Нима учун ёзувчи ва шоир Шуҳратнинг асалари босилмаётir? Ким уларни тўхтатиб қўйди? Нима учун жойларда буни Марказий Комитетнинг фикри қилиб кўрсатишмоқда? — Бирор телефонга кулоқ солиб тургандан сўнг, Шароф ака давом этади: — Шундай бўлсин! Дарров жойларга кўрсатма беринг. Шуни айтингки, адаб Шуҳрат ҳақида фикримиз яхши! Дарвоқе, сиз унинг «Шинелли йиллар» романини ўқиганмисиз?.. Яхши. Бу роман, уруш ҳақидаги асалар орасида энг яхшиларидан бири. Нашриётта айтинг, шу романни қайта нашр этсинлар.

Шароф ака телефон гўшагини қўйиб, юрагига нур инган адига юзланди:

— Биласизми, Шуҳрат, орамизни бузгувчилар кўп, шунга эҳтиёт бўлайлик. Бирордан эшигтан гапларга ишонманг. Бирон гапингиз бўлса келинг, тортиноманг, ўзимга айтинг. Ижодингизга муваффақиятлар тилайман.

Эртасиданёқ етакчи газеталарда бирин-кетин Шуҳрат асалари эълон қилинади. Шу йили «Шинелли йиллар» романи кўп нусхада қайта нашр этилади...

1965 йилда бўлган бир воқеа. Мен Москвада Адабиёт институтида таҳсил олардим. Шуҳрат ака ўз асаларини кўпинча Москва ёнидаги Малеевка деган жойдаги Ижод уйида қорозга туширади. Бу ўрмон ичидаги жойлашган хушманзара бир маскан эди. Шуҳрат ака икки ой шу ижодхонада босим ўтириб «Олтин зангламас» романини ниҳоясига етказди. Дарвоқе, Шуҳрат ака Ойбек аканинг қандай қилиб «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзганини айтиб берганди.

Ойбек ака уч ой Москвада «Москва» меҳмонхонасида бир хона олиб, ўз асарини битирган экан...

Шуҳрат ака узоқ йиллар ёзиб келаётган асарини битирган, кайфияти аъло, кўнгли равшан эди. У Тошкентга жўнар экан, буюмларини саранжомлашга киришди. Бирдан «Олтин зангламас»нинг қалин қўлёзмасини олиб менга кўрсатди. Бинафша рангда ёзилган тоза қўлёзманинг биринчи саҳифасини мамунуният билан овоз чиқариб ўқий бошлади. Бир саҳифа ўқигач, саҳифани жойига қўйиб, қўлёзмани қўлига олди, бир-икки салмоқлаб кўрдиди, портфелга авайлаб жойлай бошлади. Мен чарм чамадонда жой борлигини, қўлёзмани кўтариб юриш оғирлигини айтиб, чамадонга солайлик, деб маслаҳат бердим.

— Борди-ю, чамадонни багажга топширсак, у йўқолиб қолса... нима бўлади? — қошларини чимирди Шуҳрат ака. — Ҳеч қачон бундай қилма! Ҳар қанча оғир бўлса ҳам қўлёзмани ўзим билан олиб кетаман!

Шуҳрат ака айтганидай қилди — қўлёзмани портфелига жойлаб қўлига олиб олди. Тошкентга боргач, қўлёзмани кимга машинкага беришини ҳам режалаштириб қўйган эди.

— Қўлёзмангни, айниқса, романдай катта қўлёзмангни машинкага берганда эҳтиёт бўл! — маслаҳат берди менга Шуҳрат ака. — Уни зинҳор идорада ишлайдиган машинисткага бера кўрма! Саҳифалар ўша ердаги иш қофозларига аралашиб кетиб, йўқолиши мумкин. Қўлёзмангни ҳамиша уйда ўтирадиган машинисткаларга топшир!

Шуҳрат ака ўз шогирдларининг ютуқларидан қувонадиган, уларни ошиб-тошиб мақтаб, тарғиб этиб юрадиган мураббий ижодкор сифатида маълум. 1966 йилда мен Бобораҳим Машраб ҳақида бир достон ёзишга журъат этдим. Табиийки, бу пайт мен, москвалик талаба, Машраб ҳақида турли-туман қарама-қарши фикрлар мавжудлигини, бу мав-

зу қандайдир норасмий таъқиб остида эканлигини билмас эдим. Ёшликка хос бўлган жасорат билан орқа-олдини ўйламай ёзилган асар эди бу. Шуҳрат ака «Машраб» достонини ўқигач, қувониб мени табриклиди, аммо унинг ҳали иши кўп эканлигини, муҳокамадан ўтказиш лозимлигини ҳам айтиб қўйди. Муҳокамани ўтказишида ва достонни ишлагандан сўнг журналда эълон бўлишида — шу пайт «Шарқ юлдузи» журнали муҳаррири Ҳамид Гулом эди — Шуҳрат аканинг хизмати катта бўлди.

Шуҳрат акани ёзувчи ва шоир, драматург сифатида ҳалқимиз қанчалар суюб ардоқлашининг кўп бор гувоҳи бўлганман. 1978 йили унинг 60 ёшга тўлиши арафасида Иброҳим Раҳим, Шуҳрат ака, Абдулла Орипов ва мен улфати чор бўлиб Фарғона водийсига машинада сафар қилдик. Сафаримиз Кўқондан бошланиб, Фарғона, Қува, Асака, Андижон, Намангандан бўлса Ҳамид Гуломни келиб якунланди. Қишлоқ, шаҳарларда, институт ва мактабларда бўлиб ўтган ижодий учрашувлар чинакам адабиёт байрамига айланиб кетди. Водийлик адабиёт муҳлислари «тўйбола» адаб Шуҳратни қувонч билан кутиб олишар, ўзи ва ижоди ҳақида саволларга кўмиб ташлашар эди...

Ён, чироғим, Тонгга қадар ён!
Ёруғингдан ёрисин жаҳон! —

деб ёзган эди Шуҳрат ака. Адабнинг чироғи эзгуликлардан,adolat нуридан қувватланган. Шунинг учун бу чироқ ўчмайди, балки пориллаб ёнишда ҳамон давом этаётир.



ЖАННАТНИ ЎЗИНГДАН ҚИДИР

Илгаритдан одат шу – даврага тотли кайфият баҳш этиш учун Сайд Аҳмад домла гапни доимо қувноқ оҳангларда бошлайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Гурунг Азиз Абдураззоқнинг сигарет сўраш усуллари-ю, Толиб Йўлдошнинг хотиндан пул яшириш тажрибалари қабилидаги мутойибалар ила бошланган эса-да, сўнг мавзу аста-секин жиддийлашиб, табиати жizzакилиқдан йироқ бўлган Астқад Мухторнинг ҳаддан ташқари зиёлилиги унинг ғанимларига қандай қўл келгани-ю, Абдулла Қаҳҳор вафот этган отасига жаноза ўқитишга замона зайдидан чўчиб турган дамдаFaфур Гуломнинг: «Чол ўзига жаноза ўқитишни васият қилган, ўғил васиятни бажаришга мажбур», дея керакли гапни топа олиши азадорнинг жонига нечоғли ора киргани кабилар олис ўтмиш қаъридан бир-бир қалқиб чиқаверди.

Нодирахон: «Шерик билан есалар, дадамнинг иштаҳалари очилади», деб иккита товоқчада палов олиб кирди. Гоҳ қошиқ шириқлайди, гоҳ сұҳбат давом этади. Пайров энди турли асарларнинг турлича тақдирига – қанчалар шишириб мақталмасин, бирининг умри капалакникидек қисқа бўлгани, бирининг чоп этилиши қийин кечиб, аччиқ-чучук танқидларга учраса ҳам, китобхонлар дилидан мустаҳкам жой эгаллай олганига кўчади. Гап Шух-

рат оғанинг «Жаннат қидирғанлар» романни устида йўргалай бошлагач, сұҳбат узокроқ чўзилиб, хоти-раси сустлашаётганидан ҳозиргина нолиб ўтирган домла китобдаги у-бу лавҳаларни худди яқиндагина ўқиб чиққандек тиниқ эслай бошлайди. Ҳаёли асар ёзилган даврлар узра чарх уришга тушади.

Бир замонлар эдики, роман тўқиши баъзи адиллар орасида пойгага айланганди, сендан менинг ни-мам кам, дея баҳслашаётгандек мукофотбоп мав-зуни пойдевор қилволишиб, устига шоша-пиша «уй қуришаверди». Шухрат бундайлардан эмасди. Ёза-ётганида асарнинг «тегишли кимсалар»га ёқишиб-бўқмаслигини ўйлаб ўтирасди, оддий ҳалқнинг мусибатларига шерик бўлишга тиришарди. Бу жуда оғир йўллигини билиб туриб, шу йўлдан борганлар тоифасидан эди у.

– Бу оламда буткул мукаммал нарсани топиш мушкул, – дея мураббийлик мақомидаги адилларга хос «танқидий қарашлари»ни сұҳбатнинг олдин-роғига кўчиради Сайд Аҳмад домла. – «Жаннат қидирғанлар»да ҳам у-бу жойларда андак узук-юлуқлик сезиладими-ей. Балки, бу олатасир мухо-камалардан кейин асарнинг замон қолипига сиф-майдиган талай қисми қисқартириб ташлангани ту-файлидир. Аммо, булар ширин олманинг пўчогидаги чанг-чунгларга ўхшаган нарсалар холос...

Домла овқатни чайнаётиб, бир нуқтага тикилганича ўйини жамлайди. Роман битилган маҳалларда миллатимизнинг шонли ўтмиши, томири Мисрни-кидай чуқур ва бой маданий мероси тўғрисида мақ-таниш у ёқда турсин, ҳатто «Мен – Ўзбекман!» деган сўз фуурланиброқ айтилса ҳам, дарров урди-сурдига йўлиқарди. Шухрат шундай мухитда яшаб туриб, гоҳ асардаги салбий қаҳрамонлар, гоҳ чет эллик сиёсатдонлар тилидан бўлса-да, катта-катта гапларни, ўткир-ўткир фикрларни очиқ-ойдин баён

эта олди. Ўзимизда саводсиз қароқчига чиқариб кўйилган Амир Темурнинг аслида ўта улуғ сиймо эканлиги, Туронзамиининг бебаҳо маданий ёдгорликлари, жумладан, Самарқанддаги ноёб тарихий обидалар кўркўона оёқости қилинаётгани, босқинчилар маҳаллий элатнинг «бўйнига занглаган занжир осиб кўйиб, маржон демоқчи» бўлаётгани, қарам мамлакатда жорий этилган цензура қанчалар безантириб кўрсатилмасин, барибир фақат мустабидлар манфаати учун хизмат қилишлиги, яккаҳокимлик қамчисига айланган компартия вакиллари барча катта-кичик корхона-муассасаларгача ин қуриб, Аъзамга ўхшаш кимсаларнинг ҳатто оиласий ишларига ҳам аралashiш даражасига етгани кабилар тўғрисида ёзишга ўшанда камдан-кам адибнинг юраги дов берарди.

Кўп юракларни пўкакка айлантирган қўрқинчили замон эди. Кесатиқли тарзда «куда томон» деб ном олган сирли идорадаги кимсаларнинг норози қиёфада шунчаки қош чимириб қўйиши у ёки бу кишининг қисматини зумда бир юз саксон даражага ўзгартириб ташларди. Омадинг юришиб, қамалмай қолганингда ҳам ҳаётингдан фароғат арирди: ҳатто кичик лавозимлардан умидинг узилади – бир, матбуот ва нашриётларга яқинлашолмай қолсан – икки, рағбату унвонларнинг йўли тўсилади – уч, турли адабий давраларнинг эшиги сенга тақатак ёпилади – тўрт, касбдошларинг у ёқда турсин, дўсту қондошларинг ҳам сендан узокроқ юришга интилишади – беш, янги ва илгариги асарларингдаги фазилатлар иллатга йўйилиб, шахсингта нисбатан ҳар хил ирволар пайдо бўла бошлади – олти...

Иккинчи жаҳон урушида шу мамлакатнинг ҳарбий шинелини кийиб жанг қилган эса-да, барибир салтанат хўжайинларининг ишончини қозонолмай,

миллатчи сифатида яқиндагина қамоқ азобини тортиб чиққан адаб, ҳали олдинги жароҳатлари битмай туриб, ўша ўтпуркар аждарҳо билан қайта олишувга чиқиши ҳайратланарли ҳол эди. Нима, Шухрат оғанинг жони ширин эмасмиди? Жигаржигаридан бино бўлган, бири биридан азиз фарзандларини кўпроқ едириб-ичиришни, башангроқ кийинтиришни, уларга шинам иморатлар қуриб беришни орзу қилмасмиди? Айрим сафдошларига ўхшаб, баланд курсиларда ўтиришни, нуфузли минбарларда маъруза қилишни, китобларини зарҳал муқоваларда қаторлаштириб босишни, кўксини нишонларга тўлдирганича гердайиб юришни хоҳласмиди? Ҳавасли бандалар қатори шу кабиларни ўиласа ўйлагандир, лекин буларни мақсад деб билмади, Беруний, Фарғоний, Хоразмий, Навоий, Улуғбекларга мансуб улуғ миллатнинг қайғуси билан яшамоқни, Широқ, Тўмарис, Ўғузхон, Муқанна, Мангуберди, Амир Темурлар руҳига пайванд буюк Туркистоннинг менлигини тиклаш йўлида курамоқни бошқа ҳою-ҳаваслардан муҳимроқ санаб, бурчини шахсий ҳузур-ҳаловатидан устун қўя олди. Неча вақтлар ўтса-да, ёзувчининг исми, асарлари биз учун ҳануз ардоқли бўлиб қолаётганинг бош сабаби ҳам шу.

Куни замбарак судраб келганларга қолган чорасиз ўзбекнинг бор кўргиликларини муаллиф «Жаннат қидирганлар»да кенг кўламда тасвиirlайди, аҳволга дам мамлакат ичкарисидан, дам хориждан нитоҳ ташлайди. Қай нуқтадан кузатилмасин, миллатимиз фожиасининг асосий боиси миллий давлатчилигимизнинг қўлдан бой берилгани эканлигини шуурларга чуқурроқ сингдиришга уринаверади. Эрки қўлида турган юртда улғайиб, ота-боболардан қолган гўзал урф-одатлар, «Кутадғу билиг» ларда баён этилган юксак ахлоқий анъаналар ру-

ҳида тарбия кўрган бўлсайди, эл-юртига кўпдан-кўп наф келтириши мумкин бўлган уч нафар иқтидорли шахс – Саидакбар ҳожи, Аъзам ва Умматали образлари асарнинг асл ўзагидир. Барча воқеалар шуларнинг тақдирига келиб туташаверади.

Беҳад уддабурон тижоратчи, тақводор мусулмон, оиласининг мустаҳкам таянчи бўлган Саидакбар ҳожи ҳокимият қизилларнинг қўлига ўтган дастлабки даврлардаёқ чет элга қочади. Истеъодли муҳандис ўз юртида қадрига етишмаётганидан, арзимаган маош эвазига қаёқдаги чаласавод кимсаларга малай бўлиб юрганидан ўпкаланиб, саёҳатга борган чоғида хориждагилардан сиёсий бошпана сўрайди. Ишининг кўзини билган, касбининг ўта фидойиси бўлган агроном Умматали ўз юртида яшаб турган эса-да, Саидакбар ҳожининг яна қайтамиз деганига ишониб, хўжасини чет элга кузатиб кетган қочқин қаролнинг ўғли сифатида тазиикقا учрайверади.

Синчилаб кузатилса, китоб қаҳрамонларининг тақдири кишандаги миллатимизнинг қисмати аянчли аҳволда эканлигига очиқ ишорадир. Саидакбар ҳожи қанчалар давлатманд бўлмасин, бегона ўлканнинг ўзгача хулқ-атворли кимсалари орасида тўзим тополмайди, ўзининг ва ёруғ оламдаги бирдан-бир юпанчига айланиб қолган фарзандларининг ҳаёти ачинарли тарзда якунланади. Совет тузумининг хориждаги мухолифлари йўриғида кун кечира бошлаган Аъзам гоявий курашлар саҳнасида митти қўғирчоққа, сиёсий найранглар жангтоҳида қурбонликка айланади. Ишхонасидаги тазииклар, оиласидаги ғалвалардан безиб, шаҳардан энг чекка қишлоққа бош олиб кетган бўлса-да, ҳамон «халқ душманининг ўғли» деган надоматдан қутулолмай яшаётган Умматалининг эртанги тақдири асарданомаълумлигича қолиб кетади.

– Бу китобни кавласанг, чуқур маънолар кўп, – дея салмоқланиб чой хўплайди Саид Аҳмад домла. – Шароит тақозосига кўра тил учиди айтилган уч-гўртта «замонабоп сўзлар»ни ирғитиб ташлаб, баъзи ибораларга изоҳлар бериб, кўпни кўрган адабиётшунослардан бирорининг роман замирида ётган миллий озодликка ташнилик туйгуларини очиб берувчи сўзбоши билан чоп этилса, «Жаннат қидирғанлар» ҳозирги ёшлар учун ҳам катта сабоқ бўларли китоб.

Сабоқ бўларлиси шундаки, Саидакбар ҳожидек қанча мол-дунё топма, рўзгорингни нечоғли бикир қилма, юртингни ўз оиласингдек фаровон, миллатингни ўз фарзандингдек маърифатли этиш йўлида билим ва бойлигинги аямасликка одатланмас экансан, кунинг бир кунмас бир куни ёт зўравонларга қолади, топганинг на ўзингга буюради, на болангга. Иқтидорингта лойиқ қадр-қиммат изласанг, Аъзамга ўхшаб уни четдан ахтарма. Умматали бўлиб, ҳар қандай уқубатларга чида, яхши кунлар келмоғидан умид қил, орзуларинг ушалиши учун жон-жаҳдинг билан кураш. Агар бу дунёда жаннат яратиш мумкин бўлса, уни ўз юртингда ярат, бирорларники барибир татимайди. Жаннат – ичингда,adolatga даҳлдорлигинда, имон ва эътиқодингда.

Суҳбат қизиб бораверади. Саид Аҳмад домла романнинг гоҳ у, гоҳ бу жойини эслайди. Мени янги янги сирлардан воқиф этишга тиришади:

– Эсингда бўлса, китобда Зайтуний деган араб муҳаррири бор. Мамлакатини босиб олган французлар тузумига қарши тиш-тироғи билан курашиб юрган бу одам, бир куни Парижда бирга ўқиган француз дўстларини соғиниб эслайди. Кишини ўйлантириб қўядиган ҳолат, а? Аслида Шухратнинг ўзи ҳам Зайтунийдек кенг фикри инсон эди – оддай рус халқига нисбатан кўнглида кеки борлиги-

ни сира пайқамаганман. Рус маданиятини жуда ҳурмат қиласарди, рус классикасини севиб ўқирди, гўзлгўзал таржималари бор. Фақат чор Россияси келтирган мустабид тузумнигина ёмон кўради, ўз халқининг ҳақ-ҳукуқи учун курашиб чарчамасди. Айниқса, ошкора айтиш мумкин бўлмаган гапларни гоҳ шамадор қилиб, гоҳ ниқоблаб айтишининг устаси эди.

Домланинг охирги сўзларини эшитиб, бир воқеа эсимга тушади. Тошкентга келиб, нашриётда иш бошлаган пайтларим эди. Бўлим мудишимиз (У зотни Худо раҳмат қилган бўлсин) мени муҳаррир сифатида пишитиб қўйгиси келдими, қўлёзмаларни кўраётганда баъзи «қитмиона гаплар»га жуда ҳушёр бўлмоғим лозимлигини тайинлаб, шахсан ўзи қайси асарлардаги қандай қалтис жумлаларни вақтида аниқлашга муваффақ бўлгани ҳақида мисоллар келтиришга тутинди. Жумладан, Шухрат оғанинг бир асаридағи (асарнинг номи ҳозир ёдимда йўқ) қаҳрамон ҳаётда устма-уст ноҳақликларга учрайвергач, бу чиркин дунёда туғилган вақтининг аниқ санасини эслаб: «25 октябрнинг падарига минг лаънат!» – деб қарғанар экан. Бу жумла ноширга негадир тўмтоқ туюлаверибди. Узоқ ўйланиб, охир кўнгли хижил бўлганининг сабабини топибди – одатда 7 ноябрда байрам қилинадиган «Қизил инқилоб куни» русумдан чиқиб кетган эски тақвим бўйича 25 октябряга тўғри келар экан. Ўшанда санани ношир шунчаки ўзгартириб қўйганми ёки жумла бутунлай олиб ташганганми, бунисини билмадим-у, аслида Шухрат оға шу тўрт оғизгина сўзни ниқоблаб ишлатиш учун атайлаб асар ёзган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини ўйласа, кишининг ичи ачишади.

Шуларни мулоҳазалар эканман, Саид Аҳмад домла сұхбат орасида: «Шухрат – оиласининг эр-

каги эди. Шунга ўхшаб, адабиётдаям эркакча ишлар қиласарди», – деганига бир қўшимча киритгим келади – у зот ўз юртнинг ҳам эркаги эди. Ҳамиятли эркаклари бор юртнинг эса тизгинидан ушлаб туриш қийин. Мард халқининг, асов ўғлонларининг иродаси билан қайта озодликка эришган Ўзбекистонимиз ана шу ҳақиқатнинг ёрқин тимсолидир. Шухрат оғанинг улкан баҳти шундаки, энтикиб-энтикиб орзулаган кунларини ўз кўзи билан кўра олди, бу оламни армонлари ушалган ҳолга тарк этди.

Созандалар бирон эзгин куйни ижро этса, кетидан шўҳрогини чалиб қўйишиади. Буни «совутма» дейдилар. Анчага чўзилган жиддий сұхбатимиз якуннида Саид Аҳмад домла ҳам ўзига хос «совутма» қилиб, мени ҳазил гап билан кузатиб қолди:

– Ҳў, укам! Бодрингдан қарзимни уздим деб, турп пишиғигача йўқ, бўлкетмагин...

Киши умри давомида юзлаб хонадонларнинг тузини тотади, ҳар бири ҳақида айри-айри тасаввурлар ҳосил қиласади. Раҳматли Саид Аҳмад домла хонадонининг эътиборли томони – қачон келманг, қалбингизга зиёдек қуюловчи ҳикматли-ҳикматли сўзларни эшитар эдик. Ўша гал устозга қўшилиб, бир маҳаллар зўр қизиқиш билан ўқиган китобимнинг тубига янада чуқурроқ шўнгидим, «Жаннат қидиргандар»нинг ўзгача-ўзгача қирраларини кашф этдим. Ботирқалб Шухрат оға ёнгинамда тирик тургандек туюлди, файласуф адабнинг ўз оғзидан нодир бир ўгит эшигандек бўлдим: «Жаннатни ўзингдан қидир!»

Ақл ва Адолатта таяниб, Тўғрилик ва Яхшиликка эргашиб, ўз кўнглидаги жаннатни топиб бора олганларга Оллоҳ қурган жаннатнинг эшиклари ҳам лант очик, турса, ажабмас...

ВАТАНПАРВАР АДИБ

1962 йил, кунлардан бирида кабинетимга қўнфироқ бўлиб қолди. Телефонда ўша вақтдаги Марказий Қўмита котибаси Зухра Раҳимбобоева ҳаяжонда, тўлқинланиб гапиряпти. Гапнинг қисқа-си, зудлик билан ҳузуримга киринг, деган топши-рикни олдим. Котибамиз овозининг оҳангидан се-зилдики, қандайдир кўнгилсиз ҳодиса юз берган. Чунки бу истеъдодли, билимдон раҳбар билан анча вақт ишлаб, унинг феъл-авторини, иш услубини бироз бўлса ҳам билиб олган эдик. Ҳа, ўйлагани-миздай бўлиб чиқди. У жаҳл билан «Кеча радиода соат 12 яримдан 1 гача Шуҳратнинг реакцион, мил-латчилик руҳидаги шеърларини берибди, эшитдин-гизми?» деб сўраб қолди. «Зоя Раҳимовна (биз у кишини шундай исм билан атардик), кечакида ишда бўлсан, ишим бошимдан ошиб ётган бўлса, радиони қаёқдан эшитаман?» — деб жавоб қилдим. Ко-тибамиз жиддий, буйруқона оҳангда: «Убайдулла Ёқубовичга (Радио қўмитанинг раиси эди) телефон қилинг-да, Шуҳратнинг радиода берган шеърлари-ни тездан олиб келиб берсин. Сиз кабинетингизни қулфлаб олиб, синчилаб ўқиб, фикрингизни мен-га айтасиз».

Бу гап қалбимни ларзага солди, бошимга болта билан урилгандаи бўлди, даҳшат гирдобига шўнгид кетдим. Не-не кўнгилсиз хаёлларга беридим. На-

ҳотки, бир истеъдодли санъаткорни яна ҳибсга олиб, қамоқقا тиқамиз, адабиётимизнинг жўшқин намояндаси ижодидан ажраб қоламиз, илгари тухмат асносида озодликдан маҳрум эттанимиз, қанчадан-қанча азоб берилгани етмас эдими?

Бу ачиниши мизнинг боиси ҳам бор. Биз Шухратнинг достонлари, шеърлари, «Шинелли йиллар» каби романларини ўқиб, унга меҳримиз тушиб қолган эди. Ҳа, севикли адабимиздан бизни ажратиб олиб, қалбимиздаги муҳаббатимизни суғуриб ташлашга уриниш бизга мashaққат, азоб-уқубат бўлиб тушғанлигини, изтироб чекканлигимизни ўзимииздан бошқа одамнинг англаши, тушуниши қийин.

Мен (у вақтда партия Марказий Кўмитасида фан ва маданият бўлими мудирининг ўринбосари эдим) худди раҳбаримиз айтгандай қилдим. Гап шундаки, ҳақиқатан ҳам Шухратнинг «Дунай соҳиллари» туркум шеърларини радиода эшиттиришган экан.

Шұхратнинг шу түркүмдаги ҳар бир шеърини, унинг ҳар бир мисрасини лупадан ўтказгандай, қайта-қайта ўқиб чиқдим. «Дунай соҳиллари»ни ҳар томонлама мутолаа қылғанимдан кейин, қалбимни севинч ҳис-туйғулари забт этди, бошим күкка етгандай бўлди, елкамни босиб турган тоғ ағдарилиб кетганини ҳис этдим. Бу түркүм чукур ватанпарварлик руҳи билан сугорилганлиги, унинг мазмуни халқнинг мардлиги ва олижаноблигига тараннумдан иборат эканлиги билан ажралиб турарди.

Шоир теплоходда Дунай мамлакатларига сафар қылғанлиги, Ватанинг бир бўлаги бўлган Теплоходда Ватани соғиниб қолғанлигини бадиий маҳорат билан ифода этган. «Дунай соҳиллари» туркуми фақат Шуҳрат ижодигина эмас, балки миллий шеъриятимизнинг ютути эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, котибанинг кабинетига отилдим. Бор гапни тўкиб солдим. Туркумда ҳеч қандай реакцион гаплар, миллатчилик руҳидаги шеърлар йўқлигини далиллар билан исботлаб, мисоллар ўқиб бердим. Аммо туркумда фақат иккимисра мавҳумроқ бўлиб, уларни турлича талқин қилиш мумкинлигини ҳам айтиб қўйдим. Зоя Раҳимовна бир соатча гапларимни дикқат билан эшиди, ўртага луқма ташламади. Менга зид фикрлар ҳам айтмади. Фақат айрим мулоҳазаларимни қайтадан сўраб, янада аниқлаштириб олди. Кейин котибамиз ҳанг-манг бўлиб, нима қилишини билмай, ўйга чўмди. «Майли, кўрамиз», – деб яқун қилди. Оқибатда Шуҳрат ҳақ бўлиб чиқди, бизнинг берган баҳомиз ҳам инобатга олинди, шекилли, Марказий Кўмитада ҳам, Республика Ёзувчилар уюшмасида ҳам бу масалага қайтилмади.

Аммо ҳалигача бир нарса муаммо. Биз ўша вақтда ҳам, кейин ҳам иғвогарлар ким эканлигини аниқлай олмадик. Ҳа, қани энди бундай тухматчилар ошкор қилинса, ҳалқнинг ҳукмига ҳавола этилса, ҳаммага ҳам катта сабоқ бўларди, иғвонинг қадами кесиларди ёки олди олинарди. Соғлом адилари миз сақланиб қоларди, уларнинг асабларини эговламасдан, ижоддан ажратиб қўймасдан, илҳомига илҳом қўшардик.

Лекин ачинарли томони яна шундаки, иғволар, турли-туман бўхтонлар тўхтамас, фурсати келиши билан ишга солинар эди. Марказий Кўмитада хизматимиз даврида кўп bemаза, кўнгилсиз, қинғир гаплар келиб турганлигининг шоҳиди бўлганмиз. Гўё «Шуҳрат Абдулла Қаҳҳор билан бирлашиб, ярамас ишлар қиляпган эмиш? У Марказий Кўмитани ёқтирас, шунинг учун маломат тошларини отиб туармиш, дўстларининг ижодий ютуқларини кўра олмасмиш...» ҳоказо, ҳоказо.

Бундай иғвонинг каттаси бирдан ўз кучини кўрсатиб қолди.

1968 йиллар бўлса керак, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшин каминани ҳузурига чақириб, 30 бетдан ошиқ машинка қилинган аризани қўлимга тутқазди. У аризани чукур ўрганиб, объектив,adolatli munosabat bildiriшни талаб қилди. Аризани қобилиятли таржимон, бир қанча ўзбек муаллифларининг бадиий асарларини рус тилига ўгирган, уюшма аъзоси ёзган экан. Бу материал билан танишиб ҳайрон бўлиб қолдим. Гап Шуҳратнинг «Жаннат қидирганлар» романи устида эди. Бу асар балчиқقا шу даражада булғаб ташланган эдик, ундан ортиқ қора бўёқ топиш амри маҳол эди. Шуҳрат романида «аксилинқилобий» юяларни олдинга сурғанлиги, «миллатчилар»ни турили йўллар билан ҳимоя қилиб, тарғиб этганлиги, бу асар душман тегирмонига сув қўйиб бериши қаҳр билан айтилган. Оббо, Шуҳрат бир балога йўлиқиб қолдими, деб ташвишга тушдим-да, романни синчиклаб ўқиб чиқиб, кўнглим ёришиб кетди.

Бир гурух ватангдоларнинг ачинарли тақдирини бадиий таҳлил қилиб берган бу асар менда катта таассурот қолдирди. Ижобий мулоҳазаларимни К. Яшинга изҳор этдим, унинг ҳам кўнгли равшан тортиди. Раҳбаримиз: «...комиссия тузамиз. «Жаннат қидирганлар»ни уюшма раёсатида муҳокама қиламиш», – деб қолди. Орадан бир ойларча ўтгандан кейин уюшмада роман кенг таҳлилдан ўтказилиб, унга ижобий баҳо берилиб, аризачининг хатидаги даъволари, қўйган айблари тасдиқланмаганини қайд этилди. Ҳа, энди масала ҳал бўлди, деб хотиржам бўлиб юрдик. Йўқ, тухматчи қиличини қинга солмаган экан, уни қайраб яна ишга солди. Энди аризани ўша вақтдаги мамлакатнинг энг юқори ташкилоти – КПСС Марказий Кўмитасига жўна-

тади. У ердан муҳокама қилиш учун материални республика партия Қўмитасига юборишган экан. Ўша вақтда маданият бўлимининг мудири бўлиб ишлаган С.Шермуҳамедов бу ишга бош-қош бўлиб тайёргарлик кўриб, бир неча кишиларни жалб қилиб, муҳокамани юқори савияда ўтказди. Йифинда олимлар, шу билан бирга Давлат хавфсизлик Қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари Азимов ҳам қатнашиб, романни ҳимоя қилишди, унинг ижобий томонларини бирма-бир санаб ўтишди. С. Шермуҳамедов қатъий қилиб, фикрини билдири: «Биз «Жаннат қидирғанлар»ни маъқуллаймиз, унда катта масала бадиий шаклда ифода этиб берилган». Кейин у сўзига қўшимча қилиб: «Бундан кейин романни бошқа муҳокама қилмаймиз», — деб масала узил-кесил ҳал бўлди, деган хуносани чиқарди.

Шуҳрат билан бояги қимса ўртасидан ола мушук ўтиб қолган эдими, аризачи адабни тинч қўймасдан, фурсати бўлса ҳам, бўлмаса ҳам оёғидан чалишга уринаверди. Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгашида Каримова деган ёш олима Шуҳрат прозаси ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишида у сўзга чиқиб, яна эски ашуласини бошлади. Шуҳратни доим муҳофаза қилганимиздай, бу сафар ҳам хато баҳоларга зарба беришга тўғри келди. Каримова диссертациясини муваффақиятли ёқлашга сазовор бўлди. Шуҳратнинг бу гаплардан хабари бор экан, Ёзувчилар уюшмасида учрашиб қолганимизда ўзининг миннатдорчилигини билдирганини эсдан чиқариб бўлмайди.

Шуҳрат истеъододли шоир, қобилиятли романчи, тажрибали таржимон, ўзига хос драматург эди. У адабиётнинг қайси тур ва жанрида қалам тебратса, уни қойил қилиб бажарган.

ДУНЁНИНГ ШОДЛИГИ ШОИР МУЛКИДИР

1936 йил ёзида бир гуруҳ шоирлар Пушкин асарларини ўзбек тилига ўтириш учун она диёритизнинг сўлим масканларидан бири Чимёнга чиққан эдилар. Уларнинг олди қирққа яқинлашган, кенжаси эса ҳали йигирма бешинчи баҳорни ҳам кўрмаган қирчиллама йигитлар эди. Шайхзода ана шу навқирон авлоднинг Чимён этакларидағи ҳаётини тасвирлаб, бундай ёзган:

Шоир дўстлар тоғ бошига	Чиқамиз, деди.
Шоир дўстлар ҳаммаси ёш,	Ҳаммаси гўзал.
Шоир дўстлар шеърга кўп	Саждакор эди.
Дилларида ёзилмаган	Жилвали ғазал...

Камина 50-йилларнинг бошларида Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган адабий кечалар, баҳс ва анжуманларга бора бошлаган кезларимда бу авлоднинг айрим вакиллари мустабид тузум томонидан аллақачон маҳв этилган, Шайхзоданинг ўзи ҳам мудҳиш ертўлада ётган, қолганларининг бошида сталинча социализмнинг қиличи лапанглаб турган эди. Нафақат Шайхзода тилган олган авлод, балки шу авлод билан изма-из келаётган ёзувчилар ҳам шу даҳшатли қисматдан бенасиб қолмаган эдилар. Ушбу

хотира «қаҳрамони» Шұхрат ҳам ўша кезларда темир панжаралар ортида әди.

Шоир дўстлар ҳаммаси ёш,
Ҳаммаси гўзал...

Мен бу сатрларни тақорлар эканман, кўз олдимдан 50-йиллардаги навқирон авлод – Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Шукрулло, Туроб Тўла, Шұхрат, Рамз Бобожонлар бирма-бир ўтади. Уларнинг айни ёш, айни гўзал пайтлари. Аммо юлдузлар шодасида ҳам бирортаси кўпроқ шуълакор бўлганидек, бу навқирон ёзувчilar орасидаги шуълакори, менимча, Шұхрат әди. Парвардиғор Шұхраттага Юсуф ҳуснини берганлигини айтмаса ҳам бўлади. У қирчиллама ёшда бўлишига қарамай, соchlari ёзниң беғубор булатларидек оптоқ бўлган. Ана шу кумуш соchlар унга ўзгача ҳусни камоллик бағишлиган. Ўша пайтда Ёзувчilar уюшмаси атрофида парвона бўлган қизлар ҳам, Шұхратнинг оёғи теккан ўқув юртларидағи талабаларнинг гўзал бўлаги ҳам унга ошиқу бекарор бўлишган. Унинг шуълакорлиги биринчи навбатда ташқи қиёфаси билан боғлиқ әди. Лекин у китобхонлар ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга муяссар бўлганига қарамай, ғоят камтар, кибрҳаводан олис инсон әди. Шұхрат ана шу фазилатлари билан ижодкорлар даврасида ҳам бирдек азиз әди.

Бугун аксар шоирлар билан сұхбатда бўлар экансиз, уларнинг шеърий ҳолатдан, шоирона кайфиятдан узоклиги сезилиб туради. 50-йилларда яшаган шоирлар эса, Шайхзода айтганидек, шеърга кўп саждакор кишилар бўларди. Шұхрат ҳам шу маънода истисно бўлмаган. Бугун унинг шеърий китобларини вараклар экансиз, шеърият оламидан четда кечган ойлар ва йилларни асло кўрмайсиз.

Мен ана шу сўзларни ёзар эканман, 70-йиллар охирида кечган бир воқеа хотирамга келади.

Ўшанда, ёз ойларининг бирида, мен бир домламиз билан Чорток санаторийсига борган әдим. Иттифоқо шу пайтда Шұхрат ҳам Чортокнинг шифоли суви билан даволаниш мақсадида ўша ерга қадам ранжида қилган экан. Биз даволанувчilar учун ажратилган биноларнинг бирида турадик. Шоир эса санаторий бош врачиға қарашли шинамгина хонада жойлашган әди.

(Хурматли ўқувчи, шу ерда лирик чекиниш қилишга тўғри келади. Шұхрат 50-йилларда менга қанчалик яқин шоир бўлишига қарамай, ҳар қалай у шоир, мен эса китобхон әдик. Лекин орадан йиллар ўтиб, у билан тобора яқинлашганимдан сўнг у менга маълум маънода ака бўлиб қолди ва мен уни Шұхрат ака деб атайдиган бўлдим. Агар эътиroz қилмасангиз, хотирамни шундай аталма билан давом эттирсан.)

- Шұхрат ака бизларни санаторийда учратиши билан ўз хонасига таклиф этди. Бу хонанинг шундоқцина ёнида кичик бир ошхонаси ҳам бор экан, ўша ерда ҳар куни уч маҳал унинг учун маҳсус овқат таёrlанаар экан. Биз бир оз сұхбатлашганимиздан кейин ошхона соҳибаси хуш бўй таратиб турган дўлма олиб кирди. Шұхрат ака бизни таомга таклиф этди. Шу пайт «хаста» шоирдан хабар олиш учун бош врачнинг ўзи ҳам ким биландир келиб қолди. Давра кенгайди. Шұхрат ака бизни бош врача шундай илиқ сўзлар билан таништириди, биз бегонасираш ўрнига бир зумда шу давранинг тўлақонли аъзоларига айландик-қолдик. Орадан кўп ўтмай, ёш Ҳабиб Саъдулла наманганилик бир режиссер билан пакет кўтариб келиб қолди. Ошпаз аёл бир дунё овқат тайёрлаганми, дўлма уларга ҳам етди. Сал ўтмай, Шұхрат аканинг Чортокда даво-

ланаётганини эшитган бир шеърхон дўсти ҳам пакет кўтариб келди. Даструрхон мева-чевалар билан тўлди. Ширин сухбат давом этди. Мехмонлар Шуҳрат акага шундай катта эҳтиром билан муносабатда бўлдиларки, худди ўзбек адабиётида факат битта шоир бору бошқаси ҳали туғилмагандек ажиб бир тасаввур қанот қоқиб турарди.

Биринчи бўлиб Ҳабиб Саъдула ўрнидан қўзғолди. Шуҳрат акани Намангандга, албатта, кутишини айтди. Наманганд театри шу кунларда унинг пьесаси асосида «Юсуф ва Зулайҳо» спектаклини тайёрлаганлигини айтиб, спектаклга ҳаммамизни таклиф қилди. Кейин қўшини тумандан келган муаллим қўзғалди. Нихоят, қош қораю бошлагандага, биз ҳам турдик. Шуҳрат ака, муни қаранг, қўлимга бояги пакетлардан бирини қистирди. «Домланинг ҳурмати», — деди у менинг хижолат бўлганимни кўриб. Кейин маълум бўлишича, бундай ташрифлар оддий бир ҳодисага айланган экан. Шеърият ва шоирлар ўша йилларда кўпроқ иззатда бўлгани учун Шуҳрат аканинг Чортокқа келгани бутун Наманганд бўйлаб тарқалган ва вилоятдаги шеърхонлар Шуҳрат акани навбатма-навбат зиёрат этиб туришган экан.

Хуллас, биз Чортокда қанча кун ҳордиқ олган бўлсак, шунча Шуҳрат ака билан ҳамсуҳбат бўлиб, унинг бағри кенг табиатини кашф этишда, шеърият муҳлислари ўртасидаги ҳурмат-эътиборига гувоҳ бўлишда давом этдик. У меҳмон кутишдан, меҳмонлар эса уни зиёрат этишдан чарчашмасди.

Шундай қилиб, Шуҳрат ака Чортокда неча кун яшаган, тўғрироғи, даволанганд бўлса, шунча кун унинг хонаси меҳмонлардан аримади. Лекин мени ҳайратган солған нарса шуки, туннинг қайси пайтида у яшаган бино яқинидан ўтмай, унинг иш стодидаги чироқ ёниб турган бўларди. Демак, у иш-

ларди. Баъзан бу чироқ тонгга қадар ўчмай, шеъриятга саждакор шоирлардан бирининг ҳамон ишлаб ўтирганидан дарак берар эди.

Ён, чирогим, тонгта қадар ён,
Ёруғингдан ёрисин жаҳон!

Ён, чирогим, қалбим кутар, ён,
Ён, чирогим, ором олсин жон!

Сен ёниб тур, мен қилай ижод,
Қарзим кўпдир элдан, юртимдан!
Умрим ўтгач, қараб ортимдан
Демасинлар: — Кўрди бўш ҳаёт!

Ён, чирогим, тонгта қадар ён!

Мен Шуҳрат аканинг ўша қезлари қандай шеърлар ёзганини эслай олмайман. У ҳам Кисловодск ёхуд Ереванда ёзган шеърлари остига улар туғилган манзилни кўрсатгани ҳолда Чорток бешиги бўлган шеърларни паспортсиз қолдирган. Эҳтимол, бу шеърларнинг ҳаммасини ҳам баланд шеърлар сирасига киритиш маҳолдир. Одатда мергандар учуб бораётган возни бир ўқ билан ерлатиш учун қанчадан-қанча ўқларни осмондаги хаёлий розга отадилар. Агар Шуҳрат аканинг ўша қезлари ёзган ўнлаб шеърлари орасида икки-учтасигина узоқ яшаш кафолати билан туғилган бўлса, шунинг ўзи шоир сарф қилган меҳнатни, албатта, оқлади.

Мен Шуҳрат ака ҳақида ўйлаганимда, ҳар сафар ўша чироқ кўз олдимга келади ва қулогимда Шайхзоданинг: «Шоир дўстлар шеърга кўп Саждакор эди...», — деган сатрлари жаранглаб кетади.

Оддий китобхон назарида Шуҳрат ака бу дунёдаги энг баҳти шоирлардан бири бўлган. Ижод булоқдек тошиб, китоблари кетма-кет чиқиб турган,

шөрбият майдонидагина эмас, наср ва драматургияда ҳам жавлон урган, тагида «Волга»си, ортида құшақұша азамат ўғиллари бўлган шоирдан ҳам баҳтилиси бўладими, ахир! Яна, бунинг устига, китобхонлар томонидан ардоклаганини айтмайсизми!..

Аммо Шуҳрат ака шундай замонда яшаганки, бу замонда қалам тебратган ва фикрлаш иқтидорига эга бўлган ҳар бир кишининг орқасида ўнлаб кўзлар ва қулоқлар бўлган. Сал ўзгача қадам қўйдингизми, ўша кўзлар дарров тегишли жойга хабар берган, сал ўзгача сўз айтдингизми, ўша қулоқлар дарҳол етказганлар.

Шуҳрат ака Тошкент Педагогика институтида таҳсил кўрган кезларда 37-йил гулхани туруллаб ёнган. Институтнинг қатор сара домлалари териб олинган. Институтда ўқимаган, лекин талабаларнинг илтимоси билан учрашувга келган Усмон Носир туфайли яна қанчадан-қанча ёшлар сўроқ қилинган. Бу сўроқлардан Шуҳрат ака ҳам четда қолмаган. Лекин у шўро ҳукумати шаънига номаъқул сўзни айтмаганига қарамай, уни Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси сифатида жазолаганлар. Эмиш – отасининг савдогарлигини яширган эмиш, эмиш – хотини жиоякли лозиму атлас кўйлак кийиб, шўролар даврига эмас, ўтмишга бўлган ҳурматини кўз-кўз қилиб юрган эмиш, эмиш – боласини караватта эмас, бешикка белар эмиш, яқинда уни хатна қилар эмиш... Бу миш-мишларнинг бир қисми айни ҳақиқат бўлган, албатта. Аммо уларнинг ҳақиқат бўлгани Шуҳрат аканинг гуноҳини ўн чандон оширган. Хулас, у «халқ душмани» деб эълон қилинмаса-да, уюшмадан ўчирилган. Бу: «Эсингни йиғиб ол, Шуҳрат! Мен билан ўйнашма! Мен Шўролар ҳукумати бўламан! Хоҳласам, сени кўкларга кўтараман, хоҳласам, етти қават ернинг тагига киритиб юбораман!» – дегани эди.



Изтироб.



Елқадош дўст, Шифокор Абдулло Шарипов ва Шухрат.



Адид неваралари Мунтазам ва Матлаб билан.



Шухрат, Сергей Северцев, Саида Зунинова давра сұхбатида.



Шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедов ва Шуҳрат.



Шуҳрат, Озод Шарағидинов, Абдулла Орилов.
Учрашувдан сўнг.



Минбар.



Ижадкорлар гурхы.



Якшылак, Енгиз Мирзо, Шүхрат за Восит Сабулаев.



Курол ва қалам билан.



Эртанин китобхонлар.



Шуҳрат ва Пўлат Мўмин.



Чигатой зиёрати.



Шуҳрат Олим Ҳўжаев ва Умарали Норматов билан.



Шотирлар билээ самийн сүхбат.



Шүхрет ва Түрсуной ая ишваралар билан.



Авлодлар төгдек таянч. Адиб вафотидан сўнг ўн бир ой ўттач, невараси Гуломжон Алимов дунёга келди...

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши қамоқ павбатида турган кўпгина ижодкорларнинг «жонига оро» кирди. Мен иккинчи жаҳон уруши деб 1941 – 1945 йиллардаги олмон-шўро урушини эмас, 1939 или бошланган жаҳон урушини назарда тутяпман. Яқинлашиб қолган уруш қатағон қиличининг қинга солинишига сабабчи бўлди. Шўро давлати ўз ҳудуаларининг мудофааси ҳақида ўйлашга мажбур бўлди. 1940 йил кузида Шуҳрат aka ҳам армия сафига чакирилди. Кўп ўтмай, олмон-шўро уруши бошланиб, шоир ярадор ва контузия бўлиб қайтгунига қадар иккинчи жаҳон урушининг жанггоҳларида бўлди. У фронтдан қайтгач, узоқ вақт даволанишга, доридармондан кўра тинчлик ва осойишталик деган «укол»ларни олишга тўғри келди. Шунда у мутолага берилди. Мопассану Лондондан тортиб, Тургеневу Толстойга қадар бўлган жаҳон классикларини, уларга қўшиб, Ойбек, Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорнинг насрый асарларини эзиб ўқиди. Ва кўнглида ўзи гувоҳи бўлган уруш даври ҳаётидан роман ёзиш иштиёқи туғилди.

«Тўсатдан туғилган бу фикр, – деб ёзган эди у таржимаи ҳолида, – мени шунчалик қамраб олдики, кечалари ухломай қолдим. Аввалига бир қисса ёзишга жазм этиб, қўлимга қалам олдим. Бир неча бетларни қораладим. Бироқ қарасам, қисса билан юрагимни бўшата олмайман. Нимадир каттароқ нарса чиқадиганга ўхшайди. Шундан кейин жиддийроқ бош қотириб, образларим устида кенгрок ўйлаб, ўзбек солдат-офицерларининг уруш майдонларида жонбозлигини кўрсатиш ниятида воқеани уруш арафасидан бошладим. Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди ...Табиий, бир кишининг биографияси билан бадиий асар ёзиб бўлмайди. Адиб шунинг учун ижодкорки, у ўзи танланган биографиясига ўз фикр-ўйи, орзу-умиди,

идеяларини, дард-армонларини, ўкинчи ва афсусларини бадиий воситалар орқали қўшади, мослашибди, тўқииди, бойитади...»

Шундай қилиб, Шуҳрат аканинг наср соҳасидаги биринчи йирик асари «Шинелли йиллар» романни майдонга келди. Аммо у эндиғина романни тутгатиб, уни нашрга тайёрлаётган кезлари яна қататон қузғунлари пайдо бўлиб, уни қонли тумшуқлари билан юлиб олиб кетди. Бу мудҳиш воқеа 1951 йил февралида юз берди. Орадан бир йил ўтгач, суд Шуҳрат акани йигирма йилга хукм қилиб, жазо муддатини ўташ учун совуқ ўлкаларга юборди. Фақат Сталиннинг ўлимигина уни Усмон Носир қисматини такрорлашдан асраб қолди.

Шоир ўлим лагеридан қайтганидан кейин романни қайтадан ёзишга мажбур бўлди. Зеро, машаққатли меҳнат эвазига дунёга келган роман қўлёзмаси тинтив пайтида олиб кетилган ва йўқотилган эди.

1955 йили Сибиру Шимолий Қозогистоннинг тиканли сим билан ўралган совуқ манзилларидан қайтиши билан Шуҳрат aka яна ижодга шўнғиди. Шеърлар, ҳикоялар, достонлар, романлар ва пъесалар ёзди. Асарлари ўзбек ва рус тилларида кетма-кет нашр этилди. «Шинелли йиллар»дан кейин «Олтин зангламас», «Жаннат қидирғанлар» романлари яратилди. Галамис кимсалар ёвуз даҳолари билан бирга ёвуз даврлар ҳам ўтганидан бехабар, бу романларни ғаразли ниятда ўқиб, ёзувчини миллатчиликда айловчи сатрларни топдилар. Мирза Солиев деган уюшма атрофида ўралашиб юрган кимсанинг Шуҳрат акани яна қаматиш ниятида чақувнома ёзмаган жойи қолмади. Унинг бошини силаған, «Баракалла, сендеқ мард одам айтмаса бу гапларни ким айтади!» деган муртадлар ҳам топилди. Хуллас, замон ўзгарган бўлса ҳам Шуҳрат акани ҳоли-жонига қўймадилар.

Шундай «баҳтли замон»да яшаган шоирнинг ўзи ва ҳаёт ҳақидаги катта ҳақиқат билан йўғрилган асарларни ёзиши маҳол эди. Аввалам бор, бундай асарларни чоп этишнинг иложи бўлмаган, мабодо фалакнинг гардиши билан чоп этилиб қолгудек бўлса, танқидчилардан ҳам, Мирза Солиев сингари кимсалардан ҳам балога қолиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам шўро даврида шоирларимиз ширин хаёллар оламида яшашга кўпроқ интилганлар. Шунинг учун ҳам Шуҳрат aka «енгил мавзулар»га кўпроқ қўл урган, шеърларига орзу ва умид нурларини пуркаб, севги ва вафо, дўстлик ва аҳиллик, эзгулик ва меҳрибонлик каби абадий қадриятлар ҳақида кўпроқ ёзишга уринган. Бугун унинг ана шу йўналишидаги ижодига губор қўниши ўрнига, аксинча, бу ижод биз учун тансиқ бўлиб турибди.

Шоир ўзининг бир шеърида бундай ёзган эди:

Эҳтимол мен зийрак бўлмадим,
Оғир пайтда керак бўлмадим?
Сўйламадим лозим сўзимни,
Балки қалтис тутдим ўзимни?

Шубҳасиз, тарихда қандай шоирлар ўтган бўлмасинлар, уларнинг ҳаммасини ҳам баҳт ва саодат денигизида чўмилган, деб бўлмайди. Уларнинг ақсари ўзи яшаган давр билан зиддиятда бўлган. Давр улар бошида тегирмон тошини ўйнатган. Аммо шунга қарамай, улар кишиларда яшашга иштиёқ, уйғотувчи асарларни битишган. Шуҳрат aka ҳам ўзи сезмаган ва олдиндан режалаштирган ҳолда ана шу йўлдан борган. Зотан, ижод табиати шуни тақозо этарди.



МЕҲРИБОНИМ

*Ш*оир ва адиб Шухратнинг ижоди бир томон, одамийлиги бир томон эди, десам хато бўлмас... У муҳтарам зот ниҳоятда меҳрибон инсон эдилар. Бир иборани тез-тез такрорлаб қўярдилар: «Ари чақди, деб аразлама, боли бор!»

У вақтларда бу иборанинг маъносига ким етибди, дейсиз. Айтдилар, қўйдилар-да, деб кетаверар эканман...

Устоз Шухратнинг авжи кучга тўлган, қувватга кирган йигитлик йиллари ўз иборалари билан айтганда: «пўстдумбага» чиқиб кетди...

Иродаси метиндан бу инсон урушдан кейин яна беш йилини тутқунликда ўтказишга мажбур бўлди.

...Ниҳоят, Сталин қулагандан кейин, унинг қора кузғун қаноти энди мусаффо осмон юзидан юлиб ташланди... Шухрат aka кабилар жуда озодликка бўлмаса ҳам, омонликка қайтдилар. Оллоҳ уларнинг ноласига ҳам қулоқ туттани шу бўлса керак...

У киши тутқунликда одамийликни йўқотмадилар. Аксинча, ундоқ зиндансифат манзилларда одами қаттиқ соғиниб яшадилар. Бекор ўтаётган кунларини рўмолчанинг учига маҳкам тутиб бора-верган эканлар... Омонликка чиқсан кунлардан бошлаб рўмолчанинг учини шашт билан очиб, енгни шимариб, бекор ўтган кунлар учун ҳам меҳнат қилишга киришдилар...

Гоҳида:

— Мен бутун ўн иккита шеър ёздим! — десалар бизга эришроқ туюларди. Хом эканмиз, бу гапнинг таг-заминига фаҳмимиз етавермас экан. Ҳозир ўйлаб қарасам, у киши шеър ёза олмай қолган кунлари учун ҳам шеър ёзар эканлар. Ҳамма фазилатлари устига Оллоҳ у кишига тинмай самарали меҳнат қилиш фазилатини ҳам ато эттан эди. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидиртсанлар», романлари, «Балладалар», «Бизнинг кўча», «Сенинг севгинг» каби ўнлаб шеърий китоблари у кишидан бизга мерос қолди. Шундоқ йирик асарлар билан бир қаторда «Беш кунлик куёв» каби саҳна асарлари ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишиланиб, инсонлар тақдирига кўчи. Булар Шухрат муаллимнинг бир томони. У киши ёш ижодкорларнинг ҳақиқий ўз акаси — устози эдилар. Шундай жанг бўронлари, тутқунлик заҳматлари у кишининг ёнида турган инсонларга меҳрини елга солиб, олисларга учириб юбормади. Аксинча, биринчи шеъри, ўргамчик мисралари бирозгина умид тугдирган ёшлар борки, у киши дарров ўз қанотлари ости-ҳимоясига олар эдилар ва ўзлари хизматда бўлган ёзувчилар уюшмаси эшигининг икки тавақасини кенг очиб қўйиб, бағриларини очиб, икки кўллаб марҳамат кўргазиб кутиб олардилар. Биз Азиз Абдураззоқ, Эркин Воҳид, Тўлқин, Барот Бойқобил, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Самандар, Қамчибек Кенжа, Охунжон Ҳаким, Тошпўлат Ҳамид ва мен кабилар у киши атрофида гала-гала бўлиб юрадик. Менинг «Бошсиз ҳайкал» достонимдан сўнг ҳаммамиз умид ва ишончга тўлиб, астойдил ижод қила бошлидик. Чуники ижод қиласак, яхши нарса ёзсак, чиқар экан, деган ишонч пайдо бўлди бизда. Ҳусниддин Шариповнинг «Куёшга ошиқман», Эркин Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» кетма-кет

пайдо бўлди ва «Шарқ юлдузи»да босиди. Буларнинг ҳаёт юзини кўришида Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор қаторида Шуҳрат аканинг улкан ҳиссаси бордир.

Сўзим қуруқ бўлмасин учун у муҳтарам устознинг кўп хатларидан бирини келтиришни лозим деб билдим. Бу 21 ноябрь 1960 йилда менга Москвага, бир фақир талабага ёзилган: «Сайёр! Сенинг шунча хатинг ва телеграмманга шу биргина журнал номери жавоб бўла олади, чунки сенга хат ёзмасам ҳам сени ўйлаб юрганимга қаноат ҳосил қиласан. Бу сонда сенинг арзанданг — поэманг бор ва менинг анча-мунича шеърим.

Биз тошкентликлар соғ-саломат. Отанг билан иккаlamiz тупроққа ва гиштга хужум қилиб ётибмиз. Сен отангга рўзгор учун озроқ пул юборибсан, улар бениҳоя хурсанд. Демак, «Ёш гвардия»дан 25 фоиз олгандирсан. Яхши бўлибди. Мана поэма ҳам чиқди. Ҳақини ўзингта юборайми, ёки уйга ишонч хати юборасанми? Хабар қил.

Мен журналга ўтиб, сенлар учун ютдим, бўлмаса ўзим учун ҳали ҳеч иш бўлганича йўқ. Мана 1-сонда Эркиннинг поэмасини берамиз, наборда. Сеникини атайнин хабар қилмай ўтирган эдим, билишимча кимдир жосуслик қилиб сенга хабар бериб қўйибди. Мана энди ўзини кўр, қувон, руҳлан, қанотлан. Бу сенинг союзга киришингта — пропуск!!!

Энди шошма, ҳовлиқма, соғлиғингни эҳтиёт қилиб яша ва ижод эт!

Сени соғиниб,
жигаринг: Шуҳрат
26/XI-60

Бундай хатлардан талайини келтириш мумкин. Ушбу хат у киши уй қураётган даврларига тўғри келади. Шу биргина мактубданоқ Шуҳрат аканинг

мехрибон, акаларча ғамхўр юраги борича намоён бўлиб турибди...

Ёки бўлмаса, у киши адабиёт жамғармаси директори бўлган кезларда Москвага тез-тез келиб турардилар. Шунда ҳар гал бизни йўқлаб, тушган жойларини дарҳол хабар қилардилар. Мана, масалан: «Сайёр! Мен Москвагаман. «Украина» меҳмонхонасида. 19 қават, 19 хона. телефоним: Г-3-22-39;

Телефон қилинг, келинглар! Декада ишлари ва ўз романнимнинг русчаси масаласига келдим. Азизга салом!

Шуҳрат.
I/XI-57.

Шуҳрат акам шеърлари ҳақида Мақсад Шайхзода атрофлича, кенг тўхталиб, ўз адолатли фикрларини ёзганлар. Улардан ўтказиб фикр билдириш биз шогирдлари қўлидан келиши амри-маҳол. Шунинг учун шоир Шуҳрат шеър, баллада, туркум ва достонларига тўхталмадим. Фақат айтишим мумкини, улар эрта оқарган оппоқ соchlari ҳақида қирқдан ортиқ шеър ёзган эдилар...

Улкан ёзувчи Абдулла Қаххор қўлларидан келганча ёзувчи Шуҳратни қўллаб келдилар. Гарчи аямай, гоҳида ушбу асарингизни қовоқ ари чақиб олибди, деб, асарнинг кўпсўзлигидан огоҳ, этсалар ҳам, ёзувчининг ёзиш усулини инкор этмас эдилар.

Шуҳратнинг ҳикмат тўла, шеърдай мусиқага бой, ёғдай ёқиб тушгувчи тили ва у киши қалами остидан чиқсан ўзбекона иффат-такаллуф тўла лавҳалар ва улар остида яшиаб кўриниб тургувчи удумлари ва ўзбек хонадони манзаралари Абдулла акани ҳам мафтун этган бўлиши табиий...

Яна доно, сермулоҳаза, мулоим, сабрли, қалби нафис ва нафосатга мўл инсон сифатида Мирзакалон Исмоилий ҳам Шуҳрат акамга яхшилигини

аяган эмас. Оилавий ишларда ҳам, жамият юмушларида ҳам у киши чиндан катта ака эдилар...

Бу ёқда ниҳоятда ўткир дидли, ўқимишли, сермулоҳаза адабиётшунос Ҳибзиддин Мұхаммадхонов ҳам бор эди. У киши ҳам Шухрат акамнинг оғир синов кунларида ҳақиқий бардошли биродар бўлиб, қаторда турганлар... Ҳаммаларининг жойлари жаннатда бўлсин. Аллоҳ ярлақаган бўлсин!

Шухрат акамга омонлиқда ҳам барибир осон бўлмади. Ўзларига хос гўзал, ҳикмат тўла ёқимтойтилда ёзган романлари ҳам, айниқса, «Олтин зангламас» анча ташвиш келтириди. У вақтларда қаттол цензура бўларди. Улар «Олтин зангламас»нинг журнал вариантидаёқ зулм қилишга ўтдилар. Ҳар саҳифага гугурт қути отиб кўришар, гугурт қаерга бориб тушса, ўша ерини юлиб олиб ташлашни буюришар эди. Романин юқори ташкилотлар ва бошка ташкилотлар эринмай қайта-қайта ўқишиди. Корректурани кўтаришиб, у идораларга Шухрат акам билан бирга борарадим. Асарнинг боши қаёқ, охири қаёқлигини, сюжет йўлларини муаллифнинг ўзлари ҳам адаштириб юборишларига оз қолди. Шу асар – «Олтин зангламас» – менинг асосий китобим бўлса ажабмас, деб умид қилган эдилар. Хулас, бирор бир катта империяга тобе бўлган, мустақиллиги бўлмаган юртда бутун асар ёзиш ҳам мушкул экан. Бу мушкулотлар ҳам бекор кетмади. Шухрат адаб ва Шухрат инсонни катта файласуфга айлантириди.

Шухрат ака ҳақида айтадиган гапларим кузги хазондай мўл-кўл. Лекин ўшандай қаттол замонда ҳам бошка ёқлардан кўчирма қилинган фоя, тафаккур, дунёқарашлар миллатни миллат сифатида ўлдириб юборишини, ўзгалар фоясига фидойилик оқибатда ўзни пайхон қилиш демаклигини билдириб-бильдирмай айта олишлик – бу катта жасорат эди. Бу

жасоратни Шухрат ака баралла кўрсатди! Гарчи у ҳаётда оғир кунларни кўп ва хўп кўрган бўлса ҳам, ўз юртини:

– Ўзлигингдан қолма, ўз тўнингни кийиб юр. Ога-боболаринг назарлари бошинг узра доимо кўриниб турсин, беш кунлик ҳою-ҳавасларга япроқдай енгил одамлар учади. Сен етти пуштингга қара! – деб огоҳлантира олди.

Шундан огоҳ бўлсак, азamat ва заҳматкаш, ўзбекнинг чин инсони ва файласуф шоир ва ёзувчиши Шухрат руҳини абадул-абад хушиуд этган бўламиз.



ЧИН ИНСОН ВА АЖОЙИБ ИЖОДКОР ЭДИ У

ШУХРАТ номи тилга олингандай, менинг кўз ўнгимда тоталитар Совет тузумининг аччиқ меваларини обдон татиган вижданои пок, қалами ўткир ижодкорнинг ёрқин сиймоси гавдаланади. Зеро мен дорилфунуннинг адабиётшунос домласи сифатида унинг ижоди ҳақида лекциялар ўқигандим ва уни шахсан яқиндан билардим.

Шуҳратнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир шу вақтгача кўплаб, тақризлар, мақола ва рисолалар эълон қилинган, бир неча номзодлик диссертациялари ёқланган. Мен аминманки, тадқиқотчиларимиз бундан кейин ҳам Шуҳрат ижоди сирларини ўрганишни давом эттирадилар. Мен эсам у ҳақидаги хотираларимдан факат бир неча лаҳзаларнигина қаламга олмоқчиман.

БИРИНЧИ ЛАҲЗА

Менинг илк марта Шуҳрат ака билан танишувим Тошкентда, «Шарқ юлдузи» журнал редакциясида юз берган эди. Ўша вақтларда журналинг бош муҳаррири вазифасида ишлаган мактабдошим Асқад Мухтор:

— Раҳимжон, мана бу киши журналимиз саркотиби Шуҳрат бўладилар, танишинг! — деб бизни таништириди. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан қора

соchlарига оқ оралай бошлаган, барваста қомат ва очик чехрали саркотиб менга йирик-йирик шаҳло кўзларини тикиб, кулимсираб боқаркан, қўл бериб кўришди. Унинг қўл бериб кўришиши, кўзларида барқ уриб турган юмшоқ табассум ўша заҳоти мени ўзига тортди. Бу табассумда унинг фойибона ўқиганим шеърларидағи тиниклик ва дилкашлик кўриниб туради. Шу-шу бир-бири мизга хат ёзадиган, ҳол-аҳволдан хабар оладиган бўлиб қолдик...

ИККИНЧИ ЛАҲЗА

Агар янгилишмасам, 1963 йилнинг ёзи эди. Мен ахли оиласам — умр йўлдошим Полина Матвеевна ва ўғлим Маратжонлар билан Ёзувчилар союзининг Кўктебелдаги ижод уйида дам олардик. Кутилмаганда Шуҳрат ака билан учрашдик. Хордиқ чиқариш кўнгилдагидай кечди. Бунга сабаб, бир ёқдан, Қора денгизнинг кўркам қирғоғида об-ҳавонинг шифобахш мўътадиллиги бўлса, иккинчи ёқдан, Шуҳрат акадек доно ва дилкаш сұхбатдошнинг бирга дам олганлиги эди. Ўша кезлар «Шинелли йиллар» романининг русча нашри Москвада босилиб чиқсан (1959 йил, Воениздат) ва унинг муаллифи Иттифоқ миқёсида танила бошлаган эди. Ўшанда янги шеърлар ўқиб беришдан ташқари Шуҳрат ака бизга бир неча оқшом сурункасига ўз бошидан кечган саргузаштларни ҳикоя қилиб берган эди. Ажойиб саргузаштлар. Биз, Шуҳрат ака ижодининг мухлислари, мириқиб тинглардик. Кейинчалик билсан, бу саргузаштлар забардаст адабнинг бўлажак янги романлари «Олтин зангламас» ва «Жаннат қидирганлар» учун керакли хомаки материаллар ҳам экан. Бизнинг эшиттанимиз «хамир учидан патир» эди, деса бўлади.

«Олтин зангламас» романида «Маратнинг аяси» сарлавҳали бир бобча бор. Унда асарнинг бош қаҳрамони Содик ва иккинчи даражали персонажлардан Адолат хола, Жаннат, Мушарраф ҳамда Мирсалим иштирокидаги воқеаларда Марат номли бола образи ҳам гавдаланади. Мен ҳар гал романдаги шу бобни ўқиётганимда муаллиф томонидан зўр самимият билан чизилган бу бола (Марат) қиёфасида ўз ўғлим Маратжонни кўргандай бўлман. Ахир, Шухрат ака ўшанда, Кўктебелда, роман устида ишлаётгандаги менинг ўғлим романдаги Маратга ўхшаш 13–14 ёшар шўх, ёқимтойгина болакай эди-да. Энди маълум бўлишича, бу ҳассос адабнинг дикқат-эътиборидан четда қолмаган экан.

УЧИНЧИ ЛАҲЗА

Бир гал мен Шухрат акани Самарқандга таклиф қилдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўими шоир ва носир Шухратнинг китобхонлар билан учрашувларини режалаштирганди. Мен шулардан учтасини ташкил этишга мутасадди эдим.

Кизиқ, билмадим нима учун, Шухрат ака пайдо бўлган жойда ўз-ўзидан шеърхонлик бошланиб, байрамона кайфият ҳукм суради. Алишер Навоий номидаги дорилфунун талабалари Шухрат акани қарсаклар билан қарши олишди. Мен кечани очиб, шоир Шухратга сўз бердим. У киши ўзбек адабиётининг аҳволини шарҳлаб, тошкентлик ёзувчилардан ким қандай асар устида иш олиб бораётгани ҳақида гапириб берди... Бундоқ қараганда оддий гаплар, лекин қулоққа ёқадиган бамаъни гаплар. Шухрат аканинг шоирона нутқида аллақандай сеҳр борга ўхшарди, залда ўтирганларни – каттаю кичик, эркагу аёлларни мафтун этмай қўймасди. Нотиқ одатдагидай ширали тиник овоз билан

аввал Ватан, Она юрт, меҳнаткаш инсон ва ўз ҳалқига содик, фидокор одамлар ҳақидағи шеърлари билан аудиторияни ўзига жалб этди, кейин қаторасига чин муҳаббат, садоқат ва одамгарчиликни васф этувчи бир неча лирик шеърларни ўқиб, тингловчиларни ҳаяжонга солди. Қарсаклар гумбури кенг зал томини кўчирай дерди. Бир ярим соат давом этган адабий кечани «ёпиқ» деб эълон қилдим. Шунга қарамасдан, талабалар тарқалишмасди. Йигит, қизлар – қўлларида Шухрат ака шеърий тўпламлари, муаллифдан дасҳат олиш учун шоирни ураб олишди... Мушиоранинг давоми ўша куни кечкурун шоир Шухрат таклифи билан «Зарафшон» меҳмонхонасининг иккинчи қаватидаги фойеда олимлар, ўқитувчилар ва театр ходимлари иштиrokerida янада мароқли ўтди.

Яна бир учрашув Эски шаҳарда хотин-қизлар артелида ташкил этилди. Бу мулоқотнинг тарзи ҳам, мазмун-мундарижаси ҳам батамом ўзгача, ўзига хос эди. Артелга кириб боришими биланоқ Шухрат ака тўғри ишчилар ишлайдиган дастгоҳлар томон юрди. У ерда енг шимариб кашта тикаётган, гилам тўқиётган нозанин қизларнинг ўта чаққонлик билан ишлаётганиларини қизиқиши билан кузатаркан, йўлйўлакай уларнинг шаънига илиқ сўзлар айтар, гоҳгоҳида ҳазил-мутобибага кўчиб, қаҳ-қаҳ куларди... Шеърхонлик бошланиб кетди. Шухрат ака сурункасига уч-тўртта шеър ўқиб ташлади. Кўшиқдай жаранглаётган шеърлардан авжга келган қизлардан бири: «Муҳаббат ҳақида яна битта бўлсин!» – деган эди, янги лирик шеърлар тўлқини дастгоҳлар ўрнашган хонани тўлдириб юборди...

Олдиндан тасдиқланган режага мувофиқ шоир Шухрат икки кун давомида ҳаваскор шоирлар билан амалий машғулотлар ўtkазди. Биринчи куни ҳар бир ҳаваскор билан танишиб, улар шеърларини

тинглаб, тегишли маслаҳатлар берди. Иккинчи куни машғулот кўпроқ шеър ва шоирнинг жамиятдаги мавқеи, бадиий завқ, сўз устида ишлаш тариқаси каби мавзуларни қамраб олган лекциялар тусини олди.

Энди Шухрат ака ташрифининг кун тартибида шаҳардаги қадими ёдгорликларни томоша қилиш, Улуғбек расадхонаси зиёратига бориш турарди. Бироқ режага таҳрир киритишга тўғри келди. Мехмонхонадан чиқаётганимизда Шухрат ака қўққисдан:

— Раҳимжон, томошага жўнашдан аввал ўша ўзимизга таниш гилам тўкувчи қизлар қошига борсак, шунга нима дейсиз? Мен уларга шеър ваъда қилгандим... — деди.

— Бўпти, шеърни шеър шайдолари тингласин, кетдик! — дедим. Жўнадик. Танаффус вақтида етиб борган эканмиз. Гилам тўқиши цехига одам сифмай кетди. Шухрат ака ўзининг кечаси қизларга атаб битган шеърини қойилмқом қилиб қироат қилди. Гилам тўкувчи қизларгина эмас, биз — адабиётшунос домлалар ҳам Шухрат аканинг ўта ҳасос ва ҳозиржавоб шоир эканлигига тан бердик. Шеър эртасига «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон») рўзномасида босилиб чиқди. Артел маъмуриятиning шоир Шухратга ажойиб бир гиламча тақдим этгани ҳамон ёдимда...

ТЎРТИНЧИ ЛАҲЗА

«Мусибат одамларни жипслаштиради», деган нақл бор, тўғрига ўхшайди. 1967 йил, қиши. Мен докторлик диссертацияси устида ишни давом эттириш мақсадида меҳнат таътилини Москва яқинидаги Малеевкада ўтказмоқчи бўлдим. Қўллэзмалар билан лиқ тўла икки катта чамадон ва битта портатив

ёзув машинасини кўтариб йўлга чиқдим. Электричка Москванинг Белорус вокзалидан икки соат йўл босиб Бороково станциясига етиб келди. Буёғи санаторий автобусига тушиб, яна 16 километр йўл юриш керак... Оғир чамадонларни кўтариб бир амаллаб пастга тушдим. Атроф оппоқ қор, оёқ ости сирғанчиқ. Ҳамма кутиб турган автобус томон чопади. Мен ҳам унга етиб олишим керак, акс ҳолда иш чатоқ. Навбатдагисини узоқ кутишга тўғри келади... Бор кучимни йириб, чопдим, етиб олдим... Етиб олдиму, кўкрагимда «жиз-з» этган санчиқни сездим. Санаторийга жойлашгач, дўхтурга мурожаат этгандим, балога қолдим. Кардиограмма «инфаркт» ни кўрсатибди. Тўшакка ётқизиб, кимир этмай ётишни буюрди... Хайрият, дўстим Шухрат ҳам шу ерда дам олаётган экан, жонимга ора кирди... У киши биринчи галда мени юпатди. Кейин тошкентлик рус ёзувчиси Борис Пармузин билан иккаласи мендан хабар олиб турадиган бўлишди...

— Мен беморлик тўшагида ётишимга қарамасдан, ўзимни унчалик ёмон ҳис этмасдим: ётган жойимда китоб ўқийман, радио тинглайман. Сал кейинроқ ҳаттоқи кўпдан бери ўйлаб юрганим драматик дoston — «Хуросон алломаси»нинг «Дебоча»си ва биринчи кўринишини ёзишга киришдим. «Фан доктори бўлишни орзу қилардим. На илож, насиб қилмаганга ўхшайди. Шунисигаям шукур, ҳеч бўлмаганда мендан аллома Умар Хаём бадиий сиймосини гавдалантирувчи шу асаним ёдгор бўлиб қолади-ку», — деган ўй-андишалар билан ўзим ўзимга тасалли берардим...

Бир куни ҳар галгидай аҳволимдан хабар олгани келган Шухрат акага Умар Хаём ҳақида пьеса ёзаётганимни айтиб, унинг «Дебоча»сини ўқиб бердим.

Хомуш мириқиб тинглаган Шухрат ака кўзлари пирпираб, қувониб, ўрнидан туриб кетди:

— Дўстим, мана бу бошқа гап. «Ўғлимга хат ёзай, Полина Матвеевнани чақиринг, етиб келишсин!»
— дейиш қаёқдаю, дабдурустдан катта бир шеърий драмага қўл уриш қаёқда! — деб мени мақтади. Драма сюжети билан қизиқиб қолди... ўзи ёзаётган роман сюжетидан бироз нақл қилиб берди... Энди гўё бевосита ижодий ҳамкорлигимиз бошланган эди...

Шундай бир эпизод сира ёдимдан чиқмайди: бир куни Шуҳрат ака ўзи ёзаётган роман қаҳрамонларидан бири — жанг вақтида фашистларга асир тушган тоҷик аскарга ўзига мувофиқ бир ном топиб беришни сўради. «Шундоқ ном бўлсинки, — дер эди Шуҳрат ака, — бошқа миллат жангчиларининг номидан фарқ қилсин, яъни унинг тоҷик фарзанди эканлиги билиниб турсин». Энди мен тоҷикча номларни эслашга киришдим, катта бир варақ тоҷикча номга тўлди: Сангин, Одина, Шогадо, Табар, Теша, Шоғулом, Шомансур, Гулназар, Сафар, Фулом, Газанфар, Ҳабибулло, Некадам, Назаршо, Афсаҳзод, Муҳаммадризо, Раҳимдод ва ҳоказолар. Шулардан, агар янгишмасам, «Шогадо» маъқул бўлди, шекили, энди ҳар келганида Шуҳрат ака Шогадонинг фашистлар радиостанциясида олиб бораётган яширинча ишлари ҳақида сўзлаб берарди... Бир келганида, қарасам, у киши хафа, чехрасида ҳамишагидай хушчакча табассум кўринмайди.

— Тинчликми? Нима бўлди, хафа кўринасиз? — деб сўрадим.

— Нимасига қувонай?! Ахир, фашистлар Шогадони фош этишди. Уни рация орқали қизил армия қўмондонлигига ахборот юбораётганида қўлга туширишди...

— Хайр, ўзингиз тасвирлаган образ-да! — дедим.

Шуҳрат аканинг изтироб чекиши ўзи яратган образ, тоҷик йигитининг ҳалокати билан боғлиқ

экан... Демоқчиманки, Шуҳрат ака кинасиз юрак ва нозиктабиат эгаси, ҳақиқий ижодкор эди...

Кунлар ўтаберди. Шуҳрат аканинг олижаноблиги туфайли мен баъзан ўзимнинг беморлик тӯшагида ётганимни ҳам унутардим. Ижод қиласардим, шеър тўқирдим, қофия учун сўз ахтарардим... Шунга қарамасдан, зериккан пайтларимда хуш-ёдим узоқда қолиб кетган Она юртим, оилас, қавм-қариндошларим билан банд эди, дўстларимни қўмсадардим. «Аҳволим оғирлашиб, бирон кор-ҳол юз берса, нима бўлади? Жонсиз жасадим аёзли ўрмонзода қолиб кетадими?» — каби нохуш хаёлларга борардим.

Беморлигимнинг ўттиз еттинчи куни бошланибдиямки, дўхтири мени уйимга қайтиш ўёқда турсин, ҳатто ўрнимдан тургани қўймайди. Айни жонга теккан пайт, ичимни еб ётган эдим, Шуҳрат ака хушхабар олиб келди.

— Раҳимжон, янгилик! Бизнинг санаторияга бешолти кунга, дам олиш учун, мамлакатнинг бош терапевти, машхур академик Вотчал ташриф буюрибди. Мен сизни ана ўшанга кўрсатаман! — деди у.

— Эшитганман, «Вотчал томчиси» ўшанини эмасми?

— Топдингиз, худди ўзи!
— Дам олишга келган бўлса, кўндираман?
— Кўнади! Ана кўрасиз, кўндираман! — шундай деганча, Шуҳрат ака чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб у чиндан Вотчални бошлаб кириб келди. Кўзойнакли, оқсоқ, кичкина соқолчаси ўзига ярашган, узун қад-қоматли академик Вотчал эшиқдан кириши биланоқ:

— Қани, кўрайлик-чи, самарқандлик паҳлавон нимага чўзилиб ётиби? — дер экан, у ўзини касал кўргани келган дўхтиридай эмас, балки кўпроқ эски қадрдан дўсти билан ҳангома куриш учун ташриф буюрган меҳмондек тутарди.

У аввал дикқат билан менинг bemорлик тарихими эшитди. Кейин мени даволаётган дүхтирдан алланималарни сұраб билди... Құққисдан менинг құлымдан ушлаб:

— Қани, ўрингиздан туриңг-чи! — деди. Мен ҳайрон Шухрат акага қарадим, у киши мийигида кулиб, «Туриңг!» — деган маънода имлади. Құрқаписа ўрнимдан турдим, юрдим, эгилдим, ҳар хил ҳаракатлар қылдим. Ўрнимга ўтиб ётмоқчи бўлгандим, ақадемик жиддий тус олиб:

— Энди ётиш бас, мана бу ерда ўтириңг! — деб буюаркан, санатория врачига қараб: «Мен бу ерда «инфаркт» деган нарсани кўрмаяпман! Аппаратингиз янгиш кўрсатаёттанга ўхшайди. Эрта Рузадаги санаторияга элтиб bemорни такрор ЭКГ қилдириңг. Шундан сўнг бир холосага келамиз, — деди қатъий оҳангда.

Шухрат ака ёнимда, врач билан бирга машинада жўнадик. Хайрият кардиограмма яхши кўрсаткич берди, «инфаркт»ни тасдиқламади. Оғир юк кўтариш сабабли ундан енгилроғи «стенокардия»га йўлиқкан эканман, ўтиб кетганга ўхшайди... Ақадемик Вотчал дўхтирни... «Беҳудага ваҳима қилибсиз» — деб койирмикан дегандим йўқ, бундай бўлмади, аксинча: «Эҳтиёткорлик қилиб тўғри иш туттансиз», — деб мақтаган бўлди... Шухрат ака — хурсанд, худди ўзи bemорлик бистаридан тузалиб тургандай.

Халоскорим, ажойиб инсон Вотчал менинг Самарқандга қайтишимга рухсат берди. Рухсат бердию, «фақат шарт шуки, Сизга маҳсус тиб ҳамшираси ҳамроҳлик қиласи... Узок йўл, айтиб бўлмайди...», — сўзларини қўшиб қўйди.

Бошим қотди. «Тиб ҳамширасини қаёқдан топаман? Унинг мен билан Самарқандга учига бориб қайтиб келиши қандоқ бўларкан?» — ўйладим мен. Яна менинг алланечук аҳволга тушиб, лол қолганимни

кўрган Шухрат ака дардимга дармон бўлди. У киши Вотчалга:

— Ҳурматли профессор, дўстим Раҳимжонни уйигача мен қузатиб борсам, нима дейсиз? — деди.

— Қани шундоқ қилсангиз, «Молодец» дейман, — деди дўхтур.

— Йўқ, йўқ! Шухрат ака, ахир қайтишингизга ҳали яна бир ҳафта бор-ку, мени деб... — эътиroz билдиримоқчи бўлдим.

— Ҳечқиси йўқ. Роман тугаши керак эди, тугади. Бу ерда бошқа қиладиган ишим қолмади. Ундан кейин... янгангизни соғинганман-да! — гапни ҳазилга йўйди Шухрат ака.

Икки кундан сўнг йўлга чиқадиган бўлдик. Менинг самолётта билетим бор, Шухрат ака эса сотиб олиши керак.... Москвагача машинада бордик. Шухрат ака мени қариндошларимизнида қолдириб, билет излаб кетди. Қойил қоладиган жойи шундаки, Шухрат ака шу рейсга, мен ўтирадиган жойингиз қаватгинасига билет олибди, Учдик. Самарқандда кутиб олишди. Ҳамма хурсанд. Шухрат ака, миннатдорчилик билдириб, «бир кунгагина қолинг, азиз меҳмонимиз бўласиз» — дейишга қарамасдан, бошқа пайт албатта меҳмонликка келишни ваъда қилиб, Тошкентта учеб кетди...

БЕШИНЧИ ЛАҲЗА

«Тухмат оёқ остидан чиқади, ўғлим. Эҳтиёт бўлинг!» — дер эдилар қиблагоҳим. Мен бўлсам қулоқ осмасдим. «Шу чоллар қизиқ-да, нуқул насиҳат қилишади... Устозларим ҳурматини ўрнига кўйсам, ғамхўрларча иш тутиб, шогирдлар етиштирсан, ўз йўлимда тўғри юрсан, ким менга душман бўларкан», — дер эдим, парво қилмасдим. Янгилиштани эканман. Бепарволитим бурнимдан чиқаёзди...

1973 йил ёзи эди. Ўн йил меҳнат чекиб ёзганим докторлик диссертацияси тайёр. Ёқлашгина қолган, холос... Қўққисдан менга айб қўйишиди. Ҳазилакам айб эмас, даҳшатли: имтиҳон вақтида талабалардан пора олган эмишман... Қисқаси, тергов, тинтув бошланди. Ҳаттоқи мени ҳибс қилишиди. Мен бехабарман, кейин маълум бўлди, умр йўлдошим, додини Самарқандда эшитадиган топилмагач, Тошкендга учиби. Ёзувчилар союзида ҳам, бошқа идораларда ҳам арзини эшитадиган топилмапти. Мен билан бирга дорилфунунида дарс тинглаган бир курсдошим ҳам «Кечирасиз, зарур иш билан бандман», – деб қабула қиласди. Ана шундан сўнг ёдига Шухрат aka тушиб, уйига телефон қоқибди. У киши, Арабистондан қайтган ўғлини кутиб олгани чиқетган экан, шунга қарамасдан, дарҳол машина юбориб, уйига чорлабди. Янгам Турсуной опа билан биргалиқда воқеа тафсилотини эшитиб, уни юпатишибди, маслаҳатлар беришибди. «Марказий Комитетта арз қилишдан бошқа чора йўқ», – деб, ариза ёзишга кўмаклашибди.

Хуллас калом, бошимга кулфат тушганда менинг қисматимга лоқайд қарамай, жони ачиб, ёрдам кўлини чўзган чин инсон яна дўстим Шухрат Алимов бўлган эди.

Юқорида айтганларимга изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Мен ўз ҳаётимда кўпни кўрдим, ҳар хил одамлар, ҳар хил ижодкорлар билан мулоқотда бўлдим. Лекин Шухрат акага ўхшаган олижаноб, кўнгли очиқ, мушкулкушо зотни, ижодий ишда эса зукко ва донишманд инсонни кўрган эмасман. Биз «Яхшилик» деймиз. Шухрат аканинг менга нисбатан қилган яхшилигидан ортироқ яхшилик бўлмаса керак. Шу боис, мен ва менинг оилам аъзолари бу улуғ инсон ва ҳақиқий дўстни сира унутмаймиз, унинг порлоқ хотирасини абадий ёдда сақдаймиз.

ШУҲРАТ БУХОРОДА

Истеъдодли шоир, ширинзабон носир, закий таржимон ва мақоланавис Шухрат биринчи марта Бухорога 1947 йилда шоир Шукрулло билан бирга келган эдилар.

Уларнинг асосий режаси Вобкент туманидаги илор пахтакор колхозчи – звено бошлиғи Рустам Бобоев билан учрашиб, унинг ҳақида бадиий очерк ёзиш эди.

У йилларда Бухорода Ўзбекистон Ёзувчилар улошмасининг расмий бўлими йўқ эди. Бизлар (Бухородавлат педагогика институти адабиёт ўқитувчилири) ўзбек адабиёти кафедраси хузурида талабалар учун ёш шоирлар ва адабиётшунослар тўгараги, айни замонда вилоят газетаси «Бухоро ҳақиқати» таҳририяти хузурида ёш ижодкорлар семинарии ташкил қилган эдик.

Шухрат ва Шукрулло келганларида ҳам газета хузуридаги семинаримиз аъзоларини тўпладик. Институт талабалари, «Бухоро ҳақиқати» таҳририяти ходимлари, шаҳар ва яқин туманлардан келадиган адабиёт мухлислари семинарга йигилдилар. Қизгин савол-жавоб бўлди, Шухрат, Шукрулло ва маҳаллий ёш шоирлар ўз шеърларини ўқиб бердилар. Кейин Шухрат ва Шукрулло Вобкент туманидаги Рустам Бобоев қишлоғига бориб, бу меҳнаткаш камтар дехқон билан танишиб, сұхбатлар қуриш-

ди. Кейинчалик Шухратнинг очерки «Шарқ юлдузи» журналида босилди.

Ўша йиллари мен Бухоро ДПИда ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилиш, йилида 700—900 соатгача дарс бериш ва ижтимоий-тарбиявий ишларни олиб бориш билан бирга, Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг сиртқи аспиранти эдим, профессор адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий раҳбарлигида «Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий ижоди» мавзуида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борар эдим. Шу муносабат билан ҳар йили 2—3 марта Тошкентта бориб турар эдим. Тошкентта борганимда Шухрат аканинг эски шаҳардаги ҳовлиларига бордим. Бу ҳовли Эски Жўвадан латта-путта бозорига борадиган кӯчанинг ўнг томонидаги тор кўчалардан бирида эди. Шухрат ака мени очик юз билан кутиб олдилар, марҳум отала-ри маҳсидўзлик қилган уйни кўрсатдилар. Муҳтрама оналари билан саломлашдик. Шухрат ака ўз ижодлари ҳақида гапириб, бир папкани кўрсатдилар. Унда «Шинелли йиллар» романининг машинкада босилган матни бор эди. У киши менинг илмий ишмим билан қизиқдилар.

Орадан кўп ўтмай, менинг диссертациям иши охирланди. Ҳимоя қилиш учун оппонентлар топиш керак эди. Биринчи оппонент фан доктори ёки профессор бўлиши керак эди. Ундейлар ўша куиларда Ўзбекистонда камчил эди. Битта профессор — ўзбек адабиёти мутахассиси — менинг илмий раҳбарим Абдураҳмон Саъдий эди.

Бу вақтлар Шухрат ака қайси бир идорада ишлар эдилар. Излаб топдим ва оппонент борасида қийналаётганимни айтдим, диссертацияни кўрсатдим. У киши бироз ўйлаб туриб, юринг, мен Сизни Ойбек домлага олиб бораман, у киши Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси — академик,

биринчи оппонент бўлишга ҳақлари бор, дедилар. Мени 1 Май кўчасидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига олиб бордилар ва Ойбек олдига олиб кирдилар. Муддаони айтдилар. Ойбек диссертацияни олиб, бошидан бироз ўқигач, оппонент бўлишга рози бўлдилар. Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Иккинчи оппонентликка ўша пайтда филология фанлари номзоди, таниқли драматург Иззат Отахонович Султонов розилик бердилар.

Бу икки оппонент ижобий тақризларини ёзиб бергач, диссертацияни ёқлаш куни белгиланди — 1948 йилнинг 21 октябрида САГУ филология факультетининг илмий кенгашида диссертацияни ҳимоя қилдим.

Тошкентта командировкага борганимда 1930 йилдан бери Бухородан Тошкентта келиб, шу ерда яшаб юрган қариндошим, уруш қатнашчиси Алижон Саидов уйида турар эдим. Ҳимоя куни қариндошим (тога-бобом) Алижон Саидов уйида меҳмонларни бир пиёла чойга таклиф қилган эдим. Шухрат ака ҳам келдилар. У киши Алижон Саидов билан тил топиб, қизғин сухбат қилдилар. Бир-бирларидан қайси фронтларда жанг қилганларини, қайси госпиталларда даволанганликларини суриштириб, эсга олишди. Маълум бўлдики, икковлари ҳам Бокуда бўлишган, бир госпиталда, турли йилларда бўлишган. Шухрат ака профессор А. Саъдий билан ҳам қизғин гурунглашди, у кишининг университетдаги ишлари билан қизиқди.

Шухрат ака иккинчи марта 1958 йилда Бухорода бўлганлар. Мен Бухородан Тошкентта илмий командировга келган эдим шекилли, Бухорога қайтгач, Шухрат аканинг келиб кетганликларини касб дошларимдан эшитдим.

1962 йилда Шухрат ака учинчи марта Бухорога келдилар. Бу сафар Шухрат ака бизнинг таклифи-

миз билан Бухорога ташриф буюрдилар. Бундан бир ярим ой олдин биз студентлар билан «Шинелли йиллар» романни бўйича китобхонлар конференциясини ўтказмоқчи бўлиб, у кишига хат ёзган эдик. У киши келишга розилик бергач, Бухоро педагогика институтининг кўптиражли «Илгор фан учун» газетасида конференция ҳақида эълонни бостириджик.

Орадан бир ой ўтгач, 1962 йилнинг 21 декабрида Шуҳрат ака Бухоро келдилар.

Конференцияга жуда кўп киши келган эди: институт ўқитувчилари ва студентлари, «Бухоро ҳақиқати» газетаси ходимлари, билим юрти ва ўрта мактаб ўқувчилари, Бухоро Арки жанубидаги кўчада жойлашган БДПИ биносининг мажлислар залига сифмай қолди.

Шуҳратга сўз берилди. У киши институт жамоасига ва мъарузачилар ҳамда баҳсда қатнашганларга раҳмат айтиб, романнинг ёзилиш тарихи, ундаги айrim ҳодисаларнинг қатнашчиси ўзи эканлиги, ҳозирги кунлардаги ижодий ишлари ҳақида гапирди, саволларга жавоб берди.

1962 йилнинг 22 ёки 23 декабряда Вобкент туманига, Рустам Бобоевни кўриш учун бордик. Даврада Тошпўлат Ҳамид ҳазил-мутойиба қилиб, ҳаммани кулдирар эди. Мезбонлар тарихий Варахша вайроналарини кўрсатмоқчи бўлишди. Туман милицияси бошқармасининг бошлиғи Ф.Зайнининг енгил машинасига ўтириб, Варахшага жўнадик.

Милодий бешинчи асрда шаҳар ва ҳокимларнинг кўшкни бўлган тарихий ёдгорликлардан айrim деворлар қолган экан. Уни археолог-тарихчилар Қазиб текширганлар. Йирик хом ғишталардан курилган хона деворлари кўринди.

Варахша тепалигига гурунглашиб ўлтирган жойдан бир гильза (ичи бўш патрон) топилди. Уни

қўлдан-қўлга ўтказиб, турли тахминлар айтилди. Бухорога қаттач, меҳмонхонада (ҳозир у жой тиббиёт институти талабаларининг ётоқхонаси) Шуҳрат ака дам олдилар. Эрталаб у кишининг хоналарига кириб аҳвол сўрасам, у киши бу кечада бир қанча шеърлар ёзган эканлар. Бир дафтар варанинг икки бетида «Гильза. Бухоролик дўстларимга» сарлавҳали шеърни менга бердилар. Ўттиз мисралик бу шеър шундай тўртлик билан бошланади:

Бухоро чўлида бир куни ногоҳ,
Бир эски гильзага кўзларим тушди.
Кўзларим тушдию ярқ этиб нигоҳ,
Хаёлим кўп олис йилларга учди...

Шуҳрат 1966 йили ҳам Бухорода бўлган. Менинг шахсий архивимда шоир Тошпўлат Ҳамид тақдим қилган бир фотосурат бор. Бухородаги буюк тарихий ёдгорлик Исмоил Сомоний мақбараси фонида Шуҳрат ва Тошпўлат Ҳамид суратга тушишган. Бошларида туркманча телпак, эгниларида туркманча авра-астар тўн. Орқасида Т. Ҳамид дастхати «...ноябрь, 1966 й. Бухоро».

Шуҳратнинг 50 йиллик юбилейи Бухорода кенг нишонланди. Атоқли олим ва драматург, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Иззат Султон (юбилей комиссиясининг раиси) бошлигига Шуҳрат, Абдулла Орипов ва Умарали Норматов Бухорога келишди. Педагогика институтининг Регистондаги собиқ бинослир залида тантанали кеча бўлди.

Кечани филология фанлари номзоди, шоир Тошпўлат Ҳамид қисқача кириш сўзи билан очди. Иззат Султон, бу сатрлар муаллифи, ТошДУ доценти Умарали Норматов, Бухоро ДПИ ўзбек адабиёти кафедраси мудири доцент Тожи Қораев ўз нутқла-

рида Шухрат босиб ўтган пурмазмун ижод ва жанговар йўлни таъриф ва тавсифлаб беришди. Студентлар Шухрат асарларини мутолаа қилишдан олган таассуротларини сўзлашди. Шоир Абдулла Орипов ўз шеърларидан ўқиб берди.

Тантанали кечадан сўнг мен меҳмонларни ўз уйимизга таклиф қилдим. Биздаги ўтиришни ҳам Тошпўлат Ҳамид бошқарди.

Эртаси куни (27 февраль) Шофирконга бордик. Дастрлаб Пионерлар саройида уюштирилган учрашуда бўлдик. Шундан сўнг «Шофиркон» жамоа хўжалиги клубида учрашув бўлди. Лиқ тўла катта клубга йиғилган туман раҳбарлари, ўқитувчи, ўқувчилар ва колхозчилар меҳмонларни қизғин олқишлидилар.

Юбилей кунларида Бухоро вилоят газеталарида ҳам Шухратнинг ҳаёти, ижоди ҳамда адабий кечалар ҳақида мақола, хабар ва шоирнинг шеърлари босилди.

Бундан кейин ҳам Тошкентта йўлим тушганида Шухрат акани кўриш учун янги уйларига бориб, бир-икки соат сухбатлашар эдим. Бир гал рафиқам Хосиятхон, бошқа дафъя шоир Тошпўлат Ҳамид билан борганимиз. Ҳар гал Шухрат акамнинг рафиқалари Турсуной опа очиқ юз билан кутиб олиб, ўзбекона лутф билан меҳмон қиласар эдилар.

Шухрат акам тирикликларида босилиб чиқсан сўнгти уч жилдик «Танланган асарлар»нинг ҳар уччала жилдига ҳам дасхат ёзиб берган эдилар. Иккинчи жилди – «Олтин зангламас» романига бундай ёзилган: «Сайджон! Бу роман ҳаётимнинг битмас очиқ яраси ва энг севган асарим». Учинчи жилд – «Шинелли йиллар» романига мана бундай ёзилган: «Сайджон! Бу китоб ёшлигим!» Ҳар уччала дасхат ҳам 1982 йил 8 апрелида ўз уйларида ёзиб берилиган эди.

Биз Шухрат акам билан узоқ йиллар ёзишмада здик. У хат ва табрикномалар асосан байрамлар муносабати билан яхши тилакларни изҳор қилиш мазмунида эди. Менда улардан 25 таси сақланмоқда. Уларда муаллифнинг ижодий меҳнати ва ўй-орзулари ўз ифодасини топган. Уларнинг кўпчилиги Тошкентдан, бириси Кишинев, яна бириси Тбилисидан Бухорога юборилган.

Шухрат ака буюк инсонпарвар, миллатпарвар, диёнатли, жасур, Ватан ҳимоячиси, ҳақгўй ёзувчи эди. Авлодлари, дўстлари, шогирдлари ва китобхонлари хотирасида шундайлигича қолади.



ДЎСТИМ, МАСЛАҲАТЧИМ ЭДИ

Шуҳрат ҳақида гап кеттанида мен у кишини ҳамиша энг қадрдан дўстим сифатида, миннатдор бўлиб хотирлайман. Шуҳрат менга — ҳам дўст эди, ҳам ака эди. Қадрдонлигимиз Шивли маҳалласига кўчиб келишган олтимишинчи йиллардан бошланган эди. Шунчалик иноқ бўлиб кетдикки, ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора кўришиб турардик. Оилавий борди-келди қиласардик.

Шуҳрат акам нафақат шоир, балки аллома ҳам эдилар. Турмушда дуч келадиган синовларни марданавор енгишга даъват қиласардилар. Биронинг бошига иш тушиб қолса, худди ўзлариникидек қабул қилиб, жон-жаҳдлари билан тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қиласардилар.

— Турмуш асфальт йўл эмас, — дердилар доим, — у худди ўзимизнинг бор кўчасига ўхшайди. Эгри-бугрилари бор, ўнқир-чўнқирлари бор. Кўзингга қараб юрмасанг, уринтириб қўяди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган, нима яхшию, нима ёмонлигини билардилар. Бирон бир муаммо билан мурожаат қолса, албатта у кишининг мушкули осон бўлмагунча ёнида турардилар.

Бошимга ҳар хил ишлар тушди. Ўшанда етмишинчи йиллар эди, янгишмасам. Рафиқам билан анча нари-берига бориб қолдик. Шу пайтда Шуҳрат акам озмуича изтироб чекмадилар. Бизнинг

оилани сақлаб қолишга қаттиқ интилдилар. Анча насиҳат қиласардилар.

— Оилада кўп нарсалар бўлади, кечиримли бўлинглар, — дердилар. — Оила қуриш осон эмас. Сув келса симириб, тош келса кемириш керак. — Аммо барча уринишлари зое кетди. Бунда эҳтимол айб мендадир, балки айб рафиқамдадир... Рафиқам рози бўлмади. Шуҳрат акам ҳам, биз ҳам аттанг, деб қолдик.

— Бўлар иш бўлди, сиз улуғ ишларга бел боғлагансиз. Оилангиз тинч бўлсин, — деб йўл-йўриклиар қўрсатдилар. Янги оила қурдим. Шуҳрат акам тўйбоши бўлиб, Раҳмат Азизхўжаев деган адабнинг қизига уйлантириб қўйдилар. Оллоҳга шукр, турмушимиз файзли кечаяпти.

Шуҳрат акамнинг бошига оғир мусибат тушди: юрак, қон босими хуружи билан инсультга йўлиқиб, шифохонада ётиб қолдилар. Мен бир дўст сифатида, ҳам шифокор сифатида ўз бурчимни бажариб, у кишининг ҳаётларини асраб қолдик. Дўстимнинг корига яраганимдан беадад шукрлар қиласардим.

Дард жуда ёпишқоқ, инжик бўлади. Шуҳрат акамнинг ҳаётларини сақлаган бўлсак ҳам, дард давом этаверди. Вақти-вақти билан даволаб турдим. Юриб кетдилар. Аммо қасалликнинг асорати бир қўл, бир оёқда қолди.

Қон босимлари борлигини билардим. Бу дард кўпроқ бош мияга, юракка таъсир кўрсатади. Шуҳрат акамда кейинги вақтда кўпроқ юракка нисбатан бўлиб, аҳволлари оғирлаша бошлади. Юрак етишмовчилиги юзага келди, авж олди. Оғир аҳвolda яна стационарга олиб келдик. Ҳаракат қиласардик, бор имконни ишга солдик, аммо эплай олмадик. Ахийри, бир соат бўлса ҳам, уйда бўлсинглар, деган қарорга келдик... Яхшиям шундай қиласардилар.

Дўстим фарзандлари бағрида, ёру биродарлари даврасида, ўз уйида ҳаёт билан видолашди.

Шифокорларда бир гап бор. Турмушдаги турли аламларни ўзига олаверса, уни чиқариб ташламаса, ичига ютаверса, у бирон ердан «ёриб» чиқади. Умрарининг охирги йилларида Шухрат акам анча азоб чекдилар. Кейинчалик хизматлари тан олинди. Юксак унвонларга мушарраф бўлдилар. Аммо кеч бўлди.

Шухрат акам метин иродали одам эдилар. Шифохонада ётганларида ҳам алоҳида жой, диққат-эътибор талаб қилмадилар. Даствабига Турсуной келинойимиз парвариш қилдилар. Кейин:

— Мени одамлардан нари олманг. Улар орасида бўлай, — дедилар. Ҳамма беморлар қаторида бўлдилар.

Шухрат акам туфайли кўпгина адилар, шоирлар билан танишдим. Яқин бўлиб кетдим. Шухрат акам қандай инсон, қандай адилигини сафарларда бўлиб билдим.

Бир сафар Асқад Мухтор, Шухрат ака, мен — учовлон Қўқонга бордик. Чархий домлани зиёрат қилдик. У зот ўша пайтда Муқимиининг хужрасида яшар эдилар. Тили ўткир шоир эди Чархий. Шундок сўзларни топар эдики, нақ мўлжалга ўқдек тегарди.

Қўқондан Ўзганга ўтдик. Адабиёт ихлосмандлари «Шухрат келибди» деб бирпасда тўпланиши. Уларнинг қўзида меҳр товланарди. Шундок меҳрни Чортокда бирга дам олганимизда ҳам кўрдим.

Шухрат акамнинг бир одати — тилни бузмасдилар. Доим: «Ё ўзбекча гапир, ё русча гапир, иккенини аралаштириб юборма», — дердилар. Ўз тилини, ўз элини ниҳоятда яхши кўрадиган, яхши биладиган эдилар. Суҳбатлашиб тўймасдик.

— Китоб ўқиётганингизда бирорга нотаниш, ноаниқ сўз учраса, албатта шу сўзнинг мағзини чақиб, кейин ўқишини давом эттиринг. Тушунмасдан зинҳор китоб ўқиманг, — дердилар. «Шинелли йиллар» романини қайта-қайта ўқийман. Ҳар гал Шухрат аками янгидан кашф қиласман. Янги қирраларини топаман.

Шухрат ака ҳаётни, одамларни севардилар. Одамлардан ажралишини истамасдилар. Маҳаллада ҳам улфатнинг жон-дили эдилар. Ҳар биримизнинг қалбимизда меҳрни, оқибатни экиб кетганлар. Бу ниҳоллар асло сўлмайди.

Бугун Шухрат аками соринсан уйларига бораман. У кишининг рафиқаси Турсун келинойини зиёрат қиласман. Фарзандлари Фикрат, Хондамир, Бобуржонларни кўраман, суҳбатлашаман. Назаримда, Шухрат акам тириқдек. Назаримда, барчамизни меҳру оқибатта чорлаётгандек!

Дўстим, акам, ўз элиниң фидойиси Шухрат юрагимда ана шундай қиёфада абадий муҳрланиб қолдилар.

Яна нима дейман?! Кимки Шухрат аками бир оғиз яхши сўз билан эсласа, умри узоқ бўлсин, баҳтли бўлсин!



УМР КАРВОНИ...

Ұттис уч йил мұқаддам мен бу хонағонға илк марта кириб борганимда, Шұхрат ақа нуронийлик бағш этувчи қордай оптоқ сочларига қарамай ғоят үктам, мағрур қиёфада күринган әдилар. Шунда домла олтмишни қоралаётгандилар. Үтган йиллар домланинг сочлари қаби, юзларига, серсавлат келбатларига соя ташлади, хасталық құлларига асо тутқазди. Гарчи кейинги йилларда мен домлани күпроқ күрган ва узоқроқ сұхбатлашиш имконига эга бўлган эсам-да, Шұхрат ақа кўз олдимда ўша-ўша үктам қиёфада жонланиб қолдилар.

Одатда ёзувчи билан унинг асари бош қаҳрамонларининг ташқи күринишларида умумият, мутаносиблик кўп бўлавермайди. Нақл қиласидиларки, ҳамиша хаёлий, гўзал қиёфаларни тасвирлаган, «Қизил елканлар» асари муаллифи Александр Грин жуда хаста, ғарип ва жулдур ҳаёт кечирган экан. Ёки деярли барча Отабек деб тасаввур этадиган улуғимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидек у қадар хушқад бўлмаган эканлар. Хуллас, изласа мисоллар кўп. Аммо Шұхрат ақа Элмурод, Содик, Умматалиларга ташқи портретни ўzlари кабилардан умумлаштирганлари учунми, назаримда муаллиф ҳамиша қаҳрамонлари орқали жонлангандай туюлади. Дарҳақиқат, ҳар жихатдан шундай. Шұхрат домла – Элмурод, Шұхрат домла – Содик,

Шұхрат домла – Умматали. Фақат айрим романий тафсилотларда фарқ бор, холос. Шұхрат аканинг бу дунёдан кўз юмғанларига қарийб беш йил бўлди. Мен уларни буюклар қаторига қўшмоқчи эмасман. Зоро ўzlари ҳам ҳеч қачон бундай даъвода бўлмаганлар. Аммо ижодий ва инсоний заҳматларининг озроққина гувоҳи бўлганим учун баъзи хотираларим, кузатишларим ва мушоҳадаларимни айтмоққа бурчлиман.

1975 йил 24 август кечагидай эсимда... Мен Тошкент Давлат университетининг филология факультети талабалигига қабул қилинди. Чамаси беш юзтадан ортиқроқ абитетурентлардан йигирма бештаси химия факультети биноси тепасидаги карнай орқали ичкарига таклиф этиляпти. Табриқдан сўнг турли ҳужжатларни тегишли хоналарга топшириш ва гўёки талабаликка қабул қилингандигимиз эвазига эртасигаёқ шаҳар атрофидаги хўжаликлардан бирига «овош»га – ҳашарга бориб ёрдам беришимиз кераклиги хусусида йўриқ олиш учун қатор тизилишиб турибмиз. Ёнимдаги сочлари хурпайган, калладоргина, балогатга ўтиш палласи барча йигитларда табиий бўлганидек қовушимсиз, (камина ҳам истисно эмасди), ўспирин йигит билан бир-икки сўз алмашдик. Сўнг таниша бошладик. Йигит Бобур дея исмини айтди. Яқиндан танишиб билсан, шоир Шұхратнинг ўғли экан. Талабалик баҳтидан гангид турганимда бу маълумот янада ҳаяжонлантириди. Ахир кимсан «Олтин зангламас», «Жаннат қидирғанлар», «Беш кунилик куёв»ни ёзган ёзувчи Шұхратнинг ўғли-я...

Ўша йиллардаги талабалик умрининг teng ярми «овош»у «пахта»да ўтарди, десам муболага эмас. 30 августда Ҳасанбойдаги «овош»дан қайтиб, бир ҳафта ўқишини бошлар-бошламас, Янгийўлга узум тергани кетдик. Бир ой чамаси ўтгач, қайтиб, уч

кунгина уйда бўлиб, Сирдарёга «шахта»га жўнадик. Аниқ куни эсимда йўқку, ҳар қалай янги йилга қадар «Оқ олтин» тумани далаларида «жавлон урдик». Мана шу паллаларда ўғлидан хабар олгани келган Шуҳрат акани яқинроқдан кўрдим ва танишдим. Илк таассуротларим: Шуҳрат ака ниҳоятда пурвиқор, савлатли ва мендан жуда узокда кўринарди.

Биринчи сессия бошланганда, илк бор «дарс тайёрлаш учун» Шуҳрат ака хонадонида бўлдим. Домла йўқ эканлар. Бобурни қистай-қистай ёзувчининг иш кабинетига кирдим. Кирдиму китобларнинг кўплиги ва зўрлигидан оғзим очилиб қолди. Гўё сим-сим горидаги хазинага кириб қолгандек ҳайратда эдим. Кечроқ домла келдилар. Ва ўша куни илк бор дастхатли китоб олдим: «Ўғлимнинг ўртоғи студент Шуҳратга шоир Шуҳратдан эсадлик». Бу шоирнинг 1973 йил нашр этилган «Лирика» тўплами эди.

Шу тахлит «дарс тайёрлаш» баҳона Шуҳрат ака хонадонига тез-тез бориб турдим. Деярли ҳар йили янги дастхатли китоб совға қиласдилар. Ҳозир китоб жавонимни кўздан кечирсан, биз танишган 1975 йилдан то умрлари охиригacha ўтган 19 йил давомида йигирмага яқин китоб совға қилибдилар. Улар шеърий тўпламлар, сайланмалар, насрый асарларнинг алоҳида нашрлари ва ҳоказо. Бир неча йил аввал Шуҳрат ака ҳақида ёзган мақоламда улар чол этдирган китобларни ҳомчўт қилиб, ярим асрлик ижодлари давомида 50 та китоб чиқарганларини аниқлаган эдим. Шунда ёзган эканман: «Бу бир инсон умри давомида қилиши мумкин бўлган ишдан бир неча ҳисса ортиқ бўлса борки, кам эмас». Дарҳақиқат, шундай! Айни чорда таъкидлаш жоизки, Шуҳрат аканинг шу қадар ижодий маҳсулдорлигига китобхон эҳтиёжи ҳам бор эди. Мен домланинг бирор китоби дўкон пештахталарида чанг бо-

сиб ётганини билмайман. Аксинча, ҳатто у қадар харидоргир бўлмаган шеърий тўпламлар ҳам Шуҳрат қаламига мансуб бўлса, қўлма-қўл бўлиб кеттанига далиллар кўп. Сабаби, бу шеърлар самимияти, равон ва оҳангдорлиги, китобхон қалбига тез етиб бора олиши билан ҳалқимиз ўргасида машҳур. Ўзбекнинг тўю томошаси, кую қўшиги Шуҳрат шеърлари билан ҳам кўркли, файзу футухлидир. Бунга ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганим учун ёзяпман.

90-йилларнинг бошларида бир муддат Аброр Хидоятов номидаги театрда адабий эмакдош бўлиб ҳамкорлик қилдим. Шу кезлар театрнинг ёш актёrlари аксарият сайёр томошаларга ёки «боиси тирикчилик» тўю тантаналарга бориб туришарди. Деярли барчаси меңдан Шуҳрат аканинг шеърларини топиб беришни сўради. Шоирнинг менга тақдим қилган бир неча дастхатли шеърий тўпламлари шу тариқа машҳур актёrimиз Эркин Комиловда ҳам қолиб кетди.

Шуҳрат ака умр бўйи шеър ёздилар. Ижодий таржимаи ҳол шеър билан бошланиб, шеър билан якун топди. Наздимда домла бошлаб шоир сифатида эътироф топганлари учунми, ўзларини ҳамиша шоир ҳис этардилар. Шеър Шуҳрат аканинг кўнгил тилаги, тиргаги эди. 80-йилларнинг бошларида оғир ҳасталикка дучор бўлганларидан кейин, қўлларида икки-уч сониядан ортиқ қалам тутолмай қолганларида ҳам шеър ёзмай туролмадилар. Қийналиб, ҳориб, ҳижжалаб бўлса-да, шеърий сатрлар қофозга тушарди. Шеър том маънода ҳаётий эҳтиёж, маддад ва тиргак эди. Қуйидаги сатрлар сўзларимга шоҳидлик берса ажабмас:

Кечаги кунларим шеъримда қолди,
Эртаги куним ҳам унда қолади.
Мен ўзим кетаман! Ўлимим олди,
Энг сунгти онимни шеърим олади.

Мана шу тўртликни ҳар гал қайта ўқирканман, бир фикр хаёлимдан ўтади. Бу қадар ишонч ва қатъият қаердан?! Хаста ҳолдаги домлада бундай фикрий ўқтамликни қандай изоҳлаш мумкин?! Умуман Шахрат домланинг қай бир шеърини олиб кўрманг, шубҳа, иккиланиш кайфиятини сезмайсиз. Аксинча, фикр аниқ ва у ҳамиша ҳукм тарзида ифода этилади. Бу, назаримда, домланинг инсоний табиати, маслак, ишонч ва эътиқодининг мустаҳкамлигидан бўлса керак. Ана шу қатъиятли табиати боис Шухрат ака кўп қийинчиликларга дучор бўлди, неча бор тўғрилик ва тўғрисўзликнинг аччиқ меваларини терди. 50-йиллардаги қатағон билан боғлиқ кечмишларини айтмасак ҳам барчага маълум. Бироқ 60-70-йиллардаги хуружлар ва камситишлардан ҳамма ҳам боҳабар бўлмаса керак. «Олтин зангламас»нинг бир қисми «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилингач, давоми бир неча ой тўхтатиб қўйилди. «Жаннат қидирғанлар» романни эса шўро воқелигига зид, тухмат дея айrim танқидчилар томонидан қораланди. Бир чеккаси журъатли романлари, яна бири ҳақиқатгўй устози Абдулла Қаҳҳорга садоқати учун расмий доира-лар эътиборидан четда юрди.

Ўша 1978 йил баҳорида бўлиб ўтган 60 йиллик юбилей тантаналари Муқимий номидаги мусиқали театрда ўтди. Табрик ва қутловлардан сўнг домланинг «Она қизим» номли пьесалари намойиш этилди. Кечанинг тантанали қисми охирида Шухрат акага якуний сўз берилиди. Шунда домла ўзларига хос виқор билан, қатъий оҳангда айтдилар: «Ўзбек балки қачондир моддий жиҳатдан қашшоқ бўлса бўлгандир, аммо маънан ҳеч қачон қашшоқ бўлмаган. Маданияти, адабиёти ҳамиша бой бўлган. Ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишонаман!» Ўша кезлар бу гапни айтиш учун ҳам анчагина журъат керак эди.

Умуман Шухрат ака адабиётимиздаги энг журъатли адилардан эдилар, десам хато бўлмайди. «Олтин зангламас» ўзбек адабиётида қатағон йиллари ҳақидаги биринчи роман ва яқин-яқинларгача ягона роман бўлиб турди.

Ким билсин, ижтимоий ўзгаришлар бўлмаганда яна қанча вақт «ягона» бўлиб турарди. «Олтин зангламас»ни, ўзга фазилатларидан қатъи назар, муаллифининг фақат ижодий жасорати учун ҳам ўзбек романининг мумтоз намуналари қаторига қўшса арзиди. Чунки қатағон йилларини эслаб, ҳанузгача шивирлаб гаплашадиган одамлар бор. Бошидан шунча уқубатларни ўтказиб келиб, танасидан Шимол қаҳратонларининг заҳри кетмай, шулар ҳақида ошкора ёзиш бу ҳазилакам гап эмас эди. Тўғри, илимилиқ даври умумиттифоқ адабиётида, хусусан рус адабиётида шахсга сириниш йиллари иллатларини фош этган бадиий бақувват асарлар анчагина яратилди ва баъзилари асосан Александр Твардовский раҳнамолигида «Новый мир» журнали саҳифаларида эълон қилинди ҳам. Бу тоза нафас Россиянинг чекка совет мустамлака ўлкаларида бир эпкин бериши мумкин эдию, аммо давомчилари пайдо бўлиб, шундай интилишлар бўлишига йўл қўйилиши даргумон эди. Буни жуда яхши билгани учун Абдулла Қаҳҳордек забардаст адаб ҳам қатағон мавзуидаги «Зилзила» асарини тўхтатиб қўйган бўлса эҳтимол. Ана шу шароитда Шухрат ака «юрак ютиб» «Олтин зангламас»ни яратди. «Олтин зангламас»даги ҳаётни мен яхши биламан, — деб ёзди адаб ўз «Таржимаи ҳолида», — улар мен билан бирга бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен ҳаётнинг атрофида эмас, нақ ичида бўлгандман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам, кўнглим ўрнига тушмас эди. Буни виждоним тақозо этарди». Дарҳақиқат, адаб виждон бурчини бажарди.

Ҳалол, покиза, фидойи бир инсоннинг қуруқ тухмат ва бўхтонлар туфайли чеккан мاشаққатлари ни тасвирилаб, ўзи ва ўзи билан тақдирдош бўлган юзлаб, минглаб Сталин лагерларида бегуноҳ жабр тортганларнинг эл-юрт ва фарзандлари оддида юзларини ёруғ, қаддини баланд кўтариб юришларига бадий бир шаҳодатнома берди.

Романинг қайта варақлар эканман, Шухрат ака билан сўнгти учрашувлар, сухбатларни эслайман. Охирги йилларда касаллик туфайли юришга, сўзлашишга қийналишларига қарамай кўп ўқирдилар ва менинг Қатағон даҳшатлари, тоталитар тузумнинг аввало ленинизм роялари билан бошлангани ҳақидаги янги-янги далиллар асосида гоҳи лол бўлиб, гоҳи разабланиб айтган сўзларим «барчаси ўтар экан» дегандек, қўлларини силкиб қўя қолар эдилар. Шуни ўйлаб, ўз-ўзимга савол бераман: Агар «Олтин зангла мас»ни адид ҳозир янгитдан ёсса, қандай бўлар эди? Менимча, домла бъзви жузъий ўзгариш ва таҳрирларни демаса, ўшандай ёзган бўлар эдилар. Негаки Содикнинг ҳаёти – Шухрат аканинг ва у кабиларнинг ҳаёти. Содик 1936 йилда қабул қилинган Сталин конституциясини «жаҳонда тенги йўқ демократик ва инсонпарвар конституция» деб билгани, «коммунизмни олий ҳаёт» тушуниб, фарзандлари унда яшашига умид қилгани, партиядан ўчганини ўқиб, умрида биринчи марта хўнграб йиғлагани сингари унга тенгдош авлод ва ҳатто кейинги яна бир неча авлод кишилари ҳам шўро ақидаларига зўр ишонч билан, сира шубҳа билдирилмай яшадилар. Романдаги маҳорат билан топиб тасвириланган вазият ва ҳолатларда, яъни Содик фуқаролар уруши йиллари босмачи-душман, деб курашган Диловархўжа қўрбоши билан қамоқда юзма-юз кўришганда ҳам, ноҳақ жаздан гинахонликка берилмай, аксинча, «эл-юртга

нафи тегар», деб сургунда вижданан ишлаганида ҳам, болаларча соддалик билан «келажакка ҳатлар» ёзиб, девор пойдеворига териб юборганида ҳам ва, ҳатто, иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида жасорат кўрсатганида ҳам унинг ўша ақидаларга эътиқоди сусаймайди, балки мустаҳкамланади, ишончи барқарорлашади. Содик каби кишилар, эътиқодидан қатъи назар, хурматга сазовор шахсадир. Дунёда эзгулик уруғи завол топмай яшаёттан экан, инсонийлик, меҳр-мурувват, олижаноблик бор экан, бу Содик мисол одамларнинг шарофати. Унинг садоқати, содикдиги аслида коммунизм тушунчasi билан пардаланган инсоний ақидаларга қаратилгандир. Вижданли, диёнатли кишилар шўро ақидаларини шундай тушуниб келдилар.

Иирик романлари ёзилиб турганда ҳам, қатор қисса ва пьесалари чоп этилиб, театр саҳналарида ўйналиб турганда ҳам Шухрат домла қалбини шеър, шеърий оҳанг тарқ этмади. Матбуотда ёки мўъжаз китобчалар шаклида шоир шеърлари мунтазам босилиб турди.

Адид саксонинчи йилларнинг бошларида беназир шоир, сўфий Бобораҳим Машраб ҳақида роман ёзиш тараддудига тушдилар. Узоқ ўрганиш ва изланишлардан сўнг, ниҳоят, асар устида иш бошланиб, яримлай деб қолганда, ўтмиш йиллар азоблари, уруш асоратлари ўз ишини қилди. Домла ўша айтганимиз – бедаво хасталикка йўлиқдилар. Узоқ муолажалардан бироз дармонга кирганларида энди иирик асарларга қувватлари келмаслигини сезиб, фақат шеър билан бўлдилар. Оилалари тириклик тиргаги бўлган эса, шеърият маънавий суюнч, ҳамдаму ҳамдард бўлди. Сўнгги ўн йилда бирин-кетин «Кечки нурлар», «Ҳали тун узоқ», «Ёшлигимнинг лавоми», «Қалбим жилоси» каби ўнга яқин шеърий тўпламлар дунё юзини кўрди. Уч ва икки жилдлик «Сайланмалар»и нашр этилди.

Шұхрат ақа умр сүнгларидә замона «үйин»ларидан өзіншіндең көзін таасуротини үйгөтпелілік жағынан өзділар. Сүнгги йилларда ҳақиқатан ҳам аксар фалсафий шеърлар ёздилар, авлодларига беозор, ҳикматли панду үтіктар бағишиладилар.

Бу йўлдан үтганилар бекисоб, соңсиз,
Биридан шон қолган, биридан армон.
Сен үтмоқ истасанг кўз ёш, армонсиз,
Аввал бил нимадир яхшию ёмон!

Қайта қуриш алғов-далғовлари барчанинг кундабыл мавзуига айланғанда, Шұхрат домла буюк Саъдий ҳикматини эслаб, «ин ҳам мегузара» дегандек қўл силтаб қўярдилар. Фақат шу кезлари қатарон ва турғунилек йиллари губоридан форигланған буюк Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ботулардан сўз кетса, лоқайдлик ўрнини ҳаяжон эгаллаб, қийналиб бўлса-да, хотиралар сўйлашга тушардилар.

Мен ўша кезлар Ойбек уй-музейида ишлаб турғаним учунми ёки авлоддошлари ичида Ойбек домла ижоди ва шахсияти кўпроқ ўзига тортармиди, ҳар қалай Шұхрат ақадан шу мавзуга оид хотираларни сўрайверардим. Улар эса хотираларини, ёдларига келган янги-янги маълумотларни гапириб берар эканлар, ҳамиша бир мулоҳазани таъкидлаб үтардилар: «Ойбекни шеърларига яхши эътибор қилмаяпсизлар. У прозадаям, поэзиядаям шоир эди. Шеърларини ўқинг, шеърларини...»

Дарҳақиқат, Ойбекнинг шеърият дунёси ниҳоятда ўзига хос, сирли ва жозибали ҳодиса. Шұхрат аканинг шеър услуби, йўли, йўналиши бошқача роқ бўлса ҳам, улар ҳақиқий шеъриятни қай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳамиша юксак қадрлардилар. Ҳали соғлом пайтлари бир куни нима сабабдандир Бобурни йўқлаб уйларига борсам, ишлаб ўтирганларини айтишди. Бирор соатлардан сўнг

кўлларида кўзойнак, иш хоналаридан чиқиб келдилар. Саломлашиб бўлгач, қандай иш билан банд эканларини сўрадим. Грузинларнинг ўтган асрдаги классик шоири Николаз Бараташвили шеърларини таржима қилаётганларини айтдилар. Яна ўша ўқтамлик билан: «Бор-йўғи ўттиз еттита шеъри маълум, аммо ҳар бири бир дунё. Шу кичкинагина тўплам бўладиган шеърлари билан жаҳон адабиётiga кирган шоир. Грузинлар ҳам шеърни, шоирни қадрини биладиган халқ. Умуман ҳақиқий шоир бир сатриданоқ билинади. Фақат бир-икки мисраси билангина шұхрат топган шоирлар ҳам бор».

Шұхрат домла, айниқса, Усмон Носирни суюб, куйиб хотирлардилар. Гоҳи шоирнинг оташин сатрларини ёдан ўқиб, «ўзбекнинг Лермонтови эди», деб қўярдилар. Шундай дақиқаларда хаста, заифтина нуроний қария ўрнини яна бир вақтлардагидек виқорли, ўқтам қиёфа эгаллагандек эди. Шунда мен домланинг бош китоби қаҳрамони Содикни кўргандай бўлардим. Эзгулик дея шаҳид бўлган Содик ўз муаллифи тимсолида дунёдаги энг барқарор, муқаддас тушунчалардан – ҳақиқат ўлмаслигидан, ҳақ сўз – санъаткор сўзи боқийлигидан, рухабадиятидан сўзлаётгандек туюларди.

Бу умр карвони доимо йўлда,
Гоҳида чўққида, гоҳида чўлда.
Манзилга бехато етиб боради,
Эътиқод машъали гар бўлса қўлда..



БИР УЧРАШУВ ҲАЯЖОНИ

Улұр адіб ва шоир Шұхратнинг табаррук хонадонига 1983 йилнинг жазирама ёз чилласида ёзувчи акамиз Нодир Норматов билан борган здик. Ұшанды биз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бирга ишлардик. Мақсад: газетага Шұхрат аканинг янги ёзған шеърларидан ундириш ва Нодир Норматов Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш учун адидан тавсиянома олиши керак зди.

Шұхрат ака ҳовлидаги тарвақайлаб кетган улкан ўрик дараҳти соясига қўйилган катта чорпояда ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг биз ҳам чорпоянинг бир чеккасидан жой олдик. У киши олдин газета ҳақида гапирди. Газетамизнинг «Литературная газета»га ўхшаб яхши чиқаёттани, дол зарб мавзуларни дадил кўтараёттани, адабиёт ҳақида янги ва ҳалол гаплар айтилаётганини мамнуният билан эътироф этди. Сўнг мени анграйиб турганимни кўриб, кимлигимни, қаерда ишлашимни сўрадилар. Ўрнимга Нодир ака жавоб берди. Чунки, мен бу улұр адібнинг мўъжизалар яширингандар нурли чехрасидан қўз узолмасдим. У кишининг гоҳо тўхтаб-тўхтаб гапираётган ўтли сўзларини берилиб тингладим. Қаршимда тирик донишманд ўтирган зди. Бу самимий инсон ва ижодкорни киши тинглаб тўймасди. Шұхрат ака фақат асар-

лари билан эмас, балки ҳар қандай одамни илк учрашувдаёқ ўзига мафтун этадиган сирли жозиба ёзаси зди. Чорпоя устидаги хонтахтага дастурхон ёзилди. Аввал чой, сўнг чинни лаганда қовун олиб келишди. Шунда Шұхрат ака менинг биринки машқларимга кўзлари тушганини айтиб, ёзаштган мавзуни чуқур, пухта ўрганиб, дадил ва қўрқмасдан ёзиш кераклигини алоҳида таъкидлайдилар. Юрагимизга жасорат уруғларини экдилар. «Қаламга хиёнат қиласлик керак», – дедилар. У кишининг бу бебаҳо ўтитлари ҳамон сабоқ бўлиб келаётир.

Болалигимда, китобга қизиқиш бошланганида учта шоирни кўпроқ ўқирдим: Миртемир, Шұхрат, Зулфия. Насрий китобларга ўтгандан сўнг Шұхрат аканинг романларини ҳам катта қизиқиш ва иштиёқ билан ўқиб чиққанман. Айниқса, «Шинелли йиллар», «Жаннат қидирғанлар», «Олтин зангламас» севимли асарларимизга айланган. Яхши эслайман, бу китобларни ўқиш учун ойлаб навбатда турадим.

Мактабда раҳматли қариндошимиз – Робия аммам бизларга тил-адабиёт фанидан дарс бериш билан бирга мактаб кутубхонасида ҳам ишларди. Мен аммам туфайли китобларнинг сирли оламига шўнриб кетган здим. У пайтда танлаб ўқиш деган гап йўқ. Қўлимизга нима тушса ўқиб кетаверганимиз. Ва, айтиш мумкинки, Шұхрат аканинг ҳаёт нафаси билан сугорилган китобларини ўқиб, нимани ўқиш кераклигини ўргандик. Робия аммам Бухоро Давлат педагогика институтини тамомлаган зди. У киши институтда шоир ва адіб Шұхрат билан бўлган ижодий учрашувни такрор-такрор айтиб берганлар. Бизнинг ҳам хаёлимизда ёзувчи Шұхрат билан учрашиш истаги туғилган. Лекин бунинг ўша пайтда ҳеч қандай иложи йўқ зди. Бу ширин хаёл зди холос.

Мана, Оллоҳ узоқ йиллар давомида орзиқиб кутилган ўша кунни насиб этди. Ушбу лаҳзаларда мендан баҳтли, мендан шод одам йўқ эди. Чунки, севимли ёзувчим билан юзма-юз ўтирган эдим. Шухрат ака бироз тутилиброқ гапиради. Сабаби, оғир хасталикдан даволаниб, бироз ўзларига келиб қолган пайтлари экан. Хасталик Шухрат аканинг ўтилинигоҳига, жасоратли ва донишманд қиёфасига асорат етказмаганлиги шундоқ сезилиб турибди. Шухрат ака гўё ҳар қандай бўронларга, қишининг қаҳратонига, ёзнинг жазирамасига дош берган мағрур қояга ўхшарди.

У кишини толиқтириб қўймаслик учун кўп хаялламай ўрнимиздан турдик. Шухрат ака таҳририятта яқин кунларда янги ёзган шеърларини етказадиган, Нодир акага ҳам тез кунларда тавсиянома ёзиб берадиган бўлдилар.

Мен узоқ вақт ана шу учрашув ҳаяжони билан юрдим. Шухрат акани иккинчи марта газета таҳририятида – бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Faфуровнинг хонасида кўрганман. У кишини газетага ўғли Бобур Алимов олиб келган экан.

Доимо Шухрат аканинг ҳаёт ва ижодини эсласам, у кишининг нуроний чеҳрасини кўз олдимга келтирсан, енгилмас, матонатли қалам соҳибининг мағрурлик ранглари билан йўғрилган нурли сиймоси гавдаланади. Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад ёзганидек: «Шухрат катта шоир, моҳир романнавис. У ҳар қандай шароитда ҳам ижод масъулиятини унутмайдиган ҳалол ёзувчидир. Шухрат тўғрисида ўйлаганимда, ҳаёт инсонни умр бўйи синовдан ўтказади. деган гапга ишондим».

Тақдир тақозоси билан Бобур Алимов билан бирга ишлаш насиб этди. Бизнинг кўп сұхбатларимиз асосан Шухрат домланинг фожиали тақдири ва оғир синовлардан ўтган ҳам нурли, ҳам изтиробли умри,

шиддатли ижоди ҳақида боради. Ва бу сұхбатлардан аён бўладики, Шухрат ақадай жасоратли, кўрқмас, довюрак, бағрикенг ҳамда дилидарё инсон ва ижодкорни топиш қийин. У киши миллат ва адабиёт баҳтига бир келиб кетган улуғ ва мўътабар сиймо эди. Шу боис ҳам Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Шухрат асарлари бугун ҳам қўлма-қўл бўлиб, севиб ўқилмоқда. Жумладан, ўзбек шеърияти ривожига улкан ҳисса қўшган «Сенинг севгинг» китоби ҳам. Бу китобнинг қайта нашр этилиши эса Шухрат шеърияти муҳлислари учун ноёб байрам бўлди.

Шеър ўқиганда кишининг руҳи ўзгача бир завқдан яираши, вужудида ўта нозик ғалаёнлар рўй бериши, юрагида бетакрор маънавий-руҳий манзаралар чизилиши керак. Бир лаҳза бўлса-да, ўқувчининг шеър дунёсига гарқ бўлиши, дилбар ва гўзал мисралар қанотида парвоз қилишининг ўзи баҳт. Бундай пайтда унинг вужуди кенгликларни кучмоги, руҳ зиналаридан юқориламоги даркор.

Таниқли шоир Шухратнинг шеърларини ўқиганда киши шундай ажиб ҳолатларга тушади. Шоир шеърнинг туғилишини шундай таърифлайди:

Юракнинг олови,
юракнинг гули.
Юракдан сиқилган
томчи-томчи қон...

Шеър аслида юрак чўғидан пайдо бўлади. Юракдан ловуллаб тўкилган мисралар ҳеч қачон завол топмайди, дафтар саҳифаларида қолиб кетмайди. Юрак тубидан қайнаб чиқкан ўтли сатрлар ўз-ўзидан шеърпараст юракларга кўчади, адабиётта ташна юраклардан ўрин олади:

Шеърим, дунёга

келдингми шу он
Исмимда қолма, кўй!
Майли, ногаҳон –
Кўлимдан варракдек
узилиб кетсанг,
Турналар сафига
тизилиб кетсанг...

Сўнг шоир шеърга шундай қатъий талаб қўяди: «Қанотсиз қуш каби учомлай қолсанг, яхшиси, бу дунё юзини кўрма, ёш тўккан шоирнинг кўзини кўрма!» Ана шу юрак талабидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, Шухрат ижодида ҳали кўп замонлар яшашга ҳаққи бор шеърлар мўл-кўллиги ни кўрамиз. Ва ишонч билан айта оламизки, шоирнинг катта қалб ва жўшқин юрак билан ёзган шеърлари ўзбек шеърияти бўстонидан аллақачон ўрин олган ва унинг ажралмас бир бўлагига айланган. Ва китобдан асосан шоир юрагининг олови, гули бўлган шеърлар ўрин олган. «Ён, чирғим» туркумидаги шеърларида кўпроқ Ватан меҳри, она-ер соғинчи, табиат ва инсон муносабатлари, ижод завқи-ю азоблари, одамлар ўртасидаги меҳроқибат, яхшилик ва ёмонлик мавзулари ёрқин мисраларда очиб берилган. Яхшилик, яхши инсон ҳақида Шухрат ҳамиша алоҳида меҳр билан ёzáди:

Одамисан, эзгу ишдан
кўл узма,
Нокасларга шафқат қилма,
кўл чўзма!
Яхшиларнинг елкасида
бу олам,
Яхшиликни ният
қиласин ҳар одам!

ёки:

Ижод қилдим
виждоним тикиб.
Ижод қилдим
умрим бағишилаб.
Ёмонликни фош этиб, сўкиб,
Яхшиликка ундаб, олқишилаб!

Шоир доим таъна тошларини отиб юрувчи ёмон кимсаларга қаратади: «Эй, таъна тошларин отган кишилар. Сизни ҳам юрагим бутун олқишилаб!», – дейди. Кечириш ҳам, бағри-кенглик ҳам фақат яхши одамга хос фазилатдир. Биламизки, Шухратнинг ҳаёти ва ижоди бир текис, силлиқ кечмаган. Қамоқ, азобларидан ташқари ён-атрофидаги «дўстлари» ҳам улкан ижодкорга тоғиб ошкора, тоғиб пинҳона таъна тошларини отиб юрган. Лекин мард ва бағри кенг шоир ҳамма-ҳаммасини яхшилик ва яхши асарлари билан енгиб яшаган. Енгиб яшаш эса осон эмас.

Умр кўрдим аччиқ-чучук,
Йўллар юрдим паст-баланд,
Довон ошдим, тоҳо кечик,
Туз тотидим, тоҳо қанд...

Шоир «Сенинг севгинг» туркумида соғ ва бегубор муҳаббатини, вафо ва садоқатини юксакларга кўтаради. «Умр йўлдошимга», «Севгинг талаби», «Гул узмоқчи бўлсам», «Сени севдим», «Кел, жоним, бўстонимга», «Чал, гўзал», «Ҳали ҳам ўшасан» сингари шеърларида ошиқ юракнинг изтироблари, дарду қувончлари турфа манзарапларда, ҳолатларда очиб берилган. Масалан, «Юрагимнинг кўзи бор» шеърида бундай бебаҳо сатрлар бор:

Сени қандай

танлаб олди, айт,

Юрагимнинг кўзи бўлмаса!

Сени қандай

севиб қолди, айт,

Агар айтар сўзи бўлмаса.

Забардаст адид ва бетакрор шоир Шуҳрат ҳақиқий маънода айтар сўзи бор бўлган улкан ижодкор эди. Ўз сўзини баралла айтиб, маҳорат ва матонат билан ёзиб, уни адабиётга муҳрлаб кетди. Бу бетакрор сўзни «Сокин ўйларим», «Ҳали тун узоқ», «Кавказ дафтари» туркумларидан ўрин олган шеърларини ўқиганда ҳам ҳис қилиш мумкин. Ўзбек шеъриятида Кавказ мавзусини Шуҳрат акачалик ҳеч бир ижодкор катта меҳр ва жозиба билан қаламга олмаган. «Кавказ дафтари»ни ўқирканси, гўё Боку кўчаларида, «Шинель кийган ёшлигимни соғиниб келдим», дейсиз. «Арман раққосаси» ўйинларига мафтун бўласиз. Тбилисида юарканси, «Мен ёмонлик кутмайман ҳеч дўсту ёрдан!», деб ҳайқирасиз. «Қалбингизда умрбод қолган» Каспий тўлқинларини соғинасиз. «О, Казбек, улуғ зот, машҳури олам» дея ҳайрат билан боқасиз. Ва бу сатрлар йиғилиб қалбингизда бетакрор Кавказ манзараларини чизиб ўтади. Сизни ҳам ушбу тоғлардай юксак бўлишга чорлайди.

Китобни ўқирканси, ундаги шеърларни шоир юрагининг кўзи билан кўрасиз, шоир юрагининг дардлари ва завқи билан ўқийсиз. Ва гўзал шеърлар сизнинг ҳам юрагингизнинг маънавий мулкига айланади. Шунда сиз ҳам шоирнинг ушбу ўтли мисраларини беихтиёр такрорлайсиз:

Бутун умрим

шеъримда қолди,

Мехрим она-еримда қолди...

Музаффар АҲМАД

ДОМЛАНИНГ ҲИКМАТИ

Минг тўққиз юз саксон саккизинчи йилнинг эрта баҳори. Ҳали қишининг заҳри кетмаган, осмон булатли кунлар. Журналими («Шарқ юлдузи»)нинг масъул котиби Носир Фозилов мени хонасига чақириб олиб:

— Сенлар қанақасанлар ўзи, нега шеърият бўлими режасида катта шоирлар йўқ? — деб қолди.

Бунақа пайтда, биласиз, минг битта важ-карсон дарров тилга келади. Лекин мен осонига кўчиб кўяқолдим:

— Катта шоирлар журналимига шеър беришмаяпти...

— Сўрасанглар беришади-да, шоир! Қани айтингчи, шахсан сиз кимдан шеър сўрадингиз?

«Ие? Шеърниам сўраб олишимиз керакми ҳали?» Хаёлимга шундай фикр келса-да, индамай турaverдим. Носир ака ўйларимни кўзимдан уққандай, насиҳат беришга тушди:

— Катта шоирлардан шеър сўраш ҳам одобга киради, ҳам адабиётнинг ҳурмати, ҳам журналнинг обруси ҳисобланади. — У бир лаҳза тин олгач, топшириқ берди: — Боринг, Шуҳрат домладан шеър сўраб келинг. Навбатдаги сонга бериб юборамиз.

Мен Шуҳрат домланинг ҳовлисини орқаворотдан аниқлаб йўлга тушдим...

* * *

Ўтган кун ёққан ёмғир бир қур гуллаган ўрик гулларини дув тўкиб кетган. Йўл-йўлкаларнинг у ербу ерида ўрик гулларига бурканган кўлмакчаларни айланиб ўтиб боряпман. Мана, Шухрат домланинг ҳовлилари!

Жаранг-журунгни босиб, овоз бердим. Ичкаридан мулоим юзли опахон чиқиб, мени қарши олдилар. Домла ичкариги хонада ижодхонаада эканлар, ўша ёққа ўтдик.

Мен домланинг китобларини ўқиганман, шеърларини ёд олганман, насиб қилган экан, мана энди ўзлари билан ҳам учрашиб турибман. Кимсан, «Олтин занглашас», «Шинелли йиллар», «Бир кеча фожиаси» каби машҳур асарларни ёзган, минглаб сатр шеърлари ўқувчилар орасида ёд бўлиб кетган забардаст адаб, доно шоир билан юзма-юз ўтирибман. Ўқувчи менинг юрагимдан кечаетган галаённи, ҳаяжонни англаб турган бўлса керак.

Хуллас, Шухрат домлага «Шарқ юлдузи»дан шеър сўраб келганимни билдиридим. Домла ниҳоятда камгап, тапиргандга ҳам шивирлаб гапирап эди. Мени дастурхонага таклиф қилдилар-у, ўзлари шеър танлашга тушиб кетдилар. Ўн беш-йигирма лақиқа ўтиб, кўлимга бир даста шеър тутқаздилар-да:

— Танлаб оларсизлар, танлаб оларсизлар, — дедилар.

— Суратингиз ҳам керак, домла!

— Суратим, ҳозир... — дедилар сокин овозда шивирлаб.

Мен, журналнинг содда ходими, домланинг нега шивирлаб гапириши сабабини ўйламасдим ҳам.

Домла ичкаридан шу ҳовлининг ўзида олинган суратларни олиб чиқиб, «танлаб олинг» дегандай

менга узатдилар. Мен сурат танлашга тушиб кетдим: етти-саккиз хил кўринишдаги суратлар. Шухрат домла барча суратда костюмда, галстукда, яланг бош, кўллари кўксисда, дунёга (бизга) бироз маҳзун тарзда тикилиб турибдилар. Маҳзунликка маҳзуну, лекин сиймолари нурли, сермаъно...

Мен суратлардан иккитасини танлаб, домлага:

— Биттаси журналга, буниси менинг ўзимга, — деб бидилладим. — Домла, бу сурат орқасига биринки оғиз сўз ёзиб берсангиз...

Дастхат оловчиларниям, дастхат берувчиларниям кўп кўргансизлар: одатда, дастхат машҳур кишилардан олинади, унга кулиб қоғоз-қалам узатасиз, у ҳам кулиб-чарақлаб имзо чекиб, сизга қайтаради — сиз ҳам хурсанд, у ҳам, ҳаммада табасум, олам гўзал, дилрабо! Менинг Шухрат домлдан дастхат олишим эса бошқачароқ кечди. У киши ручка билан сурат орқасига алланималарниидир ёэзида-да, менга узатди. Ўқисам, шундай деб ёзилгаң экан:

«Укам Музофарга! Яхши кунларда эслаб юринг. Бемор Шухрат».

Ўша кунлари домланинг жиiddий bemorligi-ю, ҳар бир ҳаракатни қандай қийинчилик билан бајараётганидан мен буткул бехабар эдим.

* * *

Орадан икки ярим ойча ўтди.

Бир куни Носир ака менга:

— Шоир, журналнинг янги сони чиқди. Шухрат акагаям элтиб беринг, хурсанд бўлади, — деди.

Шу куни ишдан сўнг иккита янги «Шарқ юлдузи»дан қўлтиқлаб, домланинг уйига равона бўлдим.

Кунлар исиб, дов-даражатлар кўклаб, мева туғиб, баҳор бутун заминни ўз оғушига олган, дунё

гўзал бир фасл ихтиёрида эди. Ҳаммаёқ кўм-кўк, ҳаммаёқда гуллар...

Дарвоза очиқ турган экан, тўппа-тўғри кириб боравердим. Кенг, ораста ҳовлиниңг бир чеккасида йигирма-ўттиз одамга мўлжаллаб стол ясатилган, дастурхон безатилган. Меҳмонлар ўтиришибди.

Ҳовлига тўсатдан кириб бориб ҳамманинг эътиборини ўзимга тортганимдан хижолат чекдим, изимга қайтдим. Домланинг икки-уч ўғли мезбонлар ортидан чиқишиди.

— Кечирасизлар, — дедим нима деяримни билмай. — Журнализмининг янги сони чиқсан эди... Домланинг шеърлари бор. Шуни олиб келувдим, бериб қўярсизлар...

Мени қўярда-қўймай ичкарига олиб кириб кетишиди. Қаранг, бугун домланинг туғилган куни бўлиб, фарзандлари, қариндош-уруғлари, қудандалари шу муборак кунни нишонлашаётган экан. Шуҳрат домла давра тўрида яшариб, бир чиройига ўн чирой қўшилиб, қуёшдай чараклаб ўтирас, келиб-кетиб турган жажжи набираларини суйганиларида, юз-кўзларидан бекиёс нур тўкилар, гўё бугунги давра ҳам, атроф-олам ҳам шу нурдан чароғон эди. Лекин адив камгап эдилар...

Журналларни у кишининг қўлига тутқаздим. Олиб бағриларига босиб, мени дастурхонга таклиф қилдилар. Ўша куни Шуҳрат домла шарафига чиройли сўзлар айтилди, тўнлар кийдирилди. Мен ҳамон дастурхон ёнида қисиниб-қимтиниб ўтирас, бугун Домланинг туғилган куни деб огоҳлантиргани учун ўзимча Носир акани айбор дисплайлардим. Шуҳрат домла ҳар гал менга кўзи тушганда икки қўли дарҳол кўкрагига келар, афтидан, шеърлари чиқсан журналини худди шу бугун олиб келганимдан ниҳоятда хурсанд эди.

* * *

Кейин билдим: Шуҳрат домла ҳам эмлигинчи йиллар бошида бир гурӯҳ ўзбек зиёлилари қатори миллатчиликда айбланиб қамалган, умрининг энг гуллаган, айни тўлиб-тошиб ёзадиган даврини «совуқ Шимол»да совурган эканлар. Шунча азоб-уқубатларни енгиб ўтиб келганиларидан кейин яна шунча ажойиб китоблар биттан, ҳалқимизни ёруғлик томон бошлаган, ҳалқ учун, Ватан тараққиёти учун Гераклона меҳнат қилган... Кейин билдим, Шуҳрат домланинг ҳаёти ҳақиқий қаҳрамонона ҳаёт экан. Демак, адивнинг кейинги йилларда хасталикка ҷалинишларига ҳам сабаб кўп экан-да!

* * *

Икки кун мазам қочиб, ишда бўлмадим. Учинчи куни эрталаб ишхонага келсам, Носир ака йўлак охиридаги деразадан шаҳарни томоша қилиб турибди. Паст бўйли одам, янада пасайиб-кичрайиб қолгандай туюлди. Ёнига бориб салом бердим. «Ишда кўринмайсиз» деб ҳозир уришса керак, деб ўйладим. Уришса уришар, мана ёнимда касаллик варақам бор!

- Ҳа, шоир, — деди Носир ака хорғин овозда.
- Кеча... маъракада кўринмадингиз?
- Қанақа маърака?
- Шуҳрат аканинг дағн маросимида!
- Йўғ-ей, шунаقا бўлдими? — юзимга фотиха тортдим.
- Нега бормадингиз?
- Мен... Икки кундан бери... Очифи, эшитмадим, Носир ака! — дедим эзилиб.
- Бормант! Борманглар! — деди Носир ака қатъий оҳангда. — Сизлар ўлмайсизлар! Бутун Тош-

кент боради-ю, сизлар йўқсизлар! Сизлар ўлмай-
сизлар!

Шундай деб, кичрая-кичрая, хонага кириб кетди.

* * *

Йиллар, асрлар ўтади. Бироқ адабиётимиздаги
паҳлавонлардан бири – устоз Шухрат домланинг
номи, китоблари ҳалқимиз хотирасида сақланиб
қолаверади.



ЖОНКУЯР УСТОЗ

*Ш*ухрат ака лирик шоир, салмоқли романлар ёзган йирик адид бўлишлари билан бирга, болалар адабиётининг жонкуяри эдилар. Устоз ижодида болаларга атаб ёзилган асарлар сезиларли ўрин тулади. Жўшқин шеър ва балладалари, ажойиб қисса ва ҳикоялари билан болалар адабиётининг бойишига ҳисса қўшгандир.

Шухрат ака узок йиллар «Гулхан» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси эдилар. Журналнинг қизиқарли, ўқишли, бадиий етук бўлишида хизматлари катта бўлган.

Устоз журналнинг барча ҳайъат йигинларида қатнашиб, қимматли маслаҳатларини аямасдилар. Ахир, Шухрат ака узок йиллар «Шарқ юлдузи»да мастьул котиб бўлиб ишлаган, журналистик тажрибага ҳам эга эдилар. Журналнинг безалишидан тортиб, ундаги ҳар бир лавҳа, шеър, ҳикояни жумлама-жумла таҳдил қилиб, камчиликларини рўйирост очиб ташлардилар.

– Болалар ҳикоячилигида Фарҳод Мусажон, Худойберди Тўхтабоев, Латиф Маҳмудов, Эргаш Рамимов каби ёзувчилар ҳалол меҳнат қилиб, журналда фаол қатнашяптилар. Улар ҳақиқий болалар ёзувчиси, улардан кўп яхши асарлар кутса бўлади. Аммо бошқа ижодкорлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Кўп ҳикоялар таъсирсиз, уларда қахра-

монларнинг руҳий ҳолати, ички олами очилмаган. Тили ғализ, болалар ва катталар орасидаги муносабатлар ҳаққоний акс этмаган. Ҳаётий масалаларни, муҳим муаммоларни ўртага қўйган ҳикоялар кам, — Шухрат ака журнални варақлаб, куйиб-пишиб гапда давом этдилар. — Шеърлардан ҳам кўнглим тўлмади. Болалар шоирлари ўзининг торқобиридан чиқиб кета олмаяпти. Шунинг учунми, шеърлар майда-чуйда гаплардан нарига ўтмаяпти. Мазмунан саёз, ҳис-туйнусиз шеърлар кўпайиб кетган. Уларда жонли бола образи кўринмайди. Ҳар жиҳатдан пухта баркамол шеърлар ёзишда болалар шоирларининг ё билими, ё ижодий тажрибаси этишмайди. Болалар адабиётига эътибор йўқ, дейишади. Агар яхши асарлар ёзилса, болалар ижодкори ўз ишига масъулият билан қараса, ўқувчиларни торта билса, бу адабиёт ҳақида ҳам албатта, гапирилади...

Ўша йиллари журналда болаларга тегишлими, йўқми, ишқилиб, кўплаб расмий хабар ва маълумотлар босиларди. Бу Шухрат акага ёқмасди.

— Журналдан бадий асарлар кўпроқ ўрин олиши керак, деб ўйлайман, — дердилар Шухрат ака.
— Чунки, болалар юрагига бадий асар, бадий сўз тезроқ етиб боради.

Журналда адабиёт бўлимини бошқарганим учун бу гаплар кўпроқ менга тегишли эди.

Шухрат ака журналинг суннган тоги эдилар. Бирор мавзуда асарлар керак бўлса, устозга мурожаат қиласдик. «Бир кечанинг икки ҳикояси», «Икки жанговар лавҳа», «Миннатдорчилик» каби бир неча ҳикоялар, «Арагва қирғоқларида», «Менинг қувончим» каби шеърлар буюртма билан ёзилган.

— Ҳадеб менга ёпишиб олмай, Куддус ака, Асад, Пўлатхўжаларга ҳам айтинглар, — дедилар бир куни Шухрат ака.

Устоз барибир журналдан кўнгил узолмас, са-мими маслаҳатларини аямасдилар. Болалар учун ҳашар-қисса ёзиш ташаббусини ҳам Шухрат ака ўртага ташлаган эдилар. Ёзувчилар бу ишга жалб этилди. Шухрат ака ҳашар қиссанинг мавзунин танлаб, воқеаларни пиширишда фаол қатнашиб, катта бир бобини ёзиб бердилар. Қисса йил давомида устоз таҳририда чоп этилди. «Набира саргузаштари» ҳашар-қиссаси ўқувчилар томонидан жуда яхши кутиб олинди, китоб ҳолида нашр этилди.

1973 йиллар... «Гулхан» журналига бош муҳаррир этиб Тўлқин Қозоқбоев тайинланди. Ёш муҳаррир иштиёқ билан ишга киришиб кетди. Бир куни:

— Рауфжон, қўлингдаги бадий асарларни Шухрат аканинг назаридан ўтказиб олиш керак, у киши ахир, таҳрир ҳайъати аъзосилар, — деб қолди.

Шу гап сабаб бўлдию чоп этишга мўлжаллаб кўйилган шеър ва ҳикояларни папкага солиб, Шухрат аканинг уйларига йўл олдим.

Баҳор чоғлари эди. Ёқимли шамол юзларни сийпалайди, дилларга хуш кайфият баҳш этади. Катта кўчадан ўнгга бурилдим. Баҳор бу сокин маҳаллага ҳам ўз ҳукмини ўтказган, кўчадаги ўрик ва шафтолилар чаман гуллаган, ариқ бўйлари ям-яшил...

Енгил кийинган, ялангбош, оппоқ соchlари ўзига ярашган Шухрат ака ҳовлидаги гуллари қийғос ўрикка тикилганча хаёлга чўмган эдилар. Балки, фикрларини ёзилажак асар воқеалари банд этгандир, балки, шеърий сатрлар яратилаётгандир...

Мен Шухрат акани безовта қилгим келмай, қаққайиб туриб қолдим...

Бу хонадонга ўн йилча один ҳам келган эдим. Нима бўлди-ю, ўша куни кўчада Хайридин Салоҳни учратиб қолдим. Салом-алиқдан кейин Хайридин ака:

— Юринг, Шухрат аканикига тўйга борамиз, — деди.

Иккиланиб дедим:

— Қандай бўларкин, мен бир ҳаваскор бўлсам...

— Э, юринг, юринг, менга ҳамроҳ бўласиз, — қисталанг қилди Хайридин ака.

Хайридин акага эргашиб тўйхонага бордим. Ҳовли тўла одам... Базм энди бошланган экан. Мен бу ерда номдор ёзувчиларни Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улувларни яқиндан кўриш баҳтига муяссар бўлгандим... Бу тўй ҳамон эсимдан чиқмайди.

... Шухрат ака мени ўйчан ҳолда қарши олдилар. Мақсадимни айтдим.

— Яхши, мен кўриб қўяман. Кейинги ҳафта ҳабар оларсан, — дедилар.

Кейинги ҳафтга келсам, устоз уйда йўқ эканлар. Кеннойи менга таниш папкани тутқаздилар. Кўчага чиқиб, уни очдим-да, қофозларга кўз югуртира бошладим. Ҳикоялар қалам билан таҳрир қилинган, имло хатоларигача тўғриланган эди. Баъзи шеърларнинг ёнига «бўш», «бўлмайди» деган ёзувлар битилган. Сўнгги саҳифада шундай сўзларни ўқдим: «Рауфжон, дуч келган шеърни журнаlda босаверманглар-да! Шеър — янги гап айтиш, кашф дегани! Шеър ҳалқ дилидаги гапларни айтиш дегани!

Шундагина мен Шухрат аканинг ижодга жуда талабчан, қаттиққўл эканликларига ишонч ҳосил қилдим.

Бир куни Шухрат ака шошиб таҳририятта кириб:

— Шеърларингни ўқидим, — дедилар. — Дуруст. Аммо кўп машқларингда чўзиқлик бор. Болаларга қисқа ва лўнда қилиб ёз. Ҳамма гапни шеърга сифдирман, деб уринаверма. Ҳикоялар ҳам ёзиб кўр. «Коптоқжон»инг менга маъқул бўлди.

Болалар адабиёти ҳақида суҳбатлашиб ўтирганимизда Шухрат ака Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Ҳабиб Раҳмат, Қамбар Утаев шеърлари ҳақида илиқ-иссиқ гапларни айтдилар. «Уларнинг ёзганлари анча етук. Шеърларида янги гаплар, оҳорли иборалар, жиҳдий фикрлар бор».

Шухрат ака, айниқса, адабиётта кириб келаётган ёш ижодкорларга катта эътибор берардилар. Бир гал Шухрат ака тавсия этган ёш шоирнинг шеъри ҳадеганда журналда босилавермади. Шунда устознинг жаҳллари чиқиб кетди.

— Менинг шеърларимни чиқазмасанглар ҳам майли, хафа бўлмайман, аммо ёшларнинг ҳаваси сўнмасин!

Мен устознинг маслаҳатлари билан ҳикоялар ёза бошладим. «Ҳамма ҳайрон», «Жирафанинг бўйи нега узун?» номи билан насрой китобларим босилиб чиқди.

1987–88 йилларда «Фунча»га ҳикоя «ундириш» учун Шухрат аканикига бордим. «Фунча»нинг масъул котиби Маҳмуд Муроднинг саломларини етказдим.

Маҳмуд Муродов Шухрат ака билан ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бирга тотишган қалин дўст эдилар. Шухрат ака таҳририятта келса, албатта, Маҳмуд аканинг олдига кириб ўтарди. Икковлон бир пиёла чой устида қуюқ суҳбатлашиб ўтириштанини кўп кўрганиман.

Маҳмуд ака менга Шухрат ака ҳақида кўп гапиравди: «Шухрат — заҳматкаш ёзувчи. 50-йилларнинг бошида унга бўлмагур айблар қўйишиб, ноҳақ қамашган. Тақдирни қарангки, ўша пайтда мени ҳам ҳибсга олишганди. Қамоқхонада бирга бўлганимиз».

— Маҳмуд аканинг соғлиқлари яхшими? — сўрадилар Шуҳрат ака. — «Фунча» боп нарса ёзсан ўзим қўнфироқ қиласан.

«Фунча» буюртмаси билан Шуҳрат ака «Орден» номли ҳикоя, «Ёмғир», «Онажоним, онажон» каби шеърлар ёзиб бердилар.

Шуҳрат ака болалар учун 50-йилларда чоп этилган «Бизнинг кўча» китобидан тортиб, то умрларининг кейинги йилларигача уларга асар ёзишни тарқ этмадилар.

Шуҳрат ака ижод қилиш билан бирга, жуда кўп ёшларни адабиётта бошлаб кирган, уларга йўлйўрик кўрсаттан, ютуқларидан қувонган, камчиликларидан ташвишланган жонкуяр устоз эдилар.



Наримон ОРИФЖОНОВ

ШОГИРД ТАЪЗИМИ

(Устоз тавалудининг 75 йиллигига
аталган очиқ хат)

Ассалому алайкум, муҳтарам устоз, шу улуг айёмингизда икки оғиз шогирдлик қаломини изҳор этиш ниятида қўлимга қалам олдим. Бунинг боиси мен ўзимни Сизнинг ўнлаб шогирдларингиз қаторида хисоблаб юраман. Чунки, биринчи — «Ватан» сарлавҳали шеъримнинг 1950 йили ўзингиз масъул котиблик қилаётган «Шарқ юлдузи» журналининг 10-сонида босилишига сабабчи бўлгансиз. Яна бунинг устига, романларингизга ёзиб берган дастхатларингизда менинг тўғримда илиқ гапларни айтгансиз. «Шинелли йиллар»га ёзган: «Укам Наримон, мен сенинг хислатларингнинг ҳалоллигига ишонаман, Шуҳрат, 18/Х-68» деган мисраларингиз кўнглимни тоғдек кўтарган бўлса, «Жаннат қидирганлар» романига битилган: «Наримон, Сенинг катта китобларингдан ҳам умидворман. Бу йил ҳам хайрли келсин, Шуҳрат, 3/І-69» сатрларингиз чиндан ҳам катта ишларга илҳомлантирган эди.

Шундан руҳланиб, каттароқ насрни қоралашга жазм қилдим. Уни кўтариб яна олдингизга бордим. Ўқиб чиқиб, мана бундай оқ йўл тиладингиз: «Наримон Орифжонов анчадан бери шеър, ҳикоя, очерклар ёзиб келарди, анча дуруст ҳикоялари, болаларнинг кўнглини овлайдиган шеърлари ҳам бор. Мана, бугун у катта бир романга кўл

урибди. Ўзи билган, ўзи яшаган ёшлар ҳаёти яна унинг диққатини жалб этибди. Танланган мавзусига доир ҳаётни яхши кузатган, керакли деталлар топган, тилини ҳам худди шунга мослаб, шेъриятта яқин майин бир оҳангда сақлаб боради. Бу майинликни яна тўлдирмоқчи бўлгандек, бобларнинг сарлавҳасига шеърий сатрларни олади. Демак, адид изланади, ўзига хос бир нарса айтмоқчи бўлади. Бу ижодкор учун яхши хислат. Ишонаманки, роман китобхонларнинг диққатини тортади. Шуҳрат, 1978, июль». Сизнинг шу оқ йўлингиз билан ўша йили «Ёш ленинчи» газетаси август сонларида ундан бир неча боб босилди. Афсуски, «социалистик реализм», «типиклик», «партиявийлик» этишмайди деб, баъзи кўзга кўринган танқидчиларимиз айюҳаннос солғанликлари учун роман ёруғ дунё юзини кўрмади ва уни сизга тақдим этиш менга насиб қиласди...

Устоз, агар таъбир жоиз бўлса, Сизни «пири муршид» деб атаган бўлардим. Чунки, биз адабиётта кириб келаётган эллигинчи йилларда Сиз қатор наслий ва драматик асарлар яратиб, ёшларга ўрнак кўрсатдингиз. Урушни лаънатлаш ва тинчликни эъзозлаш мавзусидаги жонли воқеаларга бой ҳикоя ва қиссалар, «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирғанлар» романлари, «Беш кунлик куёв», «Қўша қаринглар», «Она қизим» каби саҳна асарлари бизга мавзу эътибори, равон тили, ҳалқчиллиги, ҳикматнамо ибораларга сероблиги билан ижод йўли нақадар машаққатли эканлигини эслатиб турарди. Биз уларни қайта-қайта ўқиб, ҳар гал бирон янгилик топгандек бўлардик.

Урушдан кейин босилиб чиқсан «Ҳаёт нафаси», «Қардошлар», «Бизнинг кўча», «Балладалар», «Сенинг севгинг», «Буюк муҳаббат», «Мангулик», «Балофат» сингари ўйноқи шеърлар, ҳаяжонга солувчи

балладалар, кишини хаёлга толдирувчи достонлардан иборат тўпламларингиз китоб жавонларимиздан муносиб ўрин згаллаганилиги табиий, зоро уларда чинданам ҳаёт нафаси уфуриб туради.

Урушнинг мاشаққатли кунларини матонат билан енгтан, оддий аскарлиқдан батальон командири даражасигача кўтарилган, Берлинни забт этишда қатнашиб, йигитлик бурчини шараф билан бажарган Элмурод олижаноб фазилати билан китобхонни ўзига мафтун этади, шунинг учун ҳам «Шинелли йиллар» романи бир неча ҳалқлар тилларига таржима қилингани бежиз эмас.

Ижтимоий-ахлоқий мавзуда ёзилган «Олтин зангламас»ни ўқиганимизда, ҳаётий зиддиятларни, даҳшатли ғовларни енгишда матонат, эътиқодига мечтин садоқат кўрсатган Содик билан бирга қувониб, бирга йиғлаганимизни унугтиш қийин. Ўшанда Мирсалим қўлимга тушса, ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Демак, бу икки образни яратишда катта маҳорат билан тер тўkkанингизни китобхон дарҳол сезиб олади.

Устоз, Сиз каромат қилиб, бундан бир неча йиллар муқаддам яратган романингиз — «Жаннат қидирғанлар»нинг қаҳрамонлари бутунги кунда она Туркистон заминига ҳеч қандай тўсиқсиз қадам кўймоқдалар. Бу эса Ўзбекистонимиз мустақиллегистининг шарофатидир. Демак, Сиз ўша вақтдаёқ ўзбек диёри эркин ва мустақил бўлишини, умумтурк қавми аҳилу биродар бўлишини, тарқоқ «бармоқлар» бир «мушт»га бирлашувини орзу қилгансиз.

...Эсимда бир куни уйингизга бир ёш қаламкаш Исқандар Раҳмоннинг ilk қиссасини ўқиб беришингизни илтимос қилиб, бериб юбордим. Дарвоҷе, у вақтда мен «Гулхан» журналининг масъул котиби бўлиб ишлардим. Сиз эса таҳрир ҳайъатининг

энг жонкуяр, энг меҳнаткаш аъзоси эдингиз. Ёшларни шу таҳририят атрофида жипслаштириш учун раҳматли Файратий, Раҳмат Файзий, Тўхтасин Жалолов, севимли устозлар Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, Эркин Жабборовлар қатори ҳеч вақтингизни ҳам, хизматингизни ҳам аямас эдингиз.

Уч кундан кейин телефон жиринглаб қолди, трубкадан меҳрга тўла ғамхўрона овозингиз эшистиди:

— Наримон, юборган нарсангни ўқиб чиқдим,
— дедингиз худди ўзингиз янги бир асар яратган-
дек қувониб. — Бало экан, у топган боланг. Ҳаётий
кузатишлари тиник. Воқеаларни ҳам жуда усталик
 билан бир-бирига боғлабди. Бир-икки жойига қўл
урган эдим, туппа-тузук қисса бўлди-қолди. Ило-
жи бўлса, қисқартирма.

— Хўп, устоз. Фикрингизни муҳаррирга етказа-
ман, — дедим ўзгалар учун шунчалар жон куйди-
райтганингизга қойил қолиб.

— Ҳа, айтмоқчи, у болани мен кўрганманми? —
деб сўрадингиз бир оздан сўнг.

— Йўқ, кўрмагансиз. Ўта тортинчоқ йигит. Бир-
иккита шеърларига кўзингиз тушдими, йўқми, бил-
мадим, лекин бу биринчи насрый асари, — орқаво-
ротдан таништирган бўлдим муаллифни.

— Эсимда йўқ. Лекин ҳаётни ҳозирданоқ шун-
чалик синчковлик билан кузатаётган бўлса, ундан
яхши ёзувчи чиқади. Майли, буни қайси сонга ре-
жалашибсан? — деб сўрадингиз, ҳатто қачон
чиқишигача қизиқиб. Мен икки-уч сон нарини айт-
дим. — Иложи бўлса, одинроқ берворавер, — деб
маслаҳат бердингиз.

Бу асар журналнинг учта сонида босилди...

Хурматли устоз! Сиз ўқитувчилар ҳақидаги шеъ-
рингизда:

«Агар ҳаёт бўстон бўлса, борбон муаллим.

Агар ҳаёт карвон бўлса, сарбон муаллим», —
деб устозларни эъзозлагансиз. Ўзингиз эса яратган
бадиий образларингиз орқали минглаб китобхон-
ларга муаллимлик қилаяпсиз, уларни эзгуликка чор-
лаяпсиз.

Мухтарам Шуҳрат aka! Муборак 75 ёшингиз би-
лан чин юракдан табрийлайман, барча шогирда-
рингиз қатори ҳузурингизда таъзимга бош эгаман.

(Очиқ хат «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг
1993 йил 24 апрель сонига босилган!)



ХОТИРА – ҚАЛБ ЁЗУВИ

Шуҳрат ака ҳақида кўп яхши гаплар айтгим келади, меҳмондўст, ширин сўз келинганим Турсунай ая ҳақида, уларнинг ажойиб фарзандлари тўғрисида кўп гапирсам бўларди. Йўқ, ўта ҳурмат-иззатга лойиқ кишилар ва уларнинг яқинлари ҳақида бир нима дейиш қийин экан. Мен Мирзакалон Исмоилий, Ҳалим Усмонхўжаев, Раҳмат Файзий, Фани Жаҳонгиров, Абдували Имомалиев, Назир Сафаров, Ўлсам Умарбеков, Файратий, Зулфия, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов сингари ажойиб ижодкорлар, олимлардек инсоний инсонлар ҳақида кўп нарсалар айтгим бор, афсус, айтолмаяпман. Худди шундай Шуҳрат ака ҳақида ҳам кўп нарсалар ёзгим бор, ёзолмаяпман.

Ҳарқалай бу сатрлар бошқаларга туртки бўлиб, ўзбек адабиёти ва маданияти, илм-фани ривожида озмунча куч сарф қилмаган алломалар ҳақида ўз хотираларини келажак авлодга ёзиб қолдираплар, деган умиддаман.

«Гулхан» журналига бир пайтлар худди Шуҳрат ака сингари меҳрли бўлган, унинг ходимлари билан ота-бала, ака-ука, опа-сингилга айланиб кетган таҳрир ҳайъатининг аъзолари – Музайяна Алавия, Ольга Ибрагимова, Нодирбек Юсупбековлар, журнал фаоллари Абдулазал Ваҳобов, Тўхтасин Жалолов, Алижон Ҳолиқов, Файратий,

Эркин Жабборов, Сайёрларнинг хизматлари оз эмас эди.

Таҳрир ҳайъати аъзоларининг иноқ бўлишига, табиийки, Шуҳрат аканинг таъсири катта бўлган. Уларнинг биз таҳририят ходимлари – мендан тортиб, Наримон Орифжонов, Рауф Толиб, Темур Убайдулло, Мирвосил Одилов, Шавкат Туроб, Абдужалил Зокиров, Муҳаббат Ҳамидова, Васила Пўлатова, Зафар Комиловгача илиқ оталарча муносабатда бўлишганини эсламай ўтолмайман.

– Атрофингизга яхши одамларни тўпланг, кам бўлмайсиз, – дерди Шуҳрат ака, ота-боладек сухбатимиз қизиганда.

Шуҳрат ака билан биринчи бор танишишим 1972 йилда содир бўлганди.

... Қордек оппоқ соchlари ўзларига аллақандай жозиба баҳш этган Шуҳрат ака билан мени «Гулхан» журналиниг масъул котиби шоир Наримон Орифжонов таниширган эди. Ўшанда мен эндиғина «Гулхан»га Бош муҳаррир бўлиб келган эдим. Шуҳрат ака журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси эканлар. Бунчалар ширин табассумда, ўта маданиятли адабининг асарлари, драмалари ва ҳатто «Муродингни айт» қўшиқлари менга таниш эди. Лекин бу сўз устаси билан шахсан танишиш, сухбатлашиш мен учун катта баҳт бўлди! Бир-биримизга меҳримиз оша бошлади.

Шуҳрат ака ҳафтада камида бир марта таҳририятга кириб ўтардилар.

Ҳол-аҳвол сўрашилгандан сўнг: «Бизга қандай хизматлар бор?», – деб сўрар, кўпинча узоқ ўтирамай учрашувгами, бирон-бир йифингами боришлирини айтиб, узр сўраб чиқиб кетардилар.

Баъзи-баъзида Шуҳрат ака билан, аксинча, узоқ сухбатлашиб қолардик. Ўшанда менга насиҳатлар қиласардилар.

Ижодкорлар бир дунё одамлар, улар билан илик мунисабатда бўлинса, фақат ютилади. Улар ширин гап учун ҳар қандай юмушингизни бажаришади, дердилар.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Тажрибасизликми ёки адабиётни чуқур билмасликми, аниқрори, иккаласи ҳам бўлиши керак, бир шоир ўртамиёна ўз шеърларини журналга олиб келди. Таҳрир ҳайъати аъзоларига ўқитмай муаллифга қайтариб беришга қарор қилдик. Шу куни Шухрат aka келиб қолдилар. Воқеани айтдим. Шошмай қўлёzmани ўқиб чиқдилар. Ва менга: «Сизлар ҳақсизлар, талабларингиз ҳам, ўлчовларингиз ҳам тўғри. Журналда фақат дурдона асарлар босилса, дейсизлар. Лекин ҳеч бир ёзувчи, шоир дарҳол доим дурдона асар яратмайди! Тўлқинжон, биласизми, дарё ирмоқларидан келаётган сув туфайли тўлиб оқади. Майли, бирон ирмоқдан озроқ ва хасчўпли сув келар. Лекин келаётган ирмоқлар йиғилиб дарё тўлади-да. Яхшими-ёмонми, озми-кўпми ирмоқларнинг бир бўлгани дуруст. Шундай эмасми?!» Таҳририят ходимлари тушундик. Шеърларни устод қараб бергач, чоп этдик. Домланинг бу ишларидан ҳозиргacha хурсандман. Шеърнинг журналда босилганидан руҳданган шоир ижодга шўнгиб кетди. Ажойиб шеърлар ёза бошлиди! Демак, Шухрат aka шоирга қанот бердилар, бизни эса ҳижолат юкидан озод этдилар.

Улар бу ишлари билан нафақат шоирга, балки ўзбек шеъриятига, унинг яхши асарлар билан кўпайишига ҳам ҳисса қўшдилар.

Шухрат aka ана шунаقا инсон эди! Биз инсонларга меҳр, одамийлик сирлари, муомала маданияти каби кўп ажойиб фазилатларни Шухрат акадан ўрганганимиз. Бу кишида такаббурлик йўқлиги бизни қойил қолдиради. «Ўмр поғоналари», «Чақноқ

юлдуз», «Шайдо кўнгил» ва бошқа элликка яқин китоб, «Беш кунлик куёв», «Дўстимнинг ўғли», «Она қизим», «Кўша қаринглар» каби драмалар муаллифи, яна денг ўзлари айтганлариdek, «Юракларининг аччиқ яраси» бўлмиш «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» романларининг муаллифи шунчалар камтар бўлишидан таажжубланардик. Киши қанча улуғ бўлса, шунча оддий, камтар бўлади, деганлари рост экан. Шухрат aka бунинг жонли тимсоли эди.

Бу матонатли одам ўн йилдан ортиқроқ вакт дард билан олишди. Шу пайтларда ҳам ижод қилди. Ўз қаҳрамонлари билан бирга кулди, бирга йифлади.

Шухрат aka: «Шоир – сўз уммонидан дур излайди, агар сабр билан меҳнат қилса, ўша дурни топади», – дердилар. Яна: «Зиёли – элга намуна бўлмоғи керак, у зиё беради», – дердилар. Бу сўзларга амал қилиб Шухрат aka фоний дунёдан бош эгмай, халқ олдида қизармай ўтдилар...



РОСТ СҮЗНИ АЙТИБ ЮР

Бұу инсоннинг суратларини күриб, у сира ғам күрмаган, деб үйлайсиз. Аслида эса Шұхрат домла яшашнинг осон йўлини қидирмаган иродаси мустаҳкам, бир сўзли ва юртпарвар инсон эди. Шубоис ҳам ёзганларининг бари ўзига ўхшайди. «Олтин зангламас», «Шинелли йиллар» ва «Жаннат Қидирғанлар» каби ўлмас асарларининг қаҳрамонлари бўлмиш Содикжон ҳам, Элмурод ҳам адабининг ўзига ўхшашини жуда кўп ижодкорлар, хусусан, адабиётимизнинг оқсоқоллари эсдалик мақола, эссе ва қайдларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бильякс, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётимизнинг иирик вакили Саид Аҳмад: «Шұхрат ниҳоятда қийин дамларда ҳам қалами билан дардлаша олди. Чунки у яхши кунлар келишига ишонарди», — деган эди. Ана шу ишонч туфайли ўткинчи изгиринларга писанд этмай, уларга эътибор бермай тинмай ижод қилди. Нима учун? Нега? Бу саволга адабининг ўзи жавоб қайтаради:

Бир парча лой эди, сен ундан шу чок
Ясадинг ажойиб, гўзал қўғирчоқ.
О, одам қанчалик мўъжизакорсан,
Мен сенга ҳамиша очаман қучоқ!

Дарвоқе, адаб одамларга қалбини, бутун меҳрини, куч-кувватини берди. У киши, айниқса, ёшлар-

га эътибор билан қараб, керакли ўринларда бир оғиз ширин сўз билан руҳларини осмону фалакка олиб чиққанлар. Бу хусусда адабиётшунос Умарали Норматов: «Ўнлаб ёш ижодкорларга устоз бўлиш, мухтожлар кўнглини олиш, юзлаб дўсту биродарлар, ҳамкаслар кўнглида яхши хотира қолдириш баҳт эмасми? Шуларга асосланиб, мен Шұхрат ақани баҳтли инсон, дегим келади», — деган бўлса, Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Орипов: «Шұхрат ақа ҳалол, пок инсон эди. У ёшларга хайриҳоҳлигини яшириб ўтирас, қўлидан келганича ёрдам қиласади», — дея ўз фикрини билдиради. Бильякс, адаб билан бир гал қисқагина сухбатлашганиман ва бу воқеа бир умр хаёлимда муҳрланиб қолган. 1981 йилнинг баҳор ойлари эди. Наманганд вилоятининг «Чорток» сиҳатгоҳида дам олаётган эдим. Ўн беш кун яхши ҳордиқ чиқариб, ўзимга келгач, яна китоб ўқишини бошлиб юбордим. Бир куни қўлимга домланинг «Олтин зангламас» китоби тушив қолди. Асарни саккизинчи синфа ўқиётганимда, мутолаа қилгандим. Негадир яна қайта ўқигим келди.

Сиҳатгоҳ ошхонасидан чиққач, булоқ бошига сувичгани бораардик. Соя-салқин бу гўшада тахта ўриндиқлар кўп бўлиб, ҳалақит берувчилар кам эди. Мен кўпинча булоқ сувидан чанқофимни қондириб, китоб ўқишига мук тушар эдим.

Ўша куни туш пайти эди. Китобга берилиб кетган эканман, мулоийм овоз хаёлимни тортди:

— Қизиқ китоб эканми?

Бошимни кўтариб қарадим-у, ҳайратим ошди: не кўз билан кўрайки, адабининг ўзлари бир неча ҳамроҳлари билан тепамда туради. Суратларда кўрган ўша мулоийм кўзлар, орқага тараалган бир текис очкумуш соч, тиниқ юз... ўрнимдан туриб, салом бердим ва:

— Асарни яхши ёзгансиз, — дедим жилмайиб.
Адибнинг ортида турган семиз юзли киши:

— Китобни ўқиб чиқмасдан баҳо бериш қандай бўларкин? — дея луқма ташлади.

Мен китобни ўқувчилик йилларимда ўқиб чиққанимни ва қизиқиб қайта мутолаа қилаётганимни айтганимда, адид қўлимни қисди.

— Ёзиб турасизми? — деб сўради кейин.

— Машқ қилиб турибман! — дея жавоб қилдим ийманиброк.

Адид кўзларимга самимий боқди:

— Насиҳатимни олсангиз, бирордан бир сўз ҳам олманг, ҳаммаси ўзингизники бўлсин. Ўз услубинизни топсангиз, зўр ёзувчи бўласиз!

Мен йиллар қидириб юрган нарсамни топгандек эдим. Орадан неча йиллар ўтди ҳамки, бу сўзларни унугомайман. Ҳар гал бирор нима ёзаётганимда, адиднинг: «Ҳаммаси ўзингники бўлсин», деган сўzlари қулоғим остида бот-бот янграб турди.

Адид менинг нега бу ерга келганимни сўради. Айтдим. У киши майин жилмайиб, елкамни сиадилар ва ўзларига яқин олиб:

— Илоҳим, сира ғам кўрма, болам! Ҳеч қачон рухингни туширма, ҳамиша оёғингдан ўт чақнасин!

— дедилар худди ўз ўғилларига насиҳат қилаётгандай. Адибнинг ўзига яқин олиб, сенлаб гапириши менга жуда ёқди.

Кейинги куни эшитсам, у киши Тошкентта жўнаб кетибдилар. Ўшандан сўнг мен адид билан учрашомадим. Тўғриси, бунга тайёр эмасдим. Ҳар гал янги ҳикоялар ёзар эдим-у, лекин уларни адига кўрсатишга ийманардим.

Умр — ўткинчи. Бу дунёда ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Келар эканмиз, бир кун қайтиб ҳам кетамиз. Бутун зўр ҳикоя ёзиб олиб бораман, эрта бо-

раман билан у киши билан қайта учрашиш насиб бўлмади. Аммо ўша учрашувдан жуда катта сабоқ олган эканманки, ҳали ҳамон ёмон бўлса ҳам ўз сўзимни айтишга ҳаракат қилиб келяпман. Адибнинг сатрларига кўз югуртирсам, янада таскин тошаман.

Бу кураш йиллари, мардона йиллар,
Одамни буғдойдек ғалвирида элар:
Мардни яшартириб, доно қилади,
Кўрқоқни қаритиб, расво қилади.

Қизик, бу фоний дунёниг хўп ажиг ишлари борки, уларга дуч келиб, ҳайрат қирғоқларида қолиб кетасиз. Боғланган тақдирларда ҳам ўзига хос ўйгуниллар бор. Орадан бир неча ўн йиллар ўтса ҳам, улардаги боғлиқлик узилиб кетмайди

Хозир онам ва укам яшаётган хонадонда ўқувчилик йилларим ўқиган китобларим сақланади. Ҳар гал онамни кўргани борганимда, китобларимни бир-бир кўздан кечираман. Бу сафар домланинг «Лирика» китоблари олдимдан чиқиб қолди (1973 йил. Faafur Furom номидаги адабиёт ва санъат нашриёти). Яшил муқовали китобчани вараклар эканман, ўқувчилик йилларимни эсладим. Ўшанда саккизинчи синфда ўқирдим. Мушоира кечалари ўтказардик. Шуҳрат домланинг тўртликларидан ҳам ўшанда фойдаланган эдик. Айрим шеърлар белгилаб қўйилган. Айниқса, алоҳида белгилаб қўйилган тўртликлар дикқатимни тортиди ва уларни қайта ўқир эканман, туйғуларим беихтиёр оппоқ қофоз бетларини нақш айлади. Бильъакс, бу тўртликларни Сиз ҳам беэътибор ўқий олмайсиз. Даврий ёлғонлардан устун келган мардона юракнинг тақдир зарбаларини сира писанд этмаганини такрор кўриб, яна ҳайратнингиз ошади.

Мен қайтар кўприкни ташладим ёқиб,
Ўзингни қийнама орқага боқиб.
Жанг бўлур енгтунча, ё енгилтунча!
Мен кетдим қаҳримни чақмоқдек чақиб.

Юрт ишқида ёнган дилнинг бўрони, исёнкор юракнинг оташин ҳайқириғи бу! Бошида ўзга мафкуранинг ойболтаси ўйнаб турган бир замонда оташин сатрларни чўчимай, қўрқмай, иккиланмай қоғозга туширган қалбнинг фақат жасоратига эмас, мардлигига, ботирона нафасига тан бермай кўрингчи! Тан берар экансиз, бокира ҳаяжон, ўзни англаш туйгулари ила уни тушуна оласиз.

Ўз тарихин билмаган одам
Деса мумкин: - бўлмаган отам!
Келажакка муносиб эмас
Ўз тарихин билмаган одам!

Унинг овози фақат шу дард билан кифояланмайди, яна у ўзлигини йўқотган кимсаларга ва ўзининг қадрини ерга ураётганларга ҳам хитоб қиласди.

Беруний китобин варақлаб Колумб
Океан ортига йўл олган, дейсан.
Бас, унда нимага Беруний қолиб,
Колумбнинг шаънига қўшиқ тўқийсан?!

У бир умр ўзининг содда, танти қалбига ишониб яшади. Бир кун юрти боши узра соя соглан қора булутларнинг ҳақиқат қуёшининг заррин нурларидан буғ каби тарқаб кетишини кўра билди. Шунинг учун ҳам ўзга мафкуранинг ёғлиқ ошидан ўзининг бир бурда қотган нонини афзал билди ва назм ҳам наср бўстонимизни – ҳар икки боғимизни турфа анвойи гуллар билан тўлдиришга интилди. Яна ўзига ишониб, «Шинелли йиллар»дан «Олтин зангламас»га, ундан ўтиб «Жанинат қидирғанлар»га жило бер-

ди. Шу орада юрак туйгулари потраб чиқиб, ботбот садо бериб турди:

Эш бўлсин йўлингда ҳамият, санъат,
Мардларни севади ижод ҳақиқат.
Сутини шамолда шопириб ичар,
Ўзига ишонган одамлар фақат.

У биқиқ даврнинг найрангларини кўриб турар экан, бу дунёнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам борлигини теран англаб ва замонасидан бир газ баландда туриб: «Сен шундай яшаки, виждонинг саси, Тарихлар уфқида қолсин жаранглаб», – деб ёзди.

Катта қалбнинг ғурури ҳам, сўзи ҳам баланд бўлади. Унда ҳақиқат бутуничя яшайди, шу боис қўрқоқлик унинг оламига бегона:

Тақдир солса тоғ бошига ғам,
Тарс ёрилиб чўкиб кетибди.
Фақат бардош берибди одам,
Одам ўзин мағрур тутибди.

Ана шу мағрурлик унда яна эртанинг ишонч умидини уйғотди ва у ҳеч иккиланмай узоқларга қараб хитоб қилди:

Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлур.
Дунёда ғам-ғусса, адоват тугар,
Ҳар умид косаси шодликка тўлар.

«Инсофдан кўчат эк», «Умид косаси шодликка тўлар». Қандай ажойиб сатрлар. Қандай ажойиб эзгу ният. У ана шундай ният қилас экан, ўз миллати, эли билан фахрланиб, унга фарзанд бўлганидан қувониб яшади:

Қалбим, жисмим, руҳим ўзбек,
Фикри-зикрим, турим ўзбек.
Бағрим очиқ, тилим шириң,
Кўрса мени ким ўзиðек!...

Бугун адабнинг сиймоси чиндан-да ёруғ: қалби-да ҳақиқат мавж урган ва ҳар қандай зуғумларга чиðаб, шу эътиқоддан қайтмаган инсоннинг биргина тўртликларига боқиб, ҳайрат чаманзорларида ўйга чўмасиз ва беихтиёр, «мард қалблар барибир эъзоз топади», деган хулосага келасиз. Агар унинг тўртликларида ҳам шу ҳақиқат жо этилмаганда эди, биз ҳам ҳайратлар боғида кезмаган ва ушбуларни қоғозга туширмаган бўлардик. Бу тўртликларда биз тилга олган мавзулардан ташқари, имон, эътиқод, замин ва замон, оташ муҳаббат аланглари ҳам бор. Хуллас, ҳар бир тўртлик завқ-шавқ, катта эҳтирос ва ўзгача ҳайрат билан ўқилади. Яна бир гап шуки, бу тўртликларнинг ёзилганига қирқ-эллик йиллардан ошди. Бугун мустақиллик шарофати билан жаҳонга чиқдик. Шуҳрат домланинг «Қалбим, жисмим, руҳим ўзбек, фикри-зикрим, турим ўзбек» каби тўртликлари қалбимиз аро жаранглаб турса, дейман. Чунки элим деган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Юртининг шони-шарафи, шавкатини ўйлаган фарзанд эса ўз элига ҳам, ўзга ҳалқларга ҳам фақат ҳақиқат зинасида туриб хизмат қиласди.

Мақолага нуқта қўйгим келмайди. Айтадиган яна қанча гаплар бор. Аммо ҳамманинг ҳам эрта бир кун мамнунлик билан эслайдиган шогирдлари бўлсин.

Мен ўтиб кетаман, сен кейин қолиб,
Ҳақимда рост сўзни айтиб юр...,—
деган ҳам Шуҳрат домланинг ўзларидир.

МЕҲР ПОЁНСИЗ ЭКАН

Ўша пайтда Республика телевидениесида ишлайлётганимга беш-олти йил бўлиб қолганди. Хоразмдан пойтахтга келиб, унинг юқори ҳаволарига кўни-киб, оқ-қорани қайта бошдан таний бошлаган эдим. Шоирларнинг телевидениеда чиқиши мода бўлган пайт эди. Бу асли Москвадан бошланган, Евтушенко, Вознесенский, Ахмадуллинарнинг ойнаи жаҳонда кўринмаган кунлари кам бўлар, уст-устига ижодий кечалар, учрашувлар соатлаб олиб кўрсатилар, бу оқим бизнинг телевидениега ҳам етиб келгән эди. Бундай кўрсатувларни ҳалқ жуда хушларди.

Навбатдаги бир кўрсатувга устоз шоир Шуҳрат акани таклиф этдик. Кўрсатувга ўзлари келолмасликларини айтиб (тоблари йўқ эди), шеърларини тақдим этдилар.

Кўрсатув чиройли ўтди. Бу ҳақда ҳикоя қилишдан олдин Шуҳрат акани қандай қилиб устоз тутинганим, юрагимда унга бўлган ихлоснинг туғилипши ҳақида бироз тўхталсам.

Олтмишинчи йилларда Шуҳрат аканинг миниатюра шеърлари кўп эълон қилинар, уларнинг ўта ихчамлиги, тиниқлиги, лирик оҳангларга бойлиги мени мафтун этар, ўзим ҳам ана шу шеърларга тақлидан саккизликлар, кичик-кичик шеърлар битишини машқ қиласдим. Шуҳрат акани бир кўриш, унинг

сұхбатини олишни орзу қилиб юрган пайтларимда юмуш билан Тошкентта келдіму түппа-түгри Шұхрат аканинг ишхонасига – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига йўл олдим.

Шұхрат ака йўқ эканлар, ҳали замон келиб қолади дейишиди. Ёмғир томчилабмас, челяклаб қуяр, бу ҳавода Шұхрат ака келмасалар керак, деб ўйлардим. Наҳот кўрмай кетаман?..

Бир пайт Шұхрат ака келиб қолдилар. Кайфиятлари хуш, гўё ёмғирни узоқ куттганлару унинг шаррос ёғишидан ўзларида йўқ хурсанд эдилар, соябонлари учидан томчилар силқиб-силқиб турарди. Ёпирай, юрагимдаги ҳаяжондан асар ҳам қолмади, гўё узоқ йиллик устоз-шогирддек гаплашиб кетдик.

Бу ҳаяжонли учрашувни кейин ҳам кўп эсладим, тўғрироғи, унинг таъсирида юрдим. Ўшанда Шұхрат ака куч-ғайратга тўлган, завқ-шавқли, йигитлардек шаҳдам, шунинг баробарида ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, ўз ёшига нисбатан улуғ кўринувчи тафаккур соҳиби эканликлари юз-кўзларидан, вазмин ҳаракатларию залворли сўзларидан шундоқ кўриниб турарди. Ўшанда Шұхрат ака шеърларимни диққат билан ўқиб чиқдилар, ўзимдан эшилдилар, ҳеч қачон унутилмайдиган маслаҳатлар бердилар. Кўп ўтмай шеърларим журналда чоп этилди, бу менинг «Шарқ юлдузи»да биринчи чиқишим эди.

Кетаётиб устозни Хоразмга таклиф этдим...

1963 йил баҳор кунларининг бирида Шұхрат акани Урганч аэропортида кутиб олдим. Ёнларида кулимсираб шоир Эркин Воҳидов келарди.

«Эркинжонни ҳам олиб келдим, – дедилар хушвақтлик билан, – «ғазал дафтари»ни бир тўлдириб кетсан».

Хивадан бошланган сафар, қизиқарли учрашувлар районма-район, далама-дала узлуксиз давом этди, шеърхонликка сұхбатлар, сұхбатларга созлар, сайдилар, зиёратлар уланиб кетди. Бетакрор нотик эдилар Шұхрат ака, гапирғанларида одамлар ром бўлиб қоларди. Шеърни овозни қўйиб юбормасдан, дилдан, эҳтирос билан ўқирдилар, эшиттанлар яна эшитсан дерди.

Сезардимки, учрашувларда Шұхрат ака ёш Эркин Воҳидовни одамлар кўпроқ эшитиши учун шароит яратар, ўзидан кўра кўпроқ шогирдларини ўйлар, ўзгалар олдида ҳам, ижодкорлар даврасида ҳам уларга эътибор қаратгани-қаратганди.

Сафар қаригач, овга чиққанимизда Шұхрат аканинг боладай қувонганиларини кўриб, кўнглимдан бундай фикр кечган, урушда қатнашиб, неча бор ўлим билан юзма-юз келса ҳам, ҳасадгўйларнинг тухматларига учраб, миллатчи тамғаси билан ҳибс азоб-уқубатларини бошдан кечирса ҳам синмабдими, демак устоз ҳеч қачон синмайдиганлар хилидан.

Орадан йиллар ўтиб, Шұхрат аканинг боши ёстиққа теккач, билдимки, ҳасад ва ғаразнинг йикмайдиган тоги бўлмас экан...

Эсингизда бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг «мен партиянинг солдати эмасман» деган машҳур сўзларидан кейин унга, унинг ҳамфирлари ва шогирдлари, жумладан, Шұхрат акага ҳам маломатлар ёғилабошлиган эди.

Кунларнинг бирида устоз бундай деб қолдилар; биласанми, Эркин, нега бундай бўляпти, баъзилар мени Абдулла Қаҳҳорнинг маслақдоши дейишиади, аввало, маслақдоши бўлсан нима қипти, бунинг нимаси ёмон, қолаверса, Абдулла ака ўлим тушагида мени ўз олдига Москвага чақиртиргани-

да Шухрат йўл-йўриқни билади, тезроқ мени юртимга олиб кетаолади, деб ўйлаган, жони узилиши олдидан ўзимга шу гапни айтган ҳам. У пайтда маслақдош деган гап каллага қеладиган ҳолат эмас эди...

Айни шундай эканлигини ҳам биларди. Ёзувчи ахлиданми, кўни-кўшниларданми, кимнинг тўй-маъракаси бўладиган бўлса, Шухрат aka бош-қош эди, битмай турган ишни битказиб юбораверарди, у кўриниши билан тўй эгалари ёки азадорларнинг енгил тортиши шундан эди.

Замон ўзгариб енгил шамоллар эса бошлагач, ҳамма нарса жой-жойига тушди, албатта. Шухрат aka ҳурмат-эҳтиром ҳам қўрди, унвон ҳам олди. Аммо ноҳақлик жонни кемириб бўлган, унга малҳам топиш амри маҳол бўлиб қолган эди.

Энди икки оғиз гап сўз аввалидан ҳикоя этила бошлаган воқеа – Шухрат аканинг шеърлари телевизорда берилиши ва унинг акс-садоси ҳақида.

Шеърларни диктор ва актёрлар ёддан ўқигани, кўрсатув театрлаштирилгани сабабми ёки асарларнинг зўрлигиданми ёхуд бу иккаласининг уйғулашганиданми ўша туннинг ўзидан бошлаб бир ой мобайнида телетомошибинларнинг қўнғироқларию мактубларининг кети узилмаган.

Шухрат aka бундан бениҳоя таъсиранган, ҳатто оёқقا ҳам туриб кетган эдилар. Лекин... ҳасадгўйлар тўнларини тескари кийиб олганликлари кейин аён бўлди. Улар тегишли ташкилотларга хатлар ёзиб, «шоир Шухратга ортиқча мақтовлар» ёғилаёттани, уни «кўкларга кўтаришга уринишлар» бўлаётганидан норози эканликларини билдиришган. Бунга эътибор берувчилар ҳам топилиб қолган эди. Телевидениенинг «жиловини бироз тортиб» қўйишгани ҳам рост.



Шухрат, Пўлат Мўмин шогирдлари даврасида.



Шухрат, Фафур Ғулом ва рус адаби Владимир Карпов.



«Шарқ юлдузи» таҳририятида.



Учрашувдан сўнти ҳаяжонлар...



Шуҳрат бухоролик таникли шоир Тошпӯлат Ҳамид
ва олим Сайд Алиев билан.



Сўқоқдаги учрашувлар шоирга ҳамиша илҳом берган.



Адабиётимиз дарылари: Шұхрат, Саид Аҳмад,
Рахмат Файзий.



Тұва заминидаги мұлоқотлар.



Шоир Наримон Орифжонов устоз сұхбатидан
баҳра оларди.



Пахтакорлар хузурида.



Телекүрсатувни кутиб...

Биз буни Шухрат акага билдириласликка ҳарчанд уринмайлик, устоз баридан хабар топғанларни ва бунга кўп ҳам эътибор бермаганларни кўриб, бағри кенгликларига яна тан берган эдик.

Шухрат аканинг уйларига борганимда мендан сўрадилар.

— Кайфиятинг йўқроқ кўринади, бир нима бўлдими?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳаммаси жойида.

Иккаламиз ҳам аинчагача жим қолдик. Сўнг Шухрат ака дедилар:

— Қисилган пайтларингда дардни ичингта олма. Ишончли бир дўст топ ўзингта. Қисилдингми, Дарлингни унга тўкиб солавер, ентил тортасан.

Хаёлимга ҳазрат Навоийнинг машхур байти келди:

Мехри кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим,
Жон фидо қилдим vale оромижоне топмадим.

Бу гап ҳам ичимда қолди.

Кўз олдимга Шухрат ака билан Хоразмда овда юрганларимиз келди.

Қорақум этаги. Шўркўлнинг ёқаси. Кўлнинг суви осмондек тиник. Кўлларимизда миликлир. Кумда қуён излари кўринади. Пайпасланиб из қувиб кетамиз. Кум мушуги ини устидан чиқамиз. Бизни лақиллатган қуённи ўйлаб маза қилиб кулишамиз. Ўрдак учиб ўтгандай бўлади. Нишонга олдик дегунча кўздан фойиб бўлди. Тоқати тоқ бўлган Шухрат ака дейди:

— Бўшаган шишаларни бир-бир осмонга отишсин, ўшаларни уриб туширамиз.

Шишаларни отабошлаймиз. Пақ-пақ синдириб хумордан чиқамиз.

Шуҳрат ака эҳтимол ғуборларни тўкиш учун шундай қилгандирлар.

Ўшанда ўз-ўзидан шундай мисралар дафтаримга тушган эди:

Чўёдай бўлиб ялтиллайсан, Қоракум,
Ўтли қумсан, сувли қумсан, сара қум.
Шўркўлингда ўрдагинг бор, ғозинг бор,
Чагаларда шамол чалган созинг бор.
Чексизлиқда менгзайдирсан самога,
Ёвшанларинг ўхшайди гул-раънога.
Саксовулинг қай гужумдан кам бугун,
Соясида аҳли шоир жам бугун.
Шоирларга битмас давлат келибдур,
Онингчунким, сенга Шуҳрат келибдур...



Умарали НОРМАТОВ

**ОЛТИН
ЗАНГЛАМАС**

(ШУҲРАТ ИЖОДИГА БИР НАЗАР)

МУҚАДДИМА

Асли исми-шарифи Фулом Алимов, адабий тахаллуси эса Шухрат бўлган беназир ижодкор эл-юрт орасида, адабиёт дунёсида Шухрат деган ном билан танилди. Ўзидан катта устозлари, шунингдек, тенгдошлари, ўзидан кичик шогирдлари – ҳеч ким унга «Фулом», «Фуломжон» ёки «Фулом ака» деб эмас, балки «Шухрат», «Шухратжон», «Шухрат ака» деб мурожаат этарди. Бу исм-такаллус унга ниҳоятда ярашарди, асл исми Фулом замиридаги маъно – қуллик унинг табиатига бутунлай ёт эди.

Шухрат ака билан мен 50-йиллар охирларида танишганман. Салкам ўттиз йил дўст тутинган эдик. Орамизда 12–13 ёш фарқ бўлса-да, у менга худди тенгдош одамидай муомала қиласр эди. Шу йиллар давомида бу оловқалб одамнинг ҳаёти, шахсияти ва ижодини яқиндан кузатишга, ўрганишта тиришдим; у билан кўп сафарларда бирга бўлдим, ҳаёт ва ижодга оид масалалар бўйича қизғин баҳс-муно-заралар олиб бордим; ижоди тўғрисида қатор мақолалар, бир рисола ёздим; 50 ва 70 ёшлик юбилей тантаналарида у ҳақда маъруза қилиш шарафига мұяссар бўлганман.

Шухрат аканинг ҳам ижодкор-адиб, ҳам она-юрт фуқароси, куюнчак инсон сифатида талай ибратли хислатлари бор эди. У, аввало, Ватан учун бир қўлда қурол билан жанг қилган, бир қўлда қалам билан

шу азиз Ватанини куйлаган, улуулаган – сўзи ва иши бир адаб эди. У ниҳоятда меҳнатсевар, тартиб-интизомли, озода, саранжом-саришта, фариштали одам бўлган; ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини татиган, бошига оғир савдолар тушганда ҳам ўзини йўқотмаган, имон-эътиқодига гард юқтиргаган букилмас ирода эгаси эди. У ўта ҳаётсевар, дўстларига содик, ёру биродарларига, фарзанду набира-ларига меҳрибон, ўзгалар хизматига ҳамиша ҳози-ру нозир, миллй удумларимизни яхши биладиган, қадрлайдиган, ҳалқимизнинг энг яхши фазилатла-рини ўзида мужассам эттан нуроний бир сиймо эди. Одам боласи гоҳо энг азиз пинҳоний туйгуларини, юрак сирларини кимгadir айтгиси, қалбини тушу-надиган кимса билан сирлашгиси келади. Шухрат ака шахсан мен таниган, билган ёзувчилар орасида ана шундай табаррук зотлардан эди. Улкан адаб Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгти дақиқаларида Шухратни Москвага ўз ҳузурига чақириб, энг сўнгти юрак розини, васиятини шу одамга ишониб айтга-ни бежиз эмас...

Шухрат ака ҳамиша ҳаёт, адабиёт билан ҳамнафас, ҳамқадам, адабиёт оламидаги янгиликлардан хабардор, адабий ҳодисаларга, асарларга одил баҳо бера оладиган, ўз асаллари, уларнинг савия даражаси, адабиётдаги ўрни, кам-кўстларини но-зик фаҳмлай биладиган, ҳаққоний танқидга доимо тан берадиган зукко, мард қаламкаш эди. Салкам ўттиз йил давомида мен бу адаб ижодини мунтазам кузатиб бориб, асарларининг ютуқ ва камчиликла-ри ҳақида гоҳ, даҳанаки, гоҳ, ёзма тарзда кўп марта гапирган, баҳслашганман, анча кескин танқидий гаплар айтган пайтларим ҳам бўлган. Аммо бирор марта бўлсин, бу одамнинг танқидни ўзига қаттиқ олганини билмайман; фақат гапимга қўшилмаган кезлари ётифи билан ўз фикрини айтган... Айни

пайтда у ўзининг инсонлик шаънини, фурурини ба-ланд тута биларди; шахсиятига тегадиган, асарла-рини асоссиз ерга урадиган ғаламислар билан мар-дона туриб олишганини неча бора кўрганман.

Уни оловқалб инсон, ҳаёт, адабиёт билан ҳамна-фас адаб, дедим. Бу хислат оғир хасталик чөлларида ҳам уни тарқ этмади. 1986 йилнинг ёзида ёзувчи-ларнинг Дўрмондаги ижод уйида Шухрат ака билан бир ой бирга бўлдим. У яқингинада оғир касаллик-дан турган, ҳали роса ўзига келмаган, бироқ, етмиш ёшни қоралаб турган адидаги ғайрат-шижоатни, ав-валгидек ҳаётсеварлик, ишда, ижодда батартибли-ни кўриб, қойил қолдим. Унинг иш столи қўлёзма-лар, газета ва журналларнинг янги сонлари билан тўла. Ўша кезларда «Новый мир»да Чингиз Айтма-товнинг «Кунда» («Қиёмат») асари босилаётган эди. У, бу романни боғдагилар орасида биринчилардан бўлиб ўқиб борар, у ҳақда бениҳоя кувониб, тўлиб-тошиб, хасталик оқибати – тутилиб-тутилиб гапи-рар эди. Дарвоқе, ёзувчи, хусусан, оқсоқол адаб учун ўзгалар, ҳамкасб қаламкашлар, айниқса, ёшлар, шогирдлар ютуғи, камолидан кувона билиш катта баҳт. Ўзгалар ютуғи, шогирдлар камолидан ҳасад қиласидиган адаб – баҳтсиз, омадсиз адаб. Шухрат ака қалби ҳамиша шогирдлар камоли, ютуғи туфайли кувончлар билан чароғон эди. «Шоир Абдулла» шеъридаги «Мен оддий бир шамман, сен улкан чи-роқ!» деган сўзлар шу кувонч-самимиятнинг бир ёлқини. Ёки «Дунёнинг ишлари» қиссаси муносаба-ти билан унинг мулаллифига йўллаган мана бу дил сўзларини ўқиб кўринг:

«Укам Ўткир!

Сени аввалдан яхши кўриб, ижодинг мевалари-ни қониқиши билан кузатиб келардим. Гарчанд би-рон матбуотда фикримни изҳор қилмаган бўлсам ҳам сендан умидим зўр эди. Назаримда, шу уми-

димга етдим. Мана, ҳозиргина «Дунёнинг ишлари»ни мамнуният билан охирги варагини ёпдим. Раҳмат, ука! Бир одам она ҳақида сўз айтса, шунчалик айттар-да! Жуда етилибсан, ука! Илоҳим, бадният, ёмон кўздан ўзи асрасин! Қаҳҳорона кузатувлар. Қаҳҳорона жумлалар. Бир жумланинг ҳар бир ҳарфини асти жойидан қўзғалмас қилиб, бир-бир михлабсан! Ўзбек тилининг кўрки-жозибасига яна бир бора қаноат қилдим. Омади келмаса ҳам ижод заҳматини чеккан бир кекса сифатида жуда хурсанд бўлдим. Бундай енгилликка қандай қилиб эришганингни биламан. Модомики, осон ўқилар экан, минг азобда ёзилган бўлади! Қисса эмас, насрий бўлса ҳам она, оналар мадҳияси деса бўлади. Шояд шоиртабиат Озодми, Иброҳимжонми, асарнинг ўзиdek жозиба билан такриз-таҳдил ёзса! Бор бўл, укам!

*Кувониб-кувониб, дуо билан Шуҳрат,
17 марта 1982 года. Москва, Малеевка».*

Энди Шуҳрат аканинг адабиётимизда тутган ўрни, ижодига хос айрим хусусиятлар ҳақида бир неча оғиз сўз. Шуҳрат XX аср миллый адабиётимизнинг ўрта авлоди вакилларидан. Бу авлодга ғоят мушкул, чигал ижодий тақдир насиб этди. Улар 30-йилларнинг зиддиятли мұхитида, бир томондан, мамлакатда улкан бунёдкорлик ишлари жўш урган, иккинчи томондан, маънавий-ижодий ҳаётта мустабид сиёсат, қатағон балоси таҳдид солиб турган, Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари улкан истеъдодлар бошида қора булатлар қуюқлашган, катта фожиалар содир бўлаётган кезлари қўлга қалам олдилар. Сўнг иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги машаққатлар, адабий ҳаётдаги тангликлар, оғир йўқотишлар... Ўрта авлод деб атаганимиз Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Шукрулло, Мирмуҳсин... Шулар қаторида Шуҳрат ҳам узок, йиллар ёзиб-чизиб юрди.

1951 йили шоир бошига оғир мусибат тушди. Сайд Аҳмад, Миркарим Осим, Мирзакалон Исмоилий, Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Ҳамид Сулаймонлар сафида «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айбланиб қамоқقا олинди, сўнг 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шахстга сифиниш қораланиб, ноҳақ қатағон қилинганлар оқлангач, Шуҳрат ҳам сургун азобларидан кутулиб, юртига қайтди. 50-йиллар ўрталаридан у ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар, «эрувгарчилик» тасирида қизғин ижодий фаолият билан машғул бўлди. Бирин-кетин «Бизнинг кўча», «Кавказ дафтари», «Шинелли йиллар дафтари», «Дунай соҳиллари», «Қиз табассуми», «Буюк муҳаббат» каби шеърий туркум ва тўпламлари, балладалари, шеърий таржималари, ҳикоялари пайдо бўлди. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганилар» романларини эълон этди. Мана шу асарларнинг ҳаммаси ўн-ўн беш йил ичидаги яратилди. Мен ўша кезларда Шуҳрат акадан бундай сермаҳсул ижод сирларини сўраганимда, у: «Мен ва мен тенглилар 30-йиллар мураккаблиги, уруш даври мاشаққатлари, урушдан кейинги кўргиликлар туфайли йигирма йиллик вақтимизни, энг кўркам йигитлик давримизни бой бериб қўйдик. Кўнгилда айтадиган гаплар кўп. Шошилмасликнинг эса иложи йўқ. Дилядаги гапларимизни маромига етказиб айттолмаётган, шошилаётган бўлсак, китобхон бизни тўғри тушунар, деб ўйлайман», – деган эди. Шуҳрат ва умуман, ўрта авлод адиллари ижоди ҳақида фикр юритганда шу ҳолатни, улар адабиёт майдонига қадам қўйган кезлардаги чигал мұхитни албатта назарда тутмоқ даркор. Шуҳрат шеърияти, насрий асарлари, драматургиясидаги айрим кам-кўстлар, заифликлар, бир чекаси, ана шу ҳолат билан изоҳланади. Айни пайтда биз яқдиллик билан XX аср 60-йилла-

ри ўзбек адабиёти тараққиётида янги босқич бошланганини, мана шу босқич ривожига забардаст адибимиз Шухрат ҳам энг яхши шеърлари, романлари билан муносиб ҳисса кўшганлигини, адабиётимизнинг галдаги ривожига муайян ижобий таъсир кўрсатганлигини мамнуният билан эътироф этамиз.

1968 йил бошларида Шухрат туғилган куннинг 50 йиллиги нишонланадиган бўлди. Волидаи муҳтарамасининг вафоти муносабати билан юбилей кечкирилди. Ўша кезлари Шухратнинг ижодий йўли ҳақида рисола устида ишладим. Шухрат ака саҳоват билан ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатларнинг барчасини, ҳатто ҳали эълон этилмаган «Жаннат қидирганилар» романи қўлёзмасини менга ишониб тақдим этди. Шухрат акадан юққан тезкорликми ёки ўша кезлардаги ёшлик ғайрат-шижоати оқибатими, рисола қисқа муддат ичидан интиҳосига етди. Рисола қўлёзмасини не-не андиша, ҳадик билан адибга ўқишига бердим. Бунинг боиси шундаки, китобда илиқ гаплар билан баробар анчагина, ҳатто хийла кескин танқидий мулоҳазалар ҳам бор эди, улар муаллифга оғир ботмасмикан деган хавотирда эдим. Танти адиб қўлёзмани менга қайтарар экан, танқидий мулоҳазалардан ранжиш ўрнига: «Мақтовни бир оз ошириб юборибсиз», — деди ва сўзида давом этиб, ҳеч эсимдан чиқмайдиган маслаҳатлар берди: «Танқидий гапларингизга қалам теккизмадим, шундайича чиқаверсин. Танлаган шу йўлингиздан ҳеч қачон қайтманг. Мақтовлар билан баробар ёзувчи-шоир самимий айтилган танқидни ҳам қабул қилишига ўрганиши керак. Кўнглингизга келмасин, менинг ёзганларим сиз айтган фазилатларигина эмас, ўша кам-кўстлари билан ҳам ўзим учун ардоқди. Мен бошқача ёзолмасам, улар айни шундай яралган бўлса начора!»

Китоб шу ҳолида чиқди, адабий давраларда хуш қабул қилинди. Орадан қирқ йил ўтиб адиб туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан уни қайта нашрга тайёрлар эканман, ўша давр, вазият таъсирида битилган жумлаларга таҳрир кирилдим, айрим шеърий асарлар таҳдилини тушириб қолдирдим, айни пайтда китобга янги саҳифалар қўшдим. Бироқ устоз Шухрат ака назари тушган, маъқул кўрган лирикаси ва романлари таҳдилига бағишланган саҳифаларни айтарли ўзгаришларсиз ўз ҳолича келтирдим. Зоро, ҳаётлигига унинг кўнглидан жой олган бу мўъжаз рисола қирқ йил ўтиб қайта дунё юзини кўраётган экан, мангалик ҳаётини кечираётган аллома руҳини шод этажагидан умидворман.

Нихоят, китобхон олдида бир узримни айтиб ўтсам. Шухрат шоир, носир — романнавис бўлиш билан баробар моҳир драматургdir. Унинг «Беш кунлик куёв», «Қўша қаринглар», «Она қизим» сингари пьесалари мамлакатимизнинг турли театрларида саҳна юзини кўрган, айримлари ҳамон саҳнадан тушмай келади. Бу асарларнинг саҳна талқинлари маҳсус жиддий тадқиқотларга мавзу бўла олади. Мен театршунос бўлмаганим учун бу соҳага тегинмадим.

ТУЙГУЛАР ЖИЛОСИ

Чиндан ҳам ўсмирмас, ўрта ёшдаман,
Элликнинг эшигин қоқиб турибман.

Шоирлар саналса кўзу қошдаман,
Ҳисобга тер тўкиб ҳалол кирибман.

Шухрат гарчи, насрда сербарака ижод этган, романнавислиқда муваффақият қозонган бўлса-да, аввало, у — шоир, ижода шоир бўлиб туғилган эди, шоирлигича қолди. Шухрат шахсияти, Шухрат

истеъдодининг қирралари ҳаммадан бурун шеъриятида намоён бўлди.

Замонавий ўзбек шеъриятини катта оркестрга ухшатиш мумкин. Шу оркестрда Шухрат созининг овози алоҳида жило билан ажралиб турди. Шухрат шеъриятда ўз услуби, ўз ритмикаси, поэтик мушоҳадасига эга бўлган шоир. Шухрат шеърларида унинг такрорланмас лирик қаҳрамони савлат тўкиб кўриниб турди.

Шухрат шеъриятда бунга бирданига эришган эмас. Кўп ийллик изланиш, ўрганиш, ижодий меҳнат туфайлигина бу даражага кўтарилиди. Ижодининг дастлабки даврида у қалб куйини созга соломай гаранг бўлар, кўпинча, овозини бошқаларнига мослаб созлаб юрар эди. Шоир шеъриятда ҳали ўзини кўрсатишга тортинар, тоҳ пассив кузатувчи бўлиб бошқалардан эшитганларини куйга солар («Кичик саргузашт»), тоҳ бошқа шахс ролига кириб дил изҳор этар («Бок, қандай чаман»), тоҳ ўтмишдан эртак сўзлашга тушар («Мехрол») эди. Эҳтимол, бунга ҳаётий тажрибанинг камлиги, шоир шахсининг тўла шаклланиб етмаганилиги ҳам сабаб бўлгандир.

Ийлар ўтди, шоир кўп ерларни кезди, кўп нарсани кўрди, бой ҳаётий тажриба орттириди, айни пайтда шоирда поэтик дид ҳам шаклланди. Энди у шеъриятда ўзлигини намоён эта бошлади, «ўзи ва замонаси»ни, ўз ҳаётини, кўрган-кечиргандарини куйга сола бошлади, маъсуд кечган шўх болалик, мактаб, серташвиш ёшлиқ, севги, илк бўса, қонли жанг, оғир жудолик, тенгсиз мардлик, буюк зафар, уруш туфайли танда қолган жароҳат, сочга оралаган оқ тола, тинч оддий меҳнат, олис сафарлар, хилма-хил таассуротлар – буларнинг барчаси унинг шеърларига кириб келди. Талай шеърлар шоир биографиясининг бир бўлаги. «Шинелли йиллар

дафтари» шоирнинг урушда кечиргандаридан хотира, «Кавказ дафтари» Кавказга қилинган сафар таассуротларининг маҳсули, «Дунай соҳиллари» Дунай бўйлаб кезишида туғилган ўй-туйгулар самараси. Ўз ҳаётини, кўрган-кечиргандарини куйлаш, ўзлигини дадил намойиш этиш шоир шеъриятига такрорланмас хусусият, алоҳида самимият баҳш этган.

Шоир ўз ҳаётига оид фактларни, кўрган-кечиргандарини шунчаки қайд этиб қўя қолмай, уларни қалб призмасидан ўтказиб, ўзига хос тарзда беради. Шухрат ҳақиқий маънода лирик қалб эгаси. Бу қалбнинг ўзига хос томони шундаки, у ёни, ҳаётга, гўзалликка ниҳоятда ташна қалб, бир оз мағрут, тезкор, аммо ниҳоятда сахий, дилкаш, покиза қалб, у ичидагини сир тутолмайди, ичида гап сақлолмайди, дилидагиларнинг ҳаммаси тилида. Ўзи айттанидай:

• Не чора! Шоирнинг қалби шеърида.
Шеърида сир сақлаб ёлон айтмайди.
Шеърида айттанин, ҳатто гўрида
Турғизиб айтсанг ҳам асло қайтмайди

Ҳис-туйгулар жилоси: меҳр билан қаҳр ҳам, севинч билан ғам ҳам – барчаси унинг қалбидан ҳар доим кескинлаштан ҳолда намоён бўлади. Шухрат шеърларида ҳаёт фактлари ана шундай қалб торига урилиб акс садо беради, шоир шеърларида фалсафа шундай қалб призмасидан оқиб чиқади. Бу нарса ҳам шоир шеъриятига такрорланмас оҳанг, алоҳида ранг бағишилади. Шухрат шеъриятининг кучли ва заиф томонларини ана шу қалбнинг ўзига хос томонлари билан изоҳлаш жоиздир.

Шоирда ҳаётга меҳр, ҳаётдан лаззатланиш, ҳаётдан миннатдорлик, ўз ҳаёти билан фахрланиш ҳисси ниҳоятда кучли. Шунинг учун ҳам унинг нигоҳи

биринчи галда ҳаётнинг поэтик томонларига тушади, у ҳаммага ҳам кўриш мұяссар бўлавермайдиган оддий ҳодисаларнинг гўзал қирраларини кўра олади, шоир қалами текканда жўнгина туюлган нарса-ҳодисалар ҳам гўзаллашиб кетади. Лирик қаҳрамон болалигини – тупроққа беланиб бор кўчада ҳаммомпиш ўйнаган чоғларини, ионни ариқда оқизоқ қилиб еган йилларини, муҳаббатдан маст бўлиб юрган кунларини эслар экан, қалби завқшавққа тўлиб кетади, ҳозирги кунларни эслаганда лаззатлар оғушида фарқ бўлади. Ҳалол меҳнати туфайли эл орасида топган обрў-эътибори, тотув оиласи, ҳалқи, она юрти билан чексиз фахрланади. Лирик қаҳрамон нуқул ҳаётдаги қувончли ҳодисаларни эмас, баъзан нохуш дамларни ҳам хотирлайди. Шуниси характерлики, нохуш ҳодисалар хотираси ҳам фахр, ифтихор ҳисси билан йўғрилган, улар оҳвоҳлардан, нолишлардан, аламлардан тамоман холи.

«Мерос» шеърида шоир ота ўлимни ҳақида гапиради. Ота ўлимни туфайли лирик қаҳрамон қайфурари, йиглайди, аммо ота қолдирган мерос – уй тўрида осиғлиқ қилич уни овунтиради. Бу шунчаки оддий буюм, оддий мерос эмас, ота уни кўтариб жангларга кирган, ҳалқ эрки, баҳтини мудофаа этган, бу лирик қаҳрамонда ифтихор ҳиссини уйғотади:

Мерос бўлиб менга отамдан
Уй тўрида шу қилич қолди.
Ҳам шу қилич қўлга киритган
Бахту давлат ва севинч қолди.

Лирик қаҳрамоннинг ёшлиги оғир йилларда кечган, шоир у кунлар даҳшатини асло унута олмайди:

Эсимдадир тунда бедор
Разведкада юрганим.
Эсимдадир, кунда бир бор
Атакага кирганим.

Дўст йиқилса қуролини
Олиб олға чопардик.
Атакадан қайтиб келиб
Сўнгра кўзин ёпардик.
Қонли эди у кунларнинг
Кундузи ҳам, туни ҳам.
Жанг, курашга ундар эди
Кўшиғи ҳам, уни ҳам.

Шоир бундай оғир кечмиши учун сира афсусланмайди. Муаллиф бошқа бир асари «Ёшлигим ҳақида» шеърида ёзади:

Ёшлигим қўмсайман мен ҳам ва лекин
Кўзда ёш биланмас қувониб албат.
Ёшлигим ўтаган муқаддас бурчин
Мамлакат бошига тушганда кулфат.

Бу фикр шоирнинг «Таъна қилма» шеърида яна ҳам ёрқин ифода этилган. Шоир «Сочинг оқ» деган таъна эшитади, у бу таънага жавоб беради. О. Шарафиддинов таъкидлаганидек¹, унинг жавоби фоят камтарона, айни чоқда унда ҳаётини бехуда ўтказмаган, аксинча, ҳалқига, юртига баҳш этган, Ватан учун жанг қилган одамнинг ифтихори бор. Мана шу ифтихор ҳисси олдида таъналар шарафга айланади, аввал хунук туюлган бошдаги оқ толалар бирдан кўркамлашиб кетади:

Тўғри, сочим оппоқ қорсифат,
Ҳар толаси жанглардан ёдгор.
Эл бошига тушганда кулфат
Қилич тутдик қўлларга такрор.

Жанг чоғлари хилма-хил, эркам,
Оқ туширас ҳолатлари бор.
Бошимда қиши, кўнглимда баҳор
Шунинг ўзи қандайин кўркам.

¹ О. Шарафиддинов. Якун ва дебоча. // Шарқ юлдузи. – 1962, № 2, 132-бет.

Шуҳрат – севги куйчиси. У муҳаббат ҳақида кўп ёзди, муҳаббатни ёниб куйлайди. Ҳаётта меҳр, ҳаётдан лаззатланиш ҳисси унинг муҳаббат ҳақида ги шеърларида айниқса ёрқин сезилади. Муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам хилма-хил ҳолатлар – қувончли ва қайғули дақиқалар тилга олинади, аммо улар ҳам «оҳ-воҳлар», нола-фифонлардан холи. Шуҳратнинг лирик қаҳрамони аксар ҳолларда севгидан баҳтиёр бўлган, баҳт нашидасини туйган шахс тарзида кўринади.

Мана, шоирнинг «Умр йўлдошимга» шеъри. Бу шеърни Шуҳрат севги лирикасининг синтези дейиши мумкин. Унда лирик қаҳрамоннинг севги олами тарихи, фалсафаси жуда яхши ифода этилган. Унинг қолган барча севги сатрлари гўё шу муҳаббат оламининг айрим бўлакларини ташкил этади. Шеър шундай бошланади:

Ёшлигим тонгида сени учратдим.
Шу, – дедим, – кўксимда ёруғ юлдузим.
Умримни гул каби қўлингта тутдим,
Эй, умр йўлдошим, куралай кўзим!

Муҳаббат тарихининг ибтидоси нақадар чиройли битилган, қўлланилган ташбеҳлар жойини топган, унда тонг майинлиги, кўк тиниклиги, юлдуз ёруғлиги, гул нағислиги мужассам.

Кейинги мисраларда гап оҳангига ўзгаради, майинлик ўрнини жиддий бир ритмика эгаллади, ташбеҳлар ҳам жиддийлашади, шоир севги изтироблари, «кatta йўлга чиқиб олгунча» босиб ўтилган сўқмоқлар, юлдузсиз қора кечалар ҳақида гапиради, одатдагидек изтироблар тасвири нола-фифонлардан йироқ, лирик қаҳрамоннинг майин, лекин мағрур қалби шу ерда ҳам ўзини кўрсатади. Шоир оғир дамлар хотирасидан кейиноқ: «Барига ишончла боқа олдинг тик!» – деган мағрур мисрани ило-

ва қилиб қўяди. Бу мағрур мисра лирик қаҳрамоннинг мамнунлик, ифтихор туйғуларини тараннум этувчи жўшқин сатрларга уланиб кетади:

Энди-чи, уч ўғил – фарзандимиз бор.
Сен – она, мен – ота, баҳтиёр, мағрур.
Умримнинг тонгидан бўлиб миннатдор,
Истиқбол уфқига боқаман масрур!

Шеърда ошиқ қалбининг туғёни шу қадар жўшқинки, уни «жиловлаб олиш» ҳам анча мушкул, бундай пайтда «қуюқшондан чиқиб кетиш», шеърни ҳаётийликдан маҳрум этиб қўйиш ҳам ҳеч тап эмас. Аммо муаллиф шундай «қалтис пайт»да ўзини тута олади, шоир туйғулари қанчалик жўшқин, юксак бўлмасин, айни вақтда улар ниҳоятда оддий, ҳаётий.

Гар бирор севгидан савол сўрсайди,
Номингни такрорлаб, «шу баҳтим», дердим.
Мабодо яна бир умр кўрсайдим
Ионки, шунда ҳам сени севардим!

Шеърда ошиқ қалбининг туғёни ана шундай сода, самимий мисралар билан якунланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Шуҳрат шеърларида бир эмас, бир неча севги қиссалари бор. Чунончи, севгида баҳтиёр бўлган, висол лаззатидан туйган вафодор ошиқнинг қувонч ва ифтихорини куйловчи талай шеърлар билан баробар, фироқ алангасида куйган қалбининг изтиробларини изҳор этувчи асарлари ҳам бор. Булар ҳам шоир «мен»и, лирик қаҳрамон қалби орқали берилади. «Қалбимни қайтар ўзимга», «Илк севгининг яраси», «Бешафқат тақдир» шеърларида шундай. Гарчи бу аччиқ севги қиссалари шоир «мен»и орқали берилган бўлса ҳам, улар китобхонда ажабланиш турдирмайди, негаки, улар лирик қаҳрамоннинг, яъни бир шахснинг эмас,

алоҳида-алоҳида шахсларнинг қисмати каби туюлаверади. Зотан, лирикадаги «мен» ҳар доим ҳам шоир шахсига teng келавермайди, умуман, адабиётда бўлгани қаби, шоир «мен»и учун ҳам шартлилик ёт эмас.

Шоир лириканинг ана шу шартлилик усулини туркум шеърларида ҳам қўллашга ҳаракат қиласди, афсуски, бу усул бу ерда ўзини дуруст оқлай олмаган. Шоирнинг туркумлари алоҳида мустақил шеърлардан ташкил топса ҳам, уларнинг ҳар бири умумий сюжет қурилишига эга, уларни ўзига хос саргузашт-поэма деб аташ мумкин. Улардаги воқеани шундай таърифласа бўлади: лирик қаҳрамон сафарга отланади, қаҳрамоннинг севикли ёри кўзда ёши билан уни кузатиб қолади, қаҳрамон ёр кўнглини кўтариdi, меҳри, садоқатини изҳор этади, сўнгра сафар саргузаштлари таассуротларини изҳор этишга киришади, қаҳрамон йўл-йўлакай ёрини, диёрини ҳам эслаб туради, ниҳоят, зўр соғинч билан юртига, ёри қошига қайтади. Туркумларнинг ҳар бири висол мадҳи билан хотималанади.

Кўринадики, туркумлар поэтик яхлитликка эга. Демак, улардаги воқеалар ягона шахснинг саргузаштлари сифатида тасаввур этилади, лирик қаҳрамон ягона шахс тарзида кўринади. Бундай пайтда шоирдан эҳтиёткорлик талаб этилади. Модомики, воқеалар биргина лирик қаҳрамоннинг саргузаштлари асосига қурилган экан, муаллиф лирик қаҳрамон характерини тайин этиб олиши ва характер мантиқига изчил риоя этиши зарур, бунда мантиқий изчиллик сал бузилса ҳам дарҳол билинади. Шуҳрат туркумларида шундай бўлган.

Шоир лирик қаҳрамон характеридаги икки жиҳатни алоҳида таъкидлайди, уни ҳам фуқаро, ҳам ошиқ сифатида талқин этади. Қаҳрамон характеридаги биринчи сифат тасвири изчил, лирик қаҳра-

мон ҳамма ерда ҳар қандай шароитда ҳам оташин ватанпарвар тарзида гавдаланади. У ҳодисаларга онгли, маданиятли Ватан ўғлонининг нигоҳи билан назар ташлайди. Лирик қаҳрамон характеридаги иккинчи сифат тасвирига келганда эса, бундай деб бўлмайди, бунда мантиқий изчилликка етарли риоя этилмайди. Чунончи, «Шинелли йиллар дафтари»-да лирик қаҳрамон садоқатли, вафодор ошиқ бўлиб кўринади, шоир ундаги бу сифатни қайта-қайта таъкидлайди, ўттиз олти шеърнинг ўн иккитасини бевосита қаҳрамондаги шу туйғу тасвирига бағишлайди. Булардан ташқари туркумда «Шинелли жонон» деган яна бир шеър бор. Мустақил ҳолда у аломат асар. Унда аччик бир севги қиссаси берилган. Лирик қаҳрамон жанг жадал авж олган кунларда шинелли бир жононни учратади, улар орасида ҳеч қанақа илтифотларсиз ниҳоятда самимий муҳаббат туғилади, аммо лирик қаҳрамон жанг пайтида уни изсиз йўқотади, орадан йиллар ўтади, ошиқ қадби ҳамон ўша маъшуқа ёди билан ёнади, кечаю кундуз висол умиди билан нафас олади...

Шуҳрат шеъриятининг тематик диапазони кенг, шоир ўз ҳаёти қобиғида ўралашиб қолмайди, севги ҳақида ёзиш билангина чекланмайди, шоир қалби дунёни тинглайди, даврнинг хилма-хил ҳодисалари унинг қалбида акс садо беради, ҳаётнинг турли туман маънавий муаммолари унинг бошини қотиради. Дарҳақиқат, публицистик ва фалсафий шеърлар Шуҳрат лирикасининг каттагина қисмини ташкил этади.

Шуҳратнинг дастлабки публицистик шеърлари, кўпинча, одат тусига кириб қолган мавзуларда – бирор байрам, мавсум, маросим муносабати билан ёзилар, шеърда ифодаланган фикр расмий гаплардан нарига ўтмас, шоирнинг қиёфаси, қалби айтарли кўринмас эди. Масалан, она юрг ҳақида ёзганда:

Ўзбек эли паҳтакор эл, бўстон эл,
Шон-шарафи ўнлаб тида достон эл,
Ижод, меҳнат, жанг, сафарда мардон эл,
Фарзандлари ватанпарвар хандон эл.

(«Ўзбекистон» шеъри)

Халқаро воқеаларга муносабат билдирганда:

Уруш-чун келмайди жаҳонга инсон,
Инсоннинг матлаби тинч яшамоқдир.
Бас, энди вайсаманг, тинч қўйинг бизни
Башарнинг тақдиди тонг каби оқдир.

(«Инсоннинг матлаби
тинч яшамоқдир» шеъри)

каби баландпарвоз жумлаларни мисраларга тизиш билан кифояланар эди. М. Шайхзода ёзганидек¹, шеъриятимизда бир вақтлар жуда кенг тарқалган бу ваъзхонлик касофатидан қутулиш жараёни анча мураккаб ва оғир ижодий ҳамлаларни талаб қиласади. Кўп шоирлар қаторида Шухрат ҳам шуни фаҳмлай олди ва секин-аста риторикага барҳам бера бошлади. Энди унинг публицистик шеърлари ҳам ҳаётйлик ва аниқлик касб эта борди, шоир таас-суротлари реал ҳиссий ва образли тус оладиган бўлди, шоирда конкрет ҳодиса ҳақида фикр юритиб, маълум поэтик хуносага келиш малакаси пайдо бўлиб қолди, энди унинг публицистик шеърларида факат Шухраттина айтиши мумкин бўлган гапни уқиш, Шухрат қалбигагина хос туйфуни туюш, Шухрат манерасига хос бўлган оҳангни уқиш мумкин. Бу ерда ҳам шоирнинг ёниқ, мағрур, шу билан баробар самимий қалби баралла кўриниб туради. Энди у она юрт ҳақида ёзганда:

¹ Мақсуд Шайхзода. Қалам ва бурҷ. // Шарқ юлдузи. - 1967, № 5, 224-бет.

Ишқингда ёнмасам ўртаниб, куйиб,
Ҳаётнинг мунчалик завқини туйиб,
Тилимга қаёқдан келарди қўшиқ,

Ишқингда ёнмасам бу кўҳна олам:
Шу сойим, шу қирим, паҳтазор далам
Бўлмасди бунчалик кўркам, ярашиқ,

Ишқингда ёнмасам, жонимдан кечиб,
Жангларда душманинг емириб-янчиб,
Диёрим, меҳрингни шон билармидим, —

(«Ишқингда ёниб» шеъри)

дейди.

Энди у дўстликни куйлаганда дабдабали мавҳум гаплар айтмайди, шоир фикр ва туйгуларини ё бирор конкрет ҳодиса, деталь орқали ифодалайди, ё қардош ҳалқлар ҳаётига бағишлиланган шеърлар руҳига сингдириб юборади. «Дўппи» шеърида қорақалпоқ шоирни бошига кийдирилган ўзбек дўпписи иккни ҳалқ орасидаги инокликнинг рамзи тарзида берилади. «Эсадалиқ ханжар» шеърида кавказлик мезбоннинг ўзбек шоирига эсадалиқ совғаси шоирга самимий қардошлиқ туйғусини ифодалаш учун кулай восита ролини ўтайди:

О, дўстим, бу совғанинг чин дўстнинг иши!
Бошингга қора кун тушаркан, ионн,
Ханжарни қўлимда тутиб ўша он
Туарман ёнингда ёвингта қарши!

«Кавказ дафтари»га кирган «Жим тулинг, ҳой еллар!» шеъри ҳам дўстлик ҳақида. Шеърда дўстликка, қардошлиқка оид дабдабали сўзлар йўқ, аммо унда дўстлик, қардошлиқ туйғуси шу қадар самимий, шу қадар жозибадор ифода этилганки, бу хислат асарни лириканинг энг яхши намунаси даражасига кўтарган. Лирик қаҳрамон Кавказ бўй-

лаб сафарда кезаркан, қардош озарбайжон халқи ўғлони, таниқли шоир Самад Вурғун қабрини зиёрат қиласы, инсонлик бурчини шараф-ла ўтаган бу азиз инсон қаршиисида хаёлга толади. Шоирнинг Вурғунга меҳри шу қадар зўрки, елларнинг қабр устидан эсиши ҳам унга малол келади, шоирнинг тинч уйқусига озор етказаётгандек туйилади. Шоир елларга мурожаат этади:

Жим туриңг, ҳой еллар, эсманг бу ердан,
Эсмангиз, ўтиниб сўрайман сиздан!
Ўргилиб кетайин қанотингиздан,
Ўтиниб сўрайман, кезманг бу ерда!

Жим туриңг, ҳой еллар, фувламанг, эсманг,
Хориган Вурғуннинг уйқусин бузманг!

Қалб қаъридан отилиб чиққан, нафис туйгулар билан йўғрилган бу мисралар ҳар қандай дабдабали байтларга бергисизdir. Бу хислат шоирнинг сиёсий, халқаро мавзудаги кўпчилик шеърларига ҳам хосдир. Уларда ҳам ўша конкретлик, ўша такрорланмас қалб тўлқини, ўша самимият сақланади, шеърдаги мағрур садо, публицистик жўшқинлик аллақандай майин лирик оҳанг билан уйғунлашади. «Юз минглар мозори», «Номаълум солдат қабри», «Сен бунда ётасан», «Хоин», «Вена ўрмони», «Гильза», «Маяковский келмоқда» шеърлари шу хислати туфайли сиёсий лириканинг яхши намуналари қаторидан ўрин олди.

«Номаълум солдат қабри» шеърини кўриб чиқайлик. Бу асар «Юз минглар мозори», «Сен бунда ётасан» шеърлари каби иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишлиланган. Шеърнинг асосий пафоси урушни қоралаш, тинчликни олқишлиш, матонатни улуғлаш. Бу роя кескин қалб драмаси орқали ифода этилади, шоир қалб

драмасини очишда туйгулар уммонини ишга солади, турли туйгуларни контраст қўйиш йўли билан драматизмни кучайтиради.

Бу ерда ётади номаълум солдат.

Шеър шундай сокин мисралар билан бошланади, кўн ўтмай шу сокинлик ўрнини ҳазин бир оҳанг, мунг эгаллади:

Кими бор, кими йўқ! – Ҳеч ким билмайди.
Уруғ-аймоғи йўқлаб келмайди.
Гўё бир ғарибдир беватан, уйсиз,
Гўё бир булбулдир чамансиз, куйсиз,
Гўё у дайдиган, кимсасиз саёқ,
Гўё у йўлидан адашган тойлоқ!
Гўё у бошига қўйиб тош болиш,
Тақдирдан қиласи бу ерда нолиш!

Нарироқ, бориб ана шу аламли қалб фаоллашади, мунгли садо ёнига аламли ҳайқириқ жўр бўлади, шоир номаълум солдатни сўроқлашга тушади:

Ким ўзи, айтсанг-чи, эй қора тупроқ?!
Ким ўзи, айтсанг-чи, эй сариқ япроқ?!
Ким ўзи, айтсанг-чи, эй муддиш кеча?!
Ким ўзи, айтсанг-чи, эй гиёҳ, ғунча?! ...
Ким эди, бу ғариб, шинелли инсон?
Ким эди, эс-хушли ва тилла инсон?
Ким эди, кўксида дили бор инсон?
Ким эди, жон фидо эли бор инсон?
Кимларга хат ёзиб, кимни овутай?
Тақдирга тан бер деб, кимни совутай?
Кимларни етаклаб келай бошига,
Ёш қўшиб кўзимдан аччиқ ёшига?

Сўнгра шоир номаълум бу инсон ҳақидаги ўз гумонларини баён этади, ихчам поэтик сиймолар, аччиқ қисматлар гавдаланади: бу номаълум солдат балки лирик қаҳрамоннинг изсиз йўқолган акаси-

дир, тоғасидир, құшнисидир, дүстидир, шоирнинг баёнлари ҳам ғам-аламлар билан лиммо-лим. Шоир үз гумонларига якун ясаб, уни «урушда жон берган мәрднинг бири» дейди. Шу ерга келганды шеър ритмикаси ўзгаради, аламли ҳайқириқлар, мунгли, ҳазин лавҳалар бирдан мағрур, тантанавор хитоблар билан алмашынади. Шоир энди уруш ва тинчлик ҳақидаги баҳсга күчади, урушни, урушқоқларни лаънатлади, одамларни тинчликка даъват этади. Қалб драмасининг ривожи, фикрлар, ҳислар оқими ўз-ўзидан шунга келиб тақалади:

Тұхта, ҳой, ўтқинчи, тұхта бир нафас.
Бу уруш даҳшати! Эслаб тур бирпас!
Тұхта, ҳой, минбарга чиққан Цицерон,
Мана шу қабрга күз ташла бир он!
...Шу қабр тошиға қўйингиз қулоқ,
Том биттан бўлса ҳам тинглайсиз бироқ;
Урушни лаънатлаб нидо келади!
Ҳар қалдан жаҳонга садо келади!

Маълумки, ўша йиллар шеъриятида фикр айтишга, фалсафийликка мойиллик кучли бўлган, китобхоннинг савияси ҳам ниҳоятда баланд, қуруқ гап унинг қулоғига ёқмасди, у асадан албатта бирор «аклли гап» изларди. Шоирларимиз китобхон савияси ва талабини ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Қолаверса, муаллифларнинг ўзида ҳам фаоллик ошди, улар ҳаёт ва унинг муаммолари ҳақида жиддийроқ фикр юритадиган бўлиб қолди. Шеъриятда бир вақтлар кенг тарқалган ватъхонлик, қуруқ сўзлар ўрнини теран фалсафийлик, жиддий мушоҳадалар эгаллай бошлади. Бу тамойилни Шуҳрат ижодида ҳам кузатиш мумкин. Шуҳрат ҳам кўпчилик шоирлар каби талай шеърларида ҳаётнинг хилма-хил жумбоқлари устида баҳс юритади, улардан маълум поэтик хуносалар чиқаришга интилади,

аммо Шуҳратнинг бу тур шеърлари айрим шоирларда бўлгани каби беҳислик, ақлгўйликдан холи, унинг бу тур шеърларида ҳам одатдагидек ҳиссиёт ёлқини уфуриб туради.

«Умр ҳақида» шеърида шоир яшашнинг маъноси яхши кийиниши, яхши ейиш, кунларни шод-хуррам ўтказищдангина иборат эмас, балки элга яхши хизмат қилишдан иборат, деган фикрни илгари суради. Шоир бу фикрни жўнгина айтиб қўя қолмайди, зўр эҳтирос билан айтади. Оддий гап ҳам шоирнинг мурожаат, хитоб, инкор ва тасдиқлари туфайли ҳиссиётга йўғрилиб кетади. Шеър умр ҳақида «ўзга»нинг фикрини баён этиш билан бошланади:

Ёшимни яшадим, – дейсан мамнун, шод –
Бахт қўрдим ўзгалар орзу қилгудек.
Бахт менга бўлдию сўнмас бир қанот
Хўп яхши кийиндик, хўп яхши едик.

Кейинги мисраларда шоир бу фикрни инкор этади, умр ҳақидаги ўз қарашини изҳор этади, унинг инкори ҳам, тасдири ҳам жуда қатъий, мисралар ҳиссиёт билан лиммо-лим:

Лекин сен орқангга бир қара, сендан
Оргингда қолдими элга бир ёдгор?
Йўқ! Демак, ҳаётта ҳеч ҳам келмабсан,
Гар келган бўлсанг ҳам яшабсан бекор!

Асқад Мухторга аталган «Гиёҳ» шеърида шоир муҳаббатнинг буюк кучи ҳақида фикр юритади, шеърдаги фалсафа ҳаётий бир деталь асосига қурилган, метиндеқ асфальтни ёриб чиққан нимжон гиёҳ шоирни ҳайратта солади, табиатнинг бу сехридан шоир узоқ ўйга толади, охири сирни кашф этгандек бўлади:

Сўнг билсам шу метин асфальтни ёрган
Гиёхнинг ҳаётга зўр меҳри экан.

Сир «кашф этилгандан» кейин шоир зўр ҳаяжон ичидаги қолади, бу ҳаяжонини китобхонга ҳам изҳор этади:

О, дўстлар, бу меҳр нақадар улкан!!!

«Полвон» шеърида шоир ҳаётнинг яна бир фалсафаси — табиатнинг шафқатсиз бир қонунияти устида ўй суради:

Полвон эди, оғир тошлилар кўтарган,
Тишларида силкиб-силкиб отарди.
Ерга бориб тушишини кутаркан,
Томошибин олқишига ботарди.

Полвон эди, елкаси ер кўрмаган...
Ийллар ўтди...
Қаранг, қандай чўкибди!
Қаранг, ийллар тоши қандай чўнг экан,
Тик қоматин бир умрга букибди!

Шеърдаги фикр ифодасига аътибор беринг. Унда тақдири азалнинг шафқатсиз ҳукми шунчаки қуруққина қайд этиб қўя қолинмайди, шеърда шоир қалбининг тафти, унинг афсус-надоматлари баралла сезилиб турибди.

* * *

Шухрат ўзбек шеъриятида воқеабанд — сюжетли лириканинг ривожига муносаб улуш кўшган шоирдир. У XX аср 60-ийларида мухтасар миниатюр лирик сюжет устаси сифатида танилди. Лирикада сюжет керакми ёки йўқми, эпиклик лириканинг фазилатими ёки нуқсоними? Бу масала атрофида жуда кўп баҳслар бўлган, бу хил баҳслар

ўша йиллари ҳам давом этарди. Бунинг маълум сабаблари бор. Ўша замон лирикасининг ўзи тобора «эпиклашиб», воқеабандлик, ҳодисавийлик лириканинг характерли хусусиятига айланиб бораётган эди.

Бир вақтлар лирикада воқеабандликни бирёқлама тушунувчилар, бирор ҳодисани шунчаки қофияга солиб шеър ясовчилар, лирикадан маҳрум бўлган бу хил асарларни эса ёқловчилар ҳам бўлган. Бу даврга келиб шеърият ҳам, шеърият илми ҳам анча илгарилаб кетди. Лирикада эпик элементларни қўллаш соҳасида бой тажриба тўпланди. Шу нарса маълум бўлдики, воқеабандлик лириканинг қусури эмас, фазилати, воқеабандлик лирикада поэтик яхлитликка эришиш, ҳис-туйгулар, ўй-фикрлар түфёнини аниқ шаклга солиш, ёрқин картиналар яратиш имконини беради, шоирни мавхумлиқдан, қуруқ насиҳатгўйлиқдан саклайди. Аммо лирикада воқеа-ҳодисанинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш ҳам зарарли, лирикада асосий нарса ҳодиса эмас, балки шу ҳодиса туфайли туғилган ҳис-туйфу, ўй-фикр. Воқеабандлик шеърда лиризмнинг сусайишига эмас, кучайишига хизмат қилиши керак.

Шухрат шеърлари бу жиҳатдан характерли. Унинг деярли ҳар бир шеъри бирор конкрет ҳодиса, муносабат, хатти-ҳаракат туфайли туғилган ўй-фикрлар, ҳис-туйгулардан ташкил топади. Шухрат ҳеч қачон лирикани ҳодисанинг қурбони қилиб қўймайди, унинг шеърларида ҳодиса ҳамиша қалб ёлқини ифодасига хизмат қиласди.

Шоирнинг ҳажман кичик шеърларида ҳам сюжетнинг барча элементларини — тугун, ривож ва ечимини учратиш мумкин. Кўпинча шоир шеърда аввал ё бирор ҳодисани эслайди, ё бирор манзара чизади, ё бирор шахс портретини беради, ё бирор

хатти-ҳаракатни кўрсатади, шоирнинг бу тасвирлари остида қандайдир сир ётади, шоир шу сирли жиҳатни кучайтириш йўлини тутади, кейин шеърда кескин қайрилиш ясади, сирни очиб беради, шоирнинг бош муддаоси, шеърдаги асосий поэтик фикр худди ана шу қайрилиш нуқтасида ифодаланади. Бу хусусиятни юқорида таҳдил этилган шеърлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Кеч кирди» шеърида ҳазин бир табиат манзараси чизилган: кеч кириб боряпти, ел эсяпти, қуёш уфқа бош қўйган, у ногаҳон эзилган анорга ўхшайди, эсаётган елларнинг амрига райҳонлар бош эгиб мудраган булатлардек оғир солланиб турибди, борабора атрофни зулмат қоплаб келяпти. Шу тариқа манзара ҳаракатда берилади. Манзарадаги қуюқлашиб бораётган ранг шоир қалбига ҳам кўча боради, атроф қоронfilaша борган сари шоир қалбига ҳам соя тушаёттандек туюлади. Кутимаганда шоир гапни бошқа томонга буради, шоир бу ҳазин манзарага ўзини бепарводек кўрсатади, унинг хаёлини бошқа муҳим бир нарса банд этган, у ёри, қуёши, ҳижрон ва висол ҳақида ўйлади:

Кеч кирди....

Кеч кирди қора шол тутиб,
Қоронфи тушса ҳам, майли, ҳеч гапмас!
Фақат сен, қуёшим, мени тарқ этиб,
Ҳижроннинг тунида қолдирмасанг бас!

Кутимаган бу ечим ғоят ўринли бўлиб, бояги мунгли манзарадаги зулматни бирдан ёритиб юборгандек бўлади, айни чоқда, шоир муддаосини шундоққина ўзида акс эттиради.

«Оқ ўрик» шеърида шоир лирик қаҳрамон ҳаётидаги икки даврни эслаш, қиёслаш орқали сюжет яратади.

Ховлида ўсарди бир тун оқ ўрик.
Энг пастки шохга ҳам етмасди қўлим.
Бир сакраб қўярдим қилиб болалик
Шу ўрик тагига гар тушса йўлим.

У даврлар ел каби ўтиб кетган, бола улғайиб, сочига оқ оралаб қолган, ўша оқ ўрик ҳамон ҳовлида, қаҳрамоннинг орзуси ушалган, унинг қўллари энди ўрик шохига бемалол етади, шохларни истаган чоғида эга олади. Икки давр, икки ҳолат таққоси туфайли лирик қаҳрамон қалбида аллақандай лирик кайфият ҳосил бўлади, аммо шоир кўнглидаги асосий гапни ҳали айтган эмас, бинобарин, тутун ҳали ечишмаган. Дил розини шоир шеър охирда изҳор этади:

Ва лекин болалик қувноқ чоғига –
Қўлларим етмасдан ҳайронман доғда.

Демак, шеърдаги асосий нарса - қувноқ болаликни қўмсанш. Шоир танлаган миниатюр сюжет лирик қаҳрамондаги шу кайфиятни ғоят аниқ, нағис ҳамда тақрорланмас тарзда ифодалашга имкон берган.

Шуҳрат – қувноқ, ҳазилкаш шоир. Талай шеърларида, хусусан, севги лирикасида у асарни, кўпинча, кулгили сюжет асосига куради, ҳодиса тасвирида, кайфиятлар ифодасида шундай кескин қайрилишлар ясайдики, бу ҳол қувноқ кулгига сабаб бўлади, бу қувноқ кулги эса айни чоқда шеърдаги лиризмни чукурлаштиради, шеърга илиқлик, самимият баҳш этади.

... Лирик қаҳрамон севгини фақат шодлик деб тушуниб хатога йўл қўйган, қалбини ёр измига берган. Энди бўлса аҳвол ўзгача, соғ севгининг ҳам ўздарди, ташвиши, ғами бор, кўшинча, унинг тунлари севги фуссаси, изтироби билан уйқусиз ўтади. Ана

шу ерга келганды шоир антитетза йўлига ўтади, шу ташвишли онларини ҳар қандай шодликдан аъло кўришини айтади ва фикрини хулосалаб шундай дейди:

Севгини шодлик деб янгиш тушуниб,
Хатога йўл қўйган бўлсам ҳам у чоқ,
Армону ўкинчим йўқ бутун, бироқ!

«Севги изтироби» деб аталган бу шеърда шоир соғ севги ташвишлари билан ҳам гўзал демоқчи, бу фикр шеърда муносиб шаклини топган, шоир келтирган қувноқ сюжет фикрни жонлантириб юборган.

«Севгимда ён дейсан» шеърининг аввали мана бундай жумбоқ билан бошланади:

Севгингни сен мендан азиз тутасан,
Севгимда ён дейсан умринг борича.

Лирик қаҳрамон маъшуқанинг шартига рози, у севги ўтида ёнишга ҳам тайёр:

Майли, мен ёнайин севгинг ўтида,
Кўкларга соврилиб кетсин кулларим!
Сен ўтган кўчанинг йироқ четида
Чанг босиб, қовжираб сўлсин гулларим.

Лекин лирик қаҳрамон зоҳид эмас, унга беҳуда фидойилик ёт, у ўзини ёр кўйида куйиб кул бўлишга розидек кўрсатар экан, бундан муддао бошқа ерда, мабодо лирик қаҳрамон куйиб кул бўлгудек бўлса:

Шундан сўнг, айт, эркам, сенга бағишлаб
Ким шеърлар ёзади мен каби ёниб?!
Ким сени ҳар куни тонгда олқишилаб,
Йўлингни кутади гул билан толиб?

Кўряпсизми, шоирнинг «макри»ни, лирик қаҳрамонни гўё ўлим ёқасига келтириб қўйиб, бирдан уни қайтариб олади, шу тариқа шеърда қувноқ бир кайфият яратади, ошиқ қалбнинг садоқатини жуда жозибадор ва самимий ифода этади.

Шуҳратнинг айрим шеърларида «объектив» сюжетлар ҳам акс этади, яъни ҳодисалар лирик қаҳрамон «мен»идан ташқарида содир бўлади. Шоир кичик лирик шеърда ҳам эпик образлар яратишга, ўзгалар қалбини очишига интилади. Шуниси характерлики, бундай ҳолларда шоир пассив кузатувчи бўлиб қолмайди. «Объектив» ҳодисаларни ҳам қалб призмасидан ўтказиб тасвир этади, уларда ҳам шоир «мен»и, қайнок қалби баралла кўриниб турди.

«Уч-тўрт оқ тола» шеъридаги ҳодисани эслайлик. Бор-йўғи ўн икки мисрадан иборат бу шеърда тутал сюжет, ёрқин характер, чуқур психологизм, аниқ портрет, ажиб бир кайфият бор. Ўттизга етмағдан ўғил сочида уч-тўрт оқ тола йилтиллаб қолган. Она буни кўриб оғир тин олади, куйинади:

Кун кеча эди-ку ҳовлида аста
Эмаклаб юрган этаги боғлиқ!
Наҳотки, ёшлиги ўтди бирпасда,
Наҳотки, ҳаёти қолмиш саноғлиқ!..

Кейинги тўртлиқда шоир драматик ҳолатни яна ҳам кескинлаштиради ва дарҳол ечимга ўтади:

Ўзининг сочига тушганда кўзи
Юраги зирқираб кетар ҳар сафар.
Ўзининг оқ сочи, ажинли юзи,
Муккайган қаддидан бутун бехабар!!

Кутилмаган ечим – бир масаладан иккинчи масалага сакраб ўтиш орқали шоир она образини,

унинг қалбини шундоққина очади-қўяди, шу билан бирга худди шу нуқтада шоир позицияси, қалби жуда равшан кўриниб кетади.

Баъзан шеърда шоир сюжетни кенгайтириб, эпик образни тўлишириб, асарни новелла ё баллада даражасига кўтариб юборади. Чунончи, «Она ташвиши»да шундай бўлган. Худди «Уч-тўрт оқ тола» шеъридаги каби бу ерда ҳам она ва унинг ўғли ҳақида гап боради. Онанинг ташвишлари изҳор этилади, бироқ бу ердаги ташвиш ўзгача. Она нинг якка-ю ягона фарзанди бор – умиди ҳам, давлати ҳам, кўзининг оқу қораси ҳам шу, уни не-не мashaққат билан эркалаб, пуф-пуфлаб ўстирган, бу арзанда фарзанд бинойидек йигит бўлиб етишган, ёш кетган отасининг ўрнини босган, энди кампир уни уйлантиrsa, орзу-ҳавас кўрса, неварали бўлса, кампир назарида тенгсиз туулган фарзандига ким келин бўларкан? - шу муаммо уни ташвишга солади, кампир бўй етган таниш қизларнинг ҳаммасини келинилликка мўлжаллаб кўради, лекин уларнинг ҳар биридан қандайдир нуқсон топади, уларнинг бирортасини ҳам ўлига раво кўрмайди. Кампир муаммони ҳал этолмай ўзича гаранг, аммо бу муаммо аллақачон ҳал этилган – ўғил қаллиқни топиб кўйган, фақат буни онадан сир тутади. Қувноқ сюжет асосига қурилган бу асарни юмористик баллада, деб аташ мумкин.

* * *

Шухратнинг 60-йиллар шеърияти икки жиҳатдан ибратли: аввало, улар жангчи шоирнинг, кўпни кўрган одамнинг дил розлари, ҳаёт тажрибалари ифодаси; иккинчи томондан, бу шеърлар ўзининг самимийлиги, ҳаққонийлиги, жўшқинлиги, ҳаётбахш романтик руҳи билан ажралиб туради. Шухрат ли-

рикаси шеъриятимизда бир вақтлар кент тарқалган риторика ва ваъзхонлик касофатидан, ўртамиёначилик касалидан қутулиш жараёнини ўзида акс эттириш жиҳатидан ҳам характерли. Атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзода «Қалам ва бурч» мақолосида Шухратнинг ўша давр лирикасига одилона баҳо бериб: «Шеъриятимизда реалистик ҳақиқатни романтик жўшқинлик билан омухта қилиб, гўзал ва нафис лирик асарлар яратган шоир Шухрат умуман ўзбек поэзиясини ўртамиёначилик савиисидан олиб чиқиб, юқори кўтаришга астойдил хизмат қилган меҳнаткаш, истеъдодли, изловчи шоирлардандир»¹, – деб ёзган эди.

Шухрат умрининг охирига қадар шеъриятда баракали ижод этди, бир неча тўпламлар чоп эттириди; баъзан кўтарилиш, баъзан ўз имкониятлари даражасидан тушиб кетиш, ўз-ўзини такрорлаб қўйиш ҳоллари ҳам бўлиб турди. Аммо у шеъриятда тўхтовсиз изланди. Афсуски, Шухратнинг поэтиқ ижоди ҳануз жиддий тадқиқотлардан четда қолиб келмоқда.

Шоирнинг 60-йиллар шеърларига хос реалистик соддалик ва романтик жўшқинлик ёнига сўнгтийиллар шеърларида бой ҳаётий тажрибалар самараси ўлароқ, ўйчан фалсафий мушоҳадакорлик келиб қўшилди. Шоирнинг «Юлдуз нурлари» деб аталган шеърини олиб кўрайлик. Шеър «Юлдуздан нур оқар» деган оддийгина хабар билан бошланади. Шу заҳоти шоир «Балки нурмас», деб бутабии ҳолатга шухба билдиради. Ўқувчи бирдан шоир шубҳасига қизиқиб қолади. Шоир ўй суриси кетади, ўзининг хилма-хил тахминларини ўртага ташлайди: балки бу «юлдузни ер сари йўллаган

¹ Мақсад Шайхзода. Қалам ва бурч. // Шарқ юлдузи. - 1967, № 5, 228-бет.

сўзи», «балки у бир куйдир нурга йўғрилган», «балки у ўз шаклини топмаган асар», «балки у порлаган ажиб бир маъдан» ва ҳоказо... Шоир секин-аста асосий муддаога келади:

Балки у сиридир ўзга оламнинг,
Кўмакка чақирав балки у бизни.
Биз эса англамай бу дард-аламни,
Шульда деб овутиб юрибмиз ўзни!

Шеърда бир қарашда кўз-кўз қиласиган доно гап, фалсафийлик йўқдек. Бироқ лирик қаҳрамоннинг ҳолат-руҳияти — юлдуз шульаси ҳақидаги ўйлари, тахмин, мулоҳазалари бизга ҳам дарҳол «юқади», хаёлимизни олисларга олиб кетади, биз олис юлдуз шульаси қолиб, замин ташвишлари, одамлараро муносабатлар ҳақида ўй суриб кетамиз, ҳаётдан шеърдаги ҳолатга ўхшашликлар ахтарамиз... Шеърдаги чинакам фалсафийлик боиси ана шунда.

Шоирнинг «Дунёнинг кўрки шунда» деган яна бир гўзал шеъридаги мана бу сатрларни ўқиб кўринг:

Сенингча, бир оддий юлдуз у ёнган,
Менимча, бир олам тенги йўқ қўшиқ,
Сенингча, бир қиздир ишқда ўрганган,
Менимча, нур ичра йўғрилган ошиқ.

Сен кўм-кўк майсани кўрсанг, ўша он,
Бузогинг етаклаб чиқасан мамнун.
Мен эса майсалар кўркидан ҳайрон,
Балки у шеърга айланажак уни!

Сен тунни уйкуга айни пайт дейсан,
Мен эса, илҳомнинг сокин будоғи.
Сен токқа назаринг тушса, ҳуркийсан,
Ахир, у энг гўзал оҳу ётори!

Шу хил руҳий ҳолат — баҳсу мулоҳазалардан кейин шоир ўзининг севган усулини қўллади, тўёки қиссадан ҳисса ясади:

Демак, биз икки қалб,
Икки хил олам.

Лекин лирик қаҳрамон ўзини оклаб, ўзгани коралаш йўлини тутмайди. Унингча:

Дунёнинг кўрки ҳам эҳтимол, шунда.
Дунёда бир хилда бўлсайди одам,
Ким шоир, ким косиб бўларди унда!

Кўринадики, бу шеърда ҳам фикр-хулоса тайёргина яланроҷ тарзда берилган эмас, руҳий ҳолат, кайфият, қиёс-мулоҳазалар маҳсали тарзида рўёбга чиқкан.

Шоирнинг «Ёшлигимнинг давоми» тўпламидан жой олган «Шоирга» деб аталган:

Ақлингни ақдимга қўшмай қўя қол,
Мард бўлсанг, қалбимга жиндай ғавю сол,—

типидаги иккиликлари ёки:

Кечқурун шафақни ўғирлаб кеча,
Эрталаб уфқа қайтадан соғди.
Кечқурун ўқинчдан хўрсинган ғунча
Эрталаб шод-хандон лабини очди,—

сингари тўртликлари ҳам теран фалсафий фикр ва нозик туйғу, кўнгил эҳтирослари уйғунилигидан туғилганлиги учун ҳам гўзал, таъсирчан.

Шу қисқа таҳлил, мулоҳазалардан ҳам қўриниб турибдики, Шухрат 60–80-йиллар ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин тутади.

ДАВР ВА ҚАЛБ ДРАМАСИ

Сен мени шоир деб қиласан эъзоз...
Мақтоворга унча ҳам берма сен пардоz.

Воқеабандликка мойиллик Шухратни шеъриятнинг лиро-эпик турларига бошлади. Шоир ижодининг дастлабки давридаёт эпик сюжетларни шеърга солишга уриниб кўрди. «Кичик саргузашт», «Мехрол», «Орзу ва қасос» асарларини яратди.

«Кичик саргузашт» фуқаролар уруши даври воқеаларидан бир лавҳа. Воқеа қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Унда қаҳрамоннинг кўрган-кечирганлари батафсил баён этилади. Бу асар ёш шоирнинг лиро-эпик турдаги ilk машқларидан эди, шунинг учун ҳам у шеъриятдан йироқроқ бир нарса бўлиб чиқкан. Шоир унда воқеа баёни билан овора бўлиб кетиб, асарни лиризмдан маҳрум этиб қўйган, аввал айтганимиздек, асарда шоир қалби кўринмайди, шоир овози эшитилмайди.

«Мехрол»да муаллиф бир қадар муваффақиятга эришади. Асар халқ эртаги сюжети асосида ёзилган. Шухрат А. Пушкин, X. Олимжон анъаналари изидан бориб, эртак-достон яратишга интилади.

Жуда қадим замонда,
Кунчиқар Шарқ томонда,
Бир кўримсиз қишлоқда,
Шаҳардан кўп узоқда
Она, ўғил бор эди,
Ошу нонга зор эди.

Бошданоқ кўриниб турибдики, тасвир усули шеър қурилиши жиҳатидан асар X. Олимжон достонларига жуда яқин туради. «Кичик саргузашт»-дан фарқли ўлароқ, бу ерда дурустроқ чизилган

картиналар, жонли образлар бор. Хусусан, Мехрол характери, унинг бегубор соддадил, сахий қалби тасвири яхши чиқкан. Аммо шоир қалби, позицияси ифодасига келганда, муаллиф бу асарда ҳам тажрибасизлик қиласади. Халқ эртаги сюжетини чиройли, равон мисраларга тизиш билангина чекланади, сюжетта янгича сайқал берилмайди, эртак баҳонасида даврнинг бирор ҳодисасига муносабат билдирилмайди.

Галдаги йирик асар – «Орзу ва қасос» достони шоир ижодида олға қўйилган қадам бўлди. Бу асар ёш шоирнинг бадиий ижод сирларини, лиро-эпик жанр принципларини эгаллаб олганидан далолат беради. Шу асарга келиб Шухрат «ўзлиги»ни намоён этди: «Орзу ва қасос»да тугал эпик сюжет ҳам бор, анча мукаммал характерлар ҳам бор, шу билан баробар шоирнинг ҳодисаларга фаол муносабати ҳам бор. Энди шоирни ҳодисаларнинг батафсил баёни эмас, ҳаяжонли нуқталари, ҳодисаларнинг ўзи эмас, кўпроқ улар туфайли туғилган хис-туйғулар, ўйлар тасвири қизиқтиради.

Достон сюжети ўтмиш ҳаётдан олинган. Самад исмли камбағал йигит мұхтожлик туфайли оиласини, севикили хотини Қамарни ташлаб, иш ахтариб олис юртларга бош олиб кетади, кўп кулфатлар чекади, бойга қарол тушади, хон амри билан ариқ қазииди. У ҳамма ерда баҳт ахтаради, аммо баҳтсиз халқнинг оғир, кулфатли турмушини кўради. Кўргилклар Самад кўзини очади, секин-аста у сабр косаси тўлиб-тошган халқ исёнига аралашади, олонини хон истибодига қарши курашга бошлайди. Лекин кураш мағлубият билан тутайди, хон лашкарлари халқ ғалаёнини шафқатсизлик билан бостиради, Самад ҳалок бўлади. Бундан хабар топган Қамар эри учун қасос олишга отланади, ариқ очиш маросимида пайт топиб хонни ўлдиради.

Кўриниб турибдики, достон воқеаси ўзича ҳам хийла ҳаяжонли, шоирнинг «аралашуви» туфайли яна ҳам таъсирчан тус олади. Достонда шоир ҳодисаларнинг лоқайд кузатувчиси, ҳикоячиси сифатида эмас, маънавий иштирокчиси, одил баҳоловчиси тарзида кўринади. Қаҳрамонлар ҳаётидаги ҳар бир аҳамиятли ҳодиса дарҳол лирик қаҳрамон қалбида акс садо беради, уни ҳаяжонга солади. Чунончи, қаҳрамон мухтожлик туфайли юртини тарқ этар экан, бундан шоир қалбида зўр бир нидо бонг уради:

Қайғу поймол қилди орзуни
Ел учирган япроқ сингари.
Ўз элидан мухтожлик уни
Олиб кетди ёт ўлка сари.
Оҳ, мухтожлик, қабих мухтожлик,
Қудратларинг шунчалик зўрми?!
Сенинг қора ойсиз тунингда
Азиз инсон ҳассасиз кўрми?!

Қаҳрамон ҳақиқатни англаб еттанида, шоир қалби гурур-ифтихорга тўлиб кетади:

Унинг кўзи бунда очилди,
Бунда фикри чиникиди роса...
У англади ҳақиқат нима,
Нима зулм ҳамда разолат.
У англади жаҳон борини
Ким гуллатар, ким қилар барбод.
У англади кимнинг қалби пок,
Кимнинг қалби адолатта ёт.
У англади кимнинг қиммати
Ҳақиқатда тақадан ҳам паст.
У англади кимнинг қудрати
Ҳар нарсада устун, муқаддас!

Қаҳрамони ҳалок бўлиб, унинг севиклисини азадор ҳолда кўрар экан, шоир изтироблар алангасида куйиб ёнаёттандек бўлади:

Йиғла, Қамар, йиғла, ойимча,
Йиғла, шояд ёришса кечা.
Йиғла, шояд кўз ёшинг билан
Юрак дардинг ариса пича...
...Йиғла, шояд ёшинг тўлқини
Вайрон қиласа кулфат уйини.
Бундан сўнгра оламда ҳеч ҳам
Тингламаса фурқат куйини...

Поэмадаги ҳодиса, ҳис-ҳаяжон романтик қўтариқилик билан берилган. Шуниси созки, шоир романтикани реалистик тасвирга итоат эттира олган, қўтариқи ҳолатлар тасвирида ҳам самимиятни сақлаб қололган. Достоннинг муваффакиятида шоир устозининг ҳам хизмати бор. Муаллифнинг айтишича, «Орзу ва қассос»ни Ҳамид Олимжон ўқиган, асар устоз шоир таҳрири остида «Баҳористон» альманаҳида босилган экан.

Кейинроқ бориб шоир балладага ўтди, сўнгти ўн ийл давомида у йигирмадан ортиқ баллада яратди. Ҳали ўзбек шеъриятида ҳеч ким бу жанр билан бунчалик кўп машгул бўлган эмас. Тўғри, Шуҳрат балладаларининг ҳаммасини ҳам ҳар тарафлама мукаммал дейиш қийин, аммо уларнинг шоир ижодий эволюциясида муайян ўрни бор.

Бир вақтлар В.Г. Белинский балладани шундай таърифлаган эди: «Балладада шоир бирор хаёлий ва ҳалқ афсонасини топади ёки бундай воқеани ўзи ўйлаб чиқаради»¹. Дарҳақиқат, бу танқидчининг замонасида балладалар ана шунаقا эди, улар хаёлий воқеа ёки ҳалқ афсонаси асосига қурилар эди. Орадан бир аср ўтди. Давр тақозоси билан жанрда кўпгина янги хусусиятлар пайдо бўлди. Реализм баллада жанрида ҳам тантана қилди. Балладалар кўпроқ реал, ҳаётий воқеалар асосига қурилади-

¹ В.Г. Белинский. Танланган асарлар. – Тошкент, 1955, 191-бет.

ган бўлиб қолди. Ҳаёлий воқеа ёки ҳалқ афсонаси асосига қуриладиган балладалар эса бу жанрнинг бир турига айланди.

Балладани шеърий ҳикоя дейишади. Ҳақиқатан ҳам баллада худди ҳикоя сингари ихчам ва характерли драматик воқеалардан турилади. Аммо ҳикоядан фарқли ўлароқ, баллададаги «муҳим нарса воқеа эмас, у уйғоттан сезидир, ўқувчига у берган ўйдир» (Белинский).

Шуҳрат балладалари хилма-хил ҳодисаларга бағишлиланган. Шоир улардан бирида қадимги шарқ қаҳрамонлик афсонасига мурожаат этса, бошқасида фуқаролар уруши ҳодисаларини акс эттиради, яна бирида миллий озодлик эпизодларини тасвирласа, бошқасида жаҳон уруши даври драмаларини ифодалайди. Шуҳрат балладаларида ё афсонавий қаҳрамонлар, ё улкан тарихий шахслар, ё ҳалқ орасидан етишиб чиққан баҳодирлар ҳаётидан ҳикоя қиласи. Ҳалқ даҳосининг самараси саналмиш Тўмарис, Гулдурсун, уч гуржи қизи, украин шоири Т.Шевченко, партизан инқилобчи Вера Хоружей, эркпарвар араб қизи Жамила, француз қизи Раймонда – шоир балладаларининг қаҳрамонлари ана шулар.

Балладалар қайси даврга, қанақа мавзуга, кимларнинг ҳаётига бағишлиланган бўлмасин, муаллиф ўз асари учун «жанрбоп» ўткир драматик вазиятларни танлаб олади ва, кўпинча, шу драматик вазият туфайли кўнглида туғилган ўй ва туйгуларини тўкиб солишига, воқеалар моҳиятини бадиий таҳлил этишга эришади. Шуни ҳам айтиш керакки. Шуҳрат балладалари болалар учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳам муаллиф тасвирининг мумкин қадар содда, болабоп бўлишига интилади.

Навқиронлар ҳаётидан олиб ёзган «Она ва фарзанд», «Жамила», «Раймонда» каби балладаларида

Шуҳрат болалар адабиётига хос романтик анъана-га амал қиласи, уларда шоир кичик шахсларнинг катта ишлари ҳақида зўр ифтихор билан сўзлаб беради. Одатдагидек, бу балладалар ҳам ўткир драматик воқеа асосига қурилган, драматик вазиятлар ва персонажлардаги қаҳрамонона хусусиятларни очишга қаратилган.

«Она ва фарзанд»да ёш қаҳрамон Марат фашистларнинг ҳадсиз зулмига қарши дадил бош кўтаради, партизанлар сафига қўшилиб, қўрқмас қасоскор бўлиб етишади, кураш йўлида мардларча ҳалок бўлади. «Жамила», «Раймонда» балладалари қаҳрамонлари ҳам фидойи шахслар, араб қизи Жамила ўз ҳалқининг озодлиги йўлида ажнабийларга қарши курашга киради, француз қизи Раймонда жафокаш вьетнамликларга ҳамдардлик юзасидан ажал уруги ортилган эшелон йўлига ғов солади...

Қисқаси, балладалар учун ўткир драматик ва қаҳрамонона ҳодисалар мавзу қилиб олинган, афсуски, бу ҳар доим ҳам мукаммал бадиий ифодасини топа олмаган, баъзан тавсифий характер касб этиб қолган.

* * *

Шуҳрат афсонавий сюжетлар асосида ҳам талай балладалар яратган. «Қора ва оқ Аравача ҳақида эртак», «Мардлик афсонаси», «Уч қиз афсонаси», «Гулдурсун» шулар жумласидан. Улар орасида афсонавий сюжетлар чин маънода қайта ишланган, бинобарин, янги, оригинал асар даражасига етиб қолганлари ҳам бор. Шу билан баробар, худди «Мехрол»да бўлгани каби, маълум сюжетлар шунчаки қофияли мисраларга тизилган асарлар ҳам йўқ эмас. Бу асарларда қаҳрамонлар фаолиятининг ташки тафсилотларигина берилади, қаҳрамонлар ру-

хий олами, қалб драмаси эса эътибордан четда қолади ёки жуда юзаки қайд этилади.

Шоирнинг «Мардлик афсонаси» балладасига машҳур Тўмарис афсонаси асос қилиб олинган. Маълумки, бу афсонанинг тафсилотлари ўрта мактаб адабиёт хрестоматиясида берилган. Шоир худди шу тафсилотни бир оз ихчамлаштириб, баллада жанри рамкасига соглан. Асарни ўқигандан ҳамма нарса жойидадек туюлади: асар ўткир драматик воқеа асосига қурилган, воқеа изчил баён этилган, мисралар равон ва жозибадор тузилган... Умуман, асар енгил ўқилади, лекин негадир ўқувчини ўзига мафтун этолмайди, китобхон қалбида кучли туйфулар, янги ўйлар уйфота олмайди, хрестоматиядаги тафсилотларни ўқиш вақтида туғилган таассуротлар бояги-бояги ўзгармай қолаверади. Тўғри, асарда қаҳрамон монологи орқали унинг қалб драмасини очишга уриниш бор, бироқ бунда ҳам айтарли янгилик йўқ, қаҳрамон қалбининг китобхон учун ҳали нотаниш бўлган жиҳатларини кашф этишни кўрмаймиз, муаллиф унинг китобхонга аввалдан маълум бўлган руҳий ҳолатини бир оз кентгайтириш билан чекланган, холос.

Шоир асар бошида китобхонга хитобан шуларни ёзди:

Узок-узок ўтмишлар
Тарихин титсам,
Массагетлар шонидан
Бир қисса битсам,
Афсона деб, китобхон,
Кўлимни тутма!
Шонли узок ўтмишдан,
Кўзинг беркитма!
Кўхна тарих бу кунга
Гар бўлса ибрат,
Уни эслаб турмоқлик
Керақдир албат.

Китобхон шоирнинг фикрига кўшилмай иложи йўқ – шонли узоқ ўтмишни унугтишга, ўтмиш ҳақида ёзувчи қиссанавислар қўлини тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, аммо унинг қиссанависларга айтадиган биргина арзи, истаги, талаби бор – қиссанавис ўтмиш ҳақидаги қиссаларнинг сўзма-сўз баёнчиси бўлиб қолмасин, ўтмиш қиссалари шоир учун янги ўйлар, тоза фикрлар, кучли туйгулар манбаи бўлиб қолсин.

Хозирги давр ижодкори инсон қалбини кўрсатишида қадимги афсоналар ижодкорлари мұяссар бўла олмаган имкониятларга эга, китобхон замондош ёзувчидан ўтмиш кишиларининг образини яратганда ўтмиш афсоналари адо эта олмаган вазифани адо этишга – қаҳрамон қалбини чукур таҳлил этишни талаб қилишга ҳаққи бор.

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР ҲИКОЯСИ

Мен солдат бўлганман, солдат давримни
Фаҳр билан доимо тилга оламан.

* * *

Жанговар йилларнинг эртаги узун,
Ҳар ўқнинг учиши ўзи бир достон.

Шуҳрат хаётда кўп нарса кўрди, хусусан, ҳарбий хизмат, сермашақват жанг унинг учун катта мактаб бўлди, у бой ҳаётий тажриба тўплади. Энди уларни ифодалаш учун шоирга шеърият торлик қилиб қолди: «шеъриятта сирмай кетиб», насрга ҳам мурожаат эта бошлади.

Зотан, Шуҳрат насрдаги илк машқини жангдан қайтгандан кейин бошлаган. Даствлаб фронтда кўрганларини, бошдан кечирганларини бир китобча қилиш фикрига тушади, лекин у мўлжалдагидан

кенгайиб, романга айланади, ниҳоят орадан ўн беш йил вақт ўтгач, «Шинелли йиллар» юзага келади.

Шұхратнинг насрға күчишида ҳәётій тажриба билан баробар, ижодий манерасидаги эпикликка мойиллик ҳам муҳим роль үйнади. Шоир шеъриятда эпик тасвир маҳоратини анчагина әгаллаб олган зди. Аммо шеъриятдаги эпик тасвир бошқа-ю, насрдагиси бошқа. Бирдан насрға күчиш, бунинг устига насрнинг энг йирик ва мураккаб жапри – романда қалам тебратиш жуда мушкул иш зди! Шунинг учун ҳам муаллиф роман устидаги ишни насрнинг кичик жанрлари – очерк ва ҳикоячилиқда машқулар қилиш билан қўшиб олиб борди. Унинг «Рустам», «Оила» очерклари, «Балофат» тўпламига кирган ҳикоялари шу тариқа майдонга келди.

Шұхрат ҳикояларида холис туриб инсон характеристига қўл уришга интилади, шунингдек, характеристлар тасвири баҳонасида даврнинг муҳим масалаларига – майший-ахлоқий муаммоларига муносабат билдиради. Шұхрат ҳикоялар сюжетини кўпинча ўткир вазиятлар асосига қуради, қаҳрамонлар ҳәётидаги кескин бир ҳодисани олиб, шу кескин ҳодиса, тифиз вазият тасвири орқали характеристлардаги етакчи бирор хусусиятни очишга уринади.

«Балофат» ҳикоясидаги вазият хийла кескин. Ҳикоя қаҳрамони Ўлмасхон мушкул аҳволда қолган. У ўзининг меҳрибон устози Варвара Петровна тузган лойиҳадан нуқсон топади. Бу ҳақида дугонаси Ҳанифага сўз очади, дугонаси унинг кўнглига фулгула солади, бу ишнинг оқибативой бўлиб чиқажагини эслатади, Ўлмасхон иккиланиб қолади. У нима қилсан? Устозига қарши борсинми? Фақат устозигина эмас, онасиdek бўлиб қолган меҳрибон бир аёлга-я? Ёки юз-хотир қилиб нуқсонлар ҳақида индамай қўя қолсинми? Нуқсонли лойиҳа асосида

иш бошлаб, эл-юрт манфаатига зид борсинми? Ёзувчи қаҳрамоннинг шу кескин руҳий ҳолатини анча мукаммал тасвирлайди, унинг шундай кескин руҳий ҳолатга тушувини мантиқан асослайди, руҳий зиддиятни ижобий ҳал этади. Ўлмасхон узоқ иккиланишлардан сўнг устозига қарши боради, бироқ бу ҳол дугонаси айтган кўнгилсиз оқибатга олиб бормайди, ҳикоя охирида устоз билан шогирд тўқнашади, устоз кўп ўй-мулоҳазалардан сўнг хатосига икрор бўлади, шогирдига, унинг балоғатига тан беради.

Шу тариқа кўз олдимиизда хилма-хил табиатли учта шахс гавдаланади: эл-юрт олдидағи бурчини ҳамма нарсадан юксак қўювчи муносиб шогирд Ўлмасхон, серандиша ва шу серандишилиги туфайли масъулият ҳиссини қисман йўқотиб қўйган Ҳанифа, сермулоҳаза, меҳрибон ва олижаноб аёл Варвара Петровна.

Ҳикояда муаллифни бир масалага уч хил ёндашадиган характеристлар қизиқтиради, шу баҳонада кишининг ўзгалар олдидағи, эл-юрт олдидағи бурчи масаласини кўтаради, ижтимоий бурчни энг мұқаддас туйғу сифатида талқин этади, масъулиятни ҳис эта билишни эса инсоний балофат белгиси деб тақдирлайди.

«Баҳриниса» ҳикояси ҳам воқеанинг тифиз жойидан бошланади. Ҳикоя қаҳрамони Садир биринчи хотини Баҳринисадан ёлчимаган, фарзанд кўрмаган, у билан орани очиқ қилиб, бошқасига уйланган, энди у муродига етади, иккинчи хотини ҳомиладор. Хотини омон-эсон бўшаб олса, энг қувончли ва баҳти они шу бўлади... Ниҳоят, Садир хотинини туғруқхонага келтиради. Хотин тасодифан Баҳринисанинг қўлига тушиб колади. Баҳриниса аёл тақдиридан хабардор. Бир вақтлар севгисини хўрлаган Садирдан бу хотин орқали қасос олиши

мумкин. Ёзувчи қаҳрамонларнинг шу қалтис вазиятдаги ҳолати, хатти-ҳаракатини кўрсатиш йўли билан характерларни таҳлил этади. Баҳриниса шу қалтис дамда ўзининг инсоний бурчини шараф билан адо этади, ҳомиладор аёлга ҳиммат қўлини чўзади, қасос олишни хаёлига ҳеч келтирмайди. Ёзувчи ҳикояни Баҳриниса номи билан атаган, бу аёл образини ҳикоя марказига қўймоқчи бўлган, афсуски, ундан бўлиб чиқмаган. Баҳриниса, унинг қалби, характери, олижаноблиги юзакироқ тасвир этилган. Баҳринисанинг бояги қалтис вазиятдаги ҳолати ҳақида бор-йўғи шу гаплар айтилган, холос хотин Баҳринисанинг олижаноблиги тўғрисида эрига ёзади: «Шу опа бўлмаганида, билмадим, нима бўлардим. Жуда қийналдим. Шунда бечора оёғи куйган товуқдек атрофимда зир югуришини кўрсангиз; бегона ҳам шунчалик жонкуяр бўларканми – жигаринг шунчалик қилмас. Кейин ҳушимдан кетиб қолибман. Ўзимга келиб мундок кўзимни очсан, тепамда яна Баҳриниса опа ўтирибди. Қон қўйди. Айтишларича, ўзи қон берганмиш. Туғруқхонада менинг қонимга хил келадиган қон узилиш бўлиб қолган экан».

Ҳикоядаги бошқа бир шахс – Садир образига келсак, унинг шу қалтис вазиятдаги руҳий ҳолати бирмунча дуруст кўрсатилган. Садир Баҳринисанинг номини эшлиши биланоқ тамоман ўзини йўқотиб қўяди, албатта қасос олади деб ўйлади, шудамда у Баҳриниса билан ўтказган онларини эслайди, ахир у бола туфайли Баҳринисанинг бошига не-не кулфатлар солмаган – ҳақоратлаган, хўрлаган, аёллик нафсониятини оёқ ости қилган. Садир ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчайди, Баҳринисага мутлақо ишонмайди, оқибат кутганидан бошқача бўлиб чиққандан кейин ҳам буни тушуниб етмайди. Ёзувчини характердаги шу ҳолат

қизиқтиради, оддий ҳақиқатни, ўз бурчини адо этган одам хислатини тушуна олмаган, кишига ишончини йўқотган одамнинг ҳолига ачинади.

Ёзувчининг «Дакки», «Ҳикоятхон» ҳикоялари ҳам инсоний бурч масаласига бағишлиланган. Лекин «Ҳикоятхон» ҳикояси «Баҳриниса»нинг бошқачароқ тарздаги тақорори бўлиб қолган. Бу ерда ҳам эр биринчи хотинини хўрлаб ташлаб кетади, хотин ўқиб одам бўлади, тасодифан қалтис бир вазиятда эр у билан учрашиб қолади, эр хотинга ишонмайди, ўч олади деб ўйлади, лекин хотин шахсий адоватга бормайди, бурчини унумтмайди, қасос олиш у ёқда қолиб, «рақиби»га ёрдам беради.

«Балофат», «Баҳриниса», «Ҳикоятхон», «Дакки» ҳикоялари жиддий услубда ёзилган, ёзувчи уларда ҳодисаларни холис туриб осойишта ҳикоя қиласди. Ёзувчи бирмунча бошқачароқ характердаги ҳикоялар ҳам ёзди, эпик тасвирнинг бошқа турларини, чунончи, сатира ва юморни ҳам қўллаб кўрди, характерларни комик планда таҳлил этишга ҳам уринди. Бу жиҳатдан «Мукофот», «Алданиш» ҳикоялари характерли.

« – Адаси, бугун бўшмисиз?

– Ҳа, бугун жума қилдик, хизмат?

– Қумрилар бозор боришар экан, сиз болаларга қараб турсангиз, мен ҳам бирга бориб келардим.

Рашид ака чурқ этмади. Товоқнинг қаймогини сидирган бармоғи оғзига етмай тўхтади. Бармоғидаги қаймоқни қайта товоқ четига суркаб, иргиб ўрнидан турди. Супа четидаги тол буторидан яктагини олиб кифтига ташлади, ўнг қўлини кўкрагига кўйиб, пичинг қилди:

– Бизни онамиз ўғил деб бошимизга дўппи кийдирган, рўмол ўратган эмас, тушундингизми бойвучча?!

У шиддат билан юриб кетди. Тўтихоннинг юраги шув этиб, кўз олди қоронгилашгандай бўлди. Рашид акага бир сўз қайтармай орқасидан қараб қолди».

«Мукофот» ҳикояси шундай бошланади. Рашид аканинг хатти-ҳаракатларига эътибор беринг: хотинининг беозоргина айтган бир сўзи туфайли ло-виллаб ёниши, шаҳдам ҳаракатлари кишида беихтиёр кулги уйғотади. Ёзувчи бундан кейин қаҳрамондаги шу хил шаҳдам ҳаракатлар боисини очишга киришади. Келтирилган асослар ҳам кулгили. Рашид ака ниҳоятда ориятли одам, у йигирма уч йилдан бери хотини билан сан-манга бормаган, эр ҳам, хотин ҳам ҳалол меҳнати туфайли эл ҳурматига сазовор бўлганлар. Нима бўлади-ю, хотин бир қўй мукофот олади, эр эса қуруқ қолади, бу нарса эрга ниҳоятда алам қиласи, хотини олдида обрўйи бир пул бўлади. Шунинг учун ҳам хотинининг бояги гапи унга ҳақорат бўлиб туюлади. Рашид ака энди бо-сар-тусарини билмай қолади, хотинига аччиқ қилиб севимли касби аравасозликни ташлаб далага чи-киб кетади, кўп қизиқ ҳангомалардан кейин ўзига келади, ҳовридан тушиб, яна ўз касбига қайтади. Рашид аканинг беҳуда чиранишлари қаҳқаҳага сабаб бўлади. Бу ҳикоя кўп жиҳатдан Faфур Fуломнинг «Эри билан бас бойлашган хотин» асарини эслатади, бу асарида муаллиф F. Fулом тажрибалидан ижодий фойдаланади.

«Алданиш» ҳикоясида ёзувчи ниҳоятда ёқимтой комик образ яратган. Ҳикоя каҳрамони Насиржоннинг тақдири, соддадил қалби, беозор хатти-ҳаракатлари китобхонда кулги қўзғатади, шу кулгили хатти-ҳаракатлари, ҳолатлари билан ҳам у китобхонга ёқиб қолади.

Насиржон вактида уйлана олмаган, ёши ўтиң-қираб қолган, тепа сочи сийраклашиб, чаккасида

уч-тўрт оқ тола пайдо бўлган. Гарчи севгида омади юришмаса ҳам, у умрини беҳуда ўтказгани йўқ. Ўн йилликни битириб армияда уч йил фуқаролик бурчини шараф билан ўтаб келган, кейин ўқишга кирган, ўқишни яхши баҳолар билан тутатган, ҳозир аспирантурада. Бу томондан тили қисиқлик жойи йўқ, йигитмисан йигит, бир жонон, санамараста қизга йўлиқса уни ҳижолатта қўймайди.

Шу орада Насиржон Назокатхон исмли бир қизга дуч келади. Энди у ўзида йўқ шод, аммо қиз нобоп бўлиб чиқади, «кўзи қонга тўлиб турган» Насиржон унинг нуқсонларини эмас, нуқул яхши томонларини кўради, пировардида қиз Насиржонни ноҳақ йўлга бошлайди, йигит эса у йўлга юрмайди, бунга йигитнинг вижданни йўл қўймайди, шу тариқа йигит севгиси барбод бўлади. Маълум бўляптики, бу ҳикояда ҳам ёзувчининг кўпчилик ҳикояларига хос маънавий поклик, ижтимоий бурч масаласи қўйилган, аммо масалани бошқача тарзда — юмористик плацда ҳал этган.

Кейинчалик ёзувчи ҳикоя ёзмай қўйди, романнависликка ўтиб кетди, аммо ҳикоячиликда ортирган тажрибалари романда катта иш берди, ҳикояларда шакланган услубий хусусиятлар романларида яна ҳам такомиллашди, ҳикоячиликдаги машқлар унинг ilk романи «Шинелли йиллар»нинг қиёмига етишида аҳамият касб этди.

* * *

«Шинелли йиллар» адабиётшуносликда дурустровқ таҳлил этилган эмас. Бу роман устида гап боргудек бўлса, адабиётчилар умумий мулоҳазалар айтиш ёки ундан нуқсон қидириш, уни «семизлик касали»га мисол қилиб кўрсатиш билангина чекланадилар. Тўрри, «Шинелли йиллар» нуқсонлар-

дан холи эмас, у муаллифнинг роман жанридаги биринчи тажрибаси, аммо илк тажрибанинг оқибати ёмон бўлмади. «Шинелли йиллар» ҳарбий-ватанпарварлик адабиётининг яхши намуналари қаторидан ўрин олди, роман ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта нашр этилди.

Шуҳрат ўз олдига ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини, қардош халқлар вакиллари билан ҳамкорликда фашизмга қарши олиб борган оғир, аммо шонли курашини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»да таъкидланганидек, уруш даврида ўзбек халқи ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсатди, бошқа қардош халқлар билан қўлга қўлни бериб, Ватан мудофааси учун жонбозлик қилди, жаҳонни фашизм қуллигидан қутқазишда бевосита иштирок этди. Табиий, ўзбек ёзувчиларида бу буюк миссия миллий фурур үйғотди. Улар Ватанимиз халқарининг миллий фурурини ҳам ўзига қамраб олган ватанпарварлиги кучини ўз асарларида намойиш этдилар... Шунинг учун ҳам Қаҳрамонликни куйлаш ўзбек ёзувчилари бу давр ҳақида ёзган асарларининг асосий мазмунини ташкил этади¹. Бу фикр «Шинелли йиллар»га ҳам тегишли.

«Шинелли йиллар»ни роман-хроника деб аташ мумкин. Асар асосида ўзбек йигити Элмурод тақдиди ётади. Элмурод образи асарда композицион марказ ролини ҳам ўтайди, романдаги барча персонажлар, ҳодисалар шу образ билан алоқадор ҳолда берилади, ёзувчи Элмуродни урушнинг бошидан то охирига қадар олиб ўтади, бу образ саргузашлари орқали ёзувчи жанг хроникасини беришга, урушнинг турли босқичларидаги вазиятни кўрсатишга муваффақ бўлади.

¹ Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки. - Тошкент: Фан, 1962. - 839-840-бетлар.

Элмурод ва унинг сафдошлари билан бирга биз дастлаб уруш арафасидаги вазиятдан огоҳ бўламиз, сўнгра қўққисдан бошланган уруш, юртдаги ҳаяжон ва ғазаб, урушнинг дастлабки пайтларидағи муваффақиятсизликлар, мудофаага ўтиш, секин-аста қадни ростлаб олиш, ундан кейин ҳужум, ҳужум ва яна ҳужумлар, зўр матонат билан ҳамда қурбонлар эвазига қўлга киритилган ғалабалар, она юртдан душманни супуриб ташлаш, ўзга юртларни ёвуз душман чангалидан халос этиш учун олиб борилган курашлар, Берлин остонасидаги шиддатли жанглар ва, ниҳоят, улқан ғалаба, тинчликнинг дастлабки кунлари, рейхстаг қуббасига зафар байроғини қўндириб, она юртга – тинч ижодий меҳнат қучоғига қайтиш – буларнинг барчаси бирин-кетин кўз олдимиздан ўтиб боради. «Шинелли йиллар» жанг кўрган ёзувчининг қаламига мансуб, шунинг учун ҳам унда тахминийлик, мавхумлик йўқ, жанг манзаралари, ҳарбий ҳаёт тасвири ниҳоятда аниқ, ҳаётний ва ҳаққоний. Романинг бу фазилатини атоқли адабиётшунос Иzzат Султонов ҳам мамнуният билан қайд этган эди¹.

Умуман, романда воқеалар тасвири яхши чиқкан, ёзувчининг диққат-эътибори биринчи галда ҳодисаларга қаратилган. Асарни роман-хроника деб атапимиз ҳам шундан. Шу билан бирга муаллиф асарда бир қатор ёрқин характерлар яратишга ҳам муваффақ бўлган.

Гапни Элмуроддан бошлайлик. Элмурод романга фақат ҳодисаларни қайд этиш учунгина киритилган эмас. Бу образнинг бошқа гоявий-эстетик функциялари ҳам бор. Ёзувчи бу образ орқали ўзбек халқининг бўй-бастини, камолотини кўрсатмоқчи, севги ва оиласа оид масалаларни ёритмоқчи, уруш

¹ Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки. – 844-бет.

дахшатларини фош этмоқчи бўлади. Элмурод образи асарга тайёр, шаклланган ҳолда кириб кела-ди, роман давомида унда айтарли ўсиш, ўзгариш сезилмайди. Унинг таржимаи ҳоли ҳам оддий – инқилобдан икки йил бурун туғилган, отаси косиб ўтган, мактабда ўқиган, институтни тутатиб, ўз хо-хиши билан армияга отланган, кечаги педагог бу-гун солдат. У кўп нарсани билади, ҳарбий машқ-ларни аъло даражада адо этади, у ахлоқ-одобда ҳам, хусну жамолда ҳам баркамол йигит.

Элмурод ҳаётининг худди шу палласида китоб-хонга рўпара бўлади. Орадан кўп ўтмай уруш бош-ланади. Элмурод жангга отланади, бало-офтатлар билан юзма-юз тўқнашади, у ҳар қандай вазият, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини кўрсатади, юксак ахлоқий фазилатлари, олижаноблиги, дўстла-рига меҳрибонлиги, тиришқоқлиги, билағонлиги, тадбиркорлиги билан ажralиб туради. Мана шу хислатлари туфайли у оддий солдатликдан коман-дирликка кўтарилади, мукофотлар билан тақдир-ланади, сафдошларининг хурматига сазовор бўла-ди. Элмурод худбин Мурзиннинг, нигилист Бондар-нинг, сoddадил Турдиевнинг қайта туғилишида, ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олишида кўмаклаша-ди, уларга маънавий таъсир кўрсатади.

Элмурод нуқул иши ўнгидан келаверадиган омадли одам эмас, у ҳаётнинг талайгина тўсиқла-рига дуч келади, урушнинг шафқатсиз қонунияти унинг бошига ҳам кўп кўргиликлар солади, душ-ман қуршовларида қолади, саргардонлик азобра-рини чекади, душман тифидан жароҳатланиб, ўлим билан юзма-юз тўқнашади, уруш энг азиз нарсаси – севгиси ва севгилисидан жудо этади.

Хусусан, асарда Элмуроднинг севги тарихи жо-зибадор ҳамда ҳаяжонли чиққан. Қаҳрамон ха-рактери, қалби севги тасвирида бирмунча дуруст

очилган, муаллиф қаҳрамоннинг севги тарихини зиддиятлари, мураккаблиги билан беришга эриш-ган. Элмурод бир вақтлар Муҳаррам исмли қиз билан дўстлашган, унга меҳр қўйган, аммо йигит дил розини айтишга улгурмай қолган, бундан бе-хабар қиз бошқа бир йигиттга турмушга чиққан. Элмурод армияда эканида бу воқеадан хабар то-пади ва қаттиқ изтиробга тушади. Шундай руҳий изтиробда юрган кезлари яна бир кўнгилсиз ҳоди-са устидан чиқиб қолади: Муҳаррамнинг эри Ра-шидга дуч келади. Рашид унинг қўл остига хиз-матга келади; Рашид Элмурод билан Муҳаррам орасидаги муносабатдан бутунлай бехабар, у ни-хоятда ёқимтой, дилкаш йигит, одамларга, хусу-сан, Элмуродга жуда меҳрибон, уни ўзига яқин олиб юради. Бунинг устига Муҳаррам аввалги илиқ муомаласини тарқ этмайди, Элмуродга дўстлик туйгулари билан тўлиб-тошиб хатлар ёзишини кан-да қилмайди. Буларнинг барчаси Элмуродга ҳақорат бўдиб туюлади, йигитлик фурури жўш уради, пой-мол бўлган муҳаббатининг дардли хотиралари унинг қалбига тинчлик бермайди, унда Рашидга нисбатан қандайдир кек, рашқ пайдо бўлади. Ёзу-чи худди «Баҳриниса», «Ҳикоятхон» ҳикоялари-дагига ўхшаб кетадиган вазият яратади; «рақиб-лар»ни фоят кескин, қалтис дамларда, ўч олиш учун қулай вазиятда тўқнаштиради, китобхон жиддий ҳолат юз беришини кутади, аммо оқибат бошқача бўлиб чиқади, ана шу қалтис дамда инсоний бурч ғолиб келади, рақиб жафокаш рақибига ҳиммат қўлинни чўзади, олижаноблик қиласи – Элмурод кўнглида фулу қиласи бадбин туйгуларни енгиб, кек билан рашқни бир ёққа йиғишириб қўйиб, жа-роҳатланган Рашидга мадад қўлинни чўзади, гина-кудуратларни унутиб, Муҳаррам билан дўст тути-нади.

Элмуроднинг иккинчи севгиси – Зебо билан муносабатлари тасвири ҳам юят жозибадор. Элмурод фронтда эканида озар қизи Зебо билан танишади. Ёзувчи улар орасида туғилган соғ севгини зўр эҳтирос билан поэтиклаштиради. Зебо образи тасвирида ёзувчи романтик бўёқни ишга солади. Зебо ҳусну малоҳатда, одоб-ахлоқда тенгсиз қиз. У Элмуродни бутун вужуди билан севади, бу севги йўлида у ҳамма нарсага тайёр. Шу севги деб қиз жангларга боради, ўзини оловга уради, ҳалокат ёқасида ётган Элмуродни қутқаради. Элмурод билан Зебо орасидаги шу жўшқин севгининг оқибати ҳам фожиали: Зебо Элмуроднинг ўлими ҳақидаги сохта хабардан ўзини қўярга жой тополмай, интиқомга тўлиб турган бир пайтда душман ўқидан ҳалок бўлади; Элмуроднинг ҳаёт экани ҳақидаги хабардан огоҳ бўлолмай, Элмуроднинг меҳр тўла мактубини ўқиёлмай оламдан кўз юмади.

Шу ҳодисалар тасвири кишини ларзага солади. Элмурод билан Зебонинг бу аччиқ севги қиссаси уруш ҳақидаги зўр айнома, урушта қарши зўр норозилик ифодаси бўлиб янграйди. Шунингдек, Муҳаррам билан Рашид орасидаги севги тарихида ҳам шундай рух бор. Рашид Муҳаррамни нақадар севар эди, Муҳаррамнинг ҳам унга меҳри зўр эди, улар атиги уч ойгина турмуш қурдилар, уруш уларнинг баҳтиёр ҳаётини издан чиқаради, бир-биридан жудо этади, Рашид жангга отланади, жангда оғир ярадор бўлади. Муҳаррамдаги зўр меҳр уни Рашид томонга бошлаб боради, ташна қалблар яна учрашади, улар висол оғушида бир дамгина ҳаловат кўрадилар, аммо бу узоқча бормайди, Рашид Муҳаррам қўлида жон беради, ҳаётга, севгига ниҳоятда ташна қалб уришдан тўхтайди. Шу ҳодисалар ҳақидаги битувларни титрамасдан ўқиш мум-

кин эмас! Киши қалбида ўз-ўзидан урушга қарши ғазабкор нидо отилиб чиқади.

Романда яратилган ёрқин характерлардан – бири Турдиев. Турдиев ҳам қаҳрамонона характер, аммо ёзувчи унинг бисотини очища үзгача йўлдан боради – қувноқ юморни ишга солади. Турдиев – «қуёш сели ҳансираган ўлкадан келган бўшгина йигит», унинг дурустроқ билими ҳам, тажрибаси ҳам йўқ. Бирдан у урушнинг даҳшатли гирдобига тушшиб қолади, «бир ҳафталик бомбардимон қалбини кийикдай ҳуркович, симобдай бетинч» қилиб кўяди, осмонга самолёт чиқдими, бас, ранги ўчиб, кўзини ундан ололмайди, тиқ этган товуш эшитса, дарҳол бошини буркаб ётиб олади. Агар ўқ узиш лозим бўлиб қолса, кўзини чирт юмиб отади. У ирим-чиримларга ўлгудек ишонади, осмонда юлдуз учса кимнингдир жони узилди, деб юзига фотиҳа тортади, бало-офатлардан сақлайди, деб тумор тақиб юради. Рус тилини чалакам-чатти қилиб гапиради, ҳодисалар ҳақида жуда содда мушоҳада юритади. Бу сифати, қиликлари билан у сафдошларига анча вақт калака бўлади.

Ёзувчи қаҳрамондаги бу қусурлар учун уни кескин қораламайди, балки беозоргина чимдид ўтади, қусурлар учун айни унинг оиласвий-тарбиявий муҳитига йўяди. Дўстларининг меҳри, таъсири остида Турдиев секин-аста ўзгара бошлайди, у фронт муҳитига кўнига боради, уруш даҳшатлари унинг кўнглидаги қўрқув, власвасаларни қувиб чиқаради, бора-бора унда душманга нисбатан зўр ғазаб, катта жасорат пайдо бўлади. У душманга қарши ҳамлалар қиласди, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатади, чаққон, ёвқур жангчи сифатида катта шуҳрат қозонади, эл оғзига тушади. Қаҳрамонда юз берган бу фавқулодда сифатлар китобхонда унга нисбатан илиқ меҳр, қувноқ табассум уйғотади, кечаги бўш-

баёв йигитнинг бугунги жасоратини кузатган китобхон беҳад қувонади. Энди Турдиев таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, аммо характеридаги бир сифат – соддадиллик ҳамон сақланиб қолган. Шу сабабли у кўрсатган жасоратлар ҳам китобхонга бир оз ғайритабиий, кулгили бўлиб туюлади: унинг сув қидириб келган немисни асир олиши ҳам, уйларга ўт қўйган ёвни қувфин остига олиши ҳам, душман пулемётчисини ўлдириб, пулемётини ишга солиши ҳам, қонхўр бир газанда билан сувдаги олишуви ҳам – бу хил жасоратларнинг барчаси комик тарзда берилади.

Турдиевнинг хатти-ҳаракатлари қаҳрамонона ва кулгили, тақдири эса ғоят аянчли ва фожиали. Гўдаклик чоғидаёқ унинг бошига зўр кулфат тушган, ота-онасидан фуқаролик уруши йиллари жудо бўлган, синглиси Мастура эса бедарак йўқолган. У аммасининг қўлида кўп қийинчиликлар билан вояга етади, умр бўйи синглисини қидиради. Урушда кўп кўргиликлар кўриб, қаҳрамонликлар кўрсатиб, Берлинга етай деганда, қидира-қидира синглиси Мастура бўлиб чиқади), оғир ярадор бўлиб қолади, синглиси қўлида жон беради – урушнинг яна бир даҳшатли, мислсиз жинояти кўз олдимизда намоён бўлади!

Романдаги бошқа бир образ – Бондар тақдири тасвирида ҳам муаллиф худди шу хил ғояни илгари суради, Бондар ҳам жанговар сафдошлар орасида қайта тарбияланади, онгли, мард курашчига айланади, уруш туфайли энг азиз бисотидан – оқ сут берган онасидан жудо бўлади. Бу образ ҳам комик планда талқин этилади. Бироқ бу ердаги юмор бошқачароқ, бир оз кескинроқ. Бондар учар йигитлардан, у ёшлигига қаллоб одамлар орасига тушиб қолган, қинғир йўлга кириб кетган, онасини,

она юртини ташлаб шаҳарма-шаҳар дарбадар кезади, ўририк қилиб кун кечиради, бир неча бор қамалиб чиқсан. Мана у ҳозир жанговар сафда. Энди у бир оз одам ҳолига келиб қолган бўлса-да, табиатига сингиб кетган иллатлар йўқолиб битмаган, қачон қарасанг тараллабедод, хурсанд, хушчақчақ, текканга тегиб, тегмаганга кесак отади, қалтис ҳазиллар қиласи, оғзига боди кириб, шоди чиқади, кишиларнинг ғашига тегиш билан завқланади, тутуриқсиз латифалар ижод этиб, ҳамманинг энсасини қотиради. Пайти келиб қолган жойда ўғирлик қилиш, бузук ишларга юришдан ҳам тоймайди.

Ватан озодлиги йўлида буюк жанг мана шундай тараллабедод, бекарор одамнинг ҳам кўзини очади, секин-аста унда одамийлик хислатлари жонлана боради, у ўзининг одамлар олдидаги, она юрт, оқ сут берган она олдидаги масъулиятини ҳис эта бошлайди. Она юрти Украина га яқинлашар экан, унинг қалбида зўр инсоний туйғулар жўш уради, туғилиб ўсган масканига, она қархисига сабрсизлик билан талпинади. У командирнинг: «Дам ол, қаёққа кетяпсан, юзингда юз қолмабди», – деган сўзига: «Украинамга келгандами? Йўқ. Унинг тупроғига оёқ босиб турсам товонимдан қувват юрагимга ўтаверади, толиқмайман. Украинамга кириб боролмай йўлда йиқилиб қоламанми, деб ташвишда эдим. Энди армоним йўқ», – деб жавоб беради. Ана кечаги беватанинг сўзи! Бондар бир вақтлар ўзи хўрлаб ташлаб кеттан онаси ҳузурига мусаффо бўлиб қайтиб келган. Энди онаси оёғига бош уриб афв сўрамоқчи, унинг кўнглини олмоқчи, фарзандлик садоқатини ўтамоқчи. Бутун фожиа шундаки, у, тавбасига таяниб, соғиниб, энтикиб онам деб эшик қоқиб келганда, она йўқ, у йўқлик дунёсига қайтмас бўлиб кетган, партизанлар билан алоқада

бўлгани, солдатларни уйида сақлагани учун фашистлар томонидан осиб ўлдирилган. Она энди фарзанд нидосини эшитмайди, энди унга ҳеч нарса керак эмас: на меҳрибонлик, на кўз ёши, на фарзандлик садоқати... Бондарнинг шу топдаги руҳий ҳолати, қалб изтироби ниҳоятда ҳаяжонли тасвир этилган.

Романда эътиборга сазовор образлардан тағин биттаси Мурzin. Мурzin тимсолида биз инсон табиатининг мураккаблигини, инсон характерини қайта тарбиялаш нақадар мушкул иш эканини яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Мурzin табиатидаги қусур Турдиев ёки Бондарнига қараганда хатарлироқ. Мурzin ҳам енгилтак, ҳам худбин, у ҳамиша ўзим бўлай дейди, доимо шухратга интилади. Худбинлик ёшлик пайтидаёқ унинг онгига жо бўлиб қолган. Бу қусур ўрта мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ унга панд берган, эндики қалтис дамларда — уруш даврида эса бу қусур уни ғоят хатарли йўлларга бошлайди. Бир оғир жангда бошқаларнинг ҳаёти эвазига ўз жонини омон сақлаб қолади, яна бир жангда донг қозонаман деб бутун бошли бўлинманни ҳалокатга гирифтор қиласди.

Турдиев билан Бондар характеридаги эволюцияни очишда ёзувчи, асосан, муҳитнинг улар онгига қўрсатган таъсирини таъкидлаш, муҳит таъсирида улар онгида юз берган ички руҳий жараёнларни кўрсатиш йўлидан боради. Турдиев билан Бондар характеридаги камчиликлар шундайки, улар ғоявий тўқнашувлар даражасига бориб етмайди, улар, асосан, муҳит таъсирида «ўз ёғлирига ўзлари қоврилиб» қатрондан ўтадилар. Мурzin образида эса ёзувчи бошқачароқ иш кўради. Мурzin табиатидаги қусур бошқаларнинг қаршилигига ҳам дуч келади, Мурzin ижобий қаҳрамонлар билан тўқнашувларда ҳам кўрсати-

лади. Ҳаммадан бурун Мурzin Элмурод билан келишолмайди, Элмуроднинг сафдошлари орасидаги обрў-эътиборини, шухратини кўриб куюнади, аёлларнинг унга зўр симпатиясини сезиб ҳасад қиласди, Анна Ивановнага меҳр қўйиб ундан рад жавоби олгач, буни ҳам Эдмуроддан кўради, ундан қасос олиш пайига тушади, Элмуродга кўп марта даҳанаки ҳамлалар қиласди. Элмурод ҳам бўш келмайди, унинг ҳамлаларини мантиқ кучи билан даф этади. Ана шундай тўқнашувлардан бирида Элмурод Мурзиннинг афти ангорини жуда боплаб очиб ташлайди. «Демак, сен ёлғиз шухратпараст эмассан, худбинсан ҳам, — дейди Мурзинга, — ҳамма касофат мана шунда. Шунинг учун сен қалбинг билан командир эмассан. Меҳмонга келган кишидек иззат-хурмат талабсан. Сенинг жиндак ишингни ҳам кўкка кўтариб мақтасалар, кўз-кўз қилсалар, минбарга таклиф қилсалар, учрашувлар ўтказсалар, газетада суратларинг чиқса, номингни қуюқ ўқлоғдай йўғон ҳарфлар билан ёзсалар. Сен шуни унутма! Биз шухрат учун яшамаймиз, бу учун яшаш керак эмас. Биз виждан бурчини ўтасак бас. Биздан кейин қолганлар ва келадиганлар «инсон эди, инсондек яшаб, ўз бурчини ўтаб кетди» десалар бўлгани. Шон-шараф учун яшашнинг нима кераги бор! Сен шухрат учун курашма, шухрат сенинг ишингдан келиб чиқсин».

Афсуски, Элмурод билан Мурzin орасидаги тўқнашув метьёрига етмай қолган, изчиллик билан давом эттирилмаган. Мурzin симобдек бекарор шахс, у неча бор тавбасига таянади, тузалиб яна бузилади. Элмурод унга кўп марта дуч келади, ҳар сафар уларнинг ғоя ва интилишлари бир-бириникига зид бўлиб чиқади, аммо улар орасидаги зиддият асар охирига томон кескинлашиб бориш ўрни-

га сусайиб, сўниб боради, улар орасидаги конфликт бадий туталликка эга эмас.

Романда хилма-хил ҳодисалар, саргузаштлар роят кўп бўлишига қарамай, ёзувчи уларни ягона ўқ атрофида бирлаштиришга муваффақ бўлган, аввал айтганимиздек, бош қаҳрамон Элмурод асарда шундай ўқ ролини ўтаган. Турдиев, Анна Ивановна (Мастура), Бондар, Мурзин, Рашид, Муҳаррам, Зебо ва бошқа қатор персонажларнинг қисмати турли-туман йўллар билан Элмурод ҳаёти ва фаолиятига улаб юборилган.

Ёзувчи ҳар бир қаҳрамон фаолияти ва саргузаштини қизиқарли қилиб кўрсатишга интилади, бир қаҳрамон билан борлиқ воқеани қалтис нуқтасида узиб қўйиб, бошқасини бошлаб юборади, баъзан ҳодисани сирли тарзда бошлаб, бу сирни узок вақт ошкор этмай, китобхон қизиқишини оширади. Чунончи, Турдиев билан Анна Ивановна саргузашти тасвирида шу усул қўлланган. Улар бир-бirlарига дуч келиши биланоқ, орада қандайдир сирборлиги мълум бўлади, лекин сирни ёзувчи жуда кўп қалтис вазиятлар, интизорликлардан кейин мълум қилади.

Ёзувчи сюжет қуришда тасодифлардан кенг фойдаланади, лекин бунда бир оз ошириб юборади. Чунончи, Элмуроднинг рақиби Рашид тасодифан унинг қисмига тушиб қолади, Муҳаррам ҳам тасодифан жангда Элмуродга дуч келади, Муҳаррам тасодифан Элмуроднинг севгилиси Зебо билан учрашади. Зебо урушда неча бор тасодифан Элмурод олдидан чиқиб қолади, Турдиевнинг Анна Ивановна билан учрашуви ҳам, Мурзин асирилidan қайтганда Анна Ивановнанинг отаси томонидан сўроқ қилиниши ҳам тасодиф ва ҳоказо. Қаҳрамонларнинг бу хилда ҳадеб бир-бирига тасодифан дуч келавериши қисман бўлса-да, роман

воқеаларининг ҳаётлигига путур етказган, иккинчи жаҳон урушининг майдон кўлами ниҳоятда кенг эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, ёзувчи қўллаган усульнинг заиф томони яна ҳам аниқ бўлиб қолади.

«Шинелли йиллар» ёзувчининг роман жанридаги илк қадами эди, муаллиф унда ҳаётнинг кенг манзарасини чизишга, йирик характерлар яратишга, инсонлар тақдиди ҳақида ҳикоя қилишга уриниб кўрди. Бу соҳада мълум муваффакиятларни қўлга киритди. Аммо ёзувчими ҳали реалистик тасвир маҳорати чўққисига кўтарила олди, дея олмаймиз. Ёзувчи асарда кўпгина ёрқин картиналар чизади, қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилади, лекин воқеалар моҳиятини бадий таҳдил этишга, характерлар фалсафасини очишга келганда тажрибасизлик қилиб қолади; романдаги кўпчилик воқеалар, тафсилотлар шунчаки ахборот тарзида келтирилаверади, улар ҳаёт ҳақиқатининг бадий тадқики учун, характерлар моҳиятини очиш учун хизмат этмайди. Ёзувчи асарнинг ҳамма персонажларига ҳам муносиб ғоявий-бадий юк топиб бера билмайди, хусусан, романнинг бош қаҳрамони мана шу жиҳатдан бирмунча оқсайди. Гарчи Элмурод характери ва тақдиди тасвирида ёзувчи баъзи масалаларни кўтарган бўлса ҳам, бу салкам олти юз саҳифалик романнинг бош қаҳрамони учун кифоя қиларли эмас. Элмурод образида улкан романбоп яхлит ғоявий-эстетик проблема етишмайди, бу образнинг ғоявий-эстетик функциясидан кўра композицион восита сифатидаги функцияси кучли.

Ёзувчи кейинги романнда бу хил қусурлардан кутулишта жазм қилди.

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС...

Ишқинга ёнмасам жонимдан кечиб,
Жангларда душманнинг емириб, янчид,
Диёрим, меҳрингни шон билармидим.

* * *

Олтин ўтга, инсон меҳнатда,
Ишқ ҳижронга синалар экан.

Роман таҳлилига ўтишдан олдин асарнинг ижодий тарихи хусусида гапириб ўтсан. Ўттан асрнинг ўрталариға келиб Салин қатағонлари расман қоралган, қатағон қурбонлари оқланган, жумладан, 50-йиллар бошларида ҳибсга олиниб, борса-келмас Гулаг ороллариға бадарға этилган Мақсуд Шайхзода, Сайд Аҳмад, Шукрулло, Шухрат каби адиллар эркинликка чиққан, ижодга қайттан, асарлари босилиб турган бўлса-да, тоталитар режимнинг мудҳиш сиёсати туғдирган қўрқув салтанати ҳамон улар кўнглига ваҳм солища давом этарди. Шахсан ўзим 50-йиллар охирларида Сайд Аҳмад ақа, Шухрат акалар билан яқиндан танишиб, бора-бора дўстлашиб, сирдошга айланган бўлсак ҳам, давраларда лагер ҳаётидан сўз кеттанида улар очилиб-ёзилиб гапиришга ботинолмас эдилар. «Нега бу мавзуда ёзмайсиз?» – деб сўраганимда, Сайд Аҳмад ақа: «Дардимни янгилашдан қўрқаман», – дер, Шухрат ақа эса: «Пайти келиб қолар», – дея ҳаёлга толарди.

Шукрулло Гулаг оролларида кўрган-кечирганларини 35 йил, Сайд Аҳмад ақа эса 45 йил ўтгандан кейингина қаламга олишга журъят этди. Қаҳрамон адабимиз Сайд Аҳмад лагер ҳаёти ҳақидаги «Сароб», «Борса келмас дарвозаси» ҳикоялари эълон этилиши муносабати билан 2000 йил 5 майда менга

йўллаган, «Халқ сўзи»да чиққан очиқ хатида чукур изтироб билан мана бундай деб ёзган:

«Азизим, Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда «Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!» деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.

Мана, «Борса келмас дарвозаси»га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураёттанимда бошим айланиб, ўтириб қолдим...

Биламан, бу инсульт остонасидағи ҳолат.

Беш кун кечаю кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

«Сароб» деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим... «Сароб» да ҳам лагер, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундок бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим...»

Мақсад Шайхзоданинг айрим шеъларида бошдан кечган ўша қора кунлар ўқинч билан тилга олинса-да, у ҳақида маҳсус асар ёзишига улгурмади, 1967 или у бу фоний дунёни тарқ этди. Ўлимидан бир ҳафтача бурун устоз Озод ақа билан хастахонага борганимизда, у киши билан ўтказган бир умр эсдан чиқмайдиган мароқли сұхбат чоғи, табиийки, лагер ҳаёти, у ҳақидаги асарлар устида ҳам гап кетди; шунда бу аллома: «Эҳтимол, соғайсам бу мавзуда бирор нарса ёзарман. Мабодо улгурмасам, армоним йўқ. Ҳар ҳолда Шухрат «Олтин зангламас»да менинг ҳам қисматимни, дардимни ёзди-ку», – деган эди.

«Новый мир»нинг 1962 йил ноябрь сонида А. Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қис-

саси эълон этилганда уни илк бор Шуҳрат аканинг кўлида кўрган эдим. Журнални менга ўқишга бера туриб. «Мана энди вақти келди. Сиз мени кўпдан қистовга олган нарса рўёбга чиқадиган бўлди; энди лагер ҳаётидан бирор нарса ёзмасам туролмайдиган ҳолатта етдим. Ҳаммасини ўйлаб, миёда пишишиб қўйганман. Мен ёзадиган нарса Солженициннидан тамомила бошқача бўлади», – деди ўзига хос қатъият билан.

Адид 1963–64-йиллар давомида бўлғуси роман устида шиддат билан ишлади, уни икки йилдан сал ортиқроқ муддат ичида ёзиб тутатди. Асар 1965 йилнинг илк баҳор кунларида Ёзувчилар уюшмасида муҳокамага қўйилди. Қатағон воқеалари, лагер қийноқлари ҳақида бу қадар ошкора ва мардона битилган асар қандай баҳоланар экан, деган вахм муҳокама қатнашчилари, хусусан, биз каби ёшлар кўнглини ғаш қилиб турарди. Муҳокамада биринчи бўлиб Абдулла Қаҳҳор сўз олди. Бу талабчан улур сўз санъаткори ҳар бир чиқишига, жумладан, асар муҳокамаларига ҳам пухта тайёргарлик кўтар, айтадиган гаплари тезисларини қоғозга тушириб олар, сўзга чиққанида ўша қоғоздаги қайдларга қараб олиб гапиради. Адиднинг уй-музейидаги архивида шундай нутқларининг қоғозга туширилган айрим қайдлари сақланган. Мен ушбу «Олтин зангламас» ижодий тарихига оид тадқиқотга тайёргарлик кўриш асносида архив ашёларини титкилаб кўрдим, афсус, қидирган нарсамни тополмадим. Эҳтимол, у бирор жойда тургандир. Не қиласримни билмай юрганимда, «Шарқ юлдузи»нинг «Олтин зангламас» романни охирги қисми босилган сони орасидан муҳокама чоғи Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор айтган гапларнинг энг муҳим жойларини ўзим ёзиб қўйган блокнот варакларини топиб олдим. Мана, ўшанда Абдулла Қаҳҳор нималар деган:

«Мен анчадан бери ўзбек адабиётида айни шундай асар пайдо бўлишини, уни эса культ даври воқеалари атрофида эмас, ичида юрган қаламкашлар ёзиб беришини кутардим. Культ даврида авж олган кўркув туйғуси бунга йўл бермай келди. Шуҳрат қисматдошлари ичида биринчилардан бўлиб ана шу кўркув-ваҳмни енгиг ўтолди. Муҳокамага қўйилган «Олтин зангламас» романни билан у катта ижодий жасорат кўрсатди».

Абдулла Қаҳҳор сўзлари муҳокамага алоҳида рух бағишилади. Асқад Мухтор ва бошқа сўзга чиққанлар уни қўллаб-қувватладилар. Жумладан, Асқад ака шундай деган эди: «Халқ душманлари киму, ўзларини совет тузуми посбонлари деб кўкрагига урганлар ким – Шуҳрат ўз романнда уларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб берган».

Асарнинг кам-қўстлари ҳақида одил, эсда қоладиган гапларни ҳам айни шу икки аллома айтди. «Асар тили жўшқин, халқона, мақолу маталларга бой. Аммо, – дега давом этганди ўшанда Абдулла ака, – Шуҳрат халқ мақолларини яхши билишини кўрсатиб қўйиш учун бўлса керак, тоҳо уларни ўринли-ўринсиз келтираверади». Устоз адиднинг яна бир мулоҳазасини ўқиб кўринг-а: «Романинг айрим ўринлари қовоғари чаққандек шишиб турибди. Ўша жойларига шўрпаҳта босиб шишлир қайтарилса, асар чиройи яна ҳам очилиб кетарди». Ниҳоятда ўринли, эътиrozга ўрин қолдирмайдиган бу хилдаги образли гапларни фақат Абдулла Қаҳҳоргина айтиши мумкин эди.

Шундай қилиб, «Олтин зангламас»га оқ фотиҳа берилди. Шуҳрат ака муҳокамада билдирилган мулоҳазалар бўйича роман матнини бошдан-оёқ бир кур кўздан кечириб, уни журналга тақдим этди. «Шарқ юлдузи»нинг ўша йилги 7–8-сонларида биринчи ва иккинчи қисмлари эълон этилди, улар

дарҳол одамлар оғзига тушди, журналнинг ўша сонлари қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўқувчилар асар давомини интизорлик билан кутарди. Шунда бирдан кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. «Шарқ юлдузи»нинг навбатдаги 9-сони «Олтин зангламас»сиз чиқди. Мухлислар, эҳтимол, галдаги сонларида чиқар, деб кутишди: йўқ, ўнинчи, ўн биринчи сонларида ҳам чиқмади. Журнал таҳририятига, адаб хонадонига телефон орқали қўнфироқ қилувчиларнинг кети узилмасди. Эл орасида ваҳимали миш-мишлар тарқалди – бирор кор-хол юз бергани аниқ. Дарҳақиқат, бу тасодиф эмас, маҳсус идора одамлари уюштирган фитна оқибати эди. Вазиятнинг чигаллиги яна шундаки, ўша кезлари Сталин қатағонларини фош этган бош раҳбар лавозимидан четластилиб, ўрнини турғунлик дояси саналмиш кимса эгаллаган ва у яқин ўтмиш жароҳатларини ҳар жиҳатдан хаспӯшлаш сиёсатини бошлаб юборган эди... Ўша пайтлари Шуҳрат аканинг афтодаҳол чехрасига кўзим тушиб эзилар, ҳатто «Нима гап?» деб сўрашга ҳам тилим бормасди. Лекин у ҳам бўш келмади, ғанимлар билан мардона кураш олиб борди, ўзининг ҳақлигини исботлашга тиришди, бу ҳаётмамот жангиде журнал бош редактори Ҳамид Фулом ҳам адаб ёнида туриб берди. Роман давоми бутунлай чиқмай қолса, ижодкор зиёлилар орасида норозилик юз беришини назарда тутиб, маҳсус идоралар охири ён берди. Муайян чекиниш, муросаю мадора билан бўлса-да, роман муаллифи охир оқибат ғолиб чиқди; роман учинчи қисмидаги бир қатор «қалтис ўринлари» таҳрир этилиб тузатиладиган, ижобий руҳда қаламга олинган чекист образи фаолияти кенгайтириладиган бўлди. Асар атрофига ортиқча шов-шувлар кўтармаслик бўйича кўрсатмалар берилиди. Ниҳоят, журналнинг охирги 12-сонида романнинг жиддий назардан ўтган учин-

чи қисми босилди. Ўқувчилар учун байрам бўлган бу асарни матбуот совукроқ қарши олди. У ҳақда икки-уч силликроқ тақриз чиқди, романнинг бош муаммоси бу ёқда қолиб, иккинчи даражали ўринлари, персонажлари устида андак баҳс бўлиб ўтди. Шунга қарамай, асарга қизиқиши тобора ортиб борди, у бир неча бор қайта нашр этилди. Бу ҳол юқори доирадаги масъул шахсларнинг ғашини келтиради. Орадан кўп ўтмай адаб журналдаги масъул котиблик лавозимидан кетди, жамоат ишларидан бутунлай четлаштирилиб, «эркин ижодкор»га айланди. Энгачинарлиси, «Олтин зангламас»ни қўлдан чиқариб доғда қолган кимсалар адабнинг галдаги романи «Жаннат қидирғанлар»га қарши ҳамлага ўтдилар. Жанжал тобора кескинлашиб, партия Марказий қўмитасида муҳокама қилиш даражасига етиб борди. Инсофли, адолатли оқил ижодкорларнинг қатый туриб олишлари туфайли бу роман ҳам аждаҳо комидан омон чиқди. Шуҳрат шеърияти, қисса ва бошқа романларини асло камситмаган ҳолда, дадил айтиш мумкинки, адабнинг миллий адабиётимиз равнақидағи энг муҳим хизмати, бош асари «Олтин зангламас» романидир. Бу романни билан у тарихдаги буюк миссиясини адо этди, биринчи бўлиб ўз авлоди, аниқроғи, қатағон қурбонлари бадиий биографиясини яратишга журъат этди ва бунга эришди.

Гоҳо оғзига кучи етмаган андишасиз кимсалар «Олтин зангламас» муаллифини «замонасоз»лиқда, «қизиллашиб кеттан»лиқда айблайдилар. Асар бош қаҳрамони Содик коммунист қилиб берилгани, уни босмачи Диловархўжага қарши қўйилгани учун муаллиф шаънига маломатлар ёғдирмоқчи бўладилар. Ҳозирги мустақиллик даври нуқтаи назаридан ёндашилса, бундай таъна-дашномларда қисман асос бор, албатта. Азизлар, ўзимизни гўлликка солмай-

лик, асар қайси даврда, қандай шароитда ёзилған лигини, журналда босилиш жараёнида бошига қандай савдолар тушганини унутмайлик! Ўша кезлари «Олтин зангламас» шу ҳолда чиқишининг ўзи ҳам бир мўъжиза эди. Ахир «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси политбюро томонидан шахсан Хрущевнинг қатъий талаби билан қабул қилинган қарордан кейингина журналда босилган. Солженициндеқ ўжар, қатъияти одам ҳам ўз асарини журналга мослаштириб, кескин ўринларини юмшатиб берган. Мана шу ҳол ҳам ўша кезлари вазият нақадар кескин эканлигини тасдиқлади. Ўзбекистондаги вазият ундан-да оғир эди. «Олтин зангламас» журналда босилгандан кейин орадан уч йил ўтиб чиқсан «Ёшлар билан сұхбат», «Тирик сатрлар» китоблари арзимас баҳоналар билан таъқибга учраб ўтда ёқилди-ку! «Олтин зангламас»даги «замонасозлик», «қизиллашиб» пардаси ортида турған мардана ҳақиқат – Сталин қатағонларининг, қамоқ ва лагер қийноқларининг бу қадар ошкора ифодаси – асардаги ўқувчилар кўзини очган, ларзага солган асосий жиҳатлар – ана шулар. Шуҳрат мана шу улкан жасорати билан ўзига мангу ҳайкал кўйди.

* * *

Шуҳрат иккинчи романи «Олтин зангламас»да «Шинелли йиллар»га қараганда анча илгарилаб кетди. «Олтин зангламас» романи билан, юқорида айтилганидек, муаллиф ўзбек адабиётида очилмаган кўриққа қўл урди, адабиётимизга янги мавзу-материал олиб кирди, мамлакатимиз ҳаётида юз берган 30-йиллар қатағони қурбонлари ҳаётини қаламга олди. Шунингдек, асарда севги ва оиласий муносабатлар проблемаси ҳам кўтарилади. Маълумки, «Шинелли йиллар»да ҳам бундай муносабатлар тас-

вири бор эди, ёзувчи бу ерда бу хил муносабатларга ҳам хийла кескин тус беради. Натижада «Олтин зангламас» ўткир проблематик роман бўлиб чиқди.

Романда кўтарилган проблемалар бевосита бош қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, тақдири орқали ифодаланган. «Шинелли йиллар»даги Элмуроддан фарқли ўлароқ, «Олтин зангламас» қаҳрамони Содик тақдири ҳақиқатан ҳам романга арзигулик. Унинг саргузаштларида китобхон учун ибратли жиҳатлар кўп. Ёзувчи Содикни ҳаётнинг гоят сермашаққат ва мураккаб йўлларидан олиб ўтади, унинг бошига кўп оғир савдолар тушади. Лекин Содик шунчаки жафокаш бир кимса эмас, у ҳаммадан бурун курашчан шахс. Қаҳрамон сермашаққат онларда ҳам тақдирга тан бериб қўя қолмайди. Аксинча, вижденига гард юқтиромайди, эзгу идеалларга содик қолади, шу идеал йўлида мардларча кураш олиб боради. Она юрт ўғлонининг эътиқоди – бу олтин, бўл олтин эътиқоднинг олижаноблиги, метинлиги, синовлардан голибона ўтиб тантана қилиши, яъни олтиннинг зангламаслиги бош қаҳрамон характерининг фалсафасини, романнинг асосий пафосини ташкил қиласи. Шу тариқа «Олтин зангламас» қаҳрамонлик романни ҳамdir. Унда қаҳрамонлик билан проблематиклик ажойиб тарзда уйғуналашиб кетади.

Қаҳрамонона рух асарнинг тасвир услубига ҳам таъсир кўрсаттан, ундаги тасвир жўшқин, кўтарики, романтик бўёқларга бой. «Олтин зангламас» бу жиҳатдан ҳам «Шинелли йиллар»дан фарқ қиласи. Адид «Шинелли йиллар»да ҳодиса ва характерларни холисона тасвирлашга, уларни ўз ҳолича беришга тиришган эди. Бу ҳол баъзан қисман лоқайдикка олиб келган, романда натуралистик тасвирларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлган эди. «Олтин зан-

ламас»да эса муаллиф ҳар бир ҳодисани бевосита қалб Қаъридан ўтказиб тасвир этади, ҳодисаларга тортинмай аралашаверади, уларга бўлган муносабатларини дангал баён этаверади. «Олтин зангламас»ни бемалол **шоир насри** деб аташ мумкин, ҳа, у шоирона, яъни шуҳратона битилган, худди шеърларида бўлгани каби, бу романда ҳам ҳиссиёт жилолари кескинлашган тарзда намоён бўлади, ёзувчи ўзи севган шахсларни астойдил ардоқлайди, тўлиб-тошиб шарафлайди, ўзига ёқмаган кимсаларни кескин қоралайди, аёвсиз савалайди, қаҳрамонлардаги хислатларни ҳам қуюқ бўёқларда бўрттириб беради.

«Шинелли йиллар»да характерлараро тўқнашувлар йўқ даражада, борлари ҳам бирмунча суст. «Олтин зангламас» эса, характерларнинг кескин тўқнашувлари, ўткир конфликtlар асосига қурилган. Романнинг асосий конфликтини бош қаҳрамон Содик тақдирни билан боғлиқ. Содик характери бевосита рақиблар билан тўқнашув ва олишувларда очилади, Содик шахсияти бой, қизиқарли ва ибратли бўлганидан асарнинг конфликтини ҳам мазмундор чиқкан. Зотан, «Олтин зангламас»нинг фазилатлари, унинг ютуқ ва камчиликлари конфликт қурилишида жуда яққол кўринади. Шунга кўра романни конфликт нуқтани назаридан таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Конфликт қуришда ёзувчи романчиликнинг азалий анъаналарига эргашади, детектив, саргузашт сюжет усталарининг тажрибаларига таянади, ижобий қаҳрамонларни яхшилик, салбий қаҳрамонларни ёмонлик тимсоли, улар орасидаги зиддиятни эса яхшилик билан ёмонлик орасидаги кураш тарзида талқин этади, ёзувчи сюжетни кўпроқ фавқулодда вазиятлар асосига қуради, сюжетда тез-тез сирли тугунлар ташлайди, воқеа ривожида кескин қай-

рилишлар ясайди. Гарчи роман сюжети ва конфликтинда ёзувчи шартли приёмларга мойиллик кўрсатса-да, шартлиликка маҳлиё бўлиб кетиб, баъзан ҳаёт ва характер мантиқига путур етказиб қўйса-да, ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш ёзувчининг бош муддаоси бўлиб қолади, адаб реализм адабиётининг муҳим талаби – тарихийлик тамойилига риоя қилади.

Асар сюжети ва конфликти шунчаки ёзувчи фантазиясининг маҳсули эмас, аввало, конкрет тарихий шароит ва шу шароитда юз берган маълум ҳаётини жараёнлар самарасидир.

Роман бош қаҳрамони Содик дастлаб 30-йиллар тарихий шароити фонида кўринади. У кўп эзгу нијатлар билан шаҳарга кўчиб келган. Бу ерда институтда ўқиётган укаси Қодирга қулай шароит яратиб бермоқчи, тирноқقا зор хотини Жаннатни докторларга кўрсатмоқчи, ўзи эса аспирантурага кирмоқчи. Асар воқеаси сирли танишувлардан бошланади, Содик шаҳарга келиб илк бор «сурма ранг дўйпили сертакаллуф киши» Мирсалимга дуч келади, Мирсалимнинг ҳимматига сазовор бўлади, укаси Қодир эса Мирсалимнинг қизи – атлас кўйлакли дилбар Азизага тўқнаш келади ва уни севиб қолади. Бу тасодифий тўқнашувларнинг тагида кўп гап бор.

Шу йўл билан ёзувчи икки оила – икки қутбни бир-бирлари билан туташтиради, туташтирганда ҳам бу икки оиласи ҳам дўст, ҳам душман қилиб туташтиради. Кейинроқ бориб Мирсалим Содик ва Содик оиласининг ашаддий ғоявий душмани ҳамда кушандасига айланади, унинг қизи Азиза эса Қодирга кўнгил қўяди, Содик оиласининг энг яқин меҳрибон кишиси, мададкори бўлиб қолади. Шу тариқа, ёзувчи китобхонни ҳаяжонга соладиган ўткир коллизия яратади.

Шундан кейин ёзувчи келгусида юз берадиган тўқнашувлар учун замин ҳозирлашга, аввало, Мирсалим шахсиятини таърифлашга киришади. Мирсалим Содикқа ўзини яқин олиб илтифот кўрсатар экан, бу тасодифий эмас, кўнглида туғилган маълум ўй-режалар уни шунга даъват этади, Мирсалим «илоннинг оёнини санаган одам», унингча, Содик шунчаки одамлардан эмас, «ахир, қўлидан бир иш келмаса, бир нарсасига ишонмаса, шундай шаҳри азимга келармиди», «бунинг, албатта, бир балоси бор. Ҳали кўтарилиши ҳам мумкин. Бугун ўқитувчи, эртага директор бўлмайди, деб ким айтади! Ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, ёрдамга муҳтож. Айни пайти».

Ҳа, Мирсалим ҳамиша ўз фойдасига иш кўради, бу гал ҳам шундай қиласи, айни пайтда Содикни тушовлаб олади, ёнгинасидан ҳовли-жой топиб беради, уйига чақириб меҳмон қиласи.

Содик тез орада мактабда обрў-эътибор қозонади, каттага ука, кичикка ака бўлиб олади, буни кўрган Мирсалим, бир жиҳатдан, ҳасад қиласи, иккинчи жиҳатдан, унга ўзини яна ҳам яқин олади. Бу икки шахс бир-бирига яқин келган сари улар орасидаги тафовут тобора яққолроқ кўзга ташланга беради, улар табиатидаги бир-бирига зид сифатлар тўқнаш келиб, орада секин-аста пинҳона жанглар бошланади.

Дастлаб Мирсалим Содикнинг оилавий аҳволини, бефарзанд эканини кўриб қувонади, бир қизга кўнгли тўлмай, ўғил армонида ёниб юрган бу одам дунёда ўзидан ҳам баҳти қора, худонинг қаҳрига учраган кишиларнинг борлигидан ўзига тасалли беради. Бироқ фарзанд боисидан Мирсалим хонадонида доим жанжал, тирноқка зор Содик хонадонида эса тотувлик. Бу ҳол Мирсалимнинг кўзига гайритабиий кўринади, фашини келтиради, у бу

оиланинг ит-мушук бўлишини кўргиси келиб қолади. Бирор ёқсан оловда исиништа мойиллик, ҳасадгўйлик Мирсалимнинг табиатида бор, ёзувчи буни аввалроқ эслатиб ўтган эди, энди у кучга киради.

Мирсалим ҳаракатларини фаоллаштириш учун асарда яна янги далиллар келтирилади. Мирсалим Содик оиласи билан яқин алоқа боғлар экан, яна бир нарсани назарда тутади, хотинига бу оиланинг баҳтсизлигини писанды қилмоқчи, «кўриб қўй, мана бунақа мушфиқ оиласалар ҳам бор дунёда» демоқчи, «бу билан ҳамиша хаётидан нолиб юрадиган хотинига ўз баҳтиёр турмушини таъкидлаб, уни миннатдор» этмоқчи бўлади. Мирсалимнинг бу хатти-ҳаракатларини адаб яна бир ишончли факт билан асослайди. Фарзанд хусусида бу одамнинг тили қисқалик жойи бор, бу оиланинг биргина фарзанд билан ўтаётганига хотин эмас, Мирсалим айбор. Хотинининг таъна-дашномларига энди у Содик оиласини қалқон қилиб тутмоқчи. Бироқ акс ҳол юз беради, Мирсалимнинг хотини бу оилани ёқтириб қолади, эр-хотин орасидаги тотувлик, илиқ муомала унинг ҳавасини келтиради. Бундан Мирсалимнинг тоқати тоқ бўлади. Бунинг устига Мирсалим билан Жаннат орасида келишмовчилик туғилади, Жаннат Мирсалимга совуқ муносабатда бўлади, уни «ўғри мушук» деб қарғаганини ўз қулоги билан эшишиб қолади. Ана энди Мирсалим фаол ҳаракатга кўчади, бутун ҳийла-макрини ишга солиб, соддадил Содикни лақиллатади. Жаннатнинг туғмаслиги унга қўл келади, қисқаси, уни Жаннатдан совутиб, Мушарраф исмли бошқа бир аёлга рўпара қиласи.

Шахсий-оилавий масаладаги зиддиятни маълум бир интиҳога етказгандан кейин ёзувчи ижтимоий соҳадаги тўқнашувлар тасвирига кўчади. Бу ерда ҳам ёзувчи гапни қаҳрамонлар орасида юз бера-

диган зиддиятларга замин ҳозирлаш, уларни асослашдан бошлади.

Кўп ўтмай Содик директорликка кўтарилади, колективда ташаббус уйғотиш, ўқув-тарбия сифатини кўтариш учун ғайрат-шижоат билан ишга киришади. Шу ниятда ўқувчилар фаолияти билан яқинроқ танишишга тушади. Мана шу интилиш йўлида қатор кўнгилсиз воқеаларга дуч келади, хусусан, Мирсалимнинг мактабдаги ножўя хатти-ҳаракатлари, дарсдаги тутуриқсиз қылғилиқлари Содикнинг энсасини қотиради. Содик холис ният билан Мирсалимни тартибга чақирмоқчи, кўпчилик орасида муҳокама этиб, уни тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Бироқ Мирсалим бунақа йўлга юрадиган одам эмас, у эгри йўллар орқали кун кўриб одатланган, Содик таъқибига учрагандан кейин ҳам яна шунақа йўл ахтаради. Энди у ниҳоятда қабих, ишга кўл уради. Содикдан дакки еган ғаламисларни атрофига тўплаб, унинг устидан ифво тарқатади, бу ғаламис одам, ўша йиллардаги мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолади. Содикка «халқ душмани» ёрлигини ёпиштиришга, уни асоссиз қаматишга муваффақ бўлади. Шу ерга келганда Содик билан Мирсалим орасидаги конфликт асосан тутайди. Энди Содик оиласида Мирсалим уюштирган ғовлар қолади. Булардан бири нобоп хотин Мушарраф қилмишлари, иккинчиси ноҳақ тухмат изтироблари, қамоқ азоблари. Бош қаҳрамон янги зиддиятлар, янги курашлар майдонига киради.

Ёзувчи бош қаҳрамон тақдирига алоқадор янги конфликтлар тасвири билан бирга параллел развишда Мирсалим тақдирини ҳам ҳикоя қилиб боради, Мирсалим учун ҳам янги зиддият майдонларини белгилаб олади, Содикнинг иниси Қодир, Қодирнинг севиклisisi – ўз қизи Азиза – Мирсалим йўлига ғов бўлиб тушади, Мирсалим Азиза билан

Қодирни бир-биридан жудо этишга, Қодирни орадан йўқ қилишга кўп уринади, ифво, фиску фасодлар тарқатиб, Қодир бошига ҳам оғир савдолар солади, лекин у барибир, бу икки навқирон насланинг аҳду паймони олдида ожиз қолади, муҳаббат қабиҳлик устидан ғолиб келади. Азиза нобоп отадан воз кечади, Қодир эса Мирсалим ташлаган ғовларни бартараф этиб, муддаосига эришади.

Ёзувчи Қодир билан Азиза севгиси орқали чин севгининг ҳаётбахш кучини кўрсатади, садоқатли қиз Азиза тимсолида жамоатчиликнинг тарбиявий аҳамиятини таъкидлайди. «Қарқуноқдан булбул чиқиши» – Мирсалимдек қабиҳ шахс оиласида Азизадек пок қалбнинг етилиши бежиз эмас. Азиза мактабда яхши одамлар қўлида таълим олган, эзгулик руҳида тарбияланган, қалбидаги гўзал туйфуларни ҳатто унинг энг яқин кишиси – отаси Мирсалим ҳам айнитолмайди.

Мирсалим тақдири тасвирида ёзувчи яна бир ўзгача йўл тутади, муҳитга, вазиятга бўлган муносабатини бериш орқали ҳам унинг характеристини таърифлаб боради. У уруш арафасидаги мураккаб вазиятдан ўзининг қора ниятларини амалга ошириш учун фойдаланиб қолади, соғдил кишиларнинг оёғига болта уриш, «айби»ни фош этиш йўли билан шуҳрат ва мартабага интилади. Уруш бошлангандан кейин эса бу «садоқатли одам» бир думалаб ҳукуматнинг ашаддий душманига айланади, фашистларнинг «яшин тезлиги»даги ҳужумидан қувонади, кўнглида ётган бойвачча орзулари уйғонади, инқиlobдан аввал бошга салла ўраб дўконларда юрган totли йилларини қўмсаб қолади. Яшириб қўйган уйжой ва ер-сувларнинг саргайиб кетган васиқасини олиб, завқ билан бағрига босади. У сабрсизлик билан немисларнинг бостириб келишини кутади, улар билан тил топиш ниятида немис тилини ўрганишга

киришади, намоз ўқиб фашистларнинг ҳақига дуо қиласди... Лекин у кўчага чиққанда бошқача одам бўлиб, юзига жиддий тус беради, юрт бошига тушган ташвишни бирга тортаётган кишидай бошини қуи солиб юради, ишга сал барвақтрок келиб, ҳаммадан кейин кетади, қўл остидаги одамларга ҳам муомаласини ўзгартади. Бу жиҳатдан у Абдулла Қаҳҳорнинг «Хи-хи» фельетонидаги нусхани эсга солади.

Ёзувчи бу билан ҳам чекланмайди. Мирсалимни фош этишни давом эттиради. Ноиложлиқдан Мирсалим урушга кетади, душман томонига ўтиб астойдил хизмат қиласди, «ислом лашкарлари»га мусулмончиликдан дарс беради, сўнгра жосус бўлиб она юртига келади ва бу ерда қўлга тушади.

Маълум бўляптики, Мирсалим образи тасвирида муаллиф асар охирига томон қора бўёқни ҳаддан ташқари қуюқлаштириб юборади, ёмонликка оид жамики сифатларни унга ёпиширади, натижада бу образнинг кўзга аниқ ташланиб турган жонли қиёфаси бирмунча хира тортиб қолади.

Содик билан Мушарраф орасидаги можаро ва унинг ечими ҳам дикқатта сазовор. Оддий танишувдан бошланган бу икки шахс орасидаги муносабат кейинчалик кескин коллизияга бориб етади, ёзувчи бу коллизия тасвири орқали оила ва муҳаббатга оид муҳим фикрни олға суради. Содик идеал шахс эмас, у баъзан адашади, иғволарга учади, хусусан, оиласи ҳаётда катта хатога йўл қўяди. У дастлаб оилани тутиб турадиган бирдан-бир ҳалқа фарзанд деб тушунади, шахсий баҳтни фақат фарзандда деб билади, оиласи турмушда муҳаббат, садоқат ва ўзаро ҳурматнинг ўрнини назар-писанд қилмайди, у фарзанд баҳонасида Жаннатнинг жавобини беради, фарзанд деб Мушаррафга уйланади. Содик орзу қилган баҳт ҳам рўёбга чиқади, Мушарраф

ўғил туғиб беради. Бироқ Содик бу билан баҳтиёр бўлолмайди, энди оилада Содик орзу қилган нарса бору, энг муҳим нарса йўқ, оилани тутиб турадиган муқаддас туйғу – муҳаббат, садоқат ва ўзаро ҳурмат йўқ. Мушарраф ана шудай муқаддас туйғулардан маҳрум, енгилтак, тантиқ бир аёл бўлиб чиқади. Натижада бу оила узокқа бормайди, дастлабки синовга ҳам бардош беролмай чилпарчин бўлади, Содикнинг бошига иш тушиши билан Мушарраф ундан юз ўтиради. Муқаддас туйғу эса яна ўз кучини кўрсатади. Ана шу оғир синов куниларида аломат аёл Жаннат Содикқа суюнчиқ бўлади. Охирига бориб Мушарраф образи тасвирида ҳам худди Мирсалим образидаги нуқсон такрорланади, ёзувчи фош этишни бир оз ошириб юборади. («Мушаррафнинг ҳирси» бобини назарда тутяпмиз.) Бу ҳол образнинг ҳаётйлигига муайян даражада путур етказган.

Содик қаршисидаги эндиғи асосий ғов – Диловархўжа. Яна тасодиф юз беради. Содик қамоқда ашаддий душмани Диловархўжага дуч келади. Диловархўжа бир вақтлар босмачилар тўдасига бош бўлган, совет ҳокимиятига қарши курашган. Содик эса мустақил бўлинмага бош бўлиб, Диловархўжа қўрбоши билан олишган, унинг йигитларини тормор келтирган, аммо Диловархўжани изсиз йўқотган... Ниҳоят, у қўлга олинади, икки рақибнинг қисмати бир нуктада тўқнаш келади, икки дил, икки олам учрашади. Содик ўзининг бу ашаддий душманидан ўч олишга тайёр, лекин иложсиз, ҳозир ҳар иккала рақибнинг ҳам мавқеи бир. Нақадар ўткир коллизия!

Ёзувчи Диловархўжа характери тасвирида тўғридан-тўғри қора бўёқни ишга солади. Маълумки, Мирсалим ва Мушарраф образлари тасвирида адаб бошқачароқ йўлдан борган, оз бўлса-да, оддин улардаги айrim ижобий сифатларни ҳам таъкидлаб ўтган

эди. Бу ҳол ўша характерларнинг моҳиятига мосбўлиб тушган эди. Диловархўжа бўлса ўзгача тоифадаги шахс, у, муаллиф талқинича, ашаддий жиноятчи, қотил, одамийликдан йироқ кимса. Шунинг учун ҳам ёзувчининг бу одамга нафрати чексиз, унинг номини ижирғаниб тилга олади, кўзига турган-битган бетавфиқ бўлиб кўринади. Унинг ташки қиёфаси беҳад хунук: хумкалла, дўнг пешана, сўйлоқ тиш, укки кўз, қоши мўйлабга ўхшайди, юзи рўпарасидан сочма ўқ егандек чўтири, унинг хатти-ҳаракатлари ҳам беўхшов: мушукмижоз, ухламай кўзи очиғича хуррак отади, чой ичганда, томоғи қувурдек култ-култ этади, у бошдан кечирганинни – қочоқлиқдаги саргузаштлари, қўлга тушиб қолиш тарихини, хотини ва опасига муносабатини сўзлаганда ниҳоятда жирканч қиёфага киради.

Бутун фожиа шундаки, Содик ана шундай кимса билан бир ерда, бир хонада кун кечиришга мажбур. У Содикка «келадиган еrimiz битта экану жонингизни мунча жабборга бериб нима қилардингиз ўша йиллари!» деб таъна қилади. Энди у бошга тушган кулфат туфайли Содикни «тавбасига таянган», «эътиқодидан қайтган» деб гумон қилади, ўзига маслакдош деб билади. Бироқ дастлабки тўқнашувларданоқ, унинг ўй-гумони пучга чиқади. Содикдаги барқарор ишонч ва эътиқодни кўриб лол қолади.

Ёзувчи бу икки шахсни маънавий жиҳатдан бирбирига қиёс қилади. Диловархўжанинг келажакдан, озодликдан умиди йўқ, у ўз жиноятига иқрор, унинг виждени ҳеч нарсадан қийналмайди, ҳаромдан ҳазар қилмайди, хиёнатдан қайтмайди, «дунёни ўт олса, майли, лекин менинг кабобим пишса бўлди», деган ақида билан кун ўтказади. Содик эса бошқача ўй-хаёл билан яшайди, бу кўргилик унинг

учун вақтинчалик, у ўзининг бегуноҳ эканини билади. Бу йигит эртаги кун – адолатнинг тантанасидан умидвор, у кунни кечаю кундуз сабрсизлик билан кутади. Ёзувчи дейди: «Агар унинг қалбида шу умид машъали пориллаб ёниб турмаганида, унинг эртасини ёрқин кўрсатиб турмаганида, балки Содик бу кутилмаган ва кўникиш оғир бўлган ҳаётга бунчалик бардош бериб яшолмас эди. Эртаги кун умиди ишончига айланган, ишонч эса унга бардамлик бағишлиарди».

У бошига иш тушганда ҳам эл-юртга наф етказиш йўлини, улкан ҳаёт билан борганиш йўлини ўйлайди, ҳалол меҳнат билан банд бўлади, меҳнатининг самараси улкан ҳаёт дарёсига қўшилган жонли ирмоқ эканини сезиб, шу оғир кунда ҳам инсон ва юрт учун нафи тегаёттанидан таскин топади. Бу икки шахс орасидаги тафовут уруш бошланган кезлари яна ҳам яққолроқ намоён бўлади. Тасодиф туфайли уларнинг иккови ҳам урушга тушади. Фашистлар ҳужуми Диловархўжанинг сўниб қолган умидларини оловлантиради, энди у бир амаллаб жон сақлаш, немислар томонига омон-эсон ўтиб олиш пайига тушади. Эл бошига иш тушган ана шу қалтис вазиятда Содик ўз ўрнини фронтда деб билади. «Модомики, уруш бошланган экан, биз учун йўл битта: фронт! Эртага ялпи сафарбарлик бошланиб, ҳар одамнинг жойи фронт бўлиб турганда орқага қайтиб лагер панжарасидан томоша қилиш ҳам, қочоқ бўлиб бир кавакда могор босиб ётиш ҳам мен учун малол келади. Арғамчи кучи қил, мен фронтни танладим», – дейди у.

Содик ҳамма расмиятларни бир ёкқа йиғиштириб қўйиб жангта отланади, армия сафида душманга қарши кураш олиб боради. Бундан у ниҳоятда мамнун. «...Содик ўз ўрнини топди. Унинг жойи шу ерда, шу ўқлар чақнаб, миналар портлаётган, ҳар лаҳза

ўлим совуқ ел уфуриб турган муқаддас ерда, шу окоп, шу ертўлада. Душман унинг мурдаси устидан босибгина бу ёқقا ўтади. Агар у душманга бефарқ қараса, ўз муқаддас Ватани учун жон тикмаса, ўзи ўқ узиб ўзи ҳимоя қилмаса, бошқалар ҳам шундай қилмаса, унда юрт-эл тақдири нима бўлади! Йўқ! Буни у миясига сиғдиролмайди...»

Содик билан Диловархўжа орасидаги зиддият ҳам шу жангда ҳал бўлади, Содик рақибини катта имконият устида — душман томонига қочаётган вақтида отиб ўлдиради.

Содикнинг фронтдаги фаолияти яна бир муҳим конфликтни ечишга имкон беради. Содикнинг иши юзасидан Пушкарёв билан Чуханов шуғулланадилар. Улар давлат хавфсизлик органи ходимлари. Ёзувчи бу икки персонаж тимсолида икки хил тоифадаги шахслар образини бермоқчи, орган ходимлари орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор эди, деган гапни аймоқчи бўлади. Чуханов фитналарга ишонувчи, шошқалоқ, тошмехр, дағал шахс, Пушкарёв бўлса бутунлай бошқа одам. «Чуханов ҳам терговчи, бу ҳам терговчи. Иккаласи икки дунё. Биридан кишининг кўнгли сув ичади, иккинчисидан энсанг тош қотади. Пушкарёвга ўхшаганлар бўлгани ҳолда нега Чухановлар бунақа иш тутади экан?» — деб ажабланади ёзувчи. Шуни ҳам айтиш керакки, бу икки хил шахс талқинида муаллиф қўлланган усул — характерларни ошкора таърифлаш ва таққослаш у қадар ўзини оқламаган, ёзувчи характерларни таърифлашга, улар орасидаги тафовутни кўрсатишга шошилади, у характерлар моҳиятига чуқурроқ кириб бормайди, улардаги сифатларнинг манбаларини очишга, асослашга етарли зътибор бермайди. Асар якунига бориб адаб бу камчиликларни бир қадар бартараф этишга уриниб кўради. Содик фронтда тасодифан (ҳа, яна тасодифан) Чу-

хановга дуч келади, шиддатли жангда Чуханов кўзи олдида зўр шижоат кўрсатади, рақиби Чухановни ўлимдан сақлаб қолади, буни кўрган Чуханов унга тан беради, самимият изҳор этади. Содик ҳам Чуханов тимсолида бошқача одамни кўради, шу кунгача нафрат билан эслаб юрган одамининг кўнглида шунчалик самимий гаплар борлигидан ҳайратда қолади. Чуханов бир вақтлар Содикқа қилган қўполлигидан энди хижолатда. «Бошқа кўришамизми, йўқми — билмайман. Шунинг учун сизга бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Мен сизни қаттиққўллик билан ўша вақтда тергов қилган эканман — бу тўғри. Хафа бўлишга ҳаққингиз бор. Лекин шуни унумангки, мен сизни душман деб, душманга қилинадиган муомалада бўлганман. Бу менинг бурчим эди... Ахир биз уч кишининг гувоҳлигига қандай қилиб ишонмаймиз. Лекин баъзан шубҳаланардим ҳам... Ўша суратингиз чиққан куни (жангда матонат кўрсаттани учун Содикнинг газетада сурати чиқади — У.Н.), яна шубҳам ошди, биз қилган хатони қандайдир бир мўъжиза йўли билан тузатаёттанингизни билдим. Чунки сиз биз айлаган киши бўлганингизда фронтга эмас, бошқа ёқقا йўл олган бўлардингиз, бирор хилватда Гитлернинг ғалабасини кутиб, унинг тани-жони соғлигини тилаган бўлардингиз. Фронтга йўл олишингизнинг ўзи кифоя қилгани ҳолда, яна жонбозлик кўрсатиб жанг қиляпсиз. Буларнинг ҳаммаси бизга маълум бўлганидан кейин хатомизнинг нақадар қўпол эканига иқрор бўлиб, сизни безовта қилмасликка қарор қилдик, — деб изоҳ беради Чуханов Содикқа ўтган ишлар ҳақида. Энди Чуханов Содикнинг асл одам — олтин одам эканига иқрор. Чекист Чуханов образини бу хилда «инсоний» қилиб кўрсатишдан мақсад «Олтин зангламас» романини ёмон кўзлардан асраш эканини унумаслик даркор.

Шу тариқа асардаги асосий конфликтлар ҳал бўлади. Содик йўлидаги ғовлар асосан бартараф этилади, олтин юзига қўнган губорлар кўтарилади. Бироқ эл-юрт олдидағи ғов ҳали турибди, фашизм билан олишув давом этяпти, демак, Содик йўлидаги кураш ҳам узил-кесил тугаган эмас, у фашизм билан курашда давом этади ва шу курашда ҳалок бўлади.

Кўриниб турибдики, асар бош қаҳрамони Содик тақдирини ҳал этишда уруш воқеалари мухим ўрин тутади, романнинг учинчи қисми бутуниsicha уруш даври воқеаларига бағишлиланган. Шунга асосланиб айrim танқидчилар «Олтин зангламас»ни иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги романга чиқариб қўйганлар. Масалан, Жўра Ҳожиматов «Ҳаётнинг бадиий инъикоси» сарлавҳали мақоласида «Олтин зангламас»ни таҳдил қилиб: «Романда совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши фронтларидағи жанговар курашлари, мардонавор ишлари тўлиқ ифодасини топади», – деган холосага келади¹. Агар шу фикр «Шинелли йиллар» ҳақида айтилганда бошқа гап эди, «Олтин зангламас» Ватан уруши ҳақидаги асар эмас, бинобарин, унда уруш ҳаёти тўлиқ ифодасини топган ҳам эмас, бу ёзувчининг вазифаси ҳам эмас, романда Ватан уруши воқеалари қаҳрамонлар ҳаётининг бир бўлаги сифатида кўрсатилади. Агар дикқат қилинса, жанг картиналари тасвири бу ерда «Шинелли йиллар»дагига қараганда бирмунча бўшроқ, мавхумроқ. Ёзувчини бу романда жанг воқеалари эмас, шу воқеаларга қаҳрамонларнинг муносабати кўпроқ қизиқтиради. Уруш воқеаларини ёзувчи қаҳрамонларни ажрим қилиб олиш учун қаламга олади, эл бошига иш тушган ана шу оғир синов кунлари пуч – пучга, сарак –

саракка ажралади. Гўё Ватан уруши воқеалари роман конфликтининг ечими вазифасини ўтайди.

Ж. Ҳожиматов мақоласида яна бир ғалати гап бор. Танқидчи романда айrim мунозарали ўришлар, камчиликлар йўқ эмаслигини айтиб, шундай ёзади: «Бош қаҳрамон Содик асарнинг финалида ҳалок бўлади. Шундай бўлмагани яхши эди. У ўз ҳаётини бағишилаган ишининг тантанасига ишонса-да, ҳақ ғалаба қилишига амин бўлса-да, уни кўришга мұясир бўлмайди, орзиқиб кутган оқланиш кунларини кўрмайди»¹. Аввало, танқидчининг роман воқеалари ҳақидаги изохи унча тўғри эмас. Аввал айтганимиздек, асарда Содик билан боғлиқ можаролар асосан ҳал бўлади, у ғалаба қиласи, ҳақиқатнинг тантанасини ўз кўзи билан кўради, терговчи Чухнов билан ҳозирги учрашув Содик учун тантананинг ўзгинаси. Энди масаланинг фақат расмий жиҳати қолади, холос. Содик шуни кўролмай кетади.

Хўш, буни асарнинг камчилиги деб бўлармикан? Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, ёзувчи ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини кўрсатишга, кўпинча, ўзи ва китобхон истамаган ҳодисаларни ҳам ёзишга мажбур. Қаҳрамонларим шундай хатти-ҳаракатлар қиласида, мен уларнинг шундай қилишини асло истамас эдим, деган экан Лев Толстой.

Бош қаҳрамон Содикнинг ўлими билан боғлиқ бошқа бир гапни айтиш мумкин. Содик оғир ярадор ҳолда миналаштирилган мактаб биносини қутқаришга жазм қиласи. Бу билан ёзувчи Содикнинг фидойилигини яна бир бор таъкидламоқчи бўлади. Бу ғоя асарда сунъийроқ чиқиб қолган. Маълум бўлишича, ўша мактаб биносига ярадорлар жойлаштирилган экан. Содикнинг безовталигини кўрган госпитал бошлиғи: «Ҳабар бериб қўя қолсак нима қиласи? Ярадорларни тезда олиб чиқишиади – вас-

¹ Жўра Ҳожиматов. Ҳаётнинг бадиий инъикоси. // Шарқ юлдузи, – 1967, № 8, 220-бет.

¹ Жўра Ҳожиматов. Ҳаётнинг бадиий инъикоси. 220-бет

салом», — деса Содиқ: «Бино-чи, бино!», — деб хитоб қилади ва бинони қутқараман деб ҳалок бўлади.

Асарнинг бошқа ўринларида ҳам бундай сунъийликлар учрайди. Ёзувчи бош қаҳрамондаги ижобий сифатларни таъкидлаш ва исботлашда жуда ошириб юборади. Содиқдаги ишонч, эътиқод ва фидойиликни ҳар ерда, ҳадеб қайд этаверади.

«Олтин зангламас» конфликт ва характер тасвири жиҳатидан «Шинелли йиллар»га қарагандо устун эканини айтдик. Ёзувчи бу романида шу қадар кўп драматик асослар топадики, уларнинг ҳаммасини тасвир этишга, қаҳрамонлар қалбига олиб ўтишга ултурмай қолган, натижада драматик асослар билан уларнинг бадиий ифодаси орасида номутаносиблик вужудга келган, кўпгина ҳаяжонли воқеалар бадиий картина даражасига кўтарилиб қолиб кетган, ёзувчи уларни шунчаки баён этиш, эслатиш билан чекланган.

Биргина мисол. Романинг иккинчи қисмидаги «Сориниб» бобини эслайлик. Бобда аввал Жаннатнинг Адолат холаникига келиши ва келгандан кейинги ишлари ҳикоя қилинади. Нихоятда ҳаяжонли воқеа. Бир вақтлар таъқибга учраган оиласа қайтиб келиш — бу осонгина кўчадиган ҳодиса эмас! Кейин Содиқни кўргани бориши учун бўлган маслаҳат баён этилади. Бу нарса ҳам асада силлиқнина кўчади. Сўнгра йўл саргузаштлари ва, нихоят, Содиқ билан учрашув қаламга олинади. Нақадар ўткир драматик ҳолат! Содиқ ўкситиб ташлаб кетган хотин Жаннат қаршисида, шундай оғир дамда у ўғли Маратга она, Содиқка суюнчиқ бўлгани келган. Содиқнинг ўша топдаги ҳолати ҳақида шу гапларни ўқиймиз: «Жаннат гапни ўз шахсий ишларидан четта олиб қочмоқчи бўлса ҳам, барибир, Содиқнинг кўнгли ҳамон хижил, ҳамон ўрнига тушмас эди. Агар

кўнглидагини очиқ-ойдин айтиб, юрагини бўшатиб олмаса, армон бўлиб қолиб, янаги кўришгунларича ич-этини еб юришини биларди...

Бу фикр Содиқнинг хаёлидан кетмади, соатлар ўтган сари парма бўлиб чукурроқ кириб борди. Ана шундан кейин Жаннат билан албатта гаплашишга қарор қилди...»

Тавсифий характердаги бу хил гап-сўзлар қаҳрамоннинг ўша дамдаги драматик ҳолатини, руҳий кечинмаларини ҳаққоний ва таъсирчан қилиб кўрсатишга қодир эмас.

Адид галдаги романни «Жаннат қидирганлар»да бу хил камчиликдан холос бўлишга интилади, энди бу романда муаллиф драматик ҳолатлар билан баробар уларнинг бадиий ифодасига, қалб драмаси тасвирига, психологик таҳдилга ҳам алоҳида эътибор беради.

ИККИ ЙЎЛ, ИККИ ХИЛ ТАҚДИР

Бахтимки, шу юртда, шунда тұғылдым,
Бахт излаб бегона юртлар кезмадим,
Шамолга дуч келган пардек тұзмадим...

Цуҳрат «Олтин зангламас»дан сўнг шитоб билан «Жаннат қидирганлар» номли роман устида ишлади. «Жаннат қидирганлар» «Олтин зангламас» романининг мантиқий давоми: асар воқеаси «Олтин зангламас»га қўйилган охирги нуқтадан бошланади, роман бош қаҳрамони Умматали гўё «Олтин зангламас» қаҳрамони Содиқдан эстафетани ўз қўлига олади. Умматали образи орқали ёзувчи «эрувгарчилик» деб аталган даврдаги мамлакат ҳётида юз берган муҳим жараёнларининг муайян томонларини ҳаққоний акс эттиришга эришади.

Романда бошқа бир йўналиш ҳам бор. Ёзувчи Умматали ва унинг сафдошлари фаолиятини акс эттириш билан баробар бир гурӯҳ ватангадолар қисмати ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Ватангадолар қисмати «Олтин зангламас»да ҳам қаламга олинган. Бироқ бу нарса «Олтин зангламас»да эпизодик характерда эди, «Жаннат қидирғанлар»да эса асарнинг етакчи сюжет йўналишларидан бири даражасига кўтарилиган. Ёзувчи Сайдакбарҳожи, унинг оиласи ва оиласи теварагидаги шахслар мисолида хориждаги ватандошлар қисматини кенг таҳлил этади.

Романинг ғоявий мундарижасига мос равища асар сюжети ҳам икки асосий йўналишдан ташкил топган, воқеалар ҳам она юртимизда, ҳам хорижда содир бўлади. Бу икки сюжет йўналиши бир қарашда тамоман мустақил, бир-бирига алоқасиз ҳолда ривожланаётгандек туюлади. Аммо адаб улар орасидаги ҳам ички, ҳам сиртқи боғланишларни топади. Аввало, оиласий қариндошлик иплари Умматали билан Сайдакбарҳожини бир-бирига боғлайди. Сайдакбарҳожи октябр тўнтаришидан кейин чет элга қочтаж, уч қизи билан хотинини саргардон қилиб қолдирган, ўрли билан садоқатли хизматкорини авраб олиб кетган. Алданган хизматкор Курбонали Умматалининг отаси. Бола отанинг, ота боланинг изини йўқотади, улар умр бўйи бир-бирига талпинади. Умматали улгайгач, ота туфайли иснодга қолади, қочоқнинг – хоиннинг ўрли, деган ном ортиради, бегуноҳ ота туфайли бегуноҳ бола бошига кўп оғир савдолар тушади. Умматали бой алдаб ва хўрлаб ташлаб кетган «бой хотин» билан яқин тутинади. Бу аёлнинг қисмати ҳам фожиали. Аслида камбағал оиласдан бўлган, ўз ҳоҳиш-истагисиз «бой хотин» бўлиб қолган бу аёл узоқ йиллар бой туфайли ортирган иснод жафосини чека-

ди... Демак, роман сюжетидаги икки йўналиш аввало ўтмиш ҳодисалари орқали боғланади. Ўтмиш оқибатлари қаҳрамонлар фаолиятига ҳамиша таъсир кўрсатиб туради. Ёзувчи шулар билангира чекланмайди, улар орасидаги бугунги кунги боғланишларни ҳам қидиради. Аъзам образи шунга хизмат қилади, Умматалининг яқин таниши бўлган енгилтабиат, ношукур бу банда жаннат қидириб хорижга йўл олади ва Ҳожи хонадонига бориб қолади, асар охирида икки қутб вакиллари бир-бири билан тўқнашади, делегация таркибида чет элга борган Умматали ватандошларининг ҳам фожиали қисматидан огоҳ бўлади.

Романдаги бу икки сюжет йўналиши муҳим ғоя ифодасига – икки хил қисмат ифодасига хизмат этади. Икки гурӯҳ вакиллари ҳам ҳаётда жаннат, яъни ҳақиқат ва баҳт қидирадилар. Баҳт излашда Умматалилар, гарчи мушкул бўлса-да, ватан қучоғидан айрилмайдилар, ҳожилар тўдаси эса терс йўлга тушиб олади. Ҳожилар тушган йўл хатарли бўлиб чиқади, бу йўл уларни фожиага этади. Умматалилар юрган оғир, сермашаққат йўл бирдан-бир тўғри йўл бўлиб чиқади, улар чинакам жаннатни – ҳақиқат билан баҳтни шу йўлдан топадилар.

Демак, роман икки йўл, икки хил тақдир ҳақидағи асардир. «Олтин зангламас»дан фарқ қилароқ, бу романда фақат етакчи қаҳрамонларнинг эмас, деярли барча персонажларнинг бутун ҳаёт йўли, тарихи ҳикоя қилинади, ҳар бир қаҳрамон хатти-ҳаракати ва бу хатти-ҳаракатларнинг оқибати атрофлича таҳлил этилади. Асардаги ҳар бир персонаж биографиясининг тасвири ўзича бир қисса. Бунинг маълум хатарли томонлари ҳам бор, албатта. Таандани узоқ ташлаб қўйиб калавани бўшаштириб юбориш, жамики персонажларнинг ҳаёт йўлини, биографиясини ифода этаман деб баёнчи-

ликка ўтиб кетиш, асарни жонли картиналардан, ҳаяжонли тўқнашувлардан маҳрум этиб қўйиш ҳеч гап эмас. Дарҳақиқат, «Жанинат қидирғанлар»нинг талай саҳифаларида шу хавфнинг тазиқи сезилиб турибди. Ана шундай ўринларда фақат ёзувчининг жозибадор образли ифодаларигина мушкулни бир Қадар енгиллатишга имкон берган.

Персонажлар тақдирни билан яқинроқ танишайлик. Аввал айтиб ўтганимиздек, романдаги етакчи образлардан бири Умматали. Ёзувчининг ундан умиди катта, у адаб кўнглидаги кўп гапларни, ёзувчи идеалини ўзида ифода этувчи шахс. Бу одамнинг ҳаёт йўли фоят мураккаб, унинг ўтмиши фожиали, бироқ у бир умр фожиалар гирдобида қолиб кетмайди, ҳақиқат учун курашади ва ҳақиқатнинг тантанасини кўради. Бу соғдилликнинг қинғирлик устидан қилган ғалабаси эди. Лекин қаҳрамоннинг бундан буёнги ҳаёти нуқул тантана-ю, шод-хуррамлиқдан иборат эмас, ёзувчи ҳаётнинг мураккаблигини, ҳаётда қувончли ҳодисалар билан баробар кўнгилсиз воқеалар ҳам бўлиб туришини ҳеч қачон унутмайди, қаҳрамон йўлидаги мувакқат қийинчиликни рўйирост кўрсатаверади.

Умматали эркинлик олиб ўзида йўқ, шод-хуррам ҳолда уйига қайтар экан, фоят кўнгилсиз ҳодиса устидан чиқади, хотини Қимматхон бевафолик қилиб, бузук йўлларга кириб кетган бўлади. Энди Умматали учун ўз уйи, оиласи тамоман бегона, шу қалтис дамда у айрим асарларнинг қаҳрамонлари каби «олижаноблик» қилмайди, «адашган хотин» гуноҳини кечиб қўя қолмайди, йигитлик нафсонияти, инсонийлик фуури бунга йўл қўймайди, бу маскандан ҳазар қилиб уни бутунлай тарқ этиб кетади, у меҳрибон одамлар орасида ўз шахсий баҳтии топади, Нафиса билан гўзал бир оила қуради.

Умматали меҳнат, фаолият кишиси. У шаҳарда туғилиб ўсган бўлса ҳам, далага, боғ-роғларга меҳр қўйган, агрономликка ўқиб, қишлоқда йўл олган. Қишлоқда зўр ижодий меҳнат билан банд бўлиб турганда бошига қора кунлар тушади, қадрдан далаларидан вақтинча маҳрум бўлади. Мана у яна ўша ўзи севган далалар кучофида. «Мана Умматали жонжонидан севган, унинг ишқида ўқиб-ўрганган, унинг ҳаётига умрини бағишлимоқчи бўлган далалар. Бу далалардан қор ҳиди келиб турган ариқлар оқади, олам-олам қушлар тонгдан шомгача, шомдан тонгтacha хониш қиласи, ҳаёт кўркини улуғлайди, киши қалбига чексиз ҳузур-ҳаловат баҳш этувчи ранг-ранг чечаклар, минг бир номли гиёҳлар барқ уриб ётади. Баҳорда навбати билан гулга бурканган рангбаранг мевалар олти ой ёз қуёш нурида гарқ бўлиб, кузда шарбат тўқадилар... Тонгда қирга кетган подаларнинг кечда маърашиб, болаларини соғиниб, елиб-югуриб қайтишлари қандай гўзал! Бу ерларнинг одамлари-чи? Одамларининг баҳоси йўқ. Меҳнат нонини ширин билгандар бунда яшайди... Шаҳарликлар билмайди, аслида булбул уларнинг мадҳини қиласи, юксак тоғларнинг ойна кўзли булоқлари уларни деб қайнайди, уларни деб ўнгирлардан ошиб, тошлардан қўнғироқ чалиб келади. Ҳа, бу ерларнинг гашти бир олам! Буни жонидан севганига қадрига етади!

Узоқ-узоқларга суқланиб тикилиб бораётган Умматалини хаёл ўз тотли оғушида эркалаб, қалбини яйратиб, кўзига ёш қалқитди. Бу соғиниш, интизорлик, муштоқлик ёши эди... Мана энди ўша далалар, ўша кенгликлар, ўша боғу роғ, қорли тоғлар унинг муштоқ кўзи ўнгига мағурур ястаниб ётибди. Яна уларнинг қўйнига зўр иштиёқ, эзгу ният, янги куч-қудрат ва ғайрат билан қайтиб келапти. Қандай яхши! Бу ерларда яшаш ва меҳнат

килишнинг ўзга завқи, ўзга гашти, ўзга латофати бор».

Умматалининг меҳнатта муносабати, меҳнат фаолияти устида гап борса, муаллифнинг шоирлиги тутиб кетади, адид меҳнат гаштини, нашъу намосини зўр эҳтирос билан поэтиклаштиради. Меҳнат бобида ёзувчининг қаҳрамони ҳам бамисоли шоир. У меҳнатни ижод деб билади, унинг меҳнатта бўлган меҳри эл-юрга бўлган меҳри билан уйғуналашиб кетади, эл-юрг дастурхонини мўл-кўл қилиш, она тупроқ юзини жаннатга айлантириш иштиёқи билан ёнади, уннутилиб кетаётган мевалар навини сақлаб қолиш, кўпайтириш, мевачилик бобида ҳалқимизнинг ажойиб анъаналарини тиклаш учун жон койитади. Умматали кечаги куннинг нохуш инерцияси билан яшайдиган нодон одамлар, галамис кимсаларга қарши мардона кураш олиб боради.

Шуни ҳам айтиш керакки, қаҳрамоннинг меҳнат тасвири ёзувчи учун маълум маънода янгилик. Тўғри, ёзувчи айрим очерк ва ҳикояларида қаҳрамонлар характеристини меҳнатда очишга интилган эди, лекин «Олтин зангламас»даги айрим саҳифаларни мустасно қилганда, аввалги икки романида меҳнат тасвири деярли йўқ эди. «Шинелли йиллар» персонажлари характеристери жанг оловлари ичida тобланади, «Олтин зангламас» қаҳрамонлари, асосан, мурракаб вазиятларда ўзлигини намоён этади, «Жаннат қидирганлар» қаҳрамони Умматали бўлса ўзини меҳнатда кўрсатади. Ёзувчининг бу соҳада тажрибаси кам эканлиги маълум даражада панд берган. Ишлаб чиқариш характеристидаги можаролар кўп ўринда мавҳумроқ чиқкан, иллюстратив кўриниш касб этган, конфликтлар чалароқ, охирига етмай қолган. Қаҳрамон меҳнат фаолиятининг кўлами тор, у олиб бораётган ишларнинг ижтимоий моҳияти чуқурроқ таҳдил этилмаган.

Умматалининг катта ҳаёт йўлига чиқиб олишида хўжалик раҳбари Азимхўжаев катта ўрин тутади. У ажойиб табиатли, минг бир ҳикматли одам. Муаллиф талқинича, Азимхўжаев янги типдаги раҳбар. У одамнинг қадрини билади, яхшига яхши, меҳрибон, ёмонга шафқатсиз, беомон. Умматалини ўзи бош бўлган хўжаликка бошлар экан, унинг қалбида эзгу ҳислар жўш уради, шу лаҳзадан бошлаб бу агроном йигит билан ҳамкорликда совхоз боғ-роғларни яшнатиш ва шу билан баробар, энг муҳими, бу йигитнинг ўзини ардоқлаш, ҳаётнинг эгри-буғри кўчаларидан тўғри, кенг йўлига чиқиб олишида маслаҳаттўй, етакчи бўлиш фикри унинг хаёлини банд этади. Унингча, бу йигит шундай яшаб, шундай ишлаши керакки, юрагига бевақт ва беихтиёр кирган кудуратлар ҳамда изтироблардан губор қолмасин, ўтмишдаги қора кунларнинг бундан буён асло қайтмаслигига имони комил бўлсин, бундай комил ишонч унинг ғайратига ғайрат, иштиёқига иштиёқ, қадамига дадиллик бахш этсин...

Оқибат у куттандек бўлиб чиқади. Аввало, шу одамнинг мадади билан Умматали қаддини ростлаб олади, ҳаётдаги ҳақиқий ўрнини топади. Умматалининг шахсий-оилавий ҳаёти, Нафиса билан муносабатлари тасвири айниқса жозибадор. Нафиса ҳам ҳаётда кўп жафолар чеккан аёл. У етим ўғсан, Ўқиб-улғайиб эндиғина катта ҳаёт остонасига қадам кўйганида нобоп йигит Аъзамга дуч келади, адашиб унинг қопқонига илинади, у билан оила қуради. Шуҳрат айрим ёзувчиларда бўлгани каби адашган аёлни ошкора ҳимоя этиш, айбини осонгина кечириш йўлини тутмайди; унинг қаҳрамони ўзи тайёрлаган оғунинг заҳрини тотишга, ўзи йўл кўйган хатонинг заҳматларини чекишига мажбур бўлади, ноқобил эр Аъзам Нафиса бошига чексиз ситамлар солади, хўрлайди, аёллик нафсониятини оёқ

ости қиласы, чет элга бош олиб кетиб, уни иснодға қолдиради. Аммо олижаноб инсонлар химмати уни фожиадан асраб қолади. У ҳам Умматали каби меҳрибон одамлар орасыда бахтини топади, улар күмагида турмушини ўнглаб олади, шахсий ҳаётда чинакам бахтта мұяссар бўлади, Умматалидек одам унга кўнгил қўяди, икки таҳқирланган мусаффо қалб бир-бири билан туташади. Ёзувчи улар орасыда туғилган инсоний латофатларга тўла самимий, беғараз муҳаббат тарихини зўр ҳаяжон билан ҳикоя қиласи.

Романдаги иккинчи қутб вакили – Сайдакбарҳожи тақдиди ҳам китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Сайдакбарҳожи – мураккаб сиймо. Ёзувчи унинг характеристини очишида «Олтин зангламас»га қараганда анча олдин кетган. Муаллиф бу одамни осонгина ёмонга чиқариб қўя қолмайди, унга бўлар-бўлмас салбий сифатларни ёпиширавермайди, бу одам шахсиятини бутун мураккаблиги, қарама-қаршиликлари, кучли ва заиф томонлари билан беришга интилади. Сайдакбарҳожи, бир томондан, роят маккор, худбин, тошмехр шахс. У бир вақтлар кўп жиноятлар қилган, бузук йўлларга ҳам юрган, инқилоб бўлиб, ҳаёти таҳлика остида қолганда ўз жонини, мол-мулкини асраб қоламан деб қабиҳликдан ҳам қайтмаган, ўғли Абулбаракани она меҳридан бенасиб, уч қизалоқни эса тирик етим қилган, соддадил Қурбоналини бир умр оиласидан, суюкли ўғлидан, Ватанидан жудо этган. Иккинчи томондан, бу одам табиатида ижобий сифатлар ҳам бор. У қизи Таманно билан ўғли Абулбаракани меҳр қўйиб ўстиради, ўқитади, Таманнонинг кўнгли учун уйланмай танҳо ўтади, ғамгузор Қурбоналининг кўнглини овлаш йўлини ахтаради, у кўп йиллар хорижда юрса ҳам, миллий фурур, ифтихор туйғусини сақлаб қололган, роят тадбиркор, билим-

дон шахс. Бироқ Ҳожидаги бу хил ижобий сифатлар ниҳоятда чекланган, аслида улар фақат шахсий манфааттагина йўналтирилган. Ҳожининг фожиаси шундаки, у қилган «хайрли ишлар»нинг бирортаси ҳам яхшилик келтирмайди, балки бу одам ғамига ғам қўшади. У меҳр қўйиб ўстирган ўғил ўзига ғоявий рақиб бўлиб етишади, бино қўйган қизи ҳам умидини оқламайди, аламзода Қурбонали ундан юз ўгиради, Ҳожидаги миллий фурур Таманно фожиасига калит бўлиб тушади, Таманно севгисини барбод этади. Ота қистови билан Таманно чин севгисидан, ажойиб севгилиси – француз йигити Ренедан воз кечади, ўз танини, қалбини сотқинларнинг ифлос қўлига топширишга мажбур бўлади. Таманно аввал Аъзамга, сўнгра Қоплонбекка унаштирилади.

Қоплонбек ўта тубан шахс. Гўё у «Олтин зангламас»даги Диловархўжа фаолиятининг давомчиси. Ёзувчи бир неча саҳифада унинг жирканч ўтмишини айтиб беради. У бой оиласидан. Оиласи озор кўргач, унинг кўнглида шу ҳалқдан қасос олиш туйғуси алангаланади. Унда ватан туйғусидан асар ҳам йўқ. Уруш вақтида у душман томонига ўтиб, Ватанига қарши курашади, урушда мағлубиятта учрагач, хорижликлар томонига ўтади, эндиликда у хориж разведкасининг кўппаги. Қоплонбекнинг эндиги фаолияти яна ҳам жирканч. Бу одамнинг асл башараси Ҳожи оиласига талпиниб, Таманно атрофида ивирсиб юрган кезлари жуда равшан кўриниади. Бу одам ҳатто ўзининг ҳамтовоқларига ҳам яхшиликни раво кўрмайди, ўз нафси йўлида уларнинг оёғига болта уради. У Ҳожи қўйнига дўст бўлиб эмас, заҳарли илон бўлиб киради, унинг сиру асрорини хориж разведкасига етказади, ҳар хил йўл билан Ҳожининг ризқини қирқиши, тезроқ унинг танҳо меросхўри бўлиш пайига тушади, шу ниятда

у Аъзамга сүиқасд уюштиради, уни йўлдан олиб ташлаб, Таманнога уйланади, Абулбарака устидан иғво тарқатиб қаматади, Қурбоналини хўрлаб ажалини тезлайди, Ҳожига сүиқасд қилмоқчи бўлади. Шу нопок одам туфайли Таманно оғир касалга мубтало бўлади, Ҳожи қадди букилиб йиқилади. Қисқаси, заҳарли илон ўз ишини қиласи, Ҳожи оиласи бу илон заҳридан хазон бўлади.

Аъзам ҳам хоин, ватанфуруш. Бироқ унинг қисмати Қоплонбекникидан тамоман фарқ қиласи. Аъзам меҳнаткаш оиласидан. Отаси Тешабой аломат дехқон. Ўзи емай уни едирган, ўзи киймай уни кийдирган, онадан ёш қолган бу ўғилни ўкситмай не-не орзу-умидлар билан тарбиялаб вояга етказган, ўқитиб инженер қилган ҳам шу ота. Аъзамнинг яхши ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши учун ҳамма имкониятлар муҳайё. Лекин нимадандир унинг кўнгли тўлмайди, у ҳаётидан норози. Қаердандин унинг характерига худбинлик жо бўлиб қолган. У шухратга, амалга интилади. Мана шу бадбин кайфият ундаги бошқа инсоний туйғуларни кемиради, аввало, у ота-она, оила, қариндош-уруглар олдида-ги, қолаверса, эл-юрт олдидағи масъулият ҳиссини йўқотади, нонкўр, ярамас бир кимсага айланади, оталар пиширган ош ёқмай, ўзгалар таомини қўмсаб қолади. Хорижий тарғибот-ташвиқот унинг хаёлини олиб қочади, чет эл ҳаётининг сохта жимжималари унинг кўзини қамаштиради. Бунинг устига ҳаётда ўйлаган режалари бирин-кетин зарбага учрайди. У билмайдики, худбинликнинг оқибативой. Аъзам амалга, шухратга интилган сари амал-шухрат ундан йироқлашади, у уйланадиган хотин «бадавлат» хонадондан бўлиши, амалга кўтарилиши учун трамплин вазифасини ўташи керак эди, аммо аксинча бўлиб чиқади, ҳеч кими, оилавий таянчи йўқ, етим қиз Нафисага уйланишга мажбур бўла-

ди. Ана энди у дадил ҳаракатга ўтади, она юритидан безиб, баҳт-шұхрат излаб чет элга йўл олади. Ҳаёт бундай ношукур банданинг адабини бериб қўяди. Ёзувчи уни хориж ҳаётининг ифлос сўқмоқларига солиб қўйиб, шафқатсизлик билан жазолайди. Аъзам жаннат қидириб ёруғ дунёнинг нақ дўзахи устидан чиқиб қолади. Кўп кўргиликлар, оғир савдолардан кейин майиб-хаста ҳолда хароб бир кулба ичига тушиб тинчиди. Зотан, худбин, хоин, нонкўр одамнинг жазоси шу! Абулбарака образида мураккаб даврнинг, катта ҳаёт ҳақиқатининг яна бир муҳим қирраси ўз ифодасини топган. Абулбарака Ҳожи хонадонига мансуб бўлса ҳам, маънавий жиҳатдан бу оиласа тамоман бегона. Абулбарака Ҳожи хонадонидаги баҳтсизликларга шерик, унинг қисмати ҳам фожиали, бироқ у фожиадан кутулиш йўлини топиб олган, ўз тақдирини ўша ердаги меҳнаткаш ҳалқ тақдиди билан боғлаган, шу ҳалқ баҳтини ўйлади, шу ҳалқ эрки учун курашга киради. Энди у баҳтиёр, чунки унинг Ватани бор, ҳалқни дегани учун ҳалқ унга қалбининг тўридан жой беради, у шу ҳалқ, шу юртнинг фарзанди бўлиб қолади. Ҳожи, Қоплонбек ва Аъзамлар бунақа баҳтдан бенасиб, улар на ўз юртига, на ўзгалар юртига фарзанд бўла оладилар, чунки улар ҳалқдан ажралиб қолган шахслардир. Бу хил шахсларнинг қисмати чиндан ҳам аянчли, улар фақат нафрата сазовордирлар.

Қўриниб турибдики, роман қаҳрамонларининг тақдиди роят мураккаб ҳамда драматик. Ёзувчи қаҳрамонлар ҳаётидаги драматик ўринларни уларнинг қалбига олиб ўтишда талай меҳнат қилган, психологик таҳдилга алоҳида эътибор берган. Умматалининг ноҳақ тухмат, нобоп хотин туфайли чеккан руҳий изтироблари, ота қабри устидаги аламлари нақадар ҳаяжонли! Умматали қалбида жўш

урган ҳаётга, меҳнатга ташнилик, ҳаёт ва баҳт нашидаси нақадар шиддаткор! Юрт ва фарзанд кўйида қоврилиб кул бўлган Қурбоналининг психологик портрети нақадар равшан ва таъсирчан! Ноқобил фарзанд доғида «номус касали»га гирифтор бўлган Тешабой отанинг руҳий ҳолати кескин ҳиссиётта қанчалик бой! Хусусан, Аъзам онгидағи руҳий жараёнларни айтмайсизми? Бу одам кўнглида қабих ниятлар қандай туғилди ва улар қай тариқа ҳаракатта келди – булар романда психологик жиҳатдан атрофлича асослаб берилган.

Асадаги драматизм фақат кескин руҳий ҳолатлар тарзида эмас, қаҳрамонлараро тўқнашувлар тарзида ҳам ифода этилган. «Жаннат қидирганлар» сюжети «Олтин зангламас»даги каби детектив характерда бўлганидан конфликтлар кўпроқ пинхоний тусда содир бўлади, ғоявий рақиблар кўпинча макр йўли билан бир-бирларининг пайини қирқадилар, панада туриб бир-бирларига тош отадилар. Умматали билан Аъзам, Аъзам билан Қоплонбек, Қоплонбек билан Ҳожи, Ҳожи билан Кларк орасидаги зиддиятлар худди шу тариқа ривожланади. Шу билан баробар романда персонажлараро ошкора тўқнашувлар ҳам бор. Умматали билан Қимматхон ва бош агроном, Аъзам билан Нафиса, Қурбонали билан Қоплонбек, Қоплонбек билан Абулбарака, Абулбарака билан Ҳожи орасидаги зиддиятлар шулар жумласидан. Бу тўқнашувларнинг ҳаммаси ҳам муваффакиятли чиқсан деб бўлмайди, албатта. Аммо улар ичида таъсирчанлари ҳам топилади. Чунончи, Абулбарака билан Ҳожи ўртасидаги даҳанаки олишувлар катта маҳорат билан битилган.

Ота-бала ўртасидаги бу тўқнашув, зиддият чукур ижтимоий моҳиятта эга. Романда шу хилдаги яна бир конфликт бор. Аъзам ҳам отаси Тешабойга рақиб. Бироқ бу рақиблик заминида худбинлик

ётади. Аъзам ўзининг шахсий манфаати йўлида ота олдиғаги фарзандлик бурчини унугтган оқладар. Абулбарака билан отаси орасидаги рақиблик бутунлай бошқача характерда. Бу зиддият бирмунча мураккаб, унинг замини шахсий адватларга эмас, ижтимоий манфаатларга бориб тақалади. Абулбарака ота олдиғаги бурчини ҳеч қачон унугтмайди, у оқладар эмас, ҳатто ота макридан, отасининг түккан онаси бошига солган савдолардан огоҳ бўлгандан кейин ҳам ундан юз ўтириб кетмайди: ота ҳам, ўз навбатида, ўлига меҳрибон, унинг ҳаёти, тақдир учун қайфурди, Абулбарака қамоқقا тушганда оғир изтироб чекади, фарзандини қутқариш учун қанчалар югуриб-елади! Аммо ижтимоий манфаатлар масаласига келганда ота билан бола сира келиша олмайди, ҳаётда улар танлаган йўллар бошқа-бошқа, бу йўллар уларни айириб юборади, вақт ўтган сари улар бир-бирларидан тобора узоклашиб борадилар. Бу узоклашув улар орасидаги баҳсларда жуда яққол кўринади. Мана ана шундай зиддиятли баҳслардан бири:

« – Хўш, айт-чи, ўғлим, ўша юртингдагилардан нима камлигинг бор? – деди.

– Дадажон, сиз тушунинг, гап фақат менинг ҳақимда эмас. Мен бўрсиқнинг боласидайман. Ёнимда жиринг-жиринг пул, остимда зулукдек янги машина, деганим деган, айттаним айтган.

– Тағин нима керак сенга! Ўзингни бил, ўзга билан...

– Менга, ўзимга ҳеч нарса керак эмас. Ахир мен семиришга боқилаётган сўқим эмасманки, ўз қорнимни билсам. Менинг ёру дўстим, қўни-қўшним, қўйингки, бутун бир ҳалқим бор.

Ҳожи ўғлиниң нияти қатъий эканини англади. Бу англаш унинг юрагига ваҳима солди: яна қамалса, қийналса...

— Шуни унутмаки, Абулбарака, синган қўлнинг оғирлиги бўйининг тушади. Менинг бўйним сенинг дардингни энди кўтаролмайди.

Абулбарака отасининг ташвишини дарров тушунди:

— Сиз хавотирланманг. Тўшагингизни қалин солиб ётаверинг.

— Сен ҳам энди бола эмассан...

— Кураш мардни яшартиради, қўрқоқни қаритади, — мақтаниб қўйди жўрттага Абулбарака, — қарғанинг юз йиллик умридан бургутнинг ўн йили яхши. Кишининг кучи паровознинг буғи бўлса, уни қичқиришга эмас, юргизишга бериш керак.

— Ўғлим, қийшиқ арава йўлни, ёмон элни бузади, дегандек, номинг қорага чиқиб қолмаса эди.

— Йўқ, чиқмайди. Йўл бўлса, аллақачон бузилган. Энди уни тузатиш керак.

Хожи ўйлаб туриб, ўғлини инсофга чақирмоқчи бўлди:

— «Уйимда йўқ гўжалик, қўнглим истар хўжалик», деганларнинг гапини сен қўй, ўғлим. Сенга уят! Тилингта эрк берма. Тил яхши бўлса, тошдан қаттиқ тишлардан девор қилиб, ичига қамаб қўярмиди!

— Тўғри, тил суяксизу, лекин суякни синдиради... мен индамасам, у индамаса, сиз индамасангиз, бу темир занжир бўйинни қийиб юборади-да, дада, — деди Абулбарака шошмасдан дона-дона қилиб. — Биласизми, дада, ҳаёт — велосипед. Олдинга юргизиш учун унинг ғидирагини айлантириб туриш керак.

— Олдинга юрмай ўлсин, турган-битгани ташвиш... Битта фарзандим бўлсанг...

Абулбарака яна файласуфлик қилиб, бутун юрагини очиб солди:

— Бола турилганда у оила фарзанди бўлади, эл юртта фидойилик билан хизмат этса, ҳалқ фарзан-

ди, барча ҳалқарнинг манфаатини кўзласа, йўл-йўриқ кўрсатса, башарият фарзандига айланади. Мен шу йўлдаги кишиларнинг муҳлисиман».

Бу гаплардан кейин Ҳожига ҳамма нарса аён бўлади, ўғлиниг йўли бошқа эканини, у ўзидан ғоят узоқлашиб кетганини, энди уни бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини англаб етади. Ҳожи бу ҳақиқат олдида ўзини ожиз ҳис этади: муаллиф ўша баҳсадан кейин «Сайдакбарҳожининг юраги эгаси қўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб: «Оҳ, болам, йўлинг қалтис, жуда қалтис!!» — деганича, тасбеҳ ўтириш ҳам ёдидан кўтарилиб, маҳзун чиқиб кетди», — деб ёzáди. Ҳожининг бошқа иложи ҳам йўқ эди.

«Жаннат қидирғанлар» Шуҳратнинг ҳаёт икирчикирларига ёзувчи кўзи билан қараш, икир-чикирлардан катта маънио ахтариш, майда тафсилотлар ва деталларни асар ғояси ифодасига йўналтириш, улардан бадий компонентлар, сюжет ва композиция элементи сифатида фойдаланиш, уларни характерлар моҳиятини очишга, характерлар психологиямини таҳдил этишга хизмат эттириш маҳорати ошганлигини кўрсатади. Далилларга мурожаат этайлик.

Ҳожи қизи Таманнонинг «хазон бўлган муҳаббати» эвазига кўнглини кўтариш учун «етти қароқчи» гавҳар кўзли нодир узук инъом этади. Кейинроқ бориб бу детал ёзувчига иш беради, Ҳожи билан Қоплонбек характерининг айрим томонларини очишда авторга жуда-жуда қўл келади. Таманно заҳар ичиб, ҳаёти таҳлика остида қолганда Ҳожи унинг ёнига келади, шу қалтис дамда унинг ёдига қимматбаҳо узук тушади, кўлидан бирортаси олиб қўймаса, деган андишага бориб, қизидан узоқлашгиси келмайди. Ёки Қоплонбекнинг миси чиқиб Ҳожи хонадонидан қочар экан, Таманнонинг қимматбаҳо безакларини, жумладан, ўша ноёб узукни

ўғирлаб кетади. Бу ерда узук детали сюжет элементи, қаҳрамонлар характеристига калит бўлишдан ташқари, зўр рамзий маънога ҳам эга. Таманнодаги муқаддас туйфу узук тимсолида бойликка, буюмга айланади, аникрофи, Ҳожи муқаддас туйғуни буюмга алмаштирган. Таманно атрофида гиргиттон бўлган кимсаларни унинг қалби қизиқтирмайди, Таманно уларнинг кўзига фақат буюм, молу давлат бўлиб кўринади, холос, бу буюм бемалол қўлдан қўлга ўтади, охири уни муттаҳам олғир ўғирлаб кетади.

Мана, яна бир характерли детал. Асар бошроғида шундай эпизод келтирилади. Ҳожи қизи Таманнонинг курортдан қайтиши шарафига кўй сўйиб зиёфатга тайёргарлик кўраётир. Курбонали қўйни бўғизлар экан, унинг ёнига қари ит Қоплон яқинлашади. Сўнг шундай ҳодиса юз беради:

«Курбонали уни кўриб:

— Сабр қил, жонивор, сеникини ўзим аириб бераман, бунда сенинг ҳам ризқинг бор, — деди ва уни ширин сўз билан нарироқ ҳайдаган эди, Ҳожи кесак отиб ундан ҳам нарига қувиб юборди.

— Ҳайдаманг, Ҳожи, ватанимизни кўрган ит! — деди Курбонали пичоқни кўндаланг тишлаётуб.

— Ватанимизни кўрган бўлса, бир товоқдан ош ичиб, қўйнимизда олиб ётамизми, одамдан нарироқ турсин-да!

— Эгасининг сиз билан бир товоқдан овқат ейиш даъвоси йўғу, итнинг ҳадди сифармиди, Ҳожи, қизиқ гапларни гапирасиз-а!! — ватангадолик жонидан ўтиб, кимдан аламини олишни билмай юрган Курбонали узиб оди».

Ит баҳонасида бошланган гап шу тариқа жиддий масалага — Ҳожи билан Курбонали орасидаги зиддиятларга бориб тақалади, Курбонали қалбида йиғилиб ётган аламлар шу ўринда бирдан юзага қалқиб чиқади. Сўнгра ёзувчи Курбонали кўнглида

туғилган туғён боисини изоҳлашга ўтади: «Кейинги уч-тўрт йил ичида Ҳожи Қурбоналини ўз дастурхонидан четлата-четлата, қўранинг этагидаги эски кулбага тиқиб қўйди. У билан ортиқча иши ҳам йўқ. Шу жиҳатдан у ўз тақдирни билан Қоплонникода қандайдир муштараклик кўрарди. Шунинг учун ҳам Ҳожининг итга отган кесаги унга жуда малол келган, кўнглини оғритган эди».

Ит билан боғлиқ гап-сўзлар яна давом этади. Ёзувчи итнинг бу ерларга келиб қолиш тарихини сўзлайди, унинг ҳозирги ҳолатини чизади, уни Курбонали ҳолати билан қиёс қиласди. Бу қиёсда Курбонали руҳияти, унинг фожеий қисмати бутун кескинилиги билан кўринади:

«Ана ўша... ит бугун Курбоналининг ўзиdek қариган. Итнинг ҳеч нарса билан ортиқча иши йўқ, ҳатто кўнган пашшаларини қўришга ҳам ҳафсаласи келмайди. Курбоналига ўхшаб, улкан қўранинг бир чеккасида ортиқча буюмдек ётади. Унга Курбоналигина гап қотади, тиљиз дўстининг бош қимиралиши, кўзини очиб-юмиши, думини ликиллатишидан ўзича маъно топади. Ҳатто баъзан, ўшандা, (ватандан кетиш вақтида — У. Н.) Ҳожи ҳайдаганида индамай кўя қолмасдан бу бегуноҳ маҳлуқнинг ҳам бошига мусофириликни согланидан ўксисб қўяди. Ҳарна бир ватангадо кам бўлармиди, деб ўзини кийиди. Баъзан унинг борлигидан хурсанд бўлади. Қоплон бўлмаганида ким билан дардлашар эди. ...Шу Қоплоидан бошқа доим бирга бўладиган, дилкашу ватандоши йўқ. Нима деса, эшитади, нима берса, миннатдор бўлиб ейди!»

Нарироқ бориб, Қоплонбек Ҳожи хонадонига куёв бўлиб келгандан кейин бу ит ёзувчига яна иш беради. Қоплонбекнинг бу итни кўрарга кўзи йўқ, ахир унинг исми ҳам Қоплон, унинг номи тилга олинса чўчиб тушади, «қоплон» сўзи унинг нафсо-

ниятига тегади. Буни олдиндан сезган Ҳожи Қурбоналига итнинг номини ўзгартиришни буоради, Қурбонали итта бошқа ном беради, лекин итни бунга ўргатиб бўлмайди. Бундан тоқати-тоқ бўлган Қоплонбек Қурбоналининг ҳайҳайлашига қарамай уни отиб ташлайди. Худди Тургеневнинг «Муму»сида гига ўхшаш ҳодиса рўй беради. Шўрлик хизматкор бой хонадонидаги охирги илинжидан, бирдан-бир дилкашидан ҳам бенасиб бўлади, «бир қўрага икки қоплон» ортиқчалик қиласи, одам қиёфасидаги йиртқич бегуноҳ маҳлуқнинг бошига етади. Бу ҳодиса Ҳожи хонадонини ларзага солади, оила фожиасини тезлатишга янги туртки беради. Шу ҳодисадан кейин Қурбонали бу хонадондан бутунлай юз ўтиради ва шу ҳолича оламдан ўтади.

Аввал эслатганимиздек, асарнинг тили жозибадор, образли ифодаларга жуда бой. Ёзувчининг деярли ҳар бир жумласи заминида ё мата, ё мақол, ё қочириқ, ё бирор ташбех ётади. «Олтин зангламас»даги услубий оҳанг, манера бу романда ҳам сақланади, яна ҳам такомиллашади.

Тилда образлиликка интилиш яхши, бироқ муаллиф баъзан ортиқча безакдорликка берилиб кетади, безакдорлик ва жимжимадорлик айrim ҳолларда қаҳрамонларнинг индивидуал бисотини очишга монелик қиласи, уларнинг такрорланмас қиёфасига соя ташлаб қўяди. Безакдорликка ортиқча маҳлиё бўлиб кетишнинг оқибати бўлса керак, асардаги персонажларнинг деярли ҳаммаси – Умматали ҳам, Аъзам ҳам, Нафиса ҳам, кўп йиллар хорижда, ўз элидан узоқда бўлган Ҳожи билан Қоплонбек ҳам, хорижда, хорижийлар орасида тили чиқиб эсини таниган Абулбарака билан Таманно ҳам, ҳатто француз қизи Симона билан американлик Кларк ҳам, бир талай араблар ҳам – барчабарчаси бир хил образли тилда, бир хил оҳангда

сўзлайверишиади. Бу билан биз турли миллат вакиллари образларини асарга киритаётганда муаллиф уларни ўз она тилида гапиртирисин, демоқчи эмасмиз. Хилма-хил миллат вакиллари образи тасвирида адебнинг шартлилик принципидан келиб чиқиб иш тутиши табиий бир ҳол. Бироқ турли миллат вакилларига ўзбек тилида сўз бераётганда ўша миллатнинг тилига хос аксентларни маълум даражада сақлаб қолиш имконияти бор эди. Ёзувчининг бадиий ижод тажрибасида синовдан ўтган шу имкониятлардан етарли фойдалана олмагани, шунингдек, Ҳожи, Қоплонбек, Абулбарака, Таманно каби ўз элидан ажралиб қолган шахсларнинг ўзига хос нутқий манерасини дурустровқ тайин эта олмагани учун афсусланамиз.

Бу хил камчиликларга қарамай, «Жаннат қидирғанлар» ёзувчи ижодида муҳим ҳодиса бўлди, у муаллифнинг ижодий диапазони кенгайиб, бадиий маҳорати ортиб бораёттанидан далолат берди. Роман китобхонларнинг ўша давр тарихий жараёнларини яхшироқ тушуниб олишига хизмат қиласи.

«Олтин зангламас»да бўлгани каби, «Жаннат қидирғанлар» романнда ҳам асарлар яратилган давр, ҳукмрон мафкура, сиёsat зуфуми таъсирида битилган айrim сахифалар, мураккаб, чигал ҳодисаларнинг «замонабоп» талқинлари, ечимлари учрайди. Булар баъзан беихтиёр, баъзан эса онгли равишида асарлар тақдирини ўйлаб «муросаю мадора» тарзида қилинганини ҳам сир эмас. Шу хилдаги эҳтиёт «чора-тадбирлари» кўрилганига қарамай, бу икки роман туфайли адаб бошига қандай савдолар тушгани ҳам айни ҳақиқат. Асарлар мутолааси чоғи бугунги оқил китобхон бу ҳолни албатта ҳисобга олажагига ишончимиз комил.

АДИБНИНГ БАХТИ

(Хотима ўрнида)

Қалбинга бор экан ўзга бир қудрат,
Құдратки, бошқада учрамас, камёб,
Сен уни яширма, дур қилиб тарат,
Нур қилиб ёй уни мисоли офтоб.

* * *

Китобхон, баҳтийдим, жилла бўлмаса
Қалбингта ўт эмас, учкун ташласам.

Ихсан мен танишган кунлардан тортиб то умрининг охирига қадар бу қайноқ қалб эгаси ҳамиша жўшқин илҳом оғушида яшаб ўтди. Унинг файрат-шижоатида она юрти саратонининг ҳарорати уфуриб туради, иш столи устида ҳали қиёмига етмаган қўлёзмалар тахланиб ётар, хаёли битилажак китоблар, янгидан-янги ўй-режалар билан лиммолим эди. У ўзидағи «ўзга бир қудрат»ни, «бошқада учрамайдиган камёб» истеъдодни «нур қилиб ёйиш», «дур қилиб тарқатиш», элга «офтобдек» ёйиш, шу орқали китобхон қалбига ўт ташлаш иштиёқи билан умр ўтказди. Мана шу эзгу ният, зўриштиёқ адиб ҳаётлик чоғидаёқ эътироф этилди. Шуҳрат шеърий тўпламлари, романлари такрор ва такрор катта тиражларда босилди, қўлма-қўл ўқилди. Шуҳрат ижоди Мақсад Шайхзода, Иzzат Султонов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов каби улан адабиётшунос олимлар диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Шуҳрат китобхонлар орасида ўзига жуда кўп муҳлис орттирган шоир ва адиблардан. Унинг ногимга ўқувчилардан келадиган хатларнинг кети узилмасди. Хат муаллифлари ёзувчи асарларидан олган илиқ таассуротларини маълум қиласар, истак ва хо-

зишларини изҳор этардилар ва баъзан адиб билан баҳслашардилар. Мана, шу хил хатлардан баъзи намуналар, айрим сатрлар. Ҳисорлик боғбон Гулчехра Гимматова ёзади: «Шуҳрат ака, фахрлансангиз арзийди, асарларингиз билан Ҳисор төгларида яшаётган бир оддий аёлни адабиёт гулшанига бошлаб бормоқдасиз... Сизнинг кўп шеърларингизни, балладаларингизни ўқиб чиқдим. Сизнинг қуёш нуридай порлоқ, баҳордай оромбахш, тонгдай пок шеърларингизда дўстлик, инсонпарварлик, озодлик, тинчлик, меҳнат ва ҳаётта чорловчи соғ овоз янграйди. Сиз ҳаёт яратувчи аёлни, тарих яратувчи инсонни улувлайсиз, инсоннинг юрак тўлқинларини куйлайсиз. Менга, айниқса, сизнинг лирик шеърларингиз ёқади, уларни севиб ўқийман». Ўша китобхоннинг иккинчи бир хатида шуларни ўқиймиз: «Сизнинг янги шеърларингизни ўқидим. Сиз билан бирга Қримда кездим, Қора дengиз тўлқинларида қулоч отиб суздим. Юз минглар мозорига ҳам бирга гулчамбар қўйдим».

Лъвовлик китобхон Н. Я. Вильченко ёзувчига йўллаган мактубида дейди: «Шинелли йиллар»ни мароқ билан ўқидим, унда тасодифан, бир талай дўстларимни учратдим. Айтишим керак, китоб яхши ёзилган, мазмуни менга ёқди».

«Сизнинг «Шинелли йиллар»ингизни қўлдан ўймай ўқиб чиқдим,—деб ёзади қозогистонлик Абдулла Шарипов.— Эҳтимол, Ватан уруши иштирокчиси бўлганимданми, фронт ҳаёти, жангчилар образи тасвири менга жуда маъқул бўлди. Худди ўзимнинг кўрганларимга ўхшайди, бамисоли мени ва менинг дўстларимни ёзисиз. Айрим шахсларнинг, чунончи, Турдиев ва Анна Ивановналарнииг тақдирни билан танишиб дардим янгиланди».

Хусусан, «Олтин зангламас» китобхонларга жуда манзур бўлди. Ҳали роман «Шарқ юлдузи»да боси-

либ улгурмасданоқ адаб номига хатлар ёғила бошлиди. «Романи зўр ҳаяжон билан ўқияпмиз, қойилмиз, давомини сабрсизлик билан кутамиз». Қисқа бир муддат ичида ёзувчи номига келган юздан ортиқ мактубнинг деярли ҳаммасида шу хил сўзларни ўқиш мумкин. Адебнинг кейинги романи «Жанинат қидирганлар»ни ҳам китобхон яхши қабул қилди.

Демак, ёзувчининг муроди ҳосил, у китобхонлари кўнглига учқунгина эмас, ўт солиб қўйгани, китобхонлар унинг асарларидан зўр завқ, катта маънавий озиқ олгани юқоридаги сатрлардан ҳам сезилиб туриди. Энг муҳими, ёзувчи асарлари ўқувчилар учун «муҳабbat ва нафрат илми» вазифасини ўтарди, адебнинг шеър ва романлари китобхонларни ёмон нарсалардан ҳазар қилиш, яхши нарсаларни ардоқлашга, Ватанини, ҳаётни севишга, ҳалқ тақдиди, баҳти ҳақида ўйлашга, эл-юрт манфаати йўлида курашга ундади. Кўпдан-кўп мактублардаги илиқ сўзлар шундан далолат беради. Адеб ҳар қадамда кенг жамоатчилик меҳр-муҳаббатини, кўмагини ҳис этиб турди. Бу ҳол унга куч-куvvват баҳш этди, уни янги ижодий парвозларга ундади.

Шуҳрат фақат асарлари билан эмас, шахсий ҳаётдаги ибрати, қалб саховати, самимияти билан ҳам эътибор қозонди. У ҳар доим устозлар ҳурматини жойига қўяр, тенгдошлари меҳнатини юксак қадрлар, ёшларга раҳнамолик қилар, ҳаётда, ижодда ўз йўлини топиб олишида меҳр-мурувватини аямасди. Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева, Сайёр, Юсуф Шомансур, Азиз Абдураззоқ, Муҳаммад Али, Усмон Азим каби ўнлаб ёш қаламкашлар Шуҳрат меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлганлар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ВалиFaфуровнинг игна билан ёзилган «Вафодор» романининг рўёбга чиқишида ҳам Шуҳратнинг хизмати катта бўлган, ногирон ҳаваскор

қаламкаш қўлёзмаси тажрибали адебнинг адабий жиҳатдан жиддий таҳрири орқали китоб ҳолига келган.

Айрим ҳамкасларимиз Шуҳрат акани нуқул жабрдийда, меҳнатлари ўз вақтида қадрланмаган баҳтсиз одам, омадсиз ижодкор тарзида кўрсатишига уринадилар. Бир қараашда шундай туюлади. Дар ҳақиқат, у шафқатсиз замонларда яшаб ижод этди, тақдиди азал бу одам бошига оғир синовларни, кўп мушкул савдоларни солди: фашизмга қарши жангларда неча бор яраланди; асрнинг энг даҳшатли вабоси большевизм қатағони қурбони бўлди; умрининг сўнгти ўн иили оғир хасталиқда кечди, асарлари теварагида бўхтонлар уюштирилди. Буларнинг устига ҳаётлигида расмий доираларда ижодий меҳнати муносиб тақдирланмади... Бироқ у Оллоҳ инъом этган мустаҳкам эътиқод, чексиз сабр-бардош туфайли шунча кўргиликларнинг барчасини енгиб ўтиб, ўнлаб жилдларга жо бўладиган чин ҳақиқат ва нурли туйғулар билан йўғрилган асарлар яратишга эришди, умрининг сўнгти кунларига қадар кўлдан қаламини қўймади. Булар баҳт, омад эмасми! Шуҳрат умр бўйи орзу қилган, қалбининг тўрида сақлаган армони, асл тилаги – Мустақиллигимизнинг ilk қадамларига шоҳид бўлди. Элмурод, Содик каби қаҳрамонларининг ўз она юртида ўзига бек, ўзига содик бўлиб яшаш учун нурли кунлар келганини дил-дилдан қутлашга мушарраф бўлди. Бу чин баҳт эмасми! Унинг шеър ва романлари ўша машъум замонларда ҳам эл орасида катта шуҳрат қозонган эди, мустақиллик йилларида ҳам шуҳратини йўқотмади, қайта-қайта нашр этилаётир. «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси» унвони, вафотидан кейин эса «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Булар баҳт, омад эмасми! Вафодор умр йўлдоши Турсуной опамиз билан ўтган totли кун-

лар, катта файзли оиласа бош, аломат қиз ва ўғилларга ота, ўнлаб набираю эвараларга бобо бўлиш баҳт эмасми! Кўплаб ёш ижодкорларга устоз бўлиш, муҳтоҷлар кўнглини олиш, юзлаб дўсту биродарлар, ҳамкаслар кўнглида яхши хотиралар қолдириш баҳт эмасми! Китоб ҳолида чоп этилган ва яна ёзилаётган эсдаликларда кўрк тўкиб турган адидининг ёрқин сиймоси аллақачон миллатнинг ифтихорига айланиб улгурган. Қисқаси, ёник қалби, букилмас, покиза имон-эътиқоди, шу хислатлар уфуриб турган сара асарлари орқали XX аср талотумларидан омон ўтиб, шу қутлуғ кунларга етиб келиши – Яраттанинг бебаҳо тухфаси. Бош асари номини унинг ўзига, шахсиятига, ижодий меросига ҳам нисбат бериш мумкин – дарҳақиқат, **олтин зангламас!**

АДИБ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1918 йил 19 апрель – Шуҳрат (Алимов Ғулом Аминжонович) Тошкент шаҳри Ҳастимом (Ҳазрати Имом) маҳалласида тувиљди.

1932 – 1933 йиллар – Транспорт техникиумида ўқиди.

1934 – 1936 йиллар – Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрлаш институтида ўқиди.

1934 – 36, 1955 – 58, 1960 – 70 йиллар – Ёзувчилар уюшмасида турли лавозимларда ишлади.

1936 – 1940 йиллар – Тошкент давлат педагогика институтида таълим олди.

1940 йил – «Мехрол» номли эртак-достони китоб ҳолида чоп этилди.

1940 – 1943 йиллар – армияда хизмат қилди, сўнг фашизмга қарши урущда иштирок этди.

1947 – 1957 йиллар – «Шинелли йиллар» романни устида ишлади.

1948-50, 1960-70 йиллар – «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида ишлади.

1948 йил – «Ҳаёт нафаси» китоби босилди.

1951-1955 йиллар – қатагон қилиниб, қамоқ лагерларида бўлди.

1961 йил – «Сенинг севгинги» шеърий китоби чоп этилди.

1964 йил – «Ишқингда ёниб» лирик шеърлар китоби чиқди.

* 1965 йил – «Олтин зангламас» романни «Шарқ юлдузи» журналининг 7,8,12-сонларида эълон этилди, 1967 йили китоб ҳолида босилди.

1968 йил – «Жаннат қидиргандар» романни китоб ҳолида нашр этилди.

1970 йил – «Беш кунлик күёв» комедияси дунёга келди.

1971 йил – «Қўша қаринглар» комедияси ёзилди.

1973 йил – «Она қизим» драмаси яратилди.

1976 йил – «Шайдо қўнтил» шеърий китоби чиқди.

1978 йил – «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» узвони берилди.

1984 йил – «Ҳали тун узоқ» шеърий китоби босилди.

1986 йил – «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» узвони билан тақдирланди.

1993 йил – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий Ёраги билан тақдирланди.

1993 йил 20 шонъ – 76 ёшида вафот этди.

1998 йил 16 май – адид таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб хотира кечаси ўтказилди.

2003 йил – вафотидан сўнг «Буюқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

МУНДАРИЖА

Бобур АЛИМОВ. Муборак хотира	3
Абдулла ОРИПОВ. Шуҳрат сиймоси	8
Эркин ВОҲИДОВ. Мерғанлик мактаби	10
Сайд АҲМАД. Уч мунгли қўшиқ	13
Одил ЁҚУБОВ. Ўзлари ҳам, сўзлари ҳам дилбар адиб	23
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ. Шуҳратли Шуҳрат ака	26
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Ай, Шуҳрат акам-а	32
Иброҳим ФАФУРОВ. Ҳақгўй адиб ва инсон	47
Ҳаким НАЗИР. Ўчмас хотира	53
ШУКРУЛЛО. Ижодкор матонати	60
Пиримкул ҚОДИРОВ. Маънавий жасорат	66
Иброҳим РАҲИМ. Номи ўчмайди	75
Нуридин МУҲИТДИНОВ. Орзулари кўп эди	78
Пўлат МҮМИН. Шуҳратнинг шуҳрати	81
Матёкуб ҚЎШЖНОВ. Ўтдан ҳам, сувдан ҳам	85
Фахриддин УМАРОВ. Фидойи	93
Ўткир ҲОШИМОВ. Ҳалоллик	97
Усмон АЗИМ. Шуҳрат аканинг жияни	101
Саъдулла СИЁЕВ. Ёруғ излар	118
Маъруф ЖАЛИЛ. Сабоқ	121
Ойдин ҲОЖИЕВА. Яхшилик	127
Йўлдош СУЛАЙМОН. Баҳорнинг оппоқ гуллари	132
Муҳаммад АЛИ. Сўнмас чироқ	137
Анвар ОБИДЖОН. Жаннатни ўзингдан қидир	142
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ. Ватанишарвар адиб	150

Наим КАРИМОВ. Дунёнинг шодлиги шоир мулкидир	155
САЙЁР. Мехрибоним	164
Раҳим МУҚИМОВ. Чин инсон ва ажойиб ижодкор эди у	170
Сайд АЛИЕВ. Шуҳрат Бухорода	181
Абдуманноз РАҲИМЖОНОВ. Дўстим, маслаҳатчим эди	188
Шуҳрат РИЗАЕВ. Умр карвони	192
Ашурали ЖЎРАЕВ. Бир учрашув ҳаяжони	202
Музаффар АҲМАД. Домланинг ҳикмати	209
Рауф ТОЛИБ. Жонкуяр устоз	215
Наримон ОРИФЖОНОВ. Шогирд таъзими	221
Тўлқин МУҲИТДИН. Хотира – қалб ёзуви	226
Тўлқин ҲАЙИТ. Рост сўзни айтиб юр	230
Эркин САМАНДАР. Мехр поёнсиз экан	237
Умарали НОРМАТОВ. Олтин зангламас	245

Шуҳрат замондошлар хотирасида. / Тўпловчи
ва нашрга тайёрловчи Ашурали Жўраев. Масъул
муҳаррир: Ш.Мансуров. – Т.: «O'zbekiston» нашри-
ёт-матбаа ижодий уйи. -2008. -352 б.+40 б. вкл.

ISBN 978-9943-01-217-2

ББК 83.3(5У)6

ШУҲРАТ ЗАМОНДОШЛАР
ХОТИРАСИДА

Мухаррир *Т. Назаров*

Бадиий мухаррирлар *Ж. Адилов, Н. Ваденова*

Техник мухаррир *Т. Харитонова*

Компьютерда тайёрловчи *Н. Бегматова*

Босишига руҳсат этилди 11.04.2008. Қороз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$.
Балтика гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли босма
табори $18,48 + 2,1$ рангли варак. Нашр табори $15,62 + 2,26$.
2000 нусха. Буюртма № 08-70. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100100-Т